Г.Ғ.УМАРОВА

# ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ

**Лойиҳалар таҳлили**

Г.01
У-47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**Г.Ғ.УМАРОВА**

# «ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ (ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛИ)»

## ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**(5231900 - «Корпоратив бошқарув» таълим йўналишидаги бакалаврлар учун «Инновация ва инвестицияларни бошқариш (лойиҳалар таҳлили)» фанини ўқитишга мўлжалланган)**

118070
TTDIU
kutubxonasi
43

**Тошкент – 2020**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори,

*техника фанлари доктори.*

**Баҳодир Очилбоевич ОНОРБОЕВ** таҳрири остида

**UDK:** 30.4.25.221

**Илмий муҳаррир:**

**Х.Ҳ.Камилова** – *ТТЕСИ проректори, профессор*

**Тақризчилар:**

1. **М.М.Мирзакаримова** – *ТТЕСИ «Корпоратив бошқарув» кафедраси доценти, иқтисод фанлари доктори*

2. **И.А.Бакиева** – *ТДИУ «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди*

**ISBN:** 97899436593-7-7

**KBK:** 65.9(5O'zb)

**Умарова Г.Ғ.** «Инновация ва инвестицияларни бошқариш (лойиҳалар таҳлили)». Ўқув қўлланма. –Тошкент. "Наврўз", 2020. -198 бет.

Тошкент ©

## *АННОТАЦИЯ*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва улардан фойдаланишни тақозо этади. Ушбу ўқув қўлланмада инновация ва инвестицияларни бошқариш (лойиҳалар таҳлили)нинг назарий ва амалий асослари кенг ёритилган. Ўқув қўлланма 5231900 - "Корпоратив бошқарув" таълим йўналишидаги бакалаврлар, иқтисодиётга йўналтирилган факультетлар талабалари, катта илмий ходим-изланувчилар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг шу соҳадаги ўқитувчилари ҳамда корхоналарнинг иқтисодий бўлим ходимлари учун мўлжалланган.

## *АННОТАЦИЯ*

В национальной программе по подготовке кадров поставлены конкрентные задачи по созданию и эффективному использованию нового поколения учебников и учебных пособий, отвечающих требованиям рыночной экономики и реалиям сегодняшнего дня. В данном учебном пособии широко освящены теоритические и практические основы управления инновациями и инвестициями (анализ проектов). Учебное пособие предназначено для бакалавров, обучающихся по направлению 5231900 - «Корпоративное управление», старших научных сотрудников – соискателей, студенов экономического факультета, а также преподователей и работников экономических служб предприятий.

## *ANNOTATION*

The main tasks of cadre teacting national program are writing and effectively using new textbooks which are suitable to present requirement and market economic. Theoretical and practical principles of management with innonations and investments are widely presented in this textbook. This textbook is writen for bachelors who specialize for «Korporative management» - 5231900, high scientific specialists, students of economic departments, teachers and workers of economic sections.

# МУНДАРИЖА


| | | бетлар |
|---|---|---|
| | Кириш | 7 |
| 1-боб. | **Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инновацияларнинг тутган ўрни, инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари ва интеллектуал мулкни тартибга солиш** | 9 |
| 1.1. | Бозор иқтисодиётида инновация | 9 |
| 1.2. | Инновацион стратегия | 11 |
| 1.3. | Давлат ва корхоналарнинг инновацион стратегияси | 18 |
| 1.4. | Инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари | 23 |
| 1.5. | Интеллектуал мулк моҳияти ва уни қонунчилик доирасида тартибга солиш | 29 |
| 2-боб. | **Инновацион бошқарувга илмий-тизимли ёндашув, инновацион фаолиятни молиялаштириш ва инновацион лойиҳалар риски** | 34 |
| 2.1. | Бошқарувнинг ташкилий таркиби | 34 |
| 2.2. | Лойиҳавий қарорларни излаш усуллари | 36 |
| 2.3. | Лойиҳаларни бошқариш услубиёти | 41 |
| 2.4. | Инновацион фаолиятни молиялаштириш | 45 |
| 2.5. | Инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги рисклар | 49 |
| 3-боб. | **Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми ва унинг ҳуқуқий асослари. Инновацияларни қўллашнинг хориж тажрибаси** | 53 |
| 3.1. | Инновацион тадбиркорлик | 53 |
| 3.2. | Инновацион фаолиятни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари | 66 |
| 3.3. | Чет элларда инновацияни қўллаш тажрибаси | 72 |
| 4-боб. | **Инвестицион лойиҳа, уни бошқариш, унинг бизнес-режаси ва таҳлили** | 84 |
| 4.1. | Инвестицион лойиҳа. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш | 84 |
| 4.2. | Инвестицион жараён. Инвестицион жараёнлар параметрлари | 90 |
| 4.3. | Инвестицион лойиҳанинг бизнес-режаси | 100 |
| 4.4. | Инвестицион лойиҳа таҳлили | 115 |
| 5-боб. | **Инвестиция лойиҳалари самарадорлиги ва рискини баҳолаш усуллари. Портфель инвестициялар** | 118 |
| 5.1. | Самарадорликни баҳолаш усуллари | 118 |
| 5.2. | Рискларни баҳолаш ва таҳлил этиш усуллари | 131 |
| 5.3. | Портфель инвестициялар ва уларнинг даромаддорлигини аниқлаш | 140 |
| | Иқтисодий атамалар изоҳи | 170 |
| | Адабиётлар рўйхати | 180 |

# СОДЕРЖАНИЕ


| | | стр. |
|---|---|---|
| | Введение | 7 |
| 1-глава. | **Место инноваций в развитии национальной экономики, вопросы развития инновационной деятельности и регулирование интеллектуальной собственности** | 9 |
| 1.1. | Инновация в рыночной экономике | 9 |
| 1.2. | Инновационная стратегия | 11 |
| 1.3. | Инновационная стратегия государства и предприятий | 18 |
| 1.4. | Задачи развития инновационной деятельности | 23 |
| 1.5. | Сущность интеллектуальной собственности и её регулирование в рамках законадательства | 29 |
| 2-глава. | **Научно-системный подход к инновационному управлению, финансирование инновационной деятельности и риск инновационных проектов** | 34 |
| 2.1. | Организационная структура управления | 34 |
| 2.2. | Методы поиска проектных решений | 36 |
| 2.3. | Методы управления проектами | 41 |
| 2.4. | Финансирование инновационной деятельности | 45 |
| 2.5. | Риски в реализации инновационных проектов | 49 |
| 3-глава. | Механизм стимулирования инновационной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан и её правовые основы | 53 |
| 3.1. | Инновационное предпринимательство | 53 |
| 3.2. | Правовые основы регулирования инновационной деятельности | 66 |
| 3.3. | Зарубежный опыт пользования инновациями | 72 |
| 4-глава. | **Инвестиционный проект. Управление, бизнес-план и анализ инвестиционного проекта** | 84 |
| 4.1. | Инвестиционный проект. Управление инвестиционными проектами | 84 |
| 4.2. | Инвестиционный процесс. Параметры инвестиционных процессов | 90 |
| 4.3. | Бизнес-план инвестиционного проекта | 100 |
| 4.4. | Анализ инвестиционного проекта | 115 |
| 5-глава. | **Методы оценки эффективности и риска инвестиционных проектов** | 118 |
| 5.1. | Методы оценки эффективности | 118 |
| 5.2. | Анализ рисков и методы их оценки | 131 |
| 5.3. | Портфельные инвестиции и определение их доходности | 140 |
| | Глоссарий | 170 |
| | Список литературы | 180 |

# CONTENT


| | | pages |
|---|---|---|
| | Introduction | 7 |
| 1-chapter. | **The place of innovations in development national economy, problems of development innovative activity and regulation of intellectual property** | 9 |
| 1.1. | Innovation in market economy | 9 |
| 1.2. | Innovative strategy | 11 |
| 1.3. | Innovative strategy of state and enterprises | 18 |
| 1.4. | Tasks of development of innovative activity | 23 |
| 1.5. | The essence of intellectual property and its regulation in the frame of legislation | 29 |
| 2-chapter. | **Scientific-system approach to innovative management, financing innovative activity and risk of innovative projects** | 34 |
| 2.1. | Organization structure of management | 34 |
| 2.2. | Methods of searching project decisions | 36 |
| 2.3. | Methods of regulating projects | 41 |
| 2.4. | Financing innovative activity | 45 |
| 2.5. | Risks in realization of innovative projects | 49 |
| 3-chapter. | **Mechanism of stimulating innovative activity of business in the Republic of Uzbekistan and its legal basis** | 53 |
| 3.1. | Innovative business | 53 |
| 3.2. | Legal basis of regulating innovative activity | 66 |
| 3.3. | Foreign experience of using innovations | 72 |
| 4-chapter. | **Invest project. Management, business plan and analysis of invest project** | 84 |
| 4.1. | Invest project. Management with invest projects | 84 |
| 4.2. | Invest process. Parameters of invest processes | 90 |
| 4.3. | Business plan of invest project | 100 |
| 4.4. | Analysis of invest project | 115 |
| 5-chapter. | **Methods of estimating efficiency and risks of invest projects** | 118 |
| 5.1. | Methods of estimating efficiency | 118 |
| 5.2. | Analys of risks and their methods of estimating | 131 |
| 5.3. | Case invests and determining their benefits | 140 |
| | Glossary | 170 |
| | Hist of literature | 180 |

*«Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади»*

***Ш.М.МИРЗИЁЕВ***

# КИРИШ

Барчамизга маълумки, 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб номланди ва махсус давлат дастури қабул қилинди. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг тармоқларида истиқболли инновацион ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш орқали янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, энг аввало, самарали иқтисодий фаолиятни ташкил этишни ва тўғри йўналтирилган саноат сиёсатини олиб боришни тақазо этади. Бунда ишлаб чиқариш корхоналари ўзининг барча ички имкониятларидан тўла фойдаланиш орқали реал сектор тармоқларини кенгроқ ривожлантириши асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларини самарали бошқариш тизимини ташкил этишда корпоратив бошқарувни замонавий ривожлантириш йўллари, корпорация амалиётида корпоратив бошқарув стандартларини киритишда рағбатлантириш, корпоратив тузилмалар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий акциядорлик жамиятларни янада ривожлантириш дастуридаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамиятларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, инвестицияларни жалб этиш, инновацион жараёнларни ривожлантириш корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият юритаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Корпоратив бошқарувнинг самарали ривожланишига эришиш унинг асл моҳиятини чуқур англаш ва тушунишни, унинг илмий соҳа сифатида шаклланишига имкон берган илмий-назарий ёндашувларини тадқиқ қилишни талаб қилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик

жамиятларида халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши самарали корпоратив бошқарув тизими кенгроқ жорий қилинишини талаб этмоқда. Демак, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш иқтисодиётнинг барча соҳаларига инвестицияларни жалб этишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикасида ўз миллий корпоратив бошқарув моделини шакллантириш жараёни бошланғич босқичларида турганлиги сабабли корпоратив бошқарувни тадбиқ этиш ва уни келажакда истиқболли ривожлантириш, иқтисодиётнинг у ёки бу модели муаммоларини ҳал этишга қаратилиши ўқув қўлланманинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятлар иқтисодий негизи кескин ўзгариб бормоқда. Кўп укладли иқтисодиёт бўлганлиги учун турли мулк шаклларига асосланган акциядорлик жамиятлар амалий фаолият олиб бормоқдаки, уларнинг таҳлилини олиб бориш, баҳолаш, улар тузилмасидаги ўзгаришларни кенг илмий тадқиқ этиш, улар фаолиятига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодиётда ўзига хос барқарор мавқеига эга бўлиши бевосита инновация ва инвестициялар фаолиятига боғлиқдир. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг тармоқларида истиқболли инновацион ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш орқали янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, энг аввало, самарали иқтисодий фаолиятни ташкил этишни ва тўғри йўналтирилган саноат сиёсатини олиб боришни тақазо этади. Бунда ишлаб чиқариш корхоналари барча ички имкониятларидан тўла фойдаланиш орқали реал сектор тармоқларини кенгроқ ривожлантириш асосий вазифа ҳисобланади.

Тавсия этилаётган ўқув қўлланма Олий таълимнинг 230000 – «Иқтисод» соҳасидаги 5231900 - «Корпоратив бошқарув» таълим йўналишидаги бакалаврлар учун мўлжалланган бўлиб, инновация ва инвестицияларни таҳлил қилиш йўлларини ва усулларини билиш, турли иқтисодий математик моделлар ёрдамида таҳлил қилиш, истиқболлаш ва баҳолашни амалга ошириш йўлларини, инновация ва инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар, инновация ва инвестициялар бозорида вужудга келиши мумкин бўлган турли вазиятларни мантиқий эвристик ва иқтисодий-математик моделлар орқали баҳолашни амалга оширишни, фирманинг инвестиция стратегиясини танлаш ва инвестицион лойиҳалар бўйича турли ҳолатларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш кабиларни ўз ичига олган.

Мазкур ўқув қўлланма «Корпоратив бошқарув» таълим йўналиши ўқув режасидаги «Инновация ва инвестицияларни бошқариш (лойиҳалар таҳлили)» фанининг дастури асосида яратилган.

# I-боб. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инновацияларнинг тутган ўрни, инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари ва интеллектуал мулкни тартибга солиш

## 1.1. Бозор иқтисодиётида инновация

**Инновациянинг мазмуни ва моҳияти.** "Инновация" сўзининг маъноси инглиз тилидаги «innovation» сўзидан олинган бўлиб, «янгилик» ва «янгилик киритиш», деганини билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим. Янгиликни бозорга киритиш жараёнини тижоратлашиш жараёни, деб аташ лозим. Янгиликнинг пайдо бўлиши ва уни ҳаётга татбиқ этилиши оралиғидаги вақт "инновацион лойиҳа", деб аталади. Кунлик амалиётда, одатда, янгиликлар, янгилик киритиш, инновация тушунчаларини ўхшатиш кўп учрайди. Қачонки ҳар қандай кашфиётлар, янги воқеалар, хизматлар ва усуллар хиллари тарқалишига қабул қилинса (тижоратлашиш) ўшанда халқ оммаси томонидан тан олинади. Ҳукуматимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев ўзларининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги №ПФ-4947 сонли Фармонидаги 4-қисмда "Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш керак", деб таъкидлайдилар.[1]

Бизга маълумки, маҳсулот сифатини ёки хизмат сифатини ўзгартириш ресурслар сарфланишини (энергия, вақт, молия ва бошқалар) талаб қилади. Янгиликни (новация) янгиликни киритиш жараёни (инновация)га ўтказилиши жараёни ҳам ҳар хил ресурсларни талаб қилади, улардан энг муҳимлари - инвестиция ва вақт ҳисобланади. Иқтисодий муносабатлар тизимига ўхшаш бозор шароитларида товарнинг хариди ва сотуви доирасида шаклланадиган талаб, таклиф ва нархларда, асосий инновацион фаолият компоненти сифатида янгилик, инновация - янгилик киритиш намоён бўлади. Янгиликлар янгиликлар бозорини шакллантиради, инвестициялар капитал бозорини, янгилик киритиш эса бозордаги соф рақобатни шакллантиради.

Инвестиция кенг маънода янги технологиялар, турли маҳсулотлар ва хизматлар, ташкилий-техник ва ижтимоий-иқтисодий қарорлар шаклида ишлатилиши тушунилади. Янгиликнинг тузилиши, яратилиши ва тарқалиши жараёни «инновациянинг ҳаётий цикли» дейилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. 2017 й., № 6, 70-б.

Янгиликлар бозори (новациялар). Бозорни асосий маҳсулоти бўлиб, интеллектуал фаолиятнинг илмий ва илмий-техникавий, натижавий маҳсули ҳисобланади. Унга муаллифлик ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар (бу ҳуқуқлар халқаро, республика, кооператив ва бошқа қонуний, меъёрий актлар таъсири доирасида бўлади) тааллуқлидир.

**Инновациянинг мақсадлари.** Корхона инновацион менежментининг мақсадлари фирманинг вазифаси, унинг фалсафаси, анъаналари ва ташкилотнинг ҳаётий даври билан боғлиқ.

Замонавий иқтисод хўжалик фаолиятининг субъекти – бу корхона, компания, фирма, корпорация, яъни фаолиятнинг ҳар хил турлари, шериклар, мулкни эркин танловчи ва давлат олдида белгиланган мажбуриятларга эга юридик шахсдир.

Фирма стратегик ва оператив мустақилликка эга, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турлари технологик ва ташкилий тузилмани белгилайди, бозордаги хулқ ва жойлашиш масалаларини ҳал қилади.

У мақсадлар тузумига эга, улар фирма ривожланишининг ташқи муҳити ва ички эҳтиёжларининг таъсири билан белгиланади.

Корхона инновацион фаолиятининг унинг ички эҳтиёжлари нуқтаи назаридан мақсадлари барча ишлаб чиқариш тизимларини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, илмий, илмий-техник, ақлий ва иқтисодий салоҳиятлардан самарали фойдаланиш асосида корхона рақобат афзалликларини кўтаришдан иборатдир.

Ижтимоий мақсадлар ходимлар иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоялашни оширишга қаратилгандир.

Инновацион мақсадлар салоҳиятини янгиликларни ишлаб чиқиш, патентлаштириш ва лицензиялаштириш бўйича ишларни ўтказиш, ноу-хаулар, янги саноат намуналари, товар белгилари ва ҳ.к. харид қилиш билан боғлиқдир.

Фирманинг янгиликларини тижоратлаштириш соҳасидаги мақсадлари кейинчалик сегментини кенгайтириш ва янги бозорларга бостириб кириш билан бозорда мустаҳкам ҳолатни эгаллаш учун фаол маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ўз ичига олади.

Инновацион менежментнинг устувор мақсадлари инновацион фаолиятни фаоллаштириш асосида ташкилотни ўсиши ва ривожланиши, янги товарлар ва янги технологияларни бозор томонига фаол ҳаракатлантириш, иқтисодий тараққий этиш ва янги бозорларга бостириб киришни фаол ўсиши учун ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларидан фойдаланишдан иборатдир.

**Инновациянинг ривожланиш тенденциялари.** Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацияларни баён қилиш методологияси халқаро стандартларга асосланади. Фан ва инновациялар ҳақидаги ахборотларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида фан ва техника кўрсаткичлари бўйича миллий экспертлар гуруҳи ташкил қилинган, Фраскати

қўлланмаси («Тадқиқотлар ва тажриба ишланмаларини текширишлар учун таклиф қилинаётган стандартли амалиёт») ишлаб чиқилган. Ҳужжат бундай номни тавсияларнинг биринчиси 1963 йилда итальян шаҳри Фраскатида қабул қилинганлиги муносабати билан олган.

Фраскати қўлланмасидаги қоидаларга даврий равишда аниқликлар киритилади, бу миллий ва халқаро даражалардаги илмий-техник сиёсат стратегияси, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ташкил қилишдаги ўзгаришлар билан асосланади. Фраскати қўлланмаси (1993 й.)нинг охирги таҳрирларидан биридан илмий тадқиқотлар ва ишланмалар (ИТТКИ), уларнинг таркиби ва чегаралари, ҳамда тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд бўлган ходимлар сонини ўлчаш услубиётига тегишли асосий тушунчалар мавжуд.

Технологик инновациялар ҳақидаги маълумотларни тўплаш услубиёти 1992 йилда Осло шаҳри (Норвегия)да қабул қилинган тавсияларга асосланади. У "Осло қўлланмаси" номини олган.

Халқаро стандартларга мувофиқ, инновация бозорга тадбиқ этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ёки амалий фаолиятда фойдаланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув кўринишида рўёбга чиққан инновацион фаолиятнинг якуний натижаси сифатида белгиланади.

**Таянч иборалар:** инновация, новация, инновацион фаолият, инвестиция, инновациянинг мақсадлари, технологик инновациялар.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновациянинг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?
2. Инновациянинг мақсадларини биласизми?
3. Инновациянинг ривожланиш тенденцияларини айтиб беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг иқтисодий аҳамияти.

## 1.2. Инновацион стратегия

**Инновациянинг иқтисодий аҳамияти.** Инновацион концепциялар ғояларни бошидан то амалга ошириш учун қамраб оладиган жараёнларни қамраб олиши лозим. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг 70 % самарадорлиги янги техника ва технологияни жорий этилганлигидан далолат беради.

Илмий-техник тараққиёт, айниқса, ҳозирги босқичда – илмий-техник инқилоб, кўп турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бир вақтни ўзида ижтимоий харажатларни тежаш имконини бермоқда.

Ижтимоий истеъмолни илмий янгилик асосида самарали қондириш имконияти туғилмоқда.

Албатта янгиликлар тез жорий қилишга ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Эски маҳсулот билан янги маҳсулот орасидаги фарқлар, тафовутлар солиштириш юзасидан кўп янгиликлар ихтиро қилинмоқда.

Охирги йилларда инновация сўзи тез такрорланмоқда. Бу атама янгилик сўзи билан жуда ўхшашдир.

"Innovatsiya" лотинчадан олинган бўлиб, "*innovus*" (*in* - ичида ва *novus* - янги) мазмунда янгиликни билдиради. Янгилик эса янги маҳсулот, жараён ва хизматни англатади.

Инновацион жараённи моддий жиҳатдан янгиликни (янги маҳсулот, материаллар, жараёнлар, услублар ва ҳ.к.) ҳамда янгиликлар жараёни сифатида эса улар ўзгаришлар сифатида қаралиб, яратиш ишлар, ўзлаштириш, тарқатиш ва фойдаланишга қаратилади. Иккинчи жиҳатдан янгилик натижа сифатида ҳам қаралади. Чунки вақт мобайнида ривожланиш босқичлари ва даражалари янгиликда акс этади.

Инновацион шакл жамият ривожланиши билан вужудга келган бўлиб, инновация инсон фаолиятининг барча соҳалари, жамият тўқималарининг таркибига сингиб кетган, деб фараз қилинади. Инновация тушунчасининг мазмуни қисқача қайта кўриб чиқилганда, қандайдир янги ва албатта тегишли ҳимояловчи ҳужжат томонидан ҳимояланган, деган мазмунни англатади.

Буни икки сабаб юзасидан қайта кўриб чиқиш мумкин. *Биринчидан*, ҳеч қандай ҳимояланган ҳужжат, ҳаттоки, қонунга итоатли жамиятда ҳам интеллектуал мулкка бўлган барча қонуний ҳуқуқни ҳимоя қилишга юз фоиз кафолат бермайди (ҳолбуки, инсоннинг интеллектуал фаолият натижаларининг барчаси истисносиз инновация, яъни интеллектуал мулк объекти ҳисобланади). *Иккинчидан* эса, ҳар қаерда ва барча инновация турларини узоқ вақт қонун бўйича ҳуқуқий ҳимоя қилиш мумкин эмас. Агар қуйидаги инновация турларини диққат билан кўздан кечирганда, бу тушунарли бўлади:

- технологик инновациялар;
- экологик инновациялар;
- ташкилий-ишлаб чиқариш инновациялари;
- бошқарув инновациялари;
- ҳарбий (ҳарбий-стратегик) инновациялар;
- иқтисодий инновациялар;
- ижтимоий-сиёсий инновациялар;
- давлат-ҳуқуқий инновациялари;
- маънавият соҳасидаги инновациялар (фан, маданият, этика, маориф ва ҳ.к).

Ҳозирги замон шароитида коммерцализация ва трансфер потенциали 0 га тенг инновациянинг ўзинигина, яъни инновацияни муаллиф мавжудлигининг у ёки бу чораси сифатида таҳлил қилиш мумкин.

Инновациянинг моҳияти, кўлами ёки инновацион потенциали унинг жуда муҳим параметрлари ҳисобланади. Ушбу белгилар бўйича барча инновацияларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- базис инновациялари (жараёнларни ёки инсон фаолияти соҳалари мазмунини ўзгартирувчи негиз);

- такомиллаштирувчи инновациялар (жараён ёки ресурслар ва меҳнат ҳажмини маълум миқдорда ўзгартирувчи);
- микроинновациялар (кичик даражада ёки модификацияланган жараён ёки маҳсулотнинг кичик бир қисминигина ўзгартирувчи);
- псевдоинновациялар (вақтидан илгари бўлган ёки емирувчи ёки оддийгина "гальванирующий труп" – "мурда", яъни "ўлдирувчи" жараёндан сўнг такомиллаштирувчи).

Инновацияларни "жорий этиш" даврицаги барча босқичларда инновацияларга уларнинг кўламига мутаносиб равишда қаршилик кўрсатилган (у турмушга қанчалик кўп алоқадор бўлса, унга шунча кучли қаршилик бўлган). Кези келганда эски технологиялар ўрнига айнан псевдоинновациялар жуда ҳам енгил "жорий этилган" (бу аллақачон одат тусига айланган эди). Ҳозир "жорий этиш" эмас, "трансфер" тушунчаси "бошқа томонларга супуриб ташланган вазият". Инновацияларнинг кўлами қанча кенг бўлса, нафақат технологиялар трансфери назариясининг туб қоидаларига, балки янги технологияни тизимнинг иш фаолиятига жорий этишдаги барча "майда-чуйда" томонларига ҳам истисносиз равишда шунча кўп эътибор қаратилади. Шундай бўлса ҳам, кардинал ва базис инновациялар ўртасидаги қаршилик илгаригидек муҳим бўлиб қолади ва бу консерватив инсонларнинг соф руҳий омиллари билан алоқадордир. Шунинг учун ҳам қуйида кўрсатилганидек, базисли эмас, балки такомиллаштирувчи инновацияларда коммерциализациянинг максимал потенциали каттароқ бўлади.

Хуллас, эътиборни "кенг" кўламли инновацияларга қаратиш лозим ва бу белгилар бўйича инновацияларни қайта таснифлаш мумкин:
- глобал инновациялар (бир қанча мамлакатлардаги алоҳида фаолият соҳаларига дарҳол кучли таъсир этувчи);
- миллий инновациялар (маълум миллат учунгина муҳим аҳамиятга эга бўлган);
- ҳудудий инновациялар (табиат ёки бошқа махсус хусусиятлар билан боғлиқ аниқ бир ҳудуд доирасига тааллуқли бўлмаган);
- локал инновациялар (ҳудудий ёки бошқа белгилар билан асосланган алоҳида истеъмолчилар гуруҳига мўлжалланган);
- муайян ёки махсус инновациялар (алоҳида шахсга ёки алоҳида ташкилотга мўлжалланган).

Инновацияларнинг сўнгги икки классификацияларининг бир-бирига ўхшаб кетишини тушуниш қийин эмас, бу алоҳида ҳолларда мантиқий бўлинишга асосланган фаолият турларининг умумлаштирилган даражаси ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги чораги жамият ҳаётининг барча соҳаларида бир вақтнинг ўзида базис инновацияларнинг жорий этилганлиги ва постиндустриал цивилизацияга ўтиш билан хусусиятланади.

Демографик ривожланиш шакли, эҳтиёжларнинг таркиби ва динамикаси, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойиллари ўзгарди. Базис инновация бу ерда иқтисодий ўсишдан ҳаёт сифатини такомиллаштиришга,

инсонларнинг экологик тафаккурини ўзгартиришга эътиборнинг ўтиши билан хусусиятланади.

Етмиш йиллик глобал энергетика инқирози кўплаб саноат тармоқларидаги энергия таъминотини ўзгартириш орқали базисли технологик инновацияларни жорий этиш учун туртки берди.

Радикал иқтисодий инновацияларнинг ўтказилиши ишлаб чиқаришда деконцентрация ва демонополизация ролининг ўсиши, шунингдек, унда кичик ва ўрта корхоналар салмоғининг ошишига олиб келди. Шу билан бирга ривожланиш ва интеграциялашув жараёни кичик корхоналар ассоциациясидан халқаро миқёсдаги ЭИнинг шаклланишига олиб келди.

Ижтимоий-сиёсий доира ҳам микромиқёсдаги икки қутбли дунёдан (капиталист - ёлланма ишчи) макромиқёсга (халқаро кучларнинг қайта тақсимланиши) ўтиш каби инновацион даврни ўз бошидан кечирди. Кўплаб кичик партиялар ва жамоа ҳаракатлари барча мамлакатларнинг жамият ҳаётидаги кўпқутблиликни ўзида акс эттиради.

Инновациялар маънавият соҳаларига ҳам сингиб кетди: таълим ва маданиятнинг деярли барча турларидаги плюрализм, социализм ғояларининг барбод бўлиши, жаҳон динларининг қайта вужудга келиши ҳамда "душманлик кайфияти" ўрнига ўзаро ҳамкорлик йўналишларига ўтиш ва ҳ.к.

Технологик менежмент бўйича мутахассисларнинг асосий фаолият соҳаси, биринчи навбатда, барча технологик инновацияларни ўрганиш бўлганлиги сабабли ишлаб чиқаришга постиндустриал ва технологик ёндашув ўртасидаги фарқларга батафсил тўхталиб ўтиш, яъни технологик дунё ҳаракат векторининг йўналишларини аниқлаш лозим:

- технологияларни гуманитарлаштириш, инсонларни эски амалиётлардан озод қилиш, турмуш фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш;
- ресурсларни сақлаш ва технологияларни экологиклаштириш, яъни уларни экологик ҳалокатларнинг олдини олишга йўналтириш;
- ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини, юқори технологияларни жорий этиш;
- интерактив тизимлар ва сетлар асосида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ахборотлаштириш;
- илмий-техник жараёнларнинг глобаллашуви;
- техникалар миниатюризацияси, бизнесни деурбанизациялаш.

Сизнинг шахсий ёки жамоавий иш жараёнингизда вужудга келган Сизнинг деярли ҳар қандай услубий, бошқарув, инструментал, ташкилий ёки малака фаолиятингиз трансфер ва коммерциализация учун фойдали. Келинг синаб кўрамиз. Масалан, олий ўқув юрти ўқитувчиси доимий равишда икки ёки уч ставкадан ортиқ ўйлаб кўрилмаган имкониятларга эга бўлади. Демак, олий ўқув юрти ўқитувчиси:

- қандайдир илмий-тадқиқот бўйича шартномалар тузиш (студентларни жалб этиш билан);
- ўқув жараёнига қўлланиладиган ускуналардан фойдаланиб, техник ёки аналитик хизматларни кўрсатиш;

- консультация хизматларини кўрсатиш;
- ўзининг қандайдир хобби, қизиқишларини долзарблаштириш;
- ўзининг қандайдир ҳуқуқларидан фойдаланиб лицензиялар бериш;
- ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда қандайдир лойиҳани амалга ошириш;
- ўқув семинари ёки курс ташкил этиш (нафақат ўқув юртида, масалан ишлаб чиқариш корхонасида);
- ўқув курси юзасидан масалалар тўплами ёки тарқатма материаллар тақдим этиш;
- конструкторлик ёки дастурлаштириш хизматларини тақдим этиш;
-юқорида кўрсатилганлардан бири асосида ўзининг хусусий корхонасини ташкил этиш ва ҳ.к. фаолиятлар билан шуғулланади.

**Инновациянинг турлари.** Иқтисодий адабиётларда «инновация», «янги киритилган шароит» ва «янгилик» каби тушунчаларнинг турли талқинлари учраб туради. Баъзи ҳолатларда ушбу тушунчалар синоним сифатида ишлатилади, лекин уларнинг орасида маълум фарқлар бор. «Янгилик» атамаси «ихтиро» тушунчасига яқин туради. Янгилик - бирон-бир фаолият соҳасида унинг самарадорлигини ошириш бўйича фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки экспериментал ишларнинг расмийлашган натижаси, якунидир. Янгилик - ихтиро, кашфиёт, товар белгилари, рационализаторлик таклифлари, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология, бошқарув ёки ишлаб чиқариш жараёнлари ҳужжатлари, ташкилий ишлаб чиқариш ёки бошқа тузилмалар, ноу-хау, тушунчалар, илмий ёндашувлар ёки тамойиллар, ҳужжатлар (стандарт, тавсиялар, услубиёт, йўриқномалар ва ҳоказолар), маркетинг тадқиқотлари натижалари ва шу кабилар кўринишида бўлиши мумкин.

Инновация - бошқариш объектини яхшилаш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ёки бошқа соҳаларда самара олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг пировард натижасидир.

«Инновация» - маҳсулотлар, технологиялар, ташкилотчилик ва бошқариш шаклларининг янги турларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга йўналтирилган фаолиятдир. Бошқа таъриф ҳам мавжуд: «Инновация янги киритилган шароит, жамиятнинг ривожланиши таъсирида ўзгараётган инсон эҳтиёжларини қондириш учун янги амалий воситани яратиш, тарқатиш ва фойдаланишнинг мажмуавий жараёнидир».

Умуман олганда, инновация - асосий капитални (ишлаб чиқариш фондларини) ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни фан, техника, технология ютуқларини жалб қилиш асосида янгилашдир. Бу - жамиятда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг объектив қонунларига асосланган жараён.

Инновация, бу - :

- *биринчидан*, инновация ғоясига эга бўлган муайян ахборот тўплами (инновация ахборотнинг бир кўриниши тарзида ва шу маънода фаразий янгилик);

- иккинчидан, тегишли қарор қабул қилиниши жараёни орқали ўтган ва моддийлашган инновация ғояси (инновация уни ўзлаштириш, жорий этиш жараёни тарзида ёки амалга ошадиган, рўёбга чиқадиган янгилик);
- учинчидан, олинган натижа ёки жорий қилинган янгилик.

**Инновациянинг туркумланиши.**

- иш (хизмат) тури бўйича – илмий-техник (конструкторлик ва технологик), тажриба-эксперимент ва ишлаб чиқариш инновацияси;
- инновацион (янгилик) жараён аниқ натижалари бўйича – патент, ихтиро, янги ёки модификацияли маҳсулот, прогрессив технологик жараёнлар, хизматлар, стандартлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришдаги янги услублар;
- янгилик даражаси бўйича – мутлақо янги, қисман янги, модификацияли, псевдоинновация;
- предметнинг мазмуни бўйича – маҳсулот, технологик, ижтимоий-иқтисодий, экологик, информацион, ташкилий ва бошқарув инновацияси;
- самара тури бўйича – илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий, экологик, инфориацион ва сиёсий инновациялар;
- асосий доира фаолиятининг қамраб олиниши бўйича – ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-сиёсий ва молиявий-иқтисодий инновациялар.

Амалиётда қайси мезон инновациянинг мазмунини белгилаб беради?

Масалан, янгилик даражаси ва предмет мазмуни муҳим белгилардан бири.

Маҳсулот ва технологиялар бўйича янгиликлар охир-оқибатда ижтимоий эҳтиёжни қондиришга қаратади. Маҳсулот янгилиги эса меҳнат воситасини таркибини ҳам ташкил этади.

АСУ - ташкилий-бошқарув янгилиги, сув ҳавзаларини тозалаш – экологик янгилик.

Инновацион фаолият – бу янгиликларни яратиш бўйича турли тоифадаги ишлар бўлиб, таркибига тадқиқотлар қидирув-амалий тусда, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишланмалар, тажриба-экспереметал ва ишлаб чиқариш-эксплуатация ишлари киради.

Инновацион салоҳият – бу жамият, халқ хўжалиги, тармоқ, ҳудуд (республика), илмий-ишлаб чиқариш мажмуани, корхоналарни янги фаолият олиб боришда илмий-техник, ишлаб чиқариш, меҳнат, моддий-ресурс ва бошқа имкониятларни ҳисобга олиш мойиллиги ва бунга тайёргарлик даражаси. Шунга қараб корхона ёки ҳудуд даражасида баҳоланиши мумкин бўлади:

- инновацион циклни тузилмасини очиш;
- инновация бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишда предметни белгилаш;
- инновацион фаолият хусусиятларини янгилик яратишга қаратиш.

**Инновацион цикл даври ва босқичлари.** Инновацион цикл 3 та бўғинни, яъни: "тадқиқот - ишлаб чиқариш – истеъмол"ни қамраб олади. Бунинг муҳим жиҳати - узлуксизлиги даражаси ва босқичларнинг мантиқий ўзаро боғлиқлигидир.

Илм (фан). Фан 4 (тадқиқотлар тури) босқичдан иборат: фундаментал, қидирув, амалий тадқиқотлар ва техник қўлланмалар (лойиҳа-конструкторлик ва лойиҳа-технологик). Барча босқичларда ижодий ёндашув янги ёки кам учрайдиган ва техник ечимларни излашдан иборат.

Тоза фундаментал тадқиқотлар – номаълум қонуниятларни ўрганиш ва англаш, табиат ва жамиятнинг қонуниятлари, ўзаро алоқадорлик ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳ.к.

Мақсадли фундаментал ёндашув аниқ мавжуд илмий услублар ёрдамида аниқ муаммоларни ечишга қаратилган. Фанда бу доира чегараланади ва ўз таркибига нафақат қонуниятларни тушунтириш, балки объектнинг жараёнларини ҳам тушунтириб беради. Масалан, термо-ядровий реакцияларни бошқаришни ишлаб чиқиш. Бундай тадқиқотларнинг назарияси, ихтиролардан фойдаланиш - 5-10 %. Қидирув тадқиқотлар назарияга эмас, балки амалий аҳамиятга мойил бўлади – 10 %гача. Масалан, текстиль толалари яратиш бўйича технологиялар ишлаб чиқиш, аэродинамикани автомобиль саноатида фойдаланиш, тиббиётда дори-дармонларнинг таъсири, лазердан фойдаланиш самараси ва ҳ.к. – 30 %гача.

Қидирув-тадқиқотлар хулосалари ва тавсияларига кўра кейинги босқич амалий тадқиқотларни келтиришга сабаб бўлади. Бу тадқиқотлар одатда тармоқли институтларда амалга оширилади. Масалан, технологик жараёнларни яратиш, машина ва асбоблар, янги тамойиллар, янги хом ашёни яратиш, бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва ҳ.к. - 75-85 %.

Амалий тадқиқотларнинг натижалари – патентли схемалар, янги тавсиялар, янгиликни яратиш бўйича исботлар (станок, жиҳоз ва технологиялар). Бу босқичда бозорли мақсадни юқори даражада ўрнатиш мумкин.

Амалий тадқиқот техник ишланмаларни илмий тадқиқот сифатида шакллантиради. Буларга лойиҳалар, стандартлар, йўриқномалар, тажриба намуналари киради - 90-95 %.

Ишлаб чиқаришнинг 2-босқичи бўлиб, янгилик (янги маҳсулот ва янги технологик жараён)ни ўзлаштириш ва ўз ишлаб чиқариши ҳисобланади. Янгиликни ўзлаштириш қуйидаги босқичларни қамрайди: техник ўзлаштириш, иқтисодий ўзлаштириш, партия ва серияларни ўрнатилишини тайёрлаш, биринчи саноат сериясини чиқариш.

Истеъмол 2 босқичдан иборат: янгиликни тарқалиши ва улардан фойдаланиш.

Нима учун истеъмол инновацион циклга киритилган? Чунки аҳолини эҳтиёжи ва қондирилиши ҳисобга олиниши керак.

Инновацион циклнинг муддати бор. Бу маҳсулотни маънавий ва моддий эскиришини қамраб олади. Одатда оғир саноатда маънавий машинасозликда 6-7 йилни, енгил саноатда эса 2-3 йилни ташкил этади.

**Инновацион ишларнинг хусусиятлари.** Инновацияни бошқарув объекти сифатида тўлиқ тавсифини очишда унинг бир қанча хусусиятларига

118070
TDIU
Kutubxonasi

боғлиқдир. Инновация алоҳида хусусиятга эга бўладиган бошқа инсон фаолиятидаги бошқарув фарқланишига эга бўлади.

Масалан, инновацион вазифани мазмуни алоҳида ходимларга ва барча ташкилот учун доимо ўзгаришда бўлади.

Иннициаторлар доимо изланишда ва тартибот фарқланишда бўлади.

Инновацион фаолият аниқ бир вақтгача белгиланиши мумкин.

Ходимларни фаолиятини самарадорлигини аниқлаш қийин кечади.

Инновацион жараённи бошқариш самарадорлигини амалга ошириш инновацион механизмга боғлиқ бўлади.

Инновацион жараёнларни бошқаришда умумий ва махсус тамойилларга таянилади.

Инновацион жараёнда бошқаришнинг махсус тамойилларига аниқлик, вақт омили, мажмуали, инновацион ишни аниқланмаганлик ҳисоби, уларни ижодий тавсифини ҳисобга олиш лозим. Эгилувчанлик тамойили бу ҳар бир бўлимларни ўзаро боғлиқлиги ва мустақил ҳамкорликда бўлишини тақозо этади. Вақт омилини ҳисобга олиш тамойили бор. Чунки инновацион жараённи тўлиқ вақтини ҳисобга олиш қийин ҳисобланади.

**Таянч иборалар:** инновацион шакл, инновация турлари, инновацион фаолият, инновацион салоҳият, инновацион цикл, инновацион жараён, инновацион технологиялар.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион жараёнга таъсир қилувчи омиллар қайсилар?
2. Инновацион муҳит ва унга таъсир этувчи омилларни биласизми?
3. Инновацияларни яратиш жараёнининг босқичларини санаб беринг.
4. Инновацион технологияларга изоҳ беринг.

## 1.3. Давлат ва корхоналарнинг инновацион сиёсати

**Ўзбекистонда инновацион сиёсатни ривожлантириш йўналишлари.** Биз кенг маънода, "инновацион сиёсат" деганда, шундай чора-тадбирлар йиғиндисини тушунамизки, бунда иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва жамият фаровонлигини оширишга имкон берувчи инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Инновацион сиёсат - бу инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солувчи механизмдир.

Шунинг учун давлат инновация сиёсати ривожланаётган давлатларда муҳим ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Албатта, бирон-бир мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, унинг самарали илмий-тадқиқот ҳамкорлиги йўналишида ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб инновацион жараёнларни (шу жумладан, минтақалар даражасида) амалга ошириш учун қулай иқтисодий муҳитни яратишга қаратилган, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида боғловчи бўгин бўлиб, давлатнинг инновацион сиёсати

ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, инновацион сиёсатни шакллантиришда мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини танлаш ўта муҳимдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, давлат инновацион сиёсатининг икки асосий моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бош мақсади мамлакат учун устувор аҳамиятга эга бўлган инновацион йўналишларни ривожлантиришни рағбатлантириш бўлган, умуммиллий аҳамият касб этувчи илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни бажаришга йўналтирилган модель.

2. Бош мақсади янги технологияларни ўзлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг технологик имкониятларини кенгайтириш бўлган, илмий-техник билимларни ёйишга йўналтирилган модель. Инновацион сиёсатнинг ҳуқуқий ва меъёрий-қонуний асосларида инновацион сиёсатнинг концептуал асослари – мақсад, вазифалари, йўналишлари, устувор томонлари, тамойиллари, амалга ошириш стратегиялари кўрсатиб берилади. Замонавий давлат инновация сиёсати инновация субъектларини, кичик ва ўрта инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, инновация соҳасидаги ташқи фаолиятда миллий манфаатлар ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилади.

Шунинг учун инновация сиёсатини ишлаб чиқишда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олиниши зарур бўлади:

• инновацион сиёсатнинг мақсад, вазифалари, йўналишлари, тамойиллари, стратегияси ва бошқалар;

• инновацион сиёсатнинг амалга ошириш механизми, яъни амалга ошириш воситалари ва дастаклари;

• *инновацион сиёсатнинг субъекти ва объекти, уларнинг тавсифи,* марказий ва ҳудудий тузилмалари;

• инновацион сиёсатнинг муддатлари ва ресурслари, кафолатлари.

**Инновацион сиёсатнинг мақсадлари.** Кенг маънода инновацион сиёсатнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва тартибга солиш ҳамда мувофиқлаштиришдир. Бошқача айтганда, инновацион сиёсатнинг бош мақсади – бу рақобатбардош инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Бу сиёсатнинг қисқа муддатга ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини тизимли ривожлантириш, самарали инновацион тизимни шакллантириш, иқтисодиётни технологик модернизация қилиш, илмий салоҳиятни инновацион ресурсга айлантириш кабилар ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар ҳисобланади. Инновацион сиёсатнинг тамойиллари, узоқ муддатга мўлжалланган қоидалар мазкур сиёсатнинг тамойиллари ҳисобланади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

• илм-фанни ижтимоий унумли ва фойдали тармоқ сифатида давлатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиш даражасини белгилаб берувчи соҳа эканлигини эътироф этиш;

• фан ва техника ривожланишининг турли устувор йўналишларини танлашда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, илмий ва илмий-техник лойиҳаларни экспертиза қилиш ва танлашда конкурс асосида иш юритиш;

• фундаментал илмий тадқиқотларни устувор ривожлантиришга кафолат бериш;

• ўқув-илмий мажмуаларни яратиш орқали илмий, илмий-техник ва таълим жараёнларининг интеграциясини таъминлаш, бунда илмий ходимлар, тадқиқотчилар, ёш мутахассисларнинг доимий жалб этилишини таъминлаш;

• фан ва техника соҳасида тадбиркорлик ҳамда рақобат муносабатларини қўллаб-қувватлаш;

• фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига ресурсларнинг мужассамлашувини қўллаб-қувватлаш;

• давлат илмий марказларини ташкил этиш орқали илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятларни рагбатлантириш;

• ҳудудларда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятларнинг жадаллашувини қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакат илмий-техник салоҳиятининг интеграциялашишини рағбатлантириш;

• халқаро илмий ва илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантириш.

Мамлакатнинг муайян инновацион тараққиёт даражасидан келиб чиқиб, инновацион сиёсат йўналишлари ишлаб чиқилади. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

• барча хўжалик тизимларида илмий ва илмий-техник фаолиятни ресурслар билан таъминлаш;

• инновацион инфратузилма ва кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш;

• иқтисодиётнинг фуқаролик эҳтиёжларига мўлжалланган технологияларни ривожлантириш имкониятларини ошириш;

• илмий-технологик, саноат, инвестицион ва таркибий сиёсатларни ўзаро мувофиқлаштириш;

• барқарор ривожланиш траекториясига ўтишига иқтисодиётнинг реал секторида инновацион жараёнларни кенгайтириш асосида эришилган.

У ёки бу мамлакатнинг давлат инновацион сиёсати, одатда, маълум назарий моделнинг акс эттирилиши бўлиб ҳисобланмайди, балки у турли йўналишдаги тадбирлар композициясидир, бунда миллий инновация сиёсатлари туб ўзига хосликка эгалигини таъкидлаш мумкин. Европа Иттифоқи мамлакатларининг инновацион сиёсати тажрибасидан маълумки, уларда қуйидаги йўналишлар кейинги йилларда янги йўналишлар сифатида эътироф этилган:

- инновацион муҳитни яхшилаш ва унинг барча аъзо мамлакатлардаги интеграциясини қўллаб-қувватлаш;

- инновацияларга бозор талабини рагбатлантириш, етакчи бозорлар концепциясини қўллаш, инновацияларга тезкор талаб мавжуд бўлган бозорларни қўллаб-қувватлаш;

- давлат секторидаги инновацияларни рағбатлантириш, давлат маъмурий тузилмаларидаги бюрократик консерватизмга барҳам бериш;

- минтақавий инновацион сиёсатни кучайтириш, ҳудудлар ўртасидаги инновацион ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқалар.

"Инновацион стратегия" деганда, узоқ муддатга мўлжалланган техник-технологик ривожланишнинг самарали йўналишлари ва йўлларини танлашни тушуниш мумкин. Бошқача айтганда, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олиб, танланган инновацион ривожланиш йўлини «стратегия», деб ҳисобласа бўлади.

Инновацион стратегия миллий иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Инновацион стратегияда уч муҳим ёндашувни ажратиб кўрсатиш лозим. Булар: мавжуд имкониятларни ўстириш, ўзлаштириб олиш ва узатиш. Мавжуд имкониятларни ўстиришда корхона ва фирмалар ўз илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, кенгайтириб боради.

Бунда саноат ишлаб чиқаришида юқори технологиялар яратилади, янги рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошириб борилади. Ўзлаштириб олиш стратегиясида миллий инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш жараёнида ривожланган давлатларда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Борган сари товар ишлаб чиқаришнинг барча инновацион цикли тўлиқ ўзлаштириб олинади. Бешинчи ва олтинчи технологик циклардан ташкил топадиган саноат тармоқларини ўзлаштириш - бу стратегиянинг пировард мақсадлари бўлиши мумкин. Шундай тармоқларга ахборот технологиялари, компьютер технологиялари, биотехнологиялар, кимё технологиялари, янги материалларни яратиш технологиялари ва тиббиёт технологиялари киради. Узатиш стратегияси мавжуд хорижий илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мамлакат иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали янги авлод маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар лицензияларини сотиб олиш орқали ўзлаштириш назарда тутилади. Бу стратегия янги технологияларни яратиш, уларни реал иқтисодий ресурсларга айлантириш циклигача бўлган жараёнларни амалга ошириш жуда мураккаб бўлган мамлакатларда қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида инновацион ривожланиш стратегиясининг учта йўли алоҳида ажралиб туради:

- хом ашёга асосланган ва кўпинча кичикроқ бой давлатлар қўллайдиган стратегия (масалан БААда);
- имитацион-мослашувчан ёки қувиб етувчи стратегия, бунда хориждан патент ва лицензияларни сотиб олишга кўпроқ аҳамият берилади (ёрқин тажриба Японияда);
- таълимга, фанга ва технологияларга йирик сарф-харажатларни амалга оширишга молиявий имкониятлари етарли бўлган давлатларнинг инновацион ривожланиши (АҚШ, Германия, Буюк Британияда).

Глобаллашув даврида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қуроллантириш орқали жаҳон бозорида мустаҳкам мавқеини таъминлаш осон кечмайди. Ривожланаётган ва бозор трансформацияси етарли давлатларининг инновацион стратегиялардан бирини танлаши ҳам осон эмас. Чунки, йирик инновацион укладларга эга бўлган давлатларнинг ўзида сўнгги йилларда чуқур таркибий, молиявий ва ижтимоий ўзгаришлар содир бўлиб турибди. Инновацион ресурслар ва маҳсулотлар бозоридаги рақобат кучайгандан кучаймокда. Бундай мураккаб вазиятларда юқорида кўрсатиб ўтилган инновацион ривожланишнинг ҳар учала стратегияларидан имконият даражасида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Инновацион сиёсатни амалга ошириш усуллари турличадир. Шулардан бевосита ва билвосита усулларга тўхталамиз.

Инновацион фаолиятларни тартибга солишнинг бевосита усулларига қуйидагилар киритилади:

- инновацион жараёнларни давлат томонидан субсидиялаш, яъни инновацион инфратузилмани молиялаштириш, кичик юқори технологияли корхоналарга грантлар тақдим этиш, ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлашни молиялаштириш ва бошқалар;
- инновацион соҳада давлат тадбиркорлиги;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқариш.

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда давлатнинг инновацион фаолиятларини тўғридан-тўғри иқтисодий бошқарув воситаларига янги дастаклар қўшилмоқда. Булар илмий тадқиқотлар соҳасида саноат корпорацияларининг кооперациясини рағбатлантириш, университетларнинг саноат корхоналари билан кооперациясини қўллаб-қувватлаш кабилардир. Масалан, Канадада давлат ИТТКИни рағбатлантиришда тижорат банклари бераётган кредитларга давлат кафолатини таъминламоқда, айрим ИТТКИни бевосита молиялаштирмоқда. Японияда давлат инновацион фаолиятларга бюджетдан субсидиялар ажратмоқда, турли вазирликлар ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари, давлат корпорациялари, тадқиқот марказлари, хусусий компаниялар билан ҳамкорликдаги фаолиятларга имтиёзли кредитлар тақдим этмоқда. Германияда эса илмий-техника ва ишлаб-чиқариш хўжалик фаолиятларида узоқ муддатли ва таваккалчилиги юқори бўлган илмий тадқиқотларни ҳукумат молиявий қўллаб-қувватламоқда.

**Корхоналарнинг инновацион сиёсати.** Янги турдаги ташкилотларда интеграциялашиш ва ҳар томонлама ривожланишнинг ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи жараёнларидан кенг фойдаланилади. Вертикал интеграциялашиш ёки ўтган босқичлар билан уйғунлашиш ҳам ягона ташкилот доирасида ички ташкилий бозор орқали ҳамда доимий шартномалар асосида ташкил қилиниши мумкин.

Интеграциялашиш компаниянинг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш фаолиятини фаоллаштириш сифатида йўналтирилгандир. Аралаш корпоротив-бозор асосида доимий ва вақтинча турдаги, бир томондан инновацион даврнинг барча бўғинларини интеграциялашишга, бошқа томондан эса, алоҳида

фирмалар, инновацион бизнес корхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини ҳам бир-бирлари билан ва бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштириш ва жипслаштириш механизмларини яратишга асосланган янги ташкилий қурилмалар шаклланади.

Бундай фирмалараро интеграциялашишнинг ўзига хослиги ташқи муҳитга кўпроқ мослашиш ва шериклар фаолиятига зарурий равишда бирикиш ва вазиятли ўхшашдан иборатдир. У синергик (ўзаро ҳамкорликдаги) самара билан таърифланади, бу самара иқтисодий ташкилотнинг оралиқ шакллари туридаги ташкилий қурилмаларида энг юқори аҳамиятга эришади, бу шакллардан бир қисми институционал таркибий элементларни ўз ичига олади.

Интеграцион-таркибий ўзаро ҳамкорликларнинг энг илгарилаб кетган шакллари ҳам молия-саноат гуруҳларида ва ҳам инновацион тадбиркорликнинг янги соҳаларида вужудга келадилар. Интеграцион-таркибий жараёнларни бирикишининг механизми венчурли (таваккалчилик билан киритилган сармояли) тадбиркорликда тўлиқроқ гавдаланади.

**Таянч иборалар:** инновацион сиёсат, инновацион стратегия, инновацион тараққиёт, инновацион жараён, интеграциялашиш, вертикал интеграциялашиш, интеграцион-таркибий ўзаро ҳамкорлик, интеграцион-таркибий жараён.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион сиёсат нима?
2. Инновацион стратегия тушунчасини изоҳланг.
3. Инновацион стратегия ишлаб чиқиш қандай бўлади?
4. Инновацион стратегияларнинг турлари.

## 1.4. Инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари

**Инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.** Мамлакатимизда 2008 йилдан бошлаб ҳар йили Инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда. Ярмарканинг бош мақсади – бу илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, шу жумладан, кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратишдир.

Ярмаркаларда тақдим этиладиган ишланмаларнинг асосий қисми импорт ўрнини босувчи маҳсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жаҳон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 436-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 916-сон Қарори; Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 241-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 15 октябрдаги "Технологиялар Трансфери Агентлиги" Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 228-сон Қарори асосида:

- илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш;
- фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш;
- илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- инновацион ғоялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ҳар йили ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.** Инновация фаолиятини мамлакат ҳудудларида кескин ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Лекин, айни вақтда, вилоятларда инновацияларга етарли эътибор қаратиляпти, деб айтиб бўлмайди. Мисол тариқасида ўтказилган инновация ярмаркалари доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотларни келтирамиз. Ўтказилган 6 та ярмаркаларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги тадбиркорлар, фермерлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 18,7 млрд. сўмлик 967 та шартнома имзоланган. Уларнинг бажарилиши 22,6 %ни ташкил этади холос. Бу кўрсаткични кўтариш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида қуйидаги инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши ташкил қилинди:

- кимё саноатида янги АФЎ (азотли фосфорли ўғит) ва фосфомочевина ўғитларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион технологияларни жорий этилиши натижасида жами 317,5 минг тн. янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган;
- "Ўзфармсаноат" ДАК корхоналарида 4 турдаги дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича жорий этилди ("Фенасал 0,25 №12", "Албезол 0,2 г № 3", "Радалин 0,5 %", "ТселАгрип 0,012 г №10", "Аллапинин" ва бошқалар);
- "Ўзметкомбинат" ОАЖда - электрод ишлаб чиқариш учун 3,2 минг тн. ҳажмида микрокристаллик целлюлоза (МКЦ) серияли ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди;
- Олимларимиз ва "ТТЗ" ОАЖ конструкторлари томонидан ишлаб чиқилган конструкторлик ва бошқа илмий-техник ҳужжатлари асосида 80 ва 100 от кучига эга бўлган ғилдиракли янги тракторларнинг тажриба нусхалари Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилди (ТТЗ 9985, целнокаркасли кабиналар ТТЗ 80.10 ва ТТЗ 80.11 маркали тракторлар учун);

- "Агрегат заводи" ОАЖда - 844 дона ғўзани чилпиш мосламаси - ПЧМ-4Б серияли ишлаб чиқарилди.

2010-2017 йилларда ҳудудларнинг саноат соҳасида инновацион фаоллиги ҳақида гапирсак, 2008 йилнинг 15 июлида қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини рағбатлантиришни қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқди. Қарорга мувофиқ, ҳар йили Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ўтказилмоқда. Инновация ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлашнинг асосий механизмларидан бири бўлиб қолди.

Ярмарканинг вазифалари:

- инновацион технологиялар, ғоялар ва лойиҳаларнинг тақдимотини ташкил этиш;

- саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш манфаатлари йўлида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

- корхоналар ва ихтисослашган фирмаларнинг илмий-техника соҳасидаги инновация фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- илмий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхоналарнинг технологиялари ва маҳсулотларини республика ҳамда хориж бозорларига олиб чиқиш бўйича алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

- бюджетдан ташқари молиявий маблағларни тўплаш, илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар яратиш ҳамда уларни бозорга олиб чиқиш жараёнига жалб этиш;

- инновацияларни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг амалий механизмларини, шу жумладан, инновация ишланмалари (лойиҳалари)ни венчур кредитлаш тизимини яратиш.

Президентимизнинг юқорида келтирилган Қарорига мувофиқ, инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга солиқ имтиёзлари берилди, йирик корхоналарда Модернизация ва янги технологиялар жамғармалари ташкил этилди, корхоналарнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқувчи инновацион марказлар ташкил этилди, вилоятларда ҳудудий Инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказлари ташкил этилди (1.4.1-жадвал).

Ярмаркада илмий ишлаб чиқариш институтлари, олий таълим муассасалари, конструкторлик бюролари, ихтирочилар ва бошқа илмий муассасалар томонидан 600 га яқин лойиҳа ва технологиялар намойиш этилади.

Вилоятларда 2020 йилнинг февраль-март ойларида 7-инновацион ярмаркасида иштирок этишга тавсия этилган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг ҳудудий тақдимотларини юқори даражада ўтказиш керак. Ҳудудий ярмарка натижаси бўйича 7-инновацион ярмаркасида тузиладиган шартномаларнинг лойиҳасини тайёрлаш ҳамда ҳуднинг инновацион фаоллиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Ҳудудлар корхоналарининг инновацион ишланмалар ва янги технологияларга бўлган эҳтиёжлари ҳамда муаммолари базасини шакллантириш ва 7-инновацион ярмаркасида тақдим этиш зарур.

1.4.1-жадвал

**2010-2017 йилларда ҳудудларнинг саноат соҳасида инновацион фаоллиги[2]**

**Таққослаш учун:** *Саноатда инновацион маҳсулот улуши* ***РФ*** ***8,0%*** *(2012 й.).* ***Хитой*** *-* ***40%*** ***АҚШ*** *-* ***70%***

| Ҳудудлар | ЯИМда (ЯММ) инновацион маҳсулот, иш ва хизматларнинг улуши | | | Жами саноатда инновацион саноат маҳсулотининг улуши | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2010 й. | 2017 й. | *ўзгариш, п.п.* | 2010 й. | 2017 й. | *ўзгариш, п.п.* |
| **Жами республика бўйича** | **3,0%** | **3,8%** | ***0,8%*** | **5,1%** | **6,9%** | ***1,8%*** |
| Қорақалпоғистон республикаси | 0,21% | 0,55% | *0,34%* | 0,6% | 1,3% | *0,76%* |
| Андижон вилояти | 34,2% | 46,6% | *12,5%* | 27,4% | 44,2% | *16,8%* |
| Бухоро вилояти | 6,7% | 0,3% | *-6,4%* | 18,5% | 0,7% | *-17,8%* |
| Жиззах вилояти | 1,2% | 2,3% | *1,1%* | 4,2% | 7,3% | *3,1%* |
| Қашқадарё вилояти | 0,01% | 0,04% | *0,03%* | 0,01% | 0,02% | *0,01%* |
| Навоий вилояти | 0,76% | 1,60% | *0,84%* | 0,8% | 1,5% | *0,73%* |
| Наманган вилояти | 0,01% | 0,03% | *0,02%* | 0,03% | 0,06% | *0,03%* |
| Самарқанд вилояти | 0,77% | 0,05% | *-0,72%* | 1,17% | 0,02% | *-1,16%* |
| Сурхондарё вилояти | 0,04% | 0,38% | *0,33%* | 0,14% | 0,33% | *0,19%* |
| Сирдарё вилояти | 0,03% | 7,1% | *7,07%* | 0,05% | 8,1% | *8,04%* |
| Тошкент вилояти | 1,7% | 2,4% | *0,7%* | 2,0% | 2,9% | *0,9%* |
| Фарғона вилояти | 0,43% | 0,20% | *-0,22%* | 0,55% | 0,23% | *-0,32%* |
| Хоразм вилояти | 0,03% | 0,03% | *0,01%* | 0,11% | 0,01% | *-0,10%* |
| Тошкент ш. | 2,28% | 2,07% | *-0,20%* | 2,00% | 2,01% | *0,01%* |

**Инновацияни ривожланиш омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши асослари.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059 сонли Фармонига асосан «Навоий» эркин иқтисодий индустриал зонаси, шунингдек, 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436 сонли «Ангрен» махсус индустриал зонаси ва 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516 сонли Фармонига асосан «Жиззах» махсус индустриал зонаси барпо этилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергия электрон ҳисоблагичлари, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

---

[2] www.economist.com; www.worldeconomics.com

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобиль телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда 9 та инвестицион лойиҳа бўйича янги корхоналарни ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

2013 йилда ўтказилган халқаро конференциялар, бизнес-форумлар ва семинарлар доирасида "Жиззах" махсус индустриал зонасида бир қатор инвестицион лойиҳаларни истиқболда амалга ошириш бўйича хорижий корхоналар билан келишувлар имзоланган бўлиб, 47 та истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чет эл корхоналари билан музокаралар олиб борилмоқда.

**Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияси.** Юқори тартибдаги рақобат афзалликлари (янги илмий ишланмалар, технологиялар, новаторларнинг инновацион монополияси)га асосланган инновацион ривожланиши янги соҳалар ва янги бозорларга фаол бостириб киришни ташкил қилиш учун катта стратегик имкониятлар яратади. Бу стратегик имкониятлар, ўз навбатида, иқтисодий ўсишнинг сифатан янги салоҳиятини яратади. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияларининг вариантлари 1.4.1-расмда берилган.

Ташкилот учун ҳар томонлама ривожланишнинг олтита стратегиялари энг катта аҳамиятга эга:

- бирлашмалар, ютиб юборишлар ёки янги ва қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида янги соҳага кириб бориш;
- турдош соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш;
- турдош бўлмаган соҳада ҳар томонлама ривожланиш.

Инновацион фаоллик ва иқтисодиётни глобал ахборотлашуви компаниялар ва корпорацияларнинг бутун XX аср давомида шаклланган ташкил қилиш тамойилларини тубдан ўзгартириб юбордилар. 1990 йиллардаги марказлаштирилмаслик, оммалаштирмаслик ва саентификацияни кучайиши тенденциялари даставвал кичик корхоналар, меҳнат жамоалари ва жамият ташкилотлари даражасида ҳафсалани пир қилдилар. Ушбу даврда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари асосий ролни ўйнаганлар, иқтисодий жараёнларни – илмий изланиш билан банд бўлган креатив шахсни ўқитишдан тортиб то юқори технологик ишлаб чиқаришларни шакллантириш ва виртуал компанияларни ташкил қилишгача – кўпроқ такомиллаштириш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолган. Биринчи марта инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари ўзини-ўзи бошқарувчи ишлаб чиқариш ассоциацияларда пайдо бўлган. Худди шу ерда креатив (ижодий) салоҳиятдан кўпроқ фойдаланиш, технологик ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга имконият бор.




**1.4.1–расм. Ташкилот учун ҳар томонлама ривожланишнинг стратегиялари[3]**

Янги ташкилий шаклларни ўзига хослиги фаол рақобатни шериклик ва шахсий ижодиёт билан бирлаштириш зарурлиги билан белгиланади. Вақтинча қисқа муддатли битимлардан тортиб йирик молия – саноат гуруҳларигача бўлган тадбиркорлик ассоциациялари ва фирмалараро альянслар (бирлашмалар) бундай ўзаро ҳамкорликнинг янги ташкилий шакллари бўлганлар.

Кучли давлат таъсирига эга бозор иқтисодиёти мамлакатларда ассоциациялар узоқ муддатли иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайдилар. Бундай ассоциациялар кўпинча касаба уюшмалари ва давлат билан келишувларга эгалар, бу уларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Бундай ассоциацияларнинг илмий-техник марказлари янги технологик тартибни шакллантириш билан боғлиқ асосан янги инновацион ривожланишнинг муаммоларини ҳал қиладилар.

Саноат инновацияларини тадбиқ этиш, ўзлаштириш ва тарқатилиши жараёнларида соҳавий ассоциациялар алоҳида роль ўйнайдилар, улар Японияда ташқи савдо ва саноат вазирлиги ҳомийлиги остида кўпроқ тарқалганлар. Россиянинг соҳавий ассоциациялари ҳам кўп илм талаб қилувчи ишлаб

[3] Анохин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. - М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко», 2012. -380с.

чиқаришлар, асбобсозлик, машинасозлик ва ҳ.к. ривожланишида катта роль ўйнаганлар.

**Таянч иборалар:** инновацион лойиҳа, инновацион монополия, инновацион фаоллик, инновацион ғоя, эркин иқтисодий зоналар, саноат инновациялари.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.
2. Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёни қандай амалга ошади?
3. Инновацияни ривожланиш омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этилиши асосларини гапириб беринг.
4. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияси нима?

## 1.5. Интеллектуал мулк моҳияти ва уни қонунчилик доирасида тартибга солиш

**Интеллектуал мулк. Асосий тушунчалар. Интеллектуал мулк объектларининг классификацияси.** Ўзбекистон Республикасида мулкчиликни янги кўриниши сифатидаги интеллектуал мулк нисбатан яқинда, 1990 йилларда пайдо бўлди. У бозор объекти асоси сифатида ривожлана бошлади. Бу бозорнинг дастлабки шаклланиши асоси – мамлакатдаги улкан илмий-техника салоҳиятидир. Интеллектуал мулкнинг бозор учун аҳамияти, уни яратиш, энг юқори истеъмол қийматига эга бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни қонуний равишда монополлаштиришнинг ягона усули эканлигидадир.

Интеллектуал капитал мулк объекти сифатида ишлаб чиқариш воситаларидан ўзининг хусусиятларига қараб фарқланади: у жисмоний жиҳатдан ҳоли бўлиб, бошқа кишиларга ёки ташкилотларга сотилганда ёки ахборот сифатида берилганда бевосита билимлар мулк эгасида қолади.

Интеллектуал капиталнинг бундай хусусияти ёлланган ишчи кучларни ўқитиш, билим бериш ва салоҳиятини ошириш учун катта миқдорда инвестиция оқими жалб этилишини талаб этади. Шунинг учун бугунги кунда интеллектуал меҳнатнинг муҳим хусусияти – унга бир киши ёки биргаликда эгалик қилиш ҳисобланади.

Инвестицияга давлат ва муниципал ташкилотлар, хусусий фирма ва ижтимоий фондлар ўз маблағларини сарфлайдилар. Мавжуд қонунлар уларга тўғри ва эгри солиқар, фоизлар кўринишида фойда олишни кафолатлайди. Интеллектуал капитал унинг эгаларига даромад келтиради. Мулк эгаси ва ундан фойдаланувчи, асосий қисми номоддий бўлган воситаларга эгалик қиладиган бозор қонуни асосида ўзига хос бўлган товар маҳсулотининг эгаси сифатида намоён бўлади ва маҳсулотга бўлган талабни юқори бўлишидан

манфаатдор бўлади. Давлат тасарруфида бўлган ҳолат оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнига тўсқин бўлади. Айниқса бундай ҳолат бозор иқтисодиёти суст ривожланган давлатларга хос.

Ривожланган давлатларда интеллектуал капитални яратилиш технологияси, унинг жамғарилиш кўлами ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскиришининг объектив қонуниятлари шу ҳолатга қайта кўп миқдорда инвестицияларни жалб этади. Бу ҳолда инвестициялар самарадорлигини асосий кўрсаткичи фойдаланаётган капиталдан олинадиган юқори фойда нормаси ҳисобланади. Замонавий иқтисодиёт интеллектуал мулкнинг маълум объектидан фойдаланадиган юқори технологияга асосланади. Интеллектуал салоҳиятнинг тижоратлашуви иқтисодиёт соҳаларини интеллектуал ресурсларни янгилаш билан юқори даромад олиш учун шароит яратади.

Интеллектуал мулк – интеллектуал ижодий тадқиқот фаолияти натижасини буюмда, адабий асарда нусхаси ҳар хил кўринишларда акс эттирилган, кейинчалик бу асарларни тиклаш мумкин бўлган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидир.

Интеллектуал мулк объектида фойдаланиш ҳуқуқи, аваламбор, ундан нусха кўчириш натижасида реал ёки патент даромадни олишни ифодалайди (такрорлаш, такрор ишлаб чиқариш). Техник ёки адабий асарларни тадбиқ қилиш қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш натижасида даромад маблағи шаклланади ва улар монополия кўринишига эга бўлади. Интеллектуал мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи мулк эгасининг монопол эгалик қилишини ифодалайди.

Интеллектуал мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи монопол фойдага эгалик қилиш, деган маънони англатади. Интеллектуал мулк тушунчаси 1967 йилда Стокгольм Конвенцияси Қарори асосида қабул қилинган. Айнан шу вақтда халқаро интеллектуал мулк ташкилоти (ХИМТ) ташкил этилди. ХИМТ ташкил этишдан мақсад - интеллектуал мулкка эксминтақавий, миллий тус бериш ва миллий қонунларни келишган ҳолда бир хил нормага келтириш эди. Интеллектуал мулк таркиби бу ташкилот конвенциясида аниқлаб берилган. Интеллектуал мулк объекти турларини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (1.5.1-жадвал).

Конвенциянинг 2-бўлимига биноан интеллектуал мулк ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

- адабий, бадиий, илмий асарлар;
- артистлар ижро фаолияти;
- радио ва телекўрсатувларга берилган овозлар;
- инсоннинг барча фаолиятига тегишли бўлган ихтиролар;
- илмий янгиликлар;
- саноат намуналари;
- товар, хизмат кўрсатишнинг белгилари, фирма ва тижорат номлари;
- ғирром рақобатдан ҳимоя қилиш.

Саноат мулкининг объектлари:

1) ихтирога бериладиган патентлар;
2) фойдали модель гувоҳномалари;
3) саноат намуналари патентлари;
4) товар, хизмат кўрсатиш белгилари гувоҳномалари;
5) фирма номлари (юридик шахсга расмийлаштирилиши ҳақидаги гувоҳнома);
6) товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома;
7) "ноу-хау".

1.5.1-жадвал

**Интеллектуал мулк объекти турлари[4]**

| **Авторлик ҳуқуқи объектлари** | **Саноат мулки объекти** | **Илмий ихтиролар** | **Ўзига хос объект** |
|---|---|---|---|
| Илм-фан натижалари, компьютер дастурлари, маълумотлар базаси, тўплам ва бошқалар | Ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, "ноу-хау" | Қонунлар | Интеграл микросхема топологияси |
| Адабиёт асарлари: адабиёт асарлари, ўқув қўлланмалари, сценарий ва бошқалар | Товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, товар ишланган жой номи | Қонуниятлар | Селекция ютуқлари |
| Санъат асарлари: мусиқали, кино, видео, тасвирий ва санъат асарлари | Фирма номлари, ғирром рақобатни йўқотиш | Самаралар | - |

**Интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари.** Интеллектуал мулк объектини ҳуқуқий ҳимоя қилишни тартибга солиш инновация жараёнларини бошқариш самарадорлигига ёрдам беради. Патент ва авторлик *ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунининг маъноси инновация корхоналарига* рақобатда устунликни таъминлаш, инновация натижаларидан фойдаланиш учун шароит яратиш, инновация маҳсулотларини сотиш натижасида шунга мувофиқ равишда фойда олишни билдиради.

Интеллектуал мулк объектини яратиш уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ундан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган мулкий муносабатларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ёрдамида тартибга солинади. Ўзбекистонда корхоналар интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган асосий норматив ҳужжатларига: Ўзбекистон Республикаси Патент Қонуни, Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар ишланган жой, номи хақида, "Авторлик ҳуқуқи ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар ҳақида", "Интеграл микросхемалар топологиясини ҳимоя қилиш ҳақида", "Компьютер дастурлари ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш ҳақида"лар киради. Бундан ташқари, интеллектуал мулк муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан тузилган халқаро битимлар тартибга солади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий

[4] Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. Управление инновациями: теория и практика: Учебное пособие. - М.: Эксмо, 2016. -432 с.

механизми иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий усул ва воситалар тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда тутади. Ҳозирги кунда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни учта асосий тури мавжуд: патент; авторлик ҳуқуқи; товар белгиси.

Патент бу – саноат мулки ва унга эгалик қилишни белгилайдиган ҳужжат. Патентнинг афзаллиги: авторлик ихтироси, фойдали модель, саноат намунаси эканлиги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома. Патент хусусиятлари илмий-техникавий, ҳуқуқий ижтимоий ахборотлар манбаини ифодалаб, улар амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни олиб бориш, илмий-техника тараққиёти ва иқтисодий тенденцияни башорат қилиш учун керак бўлади. Патентларнинг ноёб хусусиятлари энг яхши ахборотларни ўзида сақлаш ва улардан келажакда яхши ихтиролар учун асос қилиб олиш мумкинлиги лицензия битимлари тузилганда инновация учун асос килиб олиш ҳисобланади. Патентга эгалик килувчи ишланма автори меросхўр ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида патент эгаси нафақат республика фуқароси, балки "Стокгольм Конвенцияси" мулкини ҳимоя қилиш иштирокчилари, хорижий жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳам бўлиши мумкин. Патент эгасининг ҳуқуқи ўзининг хоҳишига қараб ихтиролар, фойдали модель, саноат номларини фойдаланиши ёки қонундаги кўрсатмалар бузилганда ундан фойдаланишни таъқиқлашда ифодаланади. Патент эгасининг ҳуқуқлари бузилиши рухсат берилмаган товарларни олиб келиши, сотишга тавсия этиши, уни хўжалик омборида сақлаш кабиларда намоён бўлади.

Қонун асосида патентдан фойдаланиш белгилари кўрсатиб берилган:

1. Ихтиро янги, даражаси юқори саноатда қўлланилса патентга эга бўлади. Ихтиро шу вақтгача техника тарихида маълум бўлмаган бўлса, у янги ҳисобланади. Ихтиро агарда мутахассисга маълум бўлса, у ихтиро даражасига эга бўлади. Саноатда қўлланилиши ихтирони саноатнинг қайсидир соҳасида қўлланилишини ифодалайди. (Масалан: соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.). Ихтирони ҳимояловчи ҳужжат патент бўлиб, маълум муддатга берилади. Патентни максимал амал қилиш мудати - 20 йил. Патент миқдорини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаб беради. Унга амал қилиш даврининг учинчи йилидан бошлаб ҳақ тўланади.

2. Фойдали модель патентга эгалик қилиш учун янги ва саноатда қўлланиладиган бўлиши керак. Фойдали моделни ҳимояловчи ҳужжат - гувоҳнома, унинг амал қилиш мудати – 5 йил, ариза асосида яна 3 йилдан кўп бўлмаган вақтга узайтирилиши мумкин.

Саноат намунаси патентига эга бўлишнинг муҳим шарти янгилиги, ноёблиги ва саноатда қўлланишидир. Ноёблиги деганда, маҳсулотниг эстетик ва эргономик хусусиятига эгалиги автор ижодий меҳнатининг маҳсули бўлиши тушунилади. Саноат намунасининг ҳимояловчи ҳужжати - патент бўлиб, 10 йил муддатга берилади. Аризага мувофиқ, 5 йилдан ортиқ муддатга чўзиш мумкин. Патент эгалари ҳуқуқини арбитраж ва ҳакамлар суди ҳимоя қилади. Бу органлар саноат мулки объекти патент эгасини тайинлаш, саноат мулки

объектига эгалик қилиш ҳуқуқини бузилиши, авторларни мукофотлаш ва товон тўлаш каби масалаларни кўриб чиқади. Фан, адабиёт, санъат, фонограмма ёрдамидаги чиқишлар, саҳна асарлари, эфир ва кабель орқали олиб бориладиган эшиттиришлар авторлик ҳуқуқи ёрдамида тартибга солинади. Қонун ёрдамида ҳимоя килинадиган асарларни қўллаш кенг ва хилма-хилдир. Уларга қуйидагилар киради: адабий, драматик, мусиқали спектакллар, аудивизуал, ихтиро, тасвирий санъат, архитектура, шаҳар барпо этиш ва ва ҳокозолар.

Қонунга биноан қуйидаги белгиларга эга бўлган асарлар авторлик ҳуқуқи объектига эга бўлади. Асарнинг ижодий характерга эга эканлиги ва объектив шаклда акс этиши авторлик ҳуқуқи объектининг белгиларига киради. Асарнинг ижодий характери кўпгина олимларнинг фикрига кўра, унинг янгилигидадир. У янги мазмунда, янги шаклда, янги ғояда, янги илмий концепцияда ифодаланади.

**Таянч иборалар:** интеллектуал мулк, патент, ихтиро, фойдали модель, авторлик ҳуқуқи, товар белгиси, "ноу-хау", саноат намунаси, ноёблик.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Интеллектуал мулк. Унинг объектлари классификацияси.
2. Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик, патент ишларини бошқариш тизимини тушунтириб беринг.
3. Ихтиро нима?
4. Фойдали модель тушунчасини ёритиб беринг.

# II-боб. Инновацион бошқарувга илмий-тизимли ёндашув, инновацион фаолиятни молиялаштириш ва инновацион лойиҳалар риски

## 2.1. Бошқарувнинг ташкилий таркиби

**Инновацион бошқарувга илмий ёндашувлар.** Илмий-техник тараққиёт ва ташқи муҳитнинг шиддатли эволюцияси шароитида бошқарув назарияси ва амалиётининг эволюцияси содир бўлган. Илмий-фан сифатидаги бошқарув эволюциясининг хусусияти шундан иборатки, у бошқарув фикрининг бир неча мактаблари асосида ривожланган, улар кўпинча мос келганлар, қисман эса бир-бирларини тўлдирганлар ва такомиллаштирганлар.

Бу шу билан изоҳланадики, ҳам анъанавий ва ҳам инновацион менежментда ҳар хил мактабларнинг билимлари ва усулларидан фойдаланилган, бошқарув жараёни эса ҳам менежментнинг назарий концепцияларига ва ҳам ҳар хил назарий мактаблар ҳамда илмий ёндашувларга суянган.

**Инновацион менежментдаги тизимли ёндашув.** Инновацион менежментда батафсил таҳлил ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш тизимли ёндашишда тўлиқроқ очилади. Тизимли таҳлилнинг марказий тушунчаси тизимдан, яъни бир-бирлари ва атроф-муҳит билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи таркибий қисмлар ва элементларнинг мураккаб ички қурилиши, катта сонига эга объектдан иборат.

Инновацион менежмент учун ташкилотни очиқ тизим сифатида тушуниш асосий далил бўлади. Ташқи муҳит билан яқин ўзаро ҳамкорликда бўла туриб, у ташқи муҳит томонидан ҳам тўғридан-тўғри ва ҳам воситали кўп сонли таъсирларга дуч келади. Бир вақтда ташкилот ички микромуҳитга эга, унинг элементлари ҳам муҳит омилларига ўзаро боғлиқ бўлади.

Ташкилот тизим сифатида тизимнинг ўзи, унинг ташқи ва ички муҳити элементлари томонидан ҳаракатланувчи кучлар, ўзаро ҳамкорликлар, ўзаро таъсирлар ва ўзаро кириб боришларнинг мураккаб ансамблидан иборатдир.

Ташқи муҳит ташкилотга тўғридан-тўғри ва воситали таъсир кўрсатади. Давлат ва қонунчилик идоралари, институтлар, касаба уюшмалар, илмий ва инновацион ташкилотлар, ишлаб чиқариш омиллари бозорлари, сармоядорлар, рақиблар, етказиб берувчилар, истеъмолчилар, касбий воситачилар ва ҳ.к. тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш муҳитининг муҳим элементлари бўладилар.

Халқаро ижтимоий-маданий ва иқтисодий муҳит, сиёсий, экологик омиллар, фан ва техниканинг ҳолати ҳамда жамиятни қадриятли йўналтирилиши ва унинг инновацион ғояларга мойиллиги воситали таъсир кўрсатиш муҳитининг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади.

**Янгиликлар яшаш даври концепциясининг моҳияти.** Инновацион фаолият битта мантиқий занжирга бирлаштирилган бир қатор тадбирлардан ташкил топади. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини - инновацион даврнинг ҳар бир

босқичи ривожланишнинг ўз мантиқига бўйсунади, ўзининг қонуниятлари ва хусусиятларига эга.

Илмий изланишлар, тажриба-конструкторлик ва технологик ишламалар, инвестицион-молиявий, маркетинг тадбирлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ташкилий тузилмалар бирга бирлашган ҳолда битта асосий мақсад – янгиликни яратишга бўйсунади.

Маркетинг тадқиқотлари бағрида вужудга келган товарлар, талаб ва технологияларнинг яшаш даврлари қисқа вақт ичида иқтисодий объектлар, жараёнлар ва тизимларни ўрганишда устувор ҳолатни эгаллаганлар.

Мисол учун, ташкилотлар, саноат ишлаб чиқариши соҳалари, техник буюмлар, қурилиш конструкциялари, машиналар ва механизмлар яшаш даврлари концепцияси анча ривожланган.

Инновацион фаолиятни ўрганиш учун янги товар, янги техника ва технологиялар ҳамда очиқ тизимлар сифатидаги инновацион ташкилотларнинг яшаш даврлари энг катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий объектлар сифатидаги технологияларнинг эволюцияси ва ўзгаришини ўз ичига олувчи катта технологик тизимлар концепцияси яшаш даврларининг самаралироқ замонавий ғояси бўлади.

Масалан, катта технологик тизимларнинг яшаш даврларини тадқиқот қилиш ҳам анъанавий, ҳам янги технологик парадигма (намуна)лар доирасида ривожланаётган техника ва технологиялар авлодларининг назариясига олиб келади. Технологик тизимларни ривожлантириш икки йўналиш бўйича: базавий технологияларни такомиллаштириш ва тубдан янгиларни яратиш билан амалга оширилади. Технологияларни яхшиланиши ва модернизацияланиши, уларни етуклик босқичига ўтиши ва бозорни ушбу товарлар билан тўлдирилганлиги сари эски прагдама доирасидаги бундан кейинги технологик ривожланиш фойдасиз бўлиб қолади, сотишлар ҳажми ва фойда пасаяди. Вужудга келган технологик тартиб доирасида тубдан янги қарорлар, "ёриб ўтувчи" технологиялар вужудга келади, бу янги технологик тартиблар, ишлаб чиқаришлар, соҳаларга асос солади.

**Янгилик киритиш ва уларнинг тавсифи.** Ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим омили, янгилик киритиш – инновация тушунчасида ифодаланади. Инновация муаммоларини ўзида акс эттирадиган адабиётларда «семантика» атамасига эътибор қаратилади. У янги хўжалик натижаси (яъни объект)ни ёки шу хўжалик натижасига эришиш жараёнини ҳар қандай классик ёндашиш каби янги хулосаларни олишга ва уни тўгри тушунишга ёрдам берадиган восита сифатида аҳамиятга эга бўлиши керак. Кейинги ифодалашда инновациянинг томонини, унинг тавсифи ва қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда янгилик, новация каби атамаларни қўллаймиз. Агарда биз янгликни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ундан самарали фойдаланишни ўрганадиган бўлсак, (атамани семантик нуқтаи назардан янгилик киритиш) тор ва кенг маънода қўлланадиган инновацияда янгилик киритиш атамасини қўллаймиз ва бу атамада инновация даври, унинг ҳаёт даври ёки инновация жараёнидан олинадиган натижа ҳақида гапириш мумкин. Ва ниҳоят, инновация лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни

тадбиқ этиш ҳақида гапирганда, у маълум корхона даражасида бўлсин (микроиқтисодиёт) ёки тармоқ бозори даражасида бўлсин (мезо даража) ёки давлат хўжалик даражасида бўлсин (макроиқтисодиёт) ва ундан кенгроқ даражада бўлсин (жаҳон глобал даражада) инновация, янгилик киритиш жараёни атамаси қўлланилади. Олимлар, ихтирочилар, мутахассислар, менежерлар, ишланмаларни молиялаштириш, тадбиқ этиш, мослаштириш, янгиликларни тижоратлаштиришни амалга оширувчи тадбиркорлар ҳақида гапирганда, инновация фаолияти назарда тутилади.

Инновациянинг икки томонини таҳлил этганда (натижа ва жараён сифатида) қуйидаги таърифлардан фойдаланса етарли бўлади. Янгилик киритишнинг натижаси самарали янгиликни ифодалайди ва у иқтисодий ва ижтимоий самара кўрсаткичлари билан баҳоланади, яъни бу фаолият тури ёки моддий объект бўлиб, аввал ишлатилмаган «Қабул қилинган ва ундан фойдаланиладиган ташкилий тизим» бўлиб, хўжалик ҳаёти элементларининг комбинацияси ҳисобланади. Инновациянинг мумкин бўлган янгилик даражасининг таърифини кенг маъносига эътиборни қаратамиз. Бу нуқтаи назар эътирозсиз ёки нуқсонсиз бўлмасада, лекин ҳозирги бизнинг шароитимизда ягона мумкин бўлган тўғри ёндашувдир. Инновация жараёнини ўрганишнинг асосий таҳлилий воситаси янгилик киритишнинг ҳаёт даври ҳисобланади.

Технология асосида, фалсафий ақл ёрдамида, инсон ҳаётини ўзгартириш қобилиятига эга бўлган, лекин йиллар давомида чанг остида қолиб кетган янгиликлар бир вақт келиб бизнинг авлодларимизга «Жаннатий роҳатни бериш мумкин», деган Шумпетернинг таърифидан келиб чиқиб: "Инновация – интеллектуал фаолиятни ва унинг маҳсулотини тижоратлаштириш ва ижтимоийлаштириш жараёни", деб таърифлаш мумкин.

**Таянч иборалар:** инновацион бошқарув, инновацион менежмент, янгилик киритиш, инновация муаммолари, семантика.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион бошқарувга илмий ёндашувни очиб беринг.
2. Инновацион бошқарувдаги тизимли ёндашувни тушунтиринг.
3. Янгиликлар яшаш даври концепциясининг моҳияти нимадан иборат?
4. Янгилик киритиш нима дегани?

## 2.2. Лойиҳавий қарорларни излаш усуллари

**Инновацион қарорлар қабул қилиш тушунчаси.** Инновацион қарорлар қабул қилиш ўз ичига учта асосий жиҳатларни олади:

1) инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва ишлаб чиқаришни биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;

2) ташкилотнинг инновацион фаолиятдаги зарурий вазифаларни бажаришга қаратилган жараёнлари ва ҳаракатларининг мажмуасини;

3) тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари тизимчалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларни.

Ушбу нуқтаи назардан инновацияларни ташкил қилишни инновацион фаолиятни тартибга солиш жараёни сифатида, субъект, фирма, институт, инновацион корхона сифатида, бўлинмаларнинг таркиби ва ўрнини белгилаб берувчи ҳамда инновацион фаолиятда амалга ошириладиган шакллар, усуллар, жараёнлар тадбирларини тартибга солувчи ташкилий тузилмалар сифатида тушуниш керак.

Ташкилот фирма нуқтаи назаридан одамларнинг бирлашмаси ёки инновацияларни амалга ошириш бўйича ишларни бажариш ҳақидаги уларнинг келишуви сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Турли хилдаги элементли ва турли ўлчамлардаги фирмалар, компаниялар, ассоциациялар, ОЎЮлари, илмий институтлар, технополислар, технопарклар ва ҳ.к.лар инновацион фаолиятнинг субъектлари бўлади.

Бу барча ташкилотлар ишлаб чиқаришни ҳақиқий янгиланишини амалга оширувчи асосий манбалар ва хўжалик юритувчи субъектлар бўлади.

Яшаш даврининг "ўзининг" босқичи билан яқиндан боғланган махсус инновацион бизнесни пайдо бўлиши вақтнинг тақазоси бўлади.

**Илмий-техник ва инновацион соҳани бошқаришнинг таснифи.** Илмий-техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифи 2.2.1-жадвалда берилган.

2.2.1- жадвал

**Илмий-техник ва инновацион соҳа ташкилотларининг таснифи**[5]

<table>
<tr><th>Аломатлар</th><th colspan="5">Тамойилда асосланувчи ташкилотлар</th></tr>
<tr><td rowspan="2">Ихтисослашиш нинг тури</td><td colspan="3">Предметли</td><td colspan="2">Адресли (истеъмолчи учун)</td></tr>
<tr><td>Маҳсулотли</td><td>Технологик</td><td>Ресурсли</td><td>Илмий натижалардан фойдаланиш</td><td>Соҳа, корхонага хизмат кўрсатиш</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Илмий-техник маҳсулотнинг тури</td><td colspan="5">Ихтисослашган ташкилотлар</td></tr>
<tr><td>ФТ</td><td>АТ (ИТИ)</td><td>ТКИ</td><td>Тажрибавий намуналарни яратиш</td><td>Тажриба партиялари, биринчи серияларни ишлаб чиқариш</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Фаолиятнинг характери</td><td colspan="5">Бажарувчи ташкилотлар</td></tr>
<tr><td colspan="2">ИТТКИ</td><td colspan="3">Фанга, шу жумладан, турлари бўйича хизмат кўрсатиш вазифалари</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Билимлар соҳаларининг характери</td><td colspan="5">Фанлар соҳасидаги ташкилот</td></tr>
<tr><td colspan="2">Табиий</td><td colspan="2">Техник</td><td>Ижтимоий ва гуманитар</td></tr>
</table>

[5] Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. Управление инновациями: теория и практика: Учебное пособие. -М.: Эксмо, 2016. -432 с.

| Комбинациялаштир ишдан фойдаланиш | Ташкилот | |
|---|---|---|
| | Комбинациялаштиришдан фойдаланувчи | Комбинациялаштиришдан фойдаланмайдиган |
| "Тадқиқот ўзлаштириш" даври босқичларини қамраб олиниш даражаси | Қамраб олувчи ташкилотлар | |
| | Катта босқични | Иккита ва кўпроқ босқични |
| | ФТ, АТ, ТКИ,Ўз | ФТ, АТ,АТ,ТКИ, ФТ-АТ-ТКИ,ФТ-АТ-ТКИ-Ўз |
| Яратиш тамойили | Ташкилотлар | |
| | Доимийлар | Вақтинчалар |

**Инновацион бошқаришнинг ташкилий шакллари.** Ташкилий шакллар марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тузилмаларнинг синерчизма (ҳамкорлиги) асосида хўжалик юритишнинг янги тамойиллари билан яқиндан богланганлар. Инновацион ривожланишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у иккита қарама-қарши тенденцияларни ҳисобга олишнинг зарурлигича асосланади.

Бир томондан, инновацион жараён – бу ғояни вужудга келишидан то ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши, ривожланиш ва ёйилишигача бўлган ягона оқимдир. Инновацион тизимнинг фундаментал ғоядан то бозор муваффақиятигача бўлган барча босқичлари ўзаро яқиндан боғланган ва ўзаро асосланган. Шунинг учун инновацион ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш учун босқичларнинг ворислиги ва жараёнларнинг вақтдаги узлуксизлигини таъминловчи тизимли таркибий ўзаро ҳамкорликлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу хусусият ривожланмаган бозор инфратузилмаси ва бозор механизмлари такомиллашмаганида яққол намоён бўлади.

Бошқа томондан, илмий билим, кашфиёт, саноат ихтироси ўзининг моҳияти бўйича дискретли (алоҳида қисмлардан ташкил топувчи ва стохастик (эҳтимолли, тасодифий)дир. Илмий билимни вужудга келиши, уни материаллаштириш ва тижоратлашиши ўртасидаги коррелляция (ўзаро алоқа) йўқлиги кўп сонли тадқиқотлар билан белгиланган. Шунинг учун бундай нуқтаи назардан корхона инновацион тадбиркорлик фаолиятининг ИТТКИ босқичидан то маркетинг ва сотишларгача бўлган тўлиқ мажмуасини амалга ошириши шарт эмас.

Бозор механизмларини такомиллашуви шароитида, иккинчи тенденцияга мувофиқ фирмалараро кооперациялар алоҳида роль ўйнай бошлайди. Инновацион фаолликни ошиши қуйидаги иккита муҳим тенденциялар: ўзини-ўзи ривожлантиришга қодир инновацион ташкилотларни вужудга келиши ва инновацион тузилмаларни ҳар хил институтларнинг тизим ва фирмалараро ўзаро ҳамкорликларга киритила олиниши билан яқиндан боғланган.

**Лойиҳавий Консорциум.** Бозор иқтисодиёти шароитида ўз вақтида янги иқтисодий муносабатларга бошқариш ва режалаштириш стратегияси, маркетингдан фойдаланган ҳолда тайёргарлик кўриш талаб этилади. Натижада консорциумни бозор ва истеъмолчи талабиги тезликда мослашиши таъминланади.

Консорциумда мулкий ва ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошади:

- консорциум юридик шахс сифатида унинг томонидан битим асосида берилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга;
- биргаликда харид қилинган мулкка эгалик қилиш мулкка қўшган улушга қараб белгиланади;
- консорциум битим асосидаги корхонани ташкил этиш ҳуқуқига эга ва ҳар бир ҳолатда консорциум билан бўлган ўзаро алоқалар шаклини белгилаб беради;
- мулкка эгалик қилиш, уни бошқариш ҳуқуқи иштирокчилар ўртасида қўйилган ҳиссаларга қараб тенг тақсимланади;
- консорциумни бошқариш органининг вазифаси ва мақоми унинг фаолиятининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб аниқланади, яъни лойиҳаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун керак бўлган молиявий ресурсларни сарфлаш, иштирокчилар ва шерикларнинг илмий-техника соҳасидан фойдаланиши;
- инновация лойиҳаларни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи консорциум ва илмий-тадқиқот олиб борувчи ташкилотлар, лойиҳалаштирувчилар, буюртмачилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, битимлар асосида амалга ошади. Битимлар консорциум ёки алоҳида иштирокчилар томонидан тузилиши мумкин;
- консорциум фаолияти тугагандан сўнг мулк унинг таркибига кирган ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

Консорциум доирасида режалаштирилган ишлар ва йирик ишлаб чиқариш техникавий-иқтисодий лойиҳалар, бўлимлар ва консорциум қатнашчиларининг бошқариш шакллари ва молиявий иқтисодий вазифаларини аниқлашдангина иборат бўлмасдан, консорциумни бошқаришни янги моделини яратишга бўлган ҳаракатни ҳам ифодалайди. Тавсия этилаётган консорциумни ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти моделининг хусусияти юқори органлар билан (таъсисчилар-мулкдорлар) бажарувчи органлар бошлиқлари ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб беради. Консорциумнинг илмий-ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини муҳим йўналиши лойиҳаларни бошқариш тизимини ташкил қилиш ҳисобланади. Хўжалик лойиҳаси дастури мақсадли, режанинг объекти бўлиб, ресурслар, иштирокчилар, бажариш муддати билан боғлиқ бўлган ва аниқ муаммони самарали ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, ташкилий ва бошқа тадбирлар ҳамда топшириқларнинг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Консорциум хўжалик лойиҳасини мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш механизмини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- мақсадни танлаш, унга эришиш учун хўжалик лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- биринчи навбатда, лойиҳа ёки лойиҳаларни ишлаб чиқиш, таклифларни ишлаб чиқиш, ишланмаларни самарадорли бўлишга олиб келиш керак;

- мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан у ёки бу лойиҳани амалга ошириш учун керакли бўлган муддат ва харажатларни белгилаб олиш.

Консорциум доирасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- лойиҳани ишлаб чиқувчи ва уни амалга оширувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш (бу вазифани лойиҳани бошқариш учун тузилган махсус бошқарувчилар гуруҳи амалга оширади);
- лойиҳани молиялаштириш учун консорциум таркибига кирган банк маблағлари ва бошқа кредит ҳамда пудратчиларнинг ажратмаларидан вужудга келган молиявий ресурсларни тўплаш.

Лойиҳа консорциумни бошқаришнинг йирик тадбирларининг асосий шакли бўлиши керак. Уни амалга оширишнинг умумий схемаси - консорциум номидан унинг керакли бўлган вазифаларини вақтинчалик бажарадиган гуруҳни шакллантиришдир. Лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳисоблар консорциумнинг валюта ёки ҳисоб рақами ёрдамида амалга оширилади. Лойиҳа бошқармаси уни амалга ошириш учун маблағ йиғади. илмий-услубий таъминлаш ва амалиётга тадбиқ этиш учун буюртма беради, молиялаштиради, лойиҳани бошқариш учун керакли бўлган барча вазифаларни бажаради. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг уни бошқариш тизими тарқатиб юборилади (ёки унга бошқа лойиҳани амалга ошириш юклатилади). Лойиҳани бошқариш битим асосида амалга ошади. Консорциумни бошқариш концепцияси ўзгариши билан унга қарашли бўлган бўлинмаларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади. Шу билан бирга оператив ва стратегик вазифаларни ўзаро бир-бирига боғлашни амалга оширадиган бошқариш тизимининг таркибида мувофиқлаштирувчи илмий-техника кенгашини ташкил этиш зарурати туғилади. Консорциум фаолиятининг ўзаги ижрочилар билан тузиладиган битим тизимига асосланади. Консорциумга товар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ёки объектни жиҳозлаш ишларини амалга оширадиган ташкилотлар, хом ашё етказиб берувчилар ёки пудратчилар ҳисобланади. Агарда бу ташкилот, ўз навбатида, бошқа буюртмачиларни ўзининг мажбуриятларини бажаришга жалб қилса, у буюртмачилар олдида (консорциум) тўлиқ жавобгарликни бўйнига олади ва ўзи хом ашё етказиб берувчи ёки бош пудратчи бўлиб ҳисобланади. Лойиҳани жорий этиш жараёнида жиҳозлар тўпламини харид қилиш мақсадида хорижий фирмалар ёрдамида объектларни қуриш зарур бўлади. Жиҳозлар тўпламини келтириш ёки объектларни қуриш пудрат шартнома тузилаётганда, уларнинг фойдаланиш муддати тугагунча шартноманинг амал қилиши учун банк кафолатидан фойдаланилади. Томонлар ўртасида жарима тўлаш ва зарарни қоплаш юзасидан келишмовчилик бўлганда буюртмачи арбитраж ҳукм чиқаргунча хом ашё етказиб берувчининг кафолатидан керакли суммани олиши мумкин. Бундан ташқари шартномада буюртмачиларга йирик банклардан пул суммасини олиши мумкинлиги ҳам белгиланади.

**Таянч иборалар:** инновацион қарорлар қабул қилиш, лойиҳавий консорциум, консорциумни бошқариш.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион қарорларни қабул қилиш ҳақида умумий тушунчаларни гапиринг.
2. Илмий-техник ва инновацион соҳани бошқаришнинг ҳақида умумий тушунчаларни айтинг.
3. Инновацион бошқаришнинг ташкилий шакллари нималар?
4. Лойиҳавий консорциум нима?

## 2.3. Лойиҳаларни бошқариш услубиёти

**Корхоналардаги инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг зарурлиги.** Ҳозирги пайтдаги корхона иқтисодиёти учун хос бўлган мураккаб ҳолат аввал амалда бўлган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими билан боғлиқдир. У ресурсларни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш, давлат бюджети ҳисобидан ишлаб чиқариш инвестицияларини текинга молиялаштириш, ишлаб чиқарувчиларнинг яккаҳокимлиги, мулкчиликнинг давлат шаклидан фарқланувчисининг йўқлиги ва хўжалик юритишнинг бир турдаги шаклларини кўзда тутади. Яна қуйидагилар: бошқарувнинг кўп босқичи тузилмаси ва фаолиятнинг якуний натижаларидан олинган даромадлар ва инвестициялар боғлиқлигини йўқлигидан келиб чиққан муассасавий узилиш ва ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг ажралиб қолиши мавжуд бўлганда ҳам.

Юқорида санаб ўтилган сабаблар ҳамда хўжалик алоқаларининг уйғунлигини бузилиши билан боғлиқ бир қатор бошқалар қайта ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари ва хўжалик соҳаларида мутаносибсизликни келтириб чиқарган. Дефицитни чуқурлашуви ва ишлаб чиқариш интизомини пасайиши мамлакатдаги иқтисодий таназзул ва истеъмол бозори ва пул муомаласидаги ҳолатни кескинлашувига сабаб бўлган инновацион соҳада таназзул пайдо бўлишига кўмаклашган.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар ва мураккабликлар вужудга келган шароитларга адекват стратегияни, корхонани ривожланишини шакллантиришга имкон берувчи ҳақиқий режалаштиришга эҳтиёжни кучайтиради.

**Инновацион лойиҳаларни бошқариш стратегиянинг моҳияти, унинг корхона умумий стратегияси билан алоқасини аниқлаш услубиёти.**

Корхона стратегияси илмий-техник тараққиётни бошқариш стратегиясини шакллантиради ва йўлга солади, яъни инновацион фаолиятнинг роли, ўрни, базаси ва маъносини белгилаб беради.

Ўз навбатида, инновацион стратегия корхона стратегиясини чуқурлаштиради, аниқлаб беради ва уни амалга ошишига кўмаклашади. У яна

мақсадларга эришиш ва миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан корхона ташқарисидаги устуворликларни қўйишга ёрдам беради, масалан:
- ресурслардан рационал фойдаланишга;
- юқори самарали ва қулай ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишга;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотларининг барча тармоқларида ва бутун "Фан – Тадқиқот - Конструкторлик ишлари – Тажрибавий ишлаб чиқариш - Фойдаланишга киритиш" даври бўйича вақт ҳамда ишларни амалга оширишнинг рационаллиги ва сифати нуқтаи назаридан янгилик киритишларнинг тежамкорлигига ва амалга оширилишига эришиш.

Корхонанинг умумий стратегияси ва илмий-техник тараққиёт соҳасидаги стратегия ўртасидаги алоқасини баҳолаш услубиёти, энг аввало, янги маҳсулотни тадбиқ этилиши ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларда амалга оширилади.

Илмий-техник янгиликлар соҳасидаги стратегия корхонада унинг фаолияти муаммоларининг бутун мажмуаси билан узлуксиз боглиқ қайта ишлаб чиқариш жараёнларини ривожланиши стратегияси доирасида амалга оширилади. Янги маҳсулотни тадбиқ этиш стратегияси корхона нимани, қачон ва қандай, қандай техник-иқтисодий даражада, ҳамда қандай шароитларда ишлаб чиқаришини белгилаб беради. У резервлардан талаблар даражасини ошириб, уларни бажаришнинг асосий йўлларини рационаллаштирган ҳолда, қачон ва қандай фойдаланишни кўрсатади.

Янгилик киритишлар стратегиясини умумий стратегия контексти билан қандай муносабатларда бўлиши, бу янгиликлар ажратилган ҳолда вужудга келадими, бу жуда муҳимдир. Бу ҳолда уларни ҳаётга иқтисодий тадбиқ этилиши уларни пайдо бўлиши босқичидаёқ бузилиш хавфи остида бўлади.

Инновацион стратегия корхонадаги қайта ишлаб чиқариш жараёнини баҳолаш услубиётининг, унинг сифатий таърифлари нуқтаи назаридан самарали динамикасини таъминлайди.

У умумий стратегияда двигатель ролини ўйнагандек бўлади.

Бир қатор саноати ривожланган мамлакатларда худди инновацион стратегия корхонанинг рақиблар, истеъмолчилар, етказиб берувчилар билан муносабатларини таърифлайди.

Корхона умумий стратегиясининг тури унга боғлиқдир.

Демак, инновацион стратегия йўналишлари баҳолаш услубиётини белгилаш, истиқболли ривожланишнинг устуворликларини танлаш, корхонани ривожланиши ва санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун тадбирлар мажмуасига талабларни ишлаб чиқиш бўйича мақсадга қаратилган фаолиятдан иборат бўлади.

**Корхонанинг инновацион лойиҳаларни бошқариш услубиёти.** Инновацион стратегия, корхонанинг стратегияси, иқтисодий ҳолати, илмий-техник салоҳияти, илмий-техник вазифалар портфели ва бу вазифаларнинг ўзларини бир-бирлари билан боғловчи ҳар хил боғлиқликларни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз жараёни натижасидан иборат бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарга яхши маҳсулотга эга бўлиш етарли эмас, у рақиблардан орқада қолмаслик учун янги технологияларни пайдо бўлиши орқасидан эътибор билан кузатиши ва уларни ўз фирмасига тадбиқ этишни режалаштириши керак. Қўйилган мақсадларга эришиш учун бир қатор стратегик воситалар мавжуд.

Стратегияни қарорлар қабул қилиш жараёни сифатида белгилаш мумкин. Уни танлаш режаларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотлар ва инновацион фаолиятнинг бошқа шаклларини ўтказишни белгилаб беради.

Стратегик режалаштириш қуйидаги иккита асосий мақсадни кўзлайди:

1. Ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланиш. Бу ички стратегия, деб аталувчи мақсаддир. Сармоялар, технологиялар, одамлар каби чекланган ресурслардан фойдаланиш режалаштирилади. Бундан ташқари янги соҳалардаги корхоналарни харид қилиш, истиқболсиз соҳалардан чиқиш, корхоналарнинг самарали "портфели" инвестицион таклифлар мажмуасини шакллантириш амалга оширилади.

2. Ташқи муҳитга мослашиш. Қуйидаги вазифалар қўйилади: ташқи омиллар (иқтисодий ўзгаришлар, сиёсий омиллар, демографик вазиятлар ва бошқалар) ни ўзгаришига самарали мослашишни таъминлаш.

Стратегияни ишлаб чиқиш ташкилотнинг умумий мақсадини шакллантиришдан бошланади. Мақсадни қўйилиши фирманинг ташқи муҳит, бозор, истеъмолчи билан алоқаларида муҳим роль ўйнайди.

**Лойиҳани бошқаришда қарор қабул қилиш.** Асосий қарорлар концепцияси менежерлар ваколати ва инновацион менежмент функцияси доирасида қабул қилинади. Масалан, инновация лойиҳасини режалаштириш: таклиф этилаётган янгилик лойиҳасини таҳлил этиш ва баҳолаш, уни мавзу режасига киритиш, лойиҳани тадбиқ этиш жадвалини ва иш таркибини тасдиқлаш, лойиҳа харажати сметасини тузиш, лойиҳани молия билан таъминлашни мувофиқлаштириш, инвесторларни излаш, лойиҳани тадбиқ этиш режасини қабул қилиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Қарорларни қабул қилиш босқичлари ҳар бир қадамнинг кетма-кетлигига асосланади: олиш мумкин бўлган ахборотлардан фойдаланиш, муқобилини тўғри танлаш, айниқса, ноаниқликка ва хавф-хатарга жуда катта эътибор бериш. Қарорларни қабул қилиш жараёнида вақтга, ресурсларга, ахборот ва хулқ-атвордаги чеклашларга эътибор берилади.

Энг кўп тарқалган қарорларни қабул қилишда муаммони аниқлаш, мезонларни ишлаб чиқиш, муқобилларини танлаш, муқобилларни нисбатан баҳолаш ва уларнинг энг яхшисини танлашга асосланган беш босқичли чизма киритиш мумкин.

Қарорларни қабул қилишнинг беш босқичли чизмаси 2.3.1-расмда ифодаланган.




**2.3.1-расм. Қарорларни қабул қилиш жараёни**

Қабул қилинадиган қарорларнинг турлари ва моделлари ҳар хил. Унинг турларига, сезгиларга асосланган, эвретик, мураккаб ноаниқлик шароитида хавфга яқин бўлган, тахминий, мақсадга мувофиқ бўлган, рақобатли, миқдорий, сифат ва бошқа турдаги қарорлар киради. Қарорларни тарқатиш даражасига қараб: индивидуал, локал, қайтариладиган, прогноз, келажакка мўлжалланган, глобал қарорлар турига бўлинади.

Вазифа ва объектлар мураккаблашган сари қарорларни қабул қилиш усуллари ва моделлари ҳам мураккаблашиб боради.

Статистик, ўйинлар назарияси, чизиқли ва чизиқсиз дастурлаш, таҳлил қилиш модели, график, навбат кутиш, хизмат кўрсатиш моделлари, ахборотларни излаш, автоматик бошқариш ва ҳоказолар энг кўп тарқалган қарорларни қабул қилиш усулларига киради.

**Таянч иборалар:** корхоналардаги инновацион лойиҳаларни бошқариш, инновацион лойиҳаларни бошқариш стратегияси, лойиҳани бошқаришда қарор қабул қилиш.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацион лойиҳаларни бошқариш стратегиянинг моҳияти.
2. Унинг корхона умумий стратегияси билан алоқасини аниқлаш услубиёти қандай?
3. Замонавий корхоналардаги инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг зарурлиги нимада?
4. Корхонанинг инновацион лойиҳаларини бошқариш нима?

## 2.4. Инновацион фаолиятни молиялаштириш

**Инновацияларни молиялаштириш манбалари ва шакллари.** Инновацион фаолиятнинг муваффақияти кўпроқ даражада уни ташкил қилиш шакллари ва молиявий қўллаб-қувватлаш усуллари билан белгиланади.

Янги илмий ишланмалар ва технологиялар давлат миллий кучининг асосий ташкил қилувчилари бўлгани сари ривожланган давлатлар инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг турли-туман имкониятларини топадилар.

Бунда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг турли-туман усуллари ва инновацияларни воситали қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларнинг ранг-баранглиги кенгаяди.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими мулкчилик тури, марказлаштирилганлик даражаси, ҳам мулк эгаларининг даражаси ва молиялаштириш шакллари билан фарқланувчи шакллар ва манбаларнинг мураккаб бирикиб кетишидан иборатдир.

2.4.1-жадвал

**Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ташкилий шакллари[6]**

| Шакл | Эҳтимол бўлган сармоядорлар | Қарз маблағларини олувчилар | Шакллардан фойдаланишнинг афзалликлари | Бизнинг мамлакатимиз шароитида шаклдан фойдаланишнинг мураккаблиги |
|---|---|---|---|---|
| Дефицитли молиялаштириш | Хорижий давлатлар ҳукуматлари. Халқаро молиявий институтлар. Ўзбекистон Республикасининг корхоналари ва ташкилотлари | Ҳукумат | Инновацияларни давлат томонидан тартибга солиниши ва назорат қилиниши | Молиялаштиришнинг номақсадий характери ташқи ва ички давлат қарзларининг ўсиши. Бюджетнинг харажат қисмини кўпайтириш |
| Акциядорлик (корпоратив) молиялаштириш | Тижорат банклари. институционал сармоядорлар | Корпорациялар, корхоналар | Корпорация (корхоналарда инвестицияларда н фойдаланишнинг вариант белгиси) | Номоддий характери ҳақиқий лойиҳалар бозорида эмас, балки фақат қимматбаҳо қоғозлар бозорида ишлаш. Сармоядор хатарининг юқори |

[6] Анохин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. -М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко», 2012. -380с.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | даражаси |
| Лойиҳани молиялаштириш | Ҳукуматлар, халқаро молиявий институтлар. Тижорат банклари. Мамлакат корхоналари. Хорижий сармоядорлар инстуционал сармоядорлар | Инвестицион лойиҳа. Инновацион лойиҳа | Молиялаштиришнинг мақсадли характери. Хатарларни тақсимланиши. Давлат - иштирокчи молиявий муассасаларнинг кафолати. Назоратнинг юқори даражаси | Инвестицион муҳитга боғлиқлик, кредит харажатларининг юқори даражаси. Беқарор қонунчилик ва солиқ тартиби. |

**Хорижда инновацион фаолиятни молиялаштириш тартиби.** Саноати ривожланган мамлакатларда инновацион жараён сармояларни ҳам хусусий ва ҳам давлат манбаларидан олади. АҚШ ва Европа мамлакатларида уларнинг улуши тахминан тенг Японияда хусусий инвестицияларнинг улуши 80 %дан ошиб кетади. Молиялаштиришнинг энг ихчам шакли - хатарли сармоялар – хусусий манбаларга асосланадилар.

Инновацион жараёнлар учун, шубҳасиз, ИТТИРни инновацион жараёндаги белгилаб берувчи бўғин сифатида молиялаштириш энг катта аҳамиятга эга.

Европа мамлакатларида худди шундай тартибда кўп илм истеъмол қиладиган ишлаб чиқаришлар ва юқори технологик маҳсулотларнинг аҳамияти ўсмоқда. ИТТКИни давлат томонидан молиялаштириш тизимида инновацион жараённи воситали қўллаб-қувватлашнинг ҳам тўғридан-тўғри шакллари ва ҳам самарали усуллари (солиқ имтиёзлари, имтиёзли ҳукумат кредити, амортизацион ҳисобдан чиқаришлар) бириктирилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бундай тури Франция, Австрия, Швецияда кенг қўлланилади. Худди давлатнинг қўлида молиялаштиришнинг бундай манбалари инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг рағбатига айланади.

Японияда ИТТКИни молиялаштириш манбаларининг асосий қисмини хусусий компаниялар ташкил қилади. Бу ерда давлат харажатларининг улуши АҚШ ва Европа мамлакатларига қараганда анча паст, бунинг устига хусусий компаниялар ва давлатнинг ҳаракатларини Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) томонидан белгилаб берилган умуммиллий устуворлик бўйича махсус фондлар ва дастурий тадқиқотлар шаклида бирлаштирилиши катта аҳамиятга эга. Устувор илмий йўналишлардаги инвестицияларни ўсиш суръатлари бўйича Япония жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари Японияда хусусий фирмаларга, илмий лабораториялар ва тажриба корхоналарининг ускуналари ҳамда давлат муассасалари, университетларининг тадқиқотлари натижаларини, шу жумладан, илмий-техник ахборотларни топшириш амалиёти қўлланилмоқда. Бунинг устига энг янги технологиялар базасида янги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хусусий фирмаларга асосий инновацияларни ишлаб чиқаришда 3 йилдан 5 йилгача катта (50 %гача) солиқ

имтиёзлари берилади. Японияда амортизацион ажратмалар меъёрларини табақалаштириш кенг қўлланилади.

**Инновацион фаолиятни лойиҳавий молиялаштириш.** Замонавий, шу жумладан, халқаро молиявий фаолиятда лойиҳавий молиялаштириш каби истиқболли ва динамик йўналиш борган сари кўпроқ ривожланиб бормоқда. Бу инновацион фаолиятда молиявий ва банк иштирокининг тури саноатнинг кўп ресурслар ва сармоялар истеъмол қилувчи соҳалари ишлаб чиқариш аппаратини модернизациялаш, такомиллаштириш ва янгилашга, айниқса, муҳтож мамлакатлар ва минтақалар учун долзарбдир.

Ҳозирга қадар ривожланган мамлакатларда молиялаштиришда электр энергияси, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар катта оммавийликка эга бўлганлар. Энди лойиҳавий молиялаштириш ҳам саноатнинг инфратузилмасини ва қайта ишлаб чиқарувчи соҳалари билан боғлиқ, ҳам илмий-техник янгиликлар ва илғор технологияларга қаратилган саноат объектларининг кўпчилигига кенг тарқалган. Кейинги йўналиш юқори технологик, кўп илм истеъмол қилувчи ишлаб чиқаришларга инвестициялар киритишнинг кам сонли тажрибасида пайдо бўлган.

Лойиҳавий молиялаштириш анъанавий равишда инвестицион лойиҳаларга мўлжалланганлигига қарамасдан, ҳозирги вақтда бу усуллар ноёб новаторлик ёндашишлар ва тубдан янги ишлаб чиқаришлар соҳасига тез кириб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, лойиҳавий ва молиявий хатарлар, демак лойиҳаларни экспертли баҳолашга талаблар ҳам ўсади. Бу масалаларни ҳам услубий ва ҳам амалий ва ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур. Нафақат кредиторларни, балки маҳсулотнинг ёрқинлигини баҳолаш ва хатарни бартараф қилишга қодир мустақил маслаҳатчиларни топиш қийин. Ишончли таъсисчилар, самоядорлар, кафолатчилар, пудратчилар ва операторлардан ташкил топган лойиҳавий жамоани танлаб олиш ундан ҳам қийин. Шунга қарамасдан айнан инновацияларни лойиҳавий молиялаштириш бугун энг катта қизиқишни уйғотади.

Лойиҳавий молиялаштириш камида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва молиялаштириш ҳақидаги учта принципиал қоидаларни ишончли равишда намойиш қилади.

*Биринчиси* - саноати ривожланган мамлакатлар мисолида шу нарса кўринадики, инновацион жараёнларнинг асосий қисмини ҳар хил даражада ва кўламдаги хусусий компанияларнинг кучлари билан амалга ошириш мумкин. Шубҳасиз, инновацион жараёнлар бу ерда мақсаднинг ўзи эмас, балки тадбиркорлик муваффақиятига эришиш воситаси сифатида бўлади. Инновацион бизнес ҳар хил ташкилий фондларда академик "соф фан" ва хусусий сармоя манфаатлари ўртасида воситачи бўлади, чунки инновацион жараён даромадли сифатида кўриб чиқилади.

*Иккинчиси* - давлатнинг инновацион сиёсати нафақат инновацион жараёнга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишда, балки инновациялар учун инновацияларни давлат томонидан воситали қўллаб-қувватланишининг ҳар хил

молиявий қонунчилик, солиқ, ижтимоий ва бошқа усуллари билан бир қаторда қулай иқтисодий муҳитни яратилишида намоён бўлиши мумкин. Давлат ўзбек модели асосидаги иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатида инновацион сиёсатнинг асосий юкини ўзига ололмайди, аммо инновацион бизнесни қўллаб-қувватловчи тадбирларнинг тўлиқ турли-туманлигини таъминлаши мумкин.

Ва ниҳоят, *учинчиси* - инновацион фаолиятнинг эгилувчанлиги, кўп вариантлилиги ва муқобиллилиги давлат ва хусусий тадбиркорлик, хусусий ва хорижий сармоядорлар ҳамкорлигининг кўп сонли шаклларини вужудга келишига жуда яхши ёрдам беради. Агар давлат сиёсий, макроиқтисодий ва йирик экологик хатарлардан кафолатчи бўлган ҳолда лойиҳавий молиялаштиришнинг кенгроқ амалиёти ва инновацион фаолиятни ривожланиши ўзига муносиб ўринни топиши мумкин. Ўзбекистонда инновацион бизнесни ривожланиши учун дастлабки шароитлар яратилган.

**Корпоратив корхоналар инновация талабларини молиялаштириш механизми.** Корпоратив корхоналар инновация талабларини молиялаштириш механизми қонуний ва норматив-ҳуқуқий асосларга мос тушадиган, корпорацияларни самарали молиялаштириш жараёнини амалга ошириш имкониятини берадиган фаолиятлар йиғиндисини ифодалайди. Қуйида корпоратив корхоналарнинг қийматини кўпайтириш мақсадида инновацион ривожлантиришга бўлган талаби 2.4.1-расмда келтирилган.

Капиталнинг таркиби юзасидан самарали қарорларни қабул қилиш учун корпоратив корхоналарнинг менежменти компания фаолиятини молиялаштиришнинг манбаларини ва ундан фойдаланиш натижасида олинадиган нисбий самара ҳар томонлама таҳлил қилиниши керак. Ушбу таҳлил асосида икки бўлинмада компанияни молиялаштириш манбаларини таҳлил этиш ётади. Мавжуд бизнесга асосан барча корпоратив корхоналарни молиялаштириш ички ва ташқи манбаларга бўлинади. Молия менежменти назариясида молиянинг ички ва ташқи манбаларига ўзининг ва ташқаридан жалб этилган маблағлар киритилади.




**2.4.1-расм. Корпоратив корхоналардаги маҳсулотлар қиймати манбаларининг турли хил нисбати таҳлили***

* КҚ – компания қиймати битта соҳага ихтисослашган компаниянинг ўртача қиймати ўсишини ифодалайди. Ўсиш омиллари нисбатининг индивидуал аҳамияти ҳар хил ёки тескари бўлиши мумкин.

**Таянч иборалар:** инновацияларни молиялаштириш, хорижда инновацион фаолиятни молиялаштириш, инновацион фаолиятни лойиҳавий

молиялаштириш, корпоратив корхоналар инновация талабларини молиялаштириш механизми.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инновацияларни молиялаштириш манбалари ва шаклларини айтинг.
2. Хорижда инновацион фаолиятни молиялаштириш тартиби қандай?
3. Лойиҳавий молиялаштириш нима?
4. Иннновацион фаолиятнинг эгилувчанлигини тушунтиринг.

## 2.5. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги рисклар

**Инновацион лойиҳалар билан боғлиқ рискларни таҳлил қилиш ва уларни бошқариш.** Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳал этишда риск таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Бундай таҳлил асосида лойиҳа юзасидан мумкин бўлган барча йўқотишлар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ёки тегишли вазиятларда уларни бенуқсон ҳал этиш ёки пасайтириш чоралари ишлаб чиқилади. Рискдан келадиган йўқотишларни камайтириш ёки барҳам топтириш ва улар билан боғлиқ салбий оқибатларни камайтириш усулларини таклиф этиш учун, энг аввало, рискларнинг вужудга келишига имкон берувчи омилларни аниқлаш, уларнинг аҳамиятини баҳолаш, яъни "риск таҳлили", деб номланувчи ишни бажариш лозим бўлади. Рискларни бошқариш риск ва фойда миқдорини оқилона қўшилмасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлардир. Рискларни бошқаришнинг асосий мақсади - уларни пасайтириш ҳисобланади.

Рискларни бошқариш қуйидаги асосий босқичларга бўлинади:

1) риск омилини аниқлаш;
2) риск омилини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
3) рискларни пасайтириш бўйича ишларни режалаштириш ёки риск оқибатларини бартараф этиш;
4) рискларни олдини олиш ва назорат қилиш;
5) рискларни бошқариш усулларини танлаш ва қўллаб-қувватлаш;
6) риск вазиятлари ва уларни оқибати хақида маълумот тўплаш ва келажакка тавсиялар ишлаб чиқиш.

Рискларни бошқаришдаги асосий вазифа - амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишдир. Рискни бошқаришдаги асосий йўллар: рискларни ажратиш; рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш; моддий таъминотни олиш (гаров); молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик); рискларни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига кўчириш; рискларни венчур кредитлашга қабул қилиш; қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш кабилардан иборат. Бу эса рискни бошқариш бўйича қуйидаги иш йўналишларини талаб қилади: ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторинг олиб бориш; маълум бир мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторингини юритиш; кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш; риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга

ошириш). Қуйида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда аниқланувчи, ҳисобга олинувчи рискларни таҳлил қилиш, уларнинг лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларидаги яна бошқа бир бошқариш тизимининг босқичлари келтирилган:

- рискларни бошқаришни режалаштириш;
- рискларни таснифлаш;
- рискларни сифат жиҳатдан баҳолаш;
- рискларни миқдорий баҳолаш;
- рискларни режалаштириш (аниқлаш) ва уларни ҳал этиш услубларини танлаш;
- рискларнинг мониторингини олиб бориш.

**Инновацион лойиҳаларда рискларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилиш.** Рискларнинг сифат таҳлили – бу лойиҳа бўйича кутилиши мумкин бўлган асосий рискларни аниқлаш, лойиҳани амалга оширишда унинг оқибатларини ўрганиш ва рискларни пасайтириш йўллари (тадбирлари)ни аниқлащдан иборат. Инновацияларни сифат жиҳатдан таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусияти - уни миқдорий натижалар сифатида акс эттиришидадир. Лойиҳавий рискларнинг сифат таҳлилини ўтказиш жараёнида лойиҳа бўйича аниқ риск турлари аниқланади, уларни пайдо бўлиш сабаблари ўрганилади, рискларни пасайтириш юзасидан тавсиялар ва лойиҳани амалга ошириш оқибатлари таҳлил қилинади. Рискларнинг миқдорий таҳлили эса рисклилик нуқтаи назаридан лойиҳа бўйича бир қатор омилларнинг ўзгариши натижасида лойиҳа самарадорлиги мезонларининг ўзгаришини ўрганишдан иборатдир. Лойиҳавий рискларнинг миқдорий таҳлилини ўтказиш лойиҳанинг ҳисоб-китобларига асосланади. Миқдорий таҳлилнинг асосий вазифаси - лойиҳа самарадорлиги мезонларига асосан рискли омилларнинг ўзгариши таъсирини миқдор жиҳатдан ўлчащдан иборат бўлиб, миқдорий таҳлил рискларни лойиҳа натижаларига сон ўлчовида кўрсатиб беради. Бундай таҳлил турида математик моделлар, эҳтимоллар назарияси, статистик усуллар қўлланилади. Миқдорий таҳлилнинг камчиликлари: у катта ҳажмдаги маълумот, вақт ва аниқ билим талаб қилади, аммо бу таҳлил тури аниқ ўлчовли маълумот беради. Миқдорий таҳлил қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- статистик кўрсаткичлар (дисперсия, вариация ва бошқалар);
- сезгирлик усули (битта риск омили ўзгаришининг лойиҳа самарадорлиги мезонларининг ўзгаришига боғлиқлигини тадқиқ қилиш);
- зарарсизлик нуқтасини аниқлаш усули;
- сценарийлар усули;
- Монте-Карло усули;
- дисконтлаш ставкасини ўзгартириш усули ва бошқалар.

Одатда, риск таҳлили қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- биринчи босқичда муайян турдаги рискнинг кўпайиши ёки камайишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар аниқланади;
- иккинчи босқичда аниқланган омиллар таҳлили ўтказилади;

- учинчи босқичда қуйидаги икки усул (ёндашув) асосида молиявий нуқтаи назардан аниқ кўринишдаги риск таҳлили олиб борилади:

а) лойиҳанинг молиявий аҳволи (ликвидлиги)ни аниқлаш;

б) инвестиция лойиҳасида иштирок этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги (молиявий маблағлар қўйилмасининг самарадорлиги)ни аниқлаш;

- тўртинчи босқичда рискнинг танланган даражаси бўйича алоҳида операциялар таҳлили ўтказилади;

- бешинчи босқичда риск оқибатида кутилиши мумкин бўлган йўқотишлар ҳажми аниқланади;

- олтинчи - сўнгги босқичда, кўриб чиқилаётган лойиҳада қатнашиш бўйича ижобий қарор қабул қилинган ҳолларда рискни йўқотиш ёки пасайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Одатда, бундай вақтларда турли хил йўқотишларга тайёр туриш учун олдиндан хавфсизлик захираси ташкил этилишини ҳам кўриб чиқиш мумкин.

**Рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш.** Рискларни бошқаришдаги асосий вазифа - амалдаги бозор конъюнктурасига мос даражада рискларни минималлаштириш, кредитлаш хизматлари бозорида банк позициясини минимум сақлаб қолишдир. Рискни бошқаришдаги асосий йўллар: рискларни ажратиш; рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш; моддий таъминотни олиш (гаров); молиявий таъминотни олиш (кафолат ёки кафиллик); рискларни кредит бўйича юқори фоиз ставкасига кўчириш; рискларни венчур кредитлашга қабул қилиш; қарзлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун фондларни шакллантириш кабилардан иборат. Бу эса, рискни бошқариш бўйича қуйидаги иш йўналишларини талаб қилади: ҳар бир мижоз бўйича доимий мониторинг олиб бориш; маълум бир мижознинг асосий хўжалик фаолиятига алоқадор тармоқ ҳолатининг доимий мониторингини юритиш; кафолатни жалб қилиш ва таҳлил этиш; риск учун компенсация олиш (гаров, кафолат ва бошқаларни амалга ошириш).

**Рискларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг хориж тажрибалари.** Германия, Австрия ва Швейцария мамлакатларининг тижорат банклари томонидан Шарқий Европа мамлакатларида XX асрнинг 90-йилларида амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни кредитлашда инвестицион рисклардан ҳимояланиш мақсадида қуйидаги икки усулдан кенг кўламда фойдаланилади:

- берилган инвестицион кредитлар бўйича кредит рискининг даражасини пасайтириш мақсадида Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматларининг кафолатлари;

- берилган инвестицион кредитлар бўйича валюта рискининг харажатини пасайтириш мақсадида форвард валюта шартномалари тузиш усулидан фойдаланиш. Халқаро кредитлар берган тижорат банклари қайтариладиган ва унга ҳисобланган фоиз суммасига бошқа тижорат банклари билан форвард шартномалари тузилди. Форвард шартномаси тузилаётган пайтда валюта курси белгилаб қўйилди ва бу курс шартнома ижро этилгунга қадар ўзгармасдан қолди.

**Таянч иборалар:** рискларни таҳлил қилиш, рискларни бошқариш, рискларни бошқаришни режалаштириш, рискларни таснифлаш, рискларни сифат жиҳатдан баҳолаш, рискларни миқдорий баҳолаш, рискларни режалаштириш (аниқлаш), рискларнинг мониторингини олиб бориш.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инвестицион лойиҳаларда рискларни тавсифлаб беринг.
2. Инвестицион лойиҳаларда рискларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилишни тушунтиринг.
3. Рискларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг хориж тажрибаларини қўллаш.
4. Рискларни миқдорий баҳолаш нима?

# III-боб. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми ва унинг ҳуқуқий асослари. Инновацияларни қўллашнинг хориж тажрибаси

## 3.1. Инновацион тадбиркорлик

**Тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми.** Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий йўналишларидан бири - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Бундан кўзланган пировард мақсад - мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, миллий даромадни ошириш, аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, инфляцияни жиловлаш, аҳолининг моддий фаровонлиги оширишдан иборатдир.

Давлатнинг инновацияга оид сиёсатини амалга ошириш мазкур фаолият субъектларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумот олиш ва буни сиёсий мақсадлар билан солиштириш йўли билан белгиланади. Давлат сиёсатининг мақсадларини белгилаш ушбу сиёсатни амалга ошириш тамойиллари ва механизмига асосланади.

Маълумки, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг пировард мақсади - эркин рақобат асосида ривожланадиган иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун Ўзбекистонда, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун барча зарур инфратузилма ва имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётнинг бозор тузилмасини ва рақобат муҳитини шакллантиришга, барча қатламларда солиққа тортиш базасини кенгайтиришга, янги ишчи ўринларини яратишга ҳамда ички бозорни турли товар ва хизматлар билан тўлдиришга имкон беради. Тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат хусусий бизнесни ривожланишига, ушбу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини шаклланишига замин яратди.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи технопарклар, тижорат банклари, ахборот-консалтинг марказлари, аудиторлик фирмалари, ўқитиш марказлари, баҳолаш компаниялари, товар-хом ашё биржасининг савдо майдончалари, микрокредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, бизнес-инкубаторлар, брокерлик идоралари, лизинг компаниялари, бизнес-инкубаторлар ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган инновация инфратузилмаси ташкил этилган.

Кичик бизнес инновация инфратузилмасининг асосий функцияси тадбиркорлик субъектларига у ёки бу турдаги (керакли маълумот билан таъминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш, бино ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлаш, консультация бериш, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.) хизматларни кўрсатишдан иборатдир.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат кичик тадбиркорликни ривожланишига, ушбу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини шаклланишига замин яратди. Жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда эришилган ютуқлар ушбу жараёнларнинг ривожланишига бевосита боғлиқдир.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жараёнлари асосан қуйидаги 3 та йўналишни ўз ичига олади:

1. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти учун етарлича ишбилармонлик шарт-шароитлари ва муҳитини яратиш.

2. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини бевосита рағбатлантириш.

3. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ўз вақтида тўғри молиялаштириш.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда бизнесни бошлашга имкон яратувчи, рўйхатга олиш ва ундан кейинги жараёнлар соддалаштирилди, янада енгиллаштирилди. Рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Тадбиркорликни кредитлашнинг кўплаб илғор шаклларини жорий этишга шароит яратилди. Биржа савдоларини ривожланиши билан тадбиркорликни моддий-техник ресурсларини эркин сотиб олишга қулай шароит яратилди ва бу соҳага боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар ўз ечимини топди.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини мажбурий стандартлаштириш ва сертификатлаш тизими соддалаштирилди, эркинлаштирилди ва бу ислоҳотлар давом этмоқда. Рухсат бериш билан боғлиқ бўлган кўпгина функциялар такомиллаштирилди ва соддалаштирилди. Чакана ва улгуржи савдо тизими эркинлаштирилди.

Молия, солиқ ва статистика ҳисоботларининг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилмоқда. Солиққа тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди.

Назорат қилувчи органларнинг назорат ва кузатув функцияларига ёндашув тубдан ўзгарди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларни баҳолаш мезонлари қайта кўриб чиқилиб, тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган кўплаб жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди.

Республика ҳудудларида ахборот-маслаҳат таъминоти тизимида Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат марказлари, бизнес-инкубаторлар, бизнес-мактаблар, идоравий консалтинг ташкилотлари, хусусий консалтинг фирмалари ва ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда 32 та бизнес-инкубатор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий вазифаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошланғич босқичида ривожлантириш учун қулай муҳит бизнес-инкубация жараёнини ташкил қилиш, ахборот-маслаҳат хизматини кўрсатиш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам бериш, кичик бизнес учун кадрларни

қайта тайёрлаш, касб-ҳунарга ўргатишга қаратилган қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этишдан иборат.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти амалиётга янги, замонавий ва такомиллашган рақобатбардош ишлаб чиқаришни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш ва маҳсулотлар нархларини камайтиришни ва шу билан биргаликда уларнинг истеъмол даражасини ва сифатини узлуксиз равишда ошириб боришни тақазо этади.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришдан асосий мақсад - бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Бугунги кунда сир эмаски, кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, биринчи навбатда, илғор илм-фан ютуқларига асосланади.

Умуман олганда, мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун илмий, иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд ва кадрлар салоҳияти ҳам маълум даражада юқорилигини таъкидлаш мумкин.

Бироқ, мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичини талаб даражасида, деб бўлмайди. Маълумотларга кўра фаолият кўрсатаётган 230 яқин илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассаларидан атиги 10 фоизга яқини инновация фаолияти билан шуғулланаяпти. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси ҳам юқори эмас, айниқса, жуда кам сондаги кичик бизнес субъектлари патентларни қўлга киритмоқда.

Маълумки, ҳар қандай инновацион фаолиятнинг асосий негизини илмий ғоялар ва илмий тадқиқотлар ёки уларнинг натижалари сифатида янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга, такомиллаштиришга жорий этиш жараёнлари ташкил этади. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ҳам амалда шу жараёнлар билан бевосита уйғунлашиб кетади.

Илмий фаолият давлат сиёсатининг энг фаол соҳаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Гап шундаки, илмий ғоя бевосита хўжалик фаолиятида қўлланилиши мумкин эмас. Шунинг учун ташкилотлар тадқиқотларни молиялаштириш масаласига катта эҳтиёж сезса ҳам секинлик билан ёндашади. Ҳозирги шароитда давлат бизнесни таъминланиш функциясини, аниқроғи илмий билимлар ва ғоялар билан таъминлашни кўпгина ҳолларда ўз зиммасига олмоқда. Айнан шунинг учун илғор мамлакатлар расмий ҳужжатларида илмий-техника тараққиёти ягона занжир тарзида "илмий ғоя - таълим - ишлаб чиқариш" тамойили асосида инновация бизнесини кенг кўламда қўллаш ёки фойдаланиш сифатида қаралади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий, фан-техника соҳасини тартибга солишни давлат томонидан амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки илмий-техника тараққиёт иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатида уларни рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳукумат томонидан илмий ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизми 2 та таркибий қисмдан иборатдир:

а) билвосита рағбатлантириш;

б) бевосита рағбатлантириш.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш натижасида олган фойдадан имтиёзли солиқ олиш;
- илмий тадқиқотлар ихтиёрида бўлган ёрдамчи ва бошқа мулкдан солиқ олишни бекор қилиш;
- илмий иш олиб бориш учун хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган буюмлар учун тўловлардан озод қилиш.

Илмий ва инновацион фаолиятни бевосита рағбатлантиришда давлат томонидан бериладиган қуйидаги имтиёзлар назарда тутилади:

- шахсий ихтирочилар ва кичик жорий этиш корхоналари учун фоизсиз кредитлар бериш;
- имтиёзли солиқлар имконияти бўлган венчур инновация фойдани яратиш;
- шахсий ихтирочилар учун давлат патент тўловини камайтириш;
- ресурсларни иқтисод қилувчи ихтирочилар учун тўлов муддатини кечиктириш;
- ускуналарни амортизациясини тезлаштириш ҳуқуқини бериш;
- технопарк ва технополис тармоқларини яратиш.

Умуман, инновация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги фақат уларнинг умуммиллий аҳамияти билан эмас, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам белгиланади. Ҳозирги вақтда инновация янги турдаги рақобатбардош ва талабгор маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали бозор эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик бизнес субъектлари харажатларини рақобатчиларга нисбатан пасайтириш ва фойдасини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

**Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини венчур молиялаштириш усули.** Иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғида инновацияни жорий этиш молиявий маблағни талаб қилади. Инновацион бизнесни молиялаштириш жараёни эса одатдагидан кўра фарқли бўлиб, жаҳон амалиётида бундай молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири венчур фонди ҳисобланади.

Жаҳон амалиётидаги илғор тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик бизнесни молиялаштиришда венчур фондининг аҳамиятига алоҳида ўрин берилган.

"Venchur" тушунчаси инглизча "venture" сўзидан олинган бўлиб, одатда "хатар", "таваккалчилик", деган маъноларни англатади.

Венчур фонди – бу таваккалчилик даражаси юқори, олдиндан даромад ёки зиён кўрилиши аниқ маълум бўлмаган инновация лойиҳалари ва дастурларини молиялаштириш ва амалга ошириш, шунингдек, инновацияларни

жорий қилувчи ташкилотларни молиявий, консалтинг, инжиниринг ва ҳуқуқий қўллаб-қувватловчи жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус молиявий фонддир.

Венчур молиялаштириш - бу корхоналарнинг таваккалчилик даражаси юқори, фойда ёки зарар кўриши олдиндан номаълум бўлган инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурсларни ажратишдир.

Кўп ҳолларда венчур капитали мустақил фондлар кўринишида бўлиб, улар кичик ва ўрта корхоналарни инвестициялаш учун молиявий институтлар сармоясини ўзига жалб қилади.

Жаҳон тажрибасида баъзи молиявий институтларнинг ўзида ҳам венчур фондлари амал қилиши кузатилган. Бундан ташқари, венчур соҳасида хусусий инвесторлар ва йирик компанияларнинг биргаликдаги иштироки, яъни корпоратив венчурлаш мавжуд.

АҚШда венчур капитали соҳасига мансуб бўлган тижорат молия ташкилотлари кенг тарқалган. Уларнинг фаолият мақсади пул маблағларини йиғиб, фойда олиш учун манфаатли лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. Маълумотларга қараганда, АҚШ ва Буюк Британияда бундай фондлар маблағининг ўртача ҳажми 50 млн. долларни ташкил этади. Кўп ҳолларда венчур фондлари маъсулияти чекланган ҳамкорлик шаклида ташкил этилади. Айни ушбу тарихий шакл венчур капиталини тузишда қулай восита бўлиб чиққан. Бундай фаолият маъсулияти чекланган ва умумий шериклик қисмларидан таркиб топган. Биринчи қисмга мансублари фақат ўз капитали билан иштирок этади, аммо бошқарувда қатнашмайди, маъсулиятга эга бўлмайди. Улар ўз маблағларини таваккал қилиб сарфлашади. Умумий шерик эса аксинча, бажариладиган барча ишлар учун жавобгар ҳамда бошқарувда иштирок этади.

Таҳлилларга қараганда, венчур фондлари ўз фаолиятларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорда олиб боришган. Масалан, Буюк Британиядаги мавжуд 10 та йирик венчур фондларининг 3 таси хорижий инвесторлар саналиб, улар АҚШ компанияларига мансубдир.

Жаҳон амалиётида венчур фондларида кўп ҳолларда банклар, йирик корпорациялар, суғурта компанияларининг фаол иштирокини кўриш мумкин. Масалан, 2007 йилда Европада ташкил этилган маъсулияти чекланган шаклдаги (Limited Partnership) венчур фондларининг таъсисчи ёки инвесторларининг 25,3 фоизи пенсия жамғармалари; 16,2 фоизи банклар; 10,3 фоизи суғурта компаниялари; 9 фоизи бизнес-ангеллар ҳиссасига тўғри келган. Европадаги амалиётга кўра, бундай ҳамкорлик шартномалари 10 йилга тузилади ва баъзида яна 3 йилга узайтирилади. Кембридж тадқиқот марказининг таҳлилларига кўра, 2007-2008 йилларда Буюк Британияда энг кўп инвестициялар ҳажми маъсулияти чекланган ҳамкорлик шаклидаги венчур фондлари ҳиссасига тўғри келган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда норасмий венчур капиталининг энг кўп ҳажмини бизнес-ангелларнинг инвестициялари ташкил этмоқда. Шу ўринда қайд этиш керакки, "бизнес-ангел" тушунчаси дастлаб турли маданий

тадбирларни ҳомийлик асосида молиялаштириш ва муваффақиятли натижаларга эришилган ҳолатларда олинган фойданинг тақсимланишида иштирок этиш жараёнида пайдо бўлган. Кейинчалик Силикон водийсида бадавлат кишилар инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида молиялаштиришда қатнашганлар. Даврий равишдаги бундай лойиҳаларнинг амалиёти инвестициялар оқимининг ошишига ва бизнес-ангеллар фаолиятининг кенгайишига олиб келган.

2008 йилдаги статистик маълумотларга кўра, АҚШда 1 млн. нафар салоҳиятли бизнес-ангеллар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг йиллик имкониятлари 50 млрд. долларни ташкил этган. Европада шу пайтда йилига 20 млрд. евро миқдорида инвестициялаш имкониятига эга 12 минг 800 нафар бизнес-ангел фаолият кўрсатган. Бизнес-ангеллар хатарларни камайтириш мақсадида кўпинча ўз маблағларини бирлаштириб, синдикатларни ташкил этишган.

Умуман, жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, венчур капитали амалий ғояларнинг тижоратлаштирилишида катта ёрдам берган. Гарчи, Европада ЯИМнинг 1,8 фоизи, АҚШда эса 2,8 фоизини ташкил этсада, венчур капитали ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Чунки, ушбу капитал корхоналарнинг инновацион тараққиётини таъминлашнинг ягона омили сифатида хизмат қилган. Шу боисдан дунё миқёсида венчур капиталини инновацион бизнес ривожининг асоси, дейиш мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш ва тижоратлаштириш муаммосини самарали ҳал этишда венчур молиялаштириш фондларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Инновацион лойиҳаларни венчур лойиҳалаштириш фонди давлат ва хусусий маблағларни жамлаб, уларни ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиради.

Фирмада венчурли бўлимнинг тузилиши ва ҳаракат қоидаси худди эркин венчур корхонага ўхшашдир. Маълумки, венчурлар асосан кичик бизнесни ривожланишига тааллуқлидир. Уларнинг тавсифи хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. Бу таваккалли бизнес, яъни бу тадбир ўта янги, аввал ҳеч ким томонидан ишланмаган (инновацион) объектни танлайди ва ўз капиталини ёки қарзга олинган молиявий воситаларни ишлатишни таваккал қилиб сарфлайди. Агар муваффақиятга эришса, тадбиркор катта ўлчамдаги ўта юқори даражадаги даромадга эга бўлади.

2. Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмга бой венчур фирмаси ўз лойиҳасини ишлаш ва маҳсулот чиқаришни йирик корхоналарнинг вазифавий бўлимларига қараганда 1/3 ёки 2/3 мартда тезроқ амалга оширишга муваффақ бўлади. Венчурнинг шиорларидан бири: «Агар сен бугун йирик муаммони ечишга тайёр бўлмасанг, унда ҳозирги кунда қўлингдан келадиган масалани еч».

3. Венчур фирмаси барча кичик бизнес дунёсида катта ҳаракатчанликка эга. У эркин ташкилот бўла туриб, иш усулларини ва схемаларини ўзгартириш имкониятига эга.

4. Тадбиркорлик «венчур» тушунчасига эгалигидаги энг муҳими, унинг қуйидаги аломатларидир (раҳбар, менежер): ишбилармонлик, интилувчанлик, мардлик, таваккалчилик, рақобатчилик билан бўладиган курашдаги жонкуярлиги ва бошқа сифатлари жуда муҳимдир. Кичик бизнесда муваффақиятли ҳаракат қилувчи венчурлардан келадиган фойда шунчалик каттаки, ҳатто йирик фирма раҳбарлари улардан ўзига иттифоқчи қидира бошлайдилар. Инновацион лойиҳаларни бажариш учун раҳбарлар шартнома ва буюртмалар тузадилар, молиявий ёрдамлар кўрсатишади. Иккинчи йўл эса венчур гуруҳининг ижобий тажрибасини ўтказиш ва фирма ичида керакли инновация бўлинмаларининг яратишдан иборат.

**Инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг хусусиятлари.** Инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- венчур фондининг маблағлари илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳаларни яратишга қаратилган ва юқори технологияга асосланган янги кичик корхоналарга йўналтирилади. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширилиши истиқболда юқори фойда олиш билан якунланади. Ўз навбатида, бунда қўйилган капитални йўқотиш хавфи ҳам жуда юқоридир:
- венчур капитали ўрта ва узоқ муддатларга тақдим этилади ва венчур фирмасини ҳаётийлик даври тугамасидан капитални қайтариб олиш мумкин эмас (одатда 5-7 йил);
- венчур молиялаштириш имтиёзли тарзда ривожланиш салоҳияти мавжуд бўлган кичик инновацион корхоналарга 5-7 йил муддатга тақдим этилади;
- венчур инвестициялари уни қайтаришга кафолат мавжуд бўлмаган шароитда узоқ муддатли кредитларнинг кафилликсиз шакли ҳисобланади;
- венчур молиялаштириш фонд биржасида акциялари ҳали котировка қилинмаган ривожланаётган корхонанинг акцияларига пай кўринишида капитал қўйиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли банклар бу каби лойиҳаларга ўз маблағларини йўналтиришни хоҳламайди;
- венчур фонди ўз маблағларини бевосита корхонани ўзига эмас, уни акциядорлик капиталига йўналтиради;
- венчур капиталининг ноанъанавий (янги, айрим ҳолларда бутунлай бошқа турдаги) кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши бир томондан капитални қайтиш хавфини оширса, иккинчи томондан, юқори фойда олиш эҳтимолини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, венчур молиялаштириш жаҳон тажрибасида кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг мақбул усулларидан бири сифатида ўз исботини топган. Шунинг учун келгусида Ўзбекистонда ҳам венчур фондлари шакллантирилиб, уларнинг ресурслари кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштиришда кенг кўламли қўлланилиши муқаррардир.

**Тадбиркорлик инновацион фаолиятини бошқаришдаги илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.** Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт реал секторининг етакчи тармоқларида кичик бизнесни

ривожлантириш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашни тақазо этмоқда. Бунинг учун жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳақиқатан ҳам ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтиришга алоҳида аҳамият берилган. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унга кенг йўл очиб бериш аҳолининг бандлигини самарали таъминлаш ва бу орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим гарови сифатида эътироф этилади.

Кўплаб мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш етарли ресурс имкониятларига ва бошқарув ваколатига эга бўлган махсус давлат органлари зиммасига юклатилган.

Хусусан, бу борада фаолият кўрсатаётган махсус ҳукумат органлари қаторига АҚШда – SBA, Администрация, Миллий илмий фонд, Буюк Британияда – "Кичик бизнесга хизмат кўрсатиш миллий Агентлиги" (SBS), Германияда – "Кичик ва ўрта бизнес бош Директорати" (DG VIII), Японияда – "Кичик ва ўрта тадбиркорлик Агентлиги" (SMEA), Венгрияда – "Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича миллий кенгаш", Польшада – "Кичик ва ўрта тадбиркорлик департаменти", Кореяда – "Кичик ва ўрта бизнес администрацияси"ни киритиш мумкин[7].

Таҳлилларнинг кўрсатишича, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг мамлакат миллий даромади, аҳоли бандлиги, экспорт ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши юқоридир (3.1.1-жадвал).

Қуйидаги статистик маълумотлардан кўринадики, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўртача 50-57 фоизни ташкил этмоқда. МДҲ мамлакатларида эса кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан пастдир.

Шу билан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва уларни жалб этишнинг ўта мураккаблиги энг жиддий муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамалакатларнинг кичик бизнесни молиялаштириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мукаммал ва пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва рақобатнинг кучайиши шароитида ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бундай ҳолат эса, давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганлигини англатади.

---

[7] Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г.Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева. -М.: Фонд «Либеральная миссия», 2003. -137 стр.

3.1.1-жадвал

**Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**[8]

| Давлатлар | Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, % | Кичик ва ўрта бизнеснинг умумий бандликдаги улуши, % | Кичик ва ўрта бизнеснинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши, % | Жами корхоналар таркибида кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони ва улуши | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Сони, млн. | Улуши, % |
| АҚШ[9] | 52,0 | 50,1 | 30,0 | 22,9 | 97,6 |
| Канада* | 43,0 | 47,0 | ... | ... | 99,8 |
| Япония[10] | 51,6 | 80,0 | 40,0 | 4,69 | 99,7 |
| Германия* | 57,0 | 69,3 | ... | ... | 99,3 |
| Франция* | 49,8 | 56,6 | ... | ... | 97,6 |
| Италия* | 55,0 | 71,0 | ... | ... | 99,2 |
| Буюк Британия[11] | 52,0 | 55,5 | ... | 4,0 | 99,1 |
| Польша[12] | 48,0 | 68,1 | 44,0 | 1,7 | 99,8 |
| Жанубий Корея[13] | 51,0 | 74,7 | 42,3 | 3,06 | 97,9 |

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг кенг кўламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳозирда амалий аҳамиятга эгадир (3.1.2-жадвал).

Жаҳон тажрибасида кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятининг молиявий манбаи бўлиб, давлат ва хусусий сектор ҳисобланади. АҚШ, Япония, Германия ва Францияда илмий-тадқиқот ва техник ишланмаларни молиялаштирилган жами маблағнинг 48–72 %и хусусий секторга тўғри келади. Ушбу мамлакатларда жами илмий-тадқиқот ва инновацион ишламаларнинг 60–75 %и хусусий секторда, шу жумладан, амалий тадқиқотларнинг 70 %идан ва тажриба конструкторлик ишларнинг 90 %идан ошиғи бажарилади. Ривожланган мамлакатларда давлат сектори муҳим манба ҳисоблансада, аммо инновацион фаолиятни амалга оширишда ва молиялаштиришда иккинчи даражали ўринни эгаллайди. Унинг улуши кўпчилик ривожланган мамлакатларда хусусий секторга нисбатан 1,3-2,5 марта кам.

---

[8] * Канада, Германия, Франция ва Италия давлатларига тегишли маълумотлар учун манба: «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2007 г. -21 с.

[9] Администрация малого бизнеса США-АМБ., 2007 г. http://www.sba.gov.

[10] National Life Finance Corparation (Japan). Статистические исследования о коммерческих учреждениях и предприятиях, 2006 г. Small and Medium Enterprise Agency – SMEA. http://www.chusho.meti.go.jp/sme_english/index.html. 2006 у.

[11] Small Business Service. http://www.sbs.gov.uk, Depertament of Trade and Industry. http://www.dti.gov.uk

[12] Польского агентства развития предпринимательства –ПАРП. http://www.parp.pl. 2007 г.

[13] The Small and Medium Business Administration SMBA. http://www.smba.go.kr/main/English/index.jsp. 2008 у.

3.1.2-жадвал

**Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари**[14]

| Асосий хусусиятлар | Асосий хусусиятларнинг қайси давлатларга хос эканлиги |
|---|---|
| Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатларини 50 фоизигача тўғридан-тўғри молиялаштирилади (субсидиялар, заёмлар) | Франция, АҚШ ва бошқалар |
| Фоизсиз ссудалар тақдим этилади | Швеция |
| Дотациялар берилади, кичик бизнесга кредитлар ажратишда венчур фондларидан самарали фойдаланилади | амалда барча ривожланган мамлакатларда |
| Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади | АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия |
| Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади | Австрия, Германия, АҚШ, Япония |
| Кашфиётлар энергияни тежашга қаратилган бўлса, давлат божларини тўлашдан озод этилади | Австрия |
| Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади | Нидерландия, Германия, Япония |
| Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар солиққа тортишдан озод этилади, солиқлар фақатгина экспорт қилишда олинади | Хитой |
| Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (бозорга чиқишда, шериклар топишда, ахборот билан текин таъминлашда, имтиёзли нархда ижарага бино ва иншоотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади | Буюк Британия, Италия |
| Тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилади, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа тадбиркорлар бепул бошлангич сармоя билан таъминланади | Германия |
| Кичик бизнеснинг суғурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилади. Ёрдам пули инновацияларнинг хавфли лойиҳаларини қоплайди. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида катнашади | АҚШ |

Ушбу кўрсаткич Францияда 42 %, Германияда – 37 %, АҚШда – 36 %, Японияда – 21 %ни ташкил қилади. Давлат секторининг инновацион ишларни бажаришдаги улуши, уларни молиялаштиришга нисбатан ҳам кам ва ривожланган мамлакатлардан олинган илмий ва инновацион ишлар умумий ҳажмининг 10–21 %ини ташкил қилади.

АҚШда инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият, Миллий илмий жамгарма, университетлар, тармоқ вазирликлари шуғулланади. Ушбу ишларни Германияда иқтисод вазирлиги, илмий-тадқиқот ва технологиялар вазирлиги, саноат тадқиқот асссоциация федерацияси, Патент маркази амалга оширади; Францияда – иқтисод вазирлиги, тадқиқот натижаларини жорий қилиш бўйича миллий агентлик, Илмий-техник фонд; Японияда – кичик бизнесни молиялаштириш корпорацияси, таваккал тадбиркорлик маркази; халқ молиявий корпорацияси; Италияда – технологик янгиликлар маркази ва тижорат банклари, суғурта

[14] Гойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. -Т.: Фан, 2011. -184 б.

фондлари билан биргаликда кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун керакли замин яратаяптилар.

Жаҳон тажрибасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- инновацион ва илмий-тадқиқот солиқ кредитларини тақдим этиш, яъни фойдадан *инновацион мақсадларга ажратилганда фойда солиғи* бўйича имтиёзлар бериш.

- инновацион харажатлар кўпайганда солиқларни камайтириш;

- инновацион фаолият бўйича олинган фойдани солиғдан озод қилиш;

- юридик ва жисмоний шахслар инновацион ташкилотларнинг акцияларини сотиб олиш натижасида олинадиган дивидендларни имтиёзли солиқларга тортиш:

- фойда буюртмали ва қўшма ИТТКИга йўналтирилганда фойда солиғини камайтириш;

- лойиҳаларнинг устувор йўналишларда бажарилаётганлигини ҳисобга олиб имтиёзлар бериш;

- интеллектуал мулкнинг натижалари бўлмиш патент, лицензия, ноу-хау ҳисобига олинган фойдани имтиёзли солиқларга тортиш;

- машина ва дастгоҳлар ИТИ, олий ўқув ютрлари ва бошқа инновацион ташкилотларга берилганда, фойданинг солиққа тортиладиган қисмини уларнинг қийматига мос ҳолда камайтириш.

Ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда илмий-инновацион ривожланишнинг учта моделини ажратиш мумкин.

1. Фанда етакчиликка интилаёттан мамлакатлар - илмий-ишлаб чиқариш босқичларининг барча бўғинларини қамраб олган йирик масштабли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади ва бу ерда мудофаа секторининг илмий-инновацион улуши жуда катта (АҚШ, Англия, Франция);

2. Янгиликларни кенгайтиришга, қулай инновацион муҳит яратишга иқтисодиётнинг барча тармоқларини рационаллаштиришга интилаётган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

3. *Инновацион инфраструктураларни ривожлантириш* йўли билан янгиликларни рағбатлантирувчи, жаҳон илмий-техника ютуқларига мослашувини таъминловчи, фан ва технология соҳаларининг барча соҳаларини мувофиқлаштирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Қуйида АҚШ ва Японияда инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг айрим хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

1. АҚШда давлат венчур фирмаларни ва тадқиқот марказларини ташкил этишни рағбатлантиради. Миллий илмий фонд ташаббуси билан АҚШда энг самарали тадқиқотлар маркази ва венчур фирмалар биринчи 5 йилида тўла ёки қисман федерал бюджетдан молиялаштирилиши мумкин.

Фан талаб жуда катта бўлган ва самарали тадқиқотларни давлат уларнинг мураккаблигини, харажатлар ва таваккалчилик даражаси юқори бўлгани ва кучли халқаро рақобатчиликни ҳисобга олиб, тўла ўз ҳисобидан молиялаштиради.

Миллий илмий фонднинг маълумотларига асосан, ҳозирги даврда илмий-техник тараққиётда кичик бизнес илмий-текшириш ишларининг ўрни кучайиб бормоқда.




**3.1.1-расм. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми**

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш нафақат давлат органлари томонидан, балки турли нодавлат ташкилотлар, тижорат банклари, миллий ва хорижий компаниялар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси ва ўзимиз эришган тажрибамиз шуни кўрсатадики, кичик бизнес ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлар таъсирида давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг доимий эътиборида бўлиши ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтожлигини кўрсатмоқда[15]:

- кичик корхоналарнинг инновация фаолиятини зарурий ҳолларда давлат томонидан молиялаштириш, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этишда кўмаклашиш;
- иқтисодиёт реал секторидаги кичик бизнес инновация фаолиятини рағбатлантирувчи солиқ ва божхона имтиёзларини ошириш ва бошқа преференцияларнинг самарали тизимини шакллантириш ва жорий қилиш;
- молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектларининг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий ресурслардан, ахборот ва инновация технологияларидан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар томонидан яратилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;
- инновация лойиҳалари ва дастурларини амалга оширилишига маблағларини сарфлаётган маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг инновация фаолиятини амалга ошириш ва рағбатлантириш учун имтиёзли шароитларни яратиш;
- кичик бизнес инновацион фаолияти кўрсаткичларининг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили тизимини янада такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;
- инновацион фаолият билан шуғулланадиган кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини кафолатлаш мақсадида суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш.

**Таянч иборалар:** инновацион тадбиркорлик, венчур фонди, венчур молиялаштириш.

---

[15] Ходиев Б.Ю., Самадов F.А., Никола Мелони, Қабулов А.А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А., Ишмуродов С.Т. "Кичик бизнес фаолияти асослари". Ўқув-амалий қўлланма. –Т.: ЕҲ ТЕМПУС дастури. "Матадор-2000" лойиҳаси, 2004 й., 49-б.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш нима?
2. Тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизмини очиб беринг.
3. Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини венчур молиялаштириш усулларини ифодалаб беринг.
4. Тадбиркорлик инновацион фаолиятини бошқаришдаги илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

## 3.2. Инновацион фаолиятни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

**Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари.** Республикадаги инновацион фаолият кўп жиҳатдан давлат томонидан тартибга солинади (қонунчилик ва эгилувчан солиқ солиш, давлат ва идоралар фондлари, давлат томонидан молиялаштириладиган йирик лойиҳалар ва ҳ.к.). Устувор давлат дастурлари бўйича инновацион лойиҳалар учун маъсулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси зиммасига юклатилган.

Мамлакатимиздаги илмий жиҳатдан салмоқли инновацион технологияларнинг саноатга олиб кирилишини Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Технологиялар трансфери қўмитаси таъминлайди, маҳаллий инновацияларнинг патент ҳимоясини Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлиги амалга оширади. Экспорт инновацион савдо ва инвестицияларни жалб этиш Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестициялар ва Савдо вазирликлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарорига мувофиқ, ҳар йили инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари ўтказиладиган бўлди. 2009 йилнинг 22 майидан эса «Хўжалик бошқаруви органларини модернизациялаш ва янги технологиялар билан таъминлаш ҳақидаги Низом» кучга кирган бўлиб, унга мувофиқ, улар ўзларида ишлаб чиқариш соҳалари ва корхоналарининг инновацион ривожланишига ёрдам берувчи шундай фондларни ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун технологик жараёнларни нафақат ўз кучлари билан модернизациялаш, балки бу ишга Фанлар академияси мутахассислари, вазирлик ва идораларни жалб этиш имкониятини берди.

Айтиш жоизки, республикамизда қабул қилинган қатор имтиёз ва преференциялар ҳам инновацион тараққиёт учун хизмат қилади. Масалан, инновацион лойиҳалар билан шуғулланаётган илмий муассасаларга солиқ имтиёзлар тақдим этилган, шуниси ҳам муҳимки, бундай мақсадларга йўналтирилган маблағлар ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча тўловлардан озод этилган. Агарда илгари илмий ташкилотлар давлат илмий-

техник топшириқларни бажариш доирасидагина преференцияларга эга бўлиб, хўжалик шартномалари асосидаги ишларга бу имтиёзлар қўлланилмаган бўлса, янги низомга мувофиқ, корхоналар буюртмасига кўра, хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотлар олиб борадиган муассасалар ҳам 2013 йилга қадар солиқлардан озод этилади.

Идоралараро комиссия томонидан кўриб чиқилган «Инновациялар ва инновацион фаолият ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни республикамизда инновацион фаолиятни фаоллаштириш учун хизмат қилиши аниқ. Мазкур Қонун лойиҳасида инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, инновацион ва венчур фондлари, инфратузилмали инновацион ташкилотларни яратиш, солиқ солиш ва кредитлаш тизимларини янада такомиллаштириш, шунингдек, устувор юқори технологияли инновацион лойиҳаларни бажарувчи ҳамда ушбу ишланмаларни амалиётга жорий этувчи инновацион фаолият иштирокчиларининг қизиқишини орттириш ва уларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ривожлантириш кабилар назарда тутилган.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ, соҳалар ва ишлаб чиқарувчилар, корпорация ва фирмалар давлат билан бир қаторда ўзлари учун керакли бўлган амалий-илмий тадқиқотларни молиялаштиришлари зарур бўлади. Улар амалий ишланмаларнинг 30 %идан зиёдини, илмий-техник инновацион ишланмаларнинг 50 %идан кам бўлмаган улушини молиялаштиришлари керак бўлади. Ҳозирги кунда уларнинг молиялаштириш ҳажми 10 %дан ошмайди. Амалий давлат илмий-техник дастурлар миқёсининг ўзида ушбу ишлардан манфаатдор бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий иштироки кутилмоқда. Бу соҳадаги тегишли дастлабки ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

**Инновация фаолияти – ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида.** Жамият тараққиётида инсоннинг ақлий ҳамда ижодий фаолияти натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Бунда янги ғоя, кашфиёт, ишлаб чиқариш ва турмушда қўллаш мумкин бўлган янгича қурилмалар меҳнат сарфини камайтиришга хизмат қилган ва самарадорлигини оширган. Агар XX асрда саноат, ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида янги воситалар, қурилмалар, машиналар йилдан-йилга такомиллаштириб борилган бўлса, янги асрнинг ўтган 10 йилида бундай ўзгаришлар кун сайин, соат сайин содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Эндиликда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришида, ўзининг илмий-интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, янги қурилмалар, воситалар, машиналар, моддалар ва шу каби ижодий фаолият маҳсулларини қўллашга катта эътибор қаратмоқда.

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам янги қурилмалар, технологиялар ва воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳаси бўлган инновация фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инновация фаолиятини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятида янги инновацион технологияларни жорий этиш замон талаби экан, инновация

фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратиш ва бу борадаги янги Қонун қабул қилиниши Биринчи Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланиш ва шу орқали тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, инновация фаолиятини, яъни илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолияти янгича қурилма, янги усул, янги моддаларни яратиш ва улардан фойдаланиш, мавжуд қурилмалар, усулларни янгича йўсинда қўллаш мақсадида интеллектуал фаолиятнинг эътироф этилган натижалари (патент, гувоҳнома, ноу-хау)ни яратиш ва фойдаланишга йўналтириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини яратиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади.

Таъкидлаш лозимки, бир қатор давлатлар қонунчилигида инновация фаолияти ҳуқуқий тартибга солинган. Жумладан, Россия Федерациясида, Қозоғистон Республикасида инновациялар фаолиятини тартибга солувчи махсус Қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларда «инновация» тушунчаси, инновация объектлари ва субъектлари, инновация соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосларига доир қоидалар мустаҳкамланган.

Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги кундаги зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаларига инновацияларни киритиш ўзининг иқтисодий самарадорлиги, талаб ва таклиф қонуниятларига жавоб бериши билан алоҳида аҳамияти касб этаркан, бу соҳаларга инновациянинг жадал суръатлар билан жалб қилиниши ушбу муносабатларнин ҳуқуқий асослари мавжуд бўлишини тақазо этади;

- чет элдан янги технологияларни, янги қурилмалар, ишлаб чиқариш воситалари ва янги моддалар олиб кирилишига кенг имкониятлар бериш ва бунда халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакат иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутишидан келиб чиқиб, инновацияларни чет элдан жалб этишга нисбатан ҳуқуқий талабларни яратиш зарур бўлади;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, илмий-техник муассасалар томонидан яратилган инновациялар ва инновацион лойиҳаларнинг шартномавий тартибини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, яратилган янги инновациялар;

- янги технологиялар, янги қурилмалар, янги моддалар, янги усулларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларга нисбатан ҳуқуқларни белгилаш талаб этилади;

- инновация фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва улар фаолияти, ҳуқуқлари кафолатларининг асосларини ўрнатиш, инновация

дастурларига ҳомийлик қилиш ва давлат томонидан кўмак беришнинг ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Бу каби ҳолатлар инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатидаги заруриятини белгилайди. Бундан ташқари, инновация лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан бериладиган кредитлар, грантлар, кўмакларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарблигини англатади. Бунда, айниқса, инновация фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Инновация фаолияти инновация фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилади ва ўз доирасида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари, кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, истеъмол бозорини ташкил этиш, воситачилик фаолияти, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш, товарлар, хизматлар ассортиментини кенгайтиришга қаратилган ишларни қамраб олади. Инновация фаолиятининг субъектлари инновация дастурлари, лойиҳалари, тадбирлари ва ишлари буюртмачиси ва ижрочиси, инвесторлари, инновация истеъмолчилари, моддий-техник ресурслар билан таъминловчи, шунингдек, воситачи, инновация жараёнига хизмат кўрсатувчи функцияларини бажаришлари мумкин. Агар шартномада бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, буюртмачи инновация фаолият иштирокчиларининг тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолиятига аралашмаслиги лозим. Буюртмачи, агар у инвестор бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, шартнома амал қилиши давомида ва унда белгиланган ваколатлар доирасида инновацияларга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Инновация фаолияти субъектлари инновация фаолиятини амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда ташкил этилган танловлар, аукционларда иштирок этишда, илмий қийматга эга бўлган маҳсулот, техника ва технологияни сотиб олишда, инвесторлар маблағларини жалб этишда, ғирром рақобатдан ҳимояланишда, шунингдек, давлат органларининг буюртмаларини бажаришда давлатнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланишда бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Инновация фаолиятининг субъекти инновация фаолиятининг йўналишини, турларини, предметини ва объектларини мустақил белгилайди ва ўз хоҳишига кўра инновация фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган юридик ҳамда жисмоний шахсларни шартнома асосида жалб қилади.

Давлатнинг инновация сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ваколатлар доирасида амал қилаётган жамоат инновация бирлашмалари жалб этилади. Уставларида инновация фаолияти рўйхатдан ўтказилган жамоат бирлашмалари инновация фаолиятини давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари мумкин ва танлов асосида грант олганларида давлат томонидан қўллаб-қувватланадилар. Давлат органлари инновация фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларни ва дастурларни тайёрлашда экспертиза ўтказиш учун жамоат инновация бирлашмаларини жалб этишлари мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги вазифалари.** Инновацион ривожланиш учун маъсул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаравонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим.

Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас. Бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақазо этади.

Бироқ, бой интеллектуал ва инфратузилмавий салоҳиятга қарамасдан, мамлакатда инновацияларни жорий этиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилмаган, бунга қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган:

- давлатнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада мажмуавий таҳлил қилинмасдан ва ўрганилмасдан келинган;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона орган мавжуд эмаслиги;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг тадбиқ этиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаганлиги;

- юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаганлиги;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар соҳасида юқори салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик паст даражада сақланиб қолганлиги.

Мазкур мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон Фармони, яъни "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалда рўёбга чиқариш бўйича муҳим қадам сифатида қараш мумкин. Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шаклларини амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди.

Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди.

**Инновация фаолиятини давлат томонидан бошқариш.** Инновация фаолиятини фаоллаштириш МИТ субъектлари ҳаракатини бир томондан мувофиқлаштиришни, иккинчи томондан, инновацияни амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, инновация жараёнини ривожлантириш учун шароит яратишда манфаатдор бўлган таркибларнинг интеграциясини қўшилишини талаб этади. Бу вазифани бажариш давлатни тартибга солишнинг миллий тизимига юклатилади. Давлатнинг инновация фаолиятини тартибга солишдаги мақсади -мамлакатнинг инновацион-технологик салоҳияти - стратегиясини ишлаб чиқиш, ИТДни фаоллаштириш имкониятини берадиган шарт-шароитларни яратишдан, ташкилотни рағбатлантиришдан иборат. Ишлаб чиқаришнинг мақсади ва унинг фондларидан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш бевосита ташкилотнинг инновация сиёсатига, инновация лойиҳаларининг пакетига мамлакат тадбиркорларида мунтазам ҳолда халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиши ва ундан оладиган фойдасига боғлиқ. Инновация фаолияти турли босқичларда давлат ва минтақа миқёсида бошқарилади. Давлатнинг инновация сиёсати - янги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва шу асосда мамлакатда маҳсулотларини сотиш учун бозорни кенгайтириш мақсадида давлат томонидан таъсир

ўтказадиган усуллар ва йўналишлар йиғиндисидир. Бундай бошқариш инновацияни башорат қилиш ва инновация сиёсати орқали амалга оширилади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг башорати унинг муҳим қисми бўлиб, инновация фаолиятининг асосий параметрлари кўриб чиқилади (унинг йўналиши, турлари, объектлари, оқибатлари ва ҳ.к.). Инновация стратегиясида инновация фаолиятининг устувор йўналишлари аниқланиб олинади. Инновация фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши юқори даражадаги тижорат натижасига эга бўладиган лойиҳаларни қўллаш шаклида намоён бўлади.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш механизмлари тадбиркорликни фаоллаштиришга, ғирром рақобатни йўқотишга, солиқ ва баҳоларни ташкил этиш сиёсатини амалга оширишга, инновация фаолиятида таклифнинг ўсишига таъсир ўтказадиган, барча субъектларга инновация фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга фан сиғими юқори бўлган маҳсулотларни яратадиган ишлаб чиқариш воситаларини лизингга беришни амалга оширишга қаратилади.

**Таянч иборалар:** инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, инновация фаолиятини давлат томонидан бошқариш, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Давлат инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини гапиринг.
2. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги вазифаларини санаб ўтинг.
3. Инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида таърифланг.
4. Давлатнинг инновация сиёсати нима?

## 3.3. Чет элларда инновацияларни қўллаш тажрибаси

**Инновацияни ташкил этишда турларга ажратишнинг хорижий тажрибаси.** Хорижий амалиётда инновация жараёнларини ташкил этишнинг қуйидаги турлари мавжуд:
- маъмурий-хўжалик;
- дастурий-мақсадли;
- омилкорлик.

*Маъмурий хўжалик*да ишлаб чиқариш марказлашган бўлиб, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган, ишлаб чиқариш йирик ва ўрта корпорациялар томонидан мажмуавий бошқарилади. Илмий тадқиқотлар ва тажриба конструктор ишлари олиб борувчи кўпгина фирмалар саноатда фаолият олиб боради. Илмий техникадаги катта ўзгаришлар, ИТТКИ ташкилотида дастурий-мақсадли шаклда микроэлектроника, биотехнология, нанотехнология ва бошқа соҳаларда ечимини

топади. Мақсадли илмий-техникавий дастурларни мувофиқлаштирувчи бошқариш шакли ўзининг ташкилотида дастурни марказдан бошқарувчилар фаолияти билан келишган ҳолда ишлашни назарда тутади. Йирик вазиятларни эътиборга олиш мақсадида тузилган (одатда бундай ташкилий тузилма вақтинчалик бўлади) ташкилотларнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Бу соф мақсадли дастур ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган янги техникаларни, маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида саноатда инженерлик марказлари ташкил этилади. Бундай марказларни, *шартнома ва буюртмалар тадқиқоти режасини ишлаб чиқадиган ва* ИТКТИ ташкил этадиган кенгашлар бошқаради. Саноати ривожланган давлатларда фундаментал фанлар билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган ташкилот технопарк ва технополислар ҳисобланади.

Инкубаторлар энг кўп тарқалган давлат - АҚШдир. Бу давлатда 600га яқин инвесторлар "Инкубатор бизнес миллий ассоциацияси"га бирлашган. АҚШдаги инкубатор фаолиятининг таркиби ҳар хил томонга тарқалган ва ҳар хил соҳага ихтисослашган. Масалан, инновация тадбиркорлигидаги инкубаторлар дастурини таъминлаш ёки фақат биотехнология соҳаларига тегишли.

Бугунги кунда дунёда 2 мингдан ортиқ бизнес-инкубатор фаолият кўрсатади, бу фаолият инновация лойиҳаларини тадбиқ этишни тезлаштириш, илғор технологияларни кенг тарқатиш, мавжуд компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, минтақалардаги иқтисодиётнинг қолоқ соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик ва ҳоказоларни иш юритиш маданияти ва этикасини оширишга имконият беради.

Инкубаторлар ғоясини янада ривожлантириш технопарклар кўринишида намоён бўлади. Инновация жараёнларининг ташкил этишнинг ташаббускорлик шакли якка ихтирочиларга, ташаббускор гуруҳларга, ҳамда кичик корхоналарга техник ва бошқа янгилик киритишдаги ишларни ўзлаштириб олишда, илмий-техникани молиялаштириш, бошқаришда маъмурий маслаҳатлар беришдан иборат бўлиб, технопарклар кўринишида намоён бўлади. Бундай иқтисодий ва ташкилий механизмларнинг аҳамияти инновация жараёнининг хусусиятидан келиб чиқиб, айниқса, унинг ноаниқлиги кучли бўлган илк даврларида янада юқори бўлади.

Хориж амалиёти ташаббускорлик шаклини юқори самарадорлигини кўрсатди. АҚШда олиб борилган тадқиқотлар банд бўлган кишиларнинг сони 300 тагача бўлган янги маҳсулотни ишлаб чиқишга ихтисослашган кичик инновацион фирмаларга сарф қилинган ҳар бир доллардан катта корхоналарга нисбатан (банд бўлганлар сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган) 24 баробар кўпроқ янгилик, ҳар бир банд бўлганга 2.5 баравардан ортиқ янгилик киритилганлигини кўрсатган. Кўпгина йирик фирмалар инновация фаолиятини фаоллаштириш мақсадида шижоаткор бўлган ва амалиётга жиддий янгилик киритиш имкониятига эга бўлган ходимларига ташкилий иқтисодий шароитларни яратиб берадилар.

**Технополис ва технопаркларнинг моҳияти ва турлари.** «Технополис» атамаси 2 та сўздан иборат бўлган грекча сўздан олинган бўлиб: «техно»- устачилик, уддасидан чиқиш ва «полис» - шаҳар, давлат, деган маъноларни англатади. Бугунги кунда *технополис* деганда, ривожланган инфратузилмага эга бўлган ўзига хос равишда зич жойлашган замонавий илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари асосида меҳнат ва дам олиш учун шароит яратиб берадиган, илмий-тадқиқот ва ўқитиш муассасалари (корхоналар) компания ва фирмаларни ўз ичига олган фан сиғими юқори бўлган технологиялар асосида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари тушунилади. Технополисларни яратиш ғояси АҚШда 1950 йилларнинг ўртасида вужудга келди. Бугунги кундаги дунёда машҳур бўлган биринчи технополислар Калифорниянинг Силикон водийси ва Массачусетсда Рутда – 128 бўлган фан ва саноат бирлашмалари ҳисобланади. Бугунги кунда бундай супер замонавий мажмуалар технологик занжирдаги фундаментал тадқиқотлардан тортиб ишлаб чиқаришгача, янги маҳсулотни сотишгача вазифаларни амалга оширадиган фан сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш марказларига айланади ва Германия, Франция, Бельгия, Италия, Испания, Япония, Австралия, Россия каби бошқа саноати ривожланган давлатларга тарқалди.

Ғарб ва Япония давлатларида технополис ва технопаркларнинг пайдо бўлиши ва интенсив ривожланишнинг бир нечта сабаблари мавжуд: *Биринчи* навбатда, анъанавий соҳаларда автомобиль қурилиши, кемасозлик, металлургия, пўлат эритиш саноати ва ҳоказоларда саноат ресурсларининг камайиб бориши. Бу тармоқлар рақобатбардошлиги ва рентабеллилигини ошириши бир вақтнинг ўзида фан сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бирлигига кетадиган барча ресурслар сарфини камайтиришни талаб этар эди. Бу муаммони иқтисодиётга юқори технологияни киритиш билан ҳал қилиш мумкин эди. Бу масалани амалга оширишга илмий ва *технологик парклар* катта ҳисса қўшади. *Иккинчи* сабаб, технополисларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг янги технологияларни ривожлантиришга бўлган кучли талаб натижасидир. Янги технология давлатнинг келажакдаги тараққиёти ҳамда фан сиғими юқори бўлган янги соҳаларни (электроника, янги замонавий материаллар, махсус химия, оптика, ахборотлар технологияси, дам олиш индустрияси каби соҳаларнинг) иқтисодий ҳолатини белгилаб беради. Фан ва ишлаб чиқариш ўзаро бир-бирига таъсир эттандагина *технополис* фаолият юрита олади. Илмий ва технополис парклар бунда ўзаро таъсир этишнинг келажаги бор шакли бўлиб, уларнинг вужудга келиши билан фан ва ишлаб чиқаришнинг нисбатига, алоҳидалигига барҳам берилади, улар манфаатдор шерикларга айланадилар. Бу технополисларни вужудга келишининг *учинчи* сабаби ҳисобланади. Ва ниҳоят, *тўртинчи* сабаби, баъзи бир Ғарб давлатларида йирик корхоналарни реконструкция қилиб унинг асосида кичик ва ўрта инновация компанияларини вужудга келишидир. Бунда юқори фан сиғимига эга бўлган венчур (хатарли) бизнеси назарда тутилади. Илмий ва технологик паркларни вужудга келиши мамлакатдаги минтақалар иқтисодий жиҳатдан ҳар хил ривожланиш

даражасидаги фарқларни тенглаштириш, ишлаб чиқариш кучларини янада рационал жойлаштириш, айрим иқтисодиёти ривожланган минтақаларни нисбатан юқори турмуш даражасидаги фан саноат марказларига айлантириш имкониятини беради.

Технополислар тавсифи ва бажарадиган вазифаларига қараб 5 хил кўринишда амал қилади:

1. Янги фирмаларга фан сиғими юқори бўлган технологиялар билан ёрдам берадиган инновация марказлари.

2. Янги ва ривожланган фирмаларга хизмат кўрсатадиган, университет, илмий-тадқиқот институтлари билан алоқалар тузган ёки ўрнатган илмий-тадқиқотлар олиб борувчи парклар.

3. Фан сиғими юқори бўлган фирма ва ишлаб чиқариш тармоқларига эга бўлган, шу билан бирга илмий-тадқиқот институтлари билан етарли даражада алоқада бўлмаган технологик парклар.

4. Янги юқори технологик фирмалар ташкил этишга хизмат кўрсатадиган корхоналар – технологик марказлар.

5. Кўплаб минтақаларни юқори технологик худудларга айлантиришга хизмат қиладиган технополис конгломератлари.

Инновация марказларига, биринчи навбатда, мисол сифатида халқаро миқёсда таниқли бўлган Ғарбий Германия - Берлин инновация марказини келтириш мумкин. У дастлаб инкубатор фирма сифатида ташкил этилган бўлиб, ўзининг мақомига мос келган эди. Марказ кичик инновация фирмаларига, кичик ишлаб чиқаришни йиғиш, тажриба-конструкторлик ишларини бинолар билан таъминлаш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, технологик ва ташкилий ишлар юзасидан маслаҳатлар бериш билан шуғулланган. Францияда Леон ва Фан шаҳри йирик технополислар ҳисобланади. Россияда ҳам илмий ва технологик паркларни ташкил этиш тажрибаси мавжуд. Улардан Новосибирск илмий марказини айтиб ўтиш мумкин. У Сибирнинг деярли ярим илмий салоҳиятини бирлаштиради. Ҳар хил илмий-тадқиқот фаолиятлари билан биргаликда пухта ўйланган илмий кадрларни тайёрлаш тизими амалга оширилади, мунтазам равишда фан ва ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ бўлган шакллари изланади. Марказнинг ноёблиги, унинг жойлашиши, шаҳарга яқинлиги, кенг тарқалган саноат корхоналари тармоги ва илмий ташкилотлар зарурий бўлган маиший уй-жой ва хизмат кўрсатишнинг бир жойда жойлашганлиги ва ҳоказолар хусусиятида намоён бўлади. Россиядаги бошқа технополисларга Санкт-Петербургдаги технологик парк ва марказни, Зеленограддаги илмий-технологик парк, Томскдаги илмий-техник парк, Москваречедаги технопарк, МОИ илмий парки ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Кичик инновация фирмаларнинг хусусиятлари.** Янгилик киритишни ўзлаштиришда кичик инновация фирмаларнинг самарадорлиги кўпинча йирик фирмаларникидан юқори бўлади. Бу илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни бажаришда кичик корхоналарнинг ўзига хос хусусиятига эга эканлиги ва афзаллиги билан асосланади. Янгиликлар

киритишда кичик корхоналарнинг қуйидаги афзалликларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ходимларнинг фидокорлиги, уюшганлиги, ташаббускорлиги;
- молия соҳасида – нисбатан капитал сиғими паст эканлиги;
- раҳбарларнинг шахсий ўрнак кўрсатиши сансоларликнинг камлиги, «тадбиркорлик руҳи», хатарни қабул қилиш қобилияти, ички коммуникацияда юзма-юз бўлиш, ички муаммоларга сезувчанлик;
- маркетинг соҳасида – талабнинг ўзгаришини тезда сезиш.

Кичик корхоналар янгилик киритиш ишларини тезда амалга оширадилар ва тадбиқ этадилар, бунда ишлар йирик корхоналар учун келажаги йўқ ёки хатарли бўлиб кўриниши мумкин. Улар тезликда ноёб янгиликларни ўзлаштиришга киришадилар, чунки тубдан янги бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда йирик илмий бўлинмаларнинг барқарор бўлиб қолган тадқиқот йўналишларининг аҳамияти пасайиб боради, бундай жамоаларни ноёб кашфиётларга жалб этиш қийин кечади. АҚШ Миллий илмий фонди маълумотларига қараганда, илмий-тадқиқот ишланмаларига сарф этилган ҳар бир доллар, ходимлари 500 кишигача бўлган кичик, ўрта компанияларга нисбатан (ходимлар сони 1000киши) фирмаларда 4 марта кўп янгилик яратган. Йирик корпорацияларга (кишилар сони 10000) нисбатан эса 24 баравар кўп янгилик яратилган. Бу кичик фирмаларда илмий салоҳият самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади. Бундай самарадорлик кичик корхоналарни эгилувчан ва ҳаракатчанлиги, хатарни, сезиши, ҳаракатларни яхши мувофиқлаштириш, қарорларни тезликда қабул қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини анча кам эканлиги ҳисобига таъминланади.

Кўпинча тадқиқотлар, кичик фирмаларда йирик фирмаларга нисбатан киши бошига икки баравар кўпроқ янгилик яратишни кўрсатади.

Тизимга туширилган яхлит мақсадга йўналтирилган янгилик киритиш дастлаб имкониятларни таҳлил этишдан бошланади. Барча имкониятлар таҳлил этилиши ва ҳисобга олиниши керак. Янгиликларни киритиш концепциясига асосланган ва қабул қилиниши осон бўлиши керак. Янгиликларнинг энг яхшилари таҳлил этилиб, вужудга келаётган эҳтиёжларни қондиришга керак бўлганда танлаб олинади.

Янгилик киритиш оддий, фақат битта вазифани амалга оширишга йўналтирилган ва бўйсунадиган бўлиши керак. Мураккаб янгиликлар ишламайди. Ҳар қандай янгилик қийинчилик билан ўзига йўл очади. Агарда бу янгилик мураккаб бўлса, нотўғри қарорлар қабул қилиш эҳтимоли вужудга келади, уларни кейинчалик тузатиш қийин бўлади, умуман тузатиш мумкин бўлмаслиги ҳам мумкин.

Янгилик киритишнинг самараси кичик миқдордан бошланади. Улар аниқ битта вазифани амалга ошириш ва ниҳоятда содда бўлиши керак.

Дастлабки босқичда молиявий ва меҳнат ресурсларининг кўп талаб этилмаслиги учун янгилик киритишни оз-оздан бошлаш керак. Бунда, ишни қолдириш ва оператив ўзгартиришлар киритиш учун кичик ёки чекланган бозорга мўлжал олиш керак.

Янгилик киритишдан мақсад илғорлик мавқеига эга бўлиш бўлсада, уни қўллашдан мақсад албатта «Катта бизнес»ни ташкил этиш бўлмаслиги керак. Амалиётдан маълумки, мавжуд янгилик катта бизнеснинг асоси бўладими ёки уни кичик омад кутадими олдиндан билиб бўлмайди.

**Таянч иборалар:** бизнес-инкубатор, технополис, технопарк, технологик марказ, кичик инновацион фирмалар.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Технополис ва технопаркларнинг моҳияти ва турларини айтинг.
2. Кичик инновация фирмаларнинг хусусиятларига тасниф беринг.
3. Бизнес-инкубатор нима?
4. Технологик марказни таърифланг.

# ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

## Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида ёшлар бандлигини таъминлаш тизимининг мавжуд ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш

Охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурли ҳужжатлар тармоқ ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига ва стратегик ривожланишига кучли туртки бўлди. Хом ашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш тармоқни ривожлантиришнинг янги стратегиясини янада шакллантиришга ёрдам берди. Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: «Менинг бош мақсадим – одамларни даромад манбаи, иш билан таъминлаш. Бундан кейин биз чет элга пахтани камроқ экспорт қиламиз, уни мамлакатимизда қайта ишлаб, қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарамиз», деб таъкидлайдилар[16]. Тўқимачилик ва енгил саноат тармогининг стратегик ривожланишидаги яққол тараққиётига қарамасдан, ушбу соҳада ёшлар бандлигини таъминлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли Фармонида белгиланган вазифаларга асосланиб, тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун ёш кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

1) стакчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни тузиш, етакчи хорижий мутахассислар ва таълим муассасаларининг ўқитувчи-амалиётчиларини ёшларга таълим бериш учун таклиф қилиш;

2) талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ёш кадрлар тайёрлашнинг муҳим ва истиқболли йўналишларини аниқлаш;

3) тўқимачилик ва енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув дастурларини янада такомиллаштириш;

4) биринчи навбатда, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиладиган амалий машғулотларни ўқув юкламаларининг умумий ҳажмида кўпайтириш;

5) олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш;

6) тўқимачилик ва енгил саноат тармоги соҳасида илмий изланишларни, шу жумладан, таянч илмий-тадқиқот муассасаларни яратиш орқали фаоллаштириш;

---

[16] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.

7) тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларда ёш кадрлар ўқишини ташкил этиш, жумладан, халқаро ва хорижий ташкилотлар кўмагида ўқув жараёнига хорижий таълим муассасалари ўқитувчиларини жалб этиш[17].

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун ёш кадр тайёрловчи, яъни Инновацион ҳамкорлик шартномалари тузилган Олий таълим муассасаларининг рўйхати тузилди. Улар: ТТЕСИ, НМТИ, БМТИ, ТДИУ ва ТМИ. Қуйидаги 1-расмда 2015-2018 йилларда Республикадаги тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун олий маълумотли ёш кадрларни тайёрлаш ҳолатини кўришимиз мумкин.




**1-расм. Республикадаги тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун олий маълумотли ёш кадрларни тайёрлаш ҳолати**

2-расмда эса 2010-2017 йилларда Республика бўйича тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи соҳасида жами ёш ишчилар сонини ва унинг 2025 йилгача ўсиш прогнозини кузатишимиз мумкин. Республика бўйича соҳада жами ёш ишчилар сони 2018 йилда 161 минг нафардан кўпроқ эди. 2025 йилда ёш ишчилар сони 252 мингтага етиши ва уюшма таркибидаги корхоналарда эса 134 мингтани ташкил этиши режалаштирилган. Тармоқ учун ҳар йили 13 мингга яқин иш ўринларига талаб мавжуддир[18].




**2-расм. Республика бўйича тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи соҳасида жами ёш ишчилар сони**

Навбатдаги 3-расмда 2015-2017 йилларда Республикадаги тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида иш ўринларининг кўпайишини ва унинг 2025 йилгача ўсиш прогнозини кўриб ўтишимиз мумкин. Уюшмага аъзо корхоналарда соҳада жами ишловчиларнинг 2017 йилда 32,2 фоизи тўғри

---

[17] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

[18] "Ўзбектўқимачиликсаноат" уюшмасининг 2010-2018 йиллар учун статистик маълумотлари.

келган. 2025 йилда эса уларнинг улуши 53,4 % ошади, деб прогноз қилиняпти [3].




**3-расм. Республикадаги тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида иш ўринларининг кўпайиши**

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ёш мутахассислари малакасини қуйидаги хорижий мамлакатларда оширишлари белгиланди: "KITECH" ва "KOICA" (Жанубий Корея), "JICA" ва "JETRO" (Япония), "INWENT" (Германия), Шандон ташқи савдо коллежи (Хитой), Лондон иқтисодиёт мактаби (Англия) ва "ITEC" (Ҳиндистон). Ёш мутахассисларнинг малакасини қуйидаги: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги бошқарув академияси; Банк-молия академияси; Ўзбекистон Республикаси корпоратив бошқарув бизнес-мактаби; Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги малака ошириш маркази; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги малака ошириш институти каби Республика ўқув муассасаларида ошириш режалаштирилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг истиқболдаги ривожланиш стратегиясини аниқлайдиган бақувват "Ақл-идрок маркази"ни ташкил этиш, шунингдек, тармоққа хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш учун:

1) тармоқнинг яхлит стратегиясини аниқлаш, ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишларни аниқлаш. илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмини яратиш;

2) технологияларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш. ишлаб чиқариш корхоналарига янги кашфиётларни жорий этишни ташкил этиш орқали уларни тижоратлаштириш;

3) Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантириш параметрларини тегишли хорижий технологик ташаббуслар билан уйғунлаштириш;

4) тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришни нисбатан муҳимроқ ва технологик ечимларга, илм-фан талаби юқори ишлаб чиқаришларга ва инновацион фондларни жалб қилишга йўналтириш;

5) жаҳон даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга туртки бўлувчи технологиялар жамланмасини яратиш ва бунинг натижасида янги иш ўринларини яратиш;

6) кадрларни тайёрлаш ва технологик модернизация соҳасида давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва бунинг ҳисобига юқори

технологияли тўқимачилик ва енгил саноат бозорларини эгаллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир[19].

Енгил саноатда ёш кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.
2. Инновацияларни рагбатлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга самарали қўллаш.
3. Ёш мутахассисларни корхоналарнинг реал эҳтиёжлари ва уларнинг талаби даражасида тайёрлаш.
4. Ёш кадрларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишини таъминлаш.
5. Интеллектуал салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаш асосида соҳани инновацион ривожлантириш.

Ёш кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Тўқимачилик корхоналарининг таклифларини шакллантириш.
2. Барча омилларни инобатга олган тегишли чора-тадбирларни белгилаш.
3. Олий таълим ва касб-ҳунар таълими тизимида янгича ўқитиш тизимини жорий этиш.
4. Таълим-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.
5. Олий таълимда ёш кадрлар сифатини ошириш ва уларни самарали ишга жойлаштириш.

Тўқимачилик ва енгил саноат учун интеллектуал салоҳиятли, олий маълумотли ёш кадрлар тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар: инновацион-корпоратив шартномалар имзолаш, ёш малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжларни соҳалар бўйича аниқлаш, иқтидорли талабалар учун махсус стипендия жорий этиш, малакали янги мутахассислик йўналишлари бўйича ўқишларни ташкил этиш, мунтазам равишда илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, битирув малакавий ишлари мавзуларини корхоналар муаммолари асосида шакллантириш, уюшма ходимлари томонидан очиқ дарсларини ташкил этиш, ОТМларда кечки ёки махсус сиртқи йўналишларини ташкил этиш ҳамда амалий ва лаборатория дарсларини корхоналар базасида, синов лабораторияларида ўтказишдан иборат. Тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар билан самарали ишлаш асосида тармоқнинг инновацион салоҳиятини ошириш учун: корхоналарнинг муаммолари банки асосида диссертация мавзуларини шакллантириш; диссертациялар банкини яратиш ва улардаги ишланмаларни корхоналарга жорий этиш; инновацион ишланмалар ва ғоялар банкини яратиш; мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича мунтазам илмий-назарий таклифларни олиш тизимини жорий этиш; марказий аппарат ходимларига ўз йўналиши бўйича тадқиқот олиб бораётган ёш олимларга профессор-ўқитувчиларни бириктириш; уюшма раҳбариятини ёш олимлар билан ташкил этиш, уларнинг учрашувларини ўтказиш, илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва шароитлар яратиш ҳамда инновацион ғоялар, ишланмалар, технологиялар

[19] "Ўзбекистонқимачиликсаноат" уюшмасининг 2010-2018 йиллар учун статистик маълумотлари.

ярмаркаларида иштирок этиш, инновацион ишланмалар учун шартномалар имзолаш керак.

Корхоналарнинг ёш малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги, жумладан, замонавий дастгоҳларда ишлаш учун ёш техник-муҳандис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин:

1. Олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг мукаммал интеграция тизимини яратиш керак.
2. Корхоналар томонидан кадрлар тайёрлашга йўналтирилаётган маблағларни турли хилдаги солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш лозим.
3. Олий таълим вазирлиги томонидан махсус қисқа муддатли ўқув амалиёт курслар ҳамда сиртқи ўқув курсларини ташкил этиш зарур.
4. Жаҳондаги нуфузли Олий ўқув юртлари билан ўзаро шерикчилик муносабатларини ва кенг доирадаги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш даркор.
5. Корхоналар мутахассисларини малакасини оширишда масофавий ўқитиш (онлайн) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

## Экспортёр-корхоналарни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш, тармоққа хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш

***2018-2020 йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва республика ҳудудларида амалга оширилаётган корхоналарида ташкил этилаётган иш ўринлари бўйича маълумот***

| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
|---|---|---|---|---|---|
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
| | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |

***Экспортёр-корхоналарни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш:***

**Тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш:**

- ✓ Кичик тикувчилик корхоналари учун бошқарув тизимини ва технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- ✓ Инновацион лойиҳалар ва газламаларни яратиш бўйича илмий-тажриба ишларини амалга ошириш;
- ✓ Синтетик толалардан фойдаланилган янги турдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Лойиҳа қиймати – **500,0 минг доллар;**
*Шу жумладан,* "0" қийматдаги бино ва иншоотлар;
Қурилиш-монтаж ишлари – **100,0 минг долл.**
Лаборатория ускуналари – **400,0 минг долл.**
Янги иш ўринлари - **15 та**
Ишга тушиш муддати –**2018 йил** сентябрь ойи

**Сертификатлаш маркази:**

- ✓ Сифат бошқаруви тизимини сертификатлаш;
- ✓ Тажриба лабораториясида тикув-трикотаж маҳсулотларини текшириш;
- ✓ Маҳсулотларни сертификатлаш;

**Ишлаб чиқариладиган янги турдаги маҳсулотлар:**

- Аралаш ип-калава (маҳсулот таркиби – пахта толаси ва синтетик тола),
- Чойшаб маҳсулотлари,
- Сочиқбоп матодан маҳсулотлар (халат, мебель ёпқичлари)

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг истиқболдаги ривожланиш стратегиясини аниқлайдиган бақувват "Ақл-идрок маркази" (Мозговой центр)ни ташкил этиш, шунингдек, тармоққа хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш:**

1) тармоқнинг яхлит стратегиясини аниқлаш, ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишларни аниқлаш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмини яратиш;
2) технологияларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналарига янги кашфиётларни жорий этишни ташкил этиш орқали уларни **тижоратлаштириш**;
3) Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантириш параметрларини тегишли хорижий технологик ташаббуслар билан уйғунлаштириш;
4) тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришни нисбатан муҳимроқ ва технологик ечимларга, илм-фан талаби юқори ишлаб чиқаришларга ва инновацион фондларни жалб қилишга йўналтириш;
5) жаҳон даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга туртки бўлувчи технологиялар жамланмасини яратиш ва бунинг натижасида янги иш ўринларини яратиш;
6) кадрларни тайёрлаш ва технологик модернизация соҳасида давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва бунинг ҳисобига юқори технологияли тўқимачилик ва енгил саноат бозорларини эгаллаш.

**«Ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталари»:**

1. Аралаш ва бўялган калава-ип ишлаб чиқариш.
2. Бозор талаблари асосида ассортиментни кенгайтириш.
3. Турли структурали ва таркибли энли матолар ишлаб чиқариш.
4. Янги авлоддаги юқори технологияли, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш.
5. Юқори нарх сегментидаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

# IV-боб. Инвестицион лойиҳа, уни бошқариш, унинг бизнес-режаси ва таҳлили

## 4.1. Инвестицион лойиҳа. Инвестицион лойиҳаларни бошқариш

**Инвестиция лойиҳалари бошқаришнинг мазмуни.** Лойиҳа (русча *proekt, projectus* – олға ташланган) бу - техник материаллар (чизмалар, ҳисоб-китоблар, янги қуриладиган бинолар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа маҳсулотларнинг макетлари), бирон-бир ҳужжат (шартнома)нинг дастлабки матни, режаси, ғояси, муаммонинг кутилаётган ечимидир. У агар унда техник ечимлар, янги маҳсулот ёки объектнинг техник кўрсаткичлари ва ҳоказолар қайд этилган бўлса, техник лойиҳа ҳамда иқтисодий лойиҳа – муайян ижтимоий-иқтисодий ғояни амалга ошириш, масалан, янги маҳсулот чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқаришни янгилаш дастури бўлиши мумкин. Бошқарувда бу – ижрочиларнинг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича хатти-ҳаракатлар ва воситалар йиғиндиси ҳисобланади.

Лойиҳа бу - аввало, корхона, машина ва асбоб-ускуналар, конструкциялар бино ва иншоотлар ёки моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминловчи бошқа инвестицион объектларни яратиш учун техник ҳужжатлар мажмуидир (архитектура-режалаштириш ва конструкторлик чизмалари, сметалар, технологик асослар, тушунтириш хатлари ва ҳоказолар). Унда лойиҳа қувватига чиқиш муддати, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, тўлиқ қиймат кўрсатилиши лозим. Бир қатор тармоқларда ёки ишлаб чиқариш мажмуаларида, яратилаётган объектлар ва ҳужжатлар лойиҳа доирасига сиғмаган ҳолларда, дастурлар, масалан, энергия таъминоти дастури, нефть-кимё ёки ўрмон-саноат мажмуини ривожлантириш дастури, инвестицияларни жалб қилиш бўйича миллий дастурлар ишлаб чиқилиши мумкин. Инвестиция лойиҳалаштиришда «лойиҳа» атамаси кўпроқ хатти-ҳаракатлар, фаолият маъносида қўлланади.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ёки лойиҳалаштириш, капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг фанни ишлаб чиқариш билан боғлаб турган бўғинларидан бири ҳисобланади. Технологик асослаш сифати ва лойиҳа қарорлари даражасига кўп жиҳатдан инвестициялар самарадорлиги, инвестициялаш объектининг смета қиймати, уни амалга ошириш муддатлари боғлиқ бўлади. Лойиҳалаштириш жараёнида объект эксплуатация талабларига мос келиши, уни амалга ошириш эса тежамкор бўлиши учун бўлажак объектнинг асосий масалалари ҳал этилади.

Инвестиция лойиҳаси бу – яратилаётган ва модернизацияланаётган моддий объектлар, технологик жараёнлар, тадбиркорлик фаолияти турлари ва мақсадли дастурларга капитални ошириш ва фойда олиш мақсадида маблағлар киритишнинг самарадорлигини асослаб беришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг мажмуавий режасидир.

Корхона (фирма, компания) нуқтаи-назаридан инвестиция лойиҳалари уларни белгилаб берувчи хусусиятлар, масалан, қуйидаги белгилар бўйича таснифланиши мумкин:

- жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми бўйича - йирик, ўрта, майда активлар;
- қўйилган маблағлар интенсивлиги бўйича – ўзини қоплаш муддати қисқа бўлган ёки босқичма-босқич узоқ муддат қайтариб олинадиган йирик инвестициялар;
- қўйилмаларни амалга ошириш муддати бўйича - қисқа, ўрта ва узоқ муддатли;
- ўзаро алоқалар тури бўйича – мустақил, ўзаро боғлиқ, муқобил ва б.;
- молиялаштириш усули бўйича – ўз маблағлари ҳисобига, кредит ҳисобига, давлат бюджети ҳисобига ва ҳоказолар.

Миқёси, иқтисодий, ижтимоий ёки экологик вазиятга таъсир кўрсатиш даражаси бўйича инвестиция лойиҳалари қуйидаги турларга тақсимланади:

- глобал инвестициялар, уларни амалга ошириш сайёрамизда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ёки экологик вазиятга жиддий таъсир кўрсатади;
- халқ хўжалик инвестициялари, уларни амалга ошириш мамлакатда ушбу вазиятнинг сезиларли ўзгаришига олиб келади;
- йирик миқёсли инвестициялар мамлакатнинг айрим минтақалари ёки айрим тармоқлардаги вазиятга таъсир кўрсатади ва уларни баҳолашда бошқа туман ёки тармоқлардаги вазиятни ҳисобга олмаса ҳам бўлади;
- локал инвестицияларни жорий қилиш минтақадаги мос келувчи вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмайди ҳамда товар бозорларида нарх даражаси ва тузилмасини ўзгартирмайди.

Инвестиция лойиҳалари инвестор томонидан бозорни етарли даражада аниқламаслик эҳтимоли туфайли риск даражаси билан ҳам фарқланади. Масалан, бозор учун таниш бўлмаган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида янги фаолият турлари ёки янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бозорга маълум бўлган товарлар самарадорлигини оширишга нисбатан кўроқ ноаниқлик ва риск даражаси билан боғлиқ бўлади. Янги илмий-амалий лойиҳаларни бажариш асосий мазмуни ҳисобланган лойиҳа инновацион лойиҳалар қаторига киради.

**Инвестиция даври, унинг тузилмаси.** Инвестиция лойиҳасини, биринчи навбатда ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳани ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш узоқ вақт давомида - ғояни ишлаб чиқишдан тортиб то уни моддий кўринишда амалга оширишгача давом этади. Ҳар қандай лойиҳа уни амалга оширишсиз аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Бозор иқтисодиётида лойиҳа бўйича умумий харажатлар ва унинг бутун фаолият (бошидан то охиригача) давридаги барча даромадлар (тушумлар) ҳисобга олинади. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини бозор кўрсаткичлари ёрдамида баҳолашда ишнинг бошланиши ва якунланишини аниқ билиш зарур. Тадқиқотчи, олим ва лойиҳачи учун лойиҳанинг боши ғоянинг пайдо бўлиши, ишбилармон кишилар учун эса уни амалга оширишга дастлабки маблағ киритиш бўлиши мумкин.

Лойиҳани молиялаштирувчи инвесторни жараённинг ўзи эмас, балки уни амалга ошириш натижасида олинадиган фойда, айрим ишларни бажаришда қатнашаётган ташкилотларни эса – бу ишларнинг якунланиши қизиқтиради.

Айрим лойиҳалар учун уларнинг якунланиш даври молиялаштиришнинг тўхтатилиши, белгиланган натижаларга эришилиши, лойиҳа қийматининг тўлиқ ўзлаштирилиши, объектнинг эксплуатациядан чиқарилиши ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Лойиҳани амалга оширишнинг бошланиши ва якунланиши ўртасидаги вақт муддати инвестиция даври, деб аталади. У лойиҳа бўйича молиялаштириш муаммоларини ҳал қилиш, керакли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлиб, босқичларга тақсимланади. Амалиётда уларни ажратиш бирмунча фарқланиши мумкин. Муҳими, у объектни лойиҳалаштириш ҳолатидаги улардан ўтишда унчалик ўзгармасдан, лекин шу билан бир пайтда унинг ривожланиш эҳтимоли бўлган йўналишларни баҳолаш имконини берувчи айрим муҳим даврларни белгилашга имконият яратади.

Лойиҳани амалга ошириш бу билан боғлиқ, шунингдек, ишчи лойиҳа ва техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, шартномалар тузиш, молиялаштиришни ташкил қилиш, ресурслар таъминоти, объектларни қуриш ва эксплуатацияга топшириш билан боғлиқ бўлган маълум бир чора-тадбирлар йиғиндисини амалга оширишни талаб қилади. Шу сабабли бир ажратиб кўрсатилган босқич ўз навбатида кейинги поғонадаги босқичларга тақсимланиши мумкин.

Хусусан, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастлабки ғоядан тортиб то лойиҳа якунлангунча тўртта босқичдан иборат бўлган давр кўринишида тақдим этилиши мумкин:

- инвестициядан олдинги босқич – олдиндан тадқиқ этишдан то инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақида якуний қарор қабул қилишгача, жумладан, буюртмачи, инвестор ва бошқаларнинг уни молиялаштириш ҳақида қарор қабул қилишигача бўлган давр;
- инвестиция босқичи, муҳандислик-қурилиш, технологик лойиҳалаштириш, асбоб-ускуналар харид қилиш ва лойиҳалаштирилган объектни эксплуатацияга топширишни қамраб олади;
- ишлаб чиқариш (эксплуатация) босқичи - корхонанинг (лойиҳалаштириш объектининг) хўжалик фаолияти босқичлари, унинг фаолият кўрсатиши, объектни модернизациялаш (қайта таъмирлаш), кенгайтириш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш бўйича ишларни қамраб олади;
- тугатиш (ликвидация) босқичи - инвестициялаш объектини тугатиш ва унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш даври.

Ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўз мақсадлари, амалга ошириш усуллари ва механизмларига эга бўлган босқич ва даврларга бўлинади. Инвестициядан олдинги ва инвестиция босқичлари инвестиция лойиҳалаштириш соҳасига, ишлаб чиқариш босқичи эса махсус ташкилий-бошқарув фанларини (меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш,

режалаштириш, молиялаштириш, таҳлил, менежмент ва б.) ўрганишга мансуб ҳисобланади.

Лойиҳанинг инвестициядан олдинги босқичида бўлажак лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади, корхона (фирма-инвестор, лойиҳа ташкилотчиси) инвестициялар ҳақида дастлабки қарор қабул қилади ва раҳбарни (қурилаётган объект директори, бошқарувчисини) танлайди (тайинлайди). Лойиҳани амалга оширишнинг турли вариантларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уни техник-иқтисодий асослаш ва самарадорлигини баҳолаш корхонанинг ўз кучлари билан ҳам, ихтисослашган муассасалар, масалан, лойиҳа, архитектура, қурилиш-маслаҳат ташкилотлари ва ҳоказолар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Лойиҳанинг дастлабки босқичларида келажакда вужудга келиши мумкин бўлган риск ва ноаниқликларни олдиндан кўра билиш, белгиланган натижаларга эришишнинг энг тежамкор йўлларини топиш, лойиҳа самарадорлигини баҳолаш ва унинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўзини вақтида тўхтатиб қолиш тамойилига амал қилиш зарур, яъни муваффақиятсиз лойиҳадан инвестициялар сарфланиб бўлиб, натижа кутилгандай чиқмаган ҳолатни кутиб ўтирмасдан, лойиҳанинг бошидаёқ воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Инвестиция лойиҳасини олдиндан баҳолаш уни амалга оширишнинг техник имкониятларини кўрсатиши лозим. Бунинг учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

- инвестиция лойиҳасини талаб қилинган тавсифномларга эга зарур асбоб-ускуналар (станоклар, машиналар ва ҳоказолар) билан таъминлаш ёки бунинг техник имконияти;

- лойиҳа амалга оширилаётган ва унга яқин ҳудудларда инфратузилма – ишлаб чиқариш шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мажмуининг (йўллар, алоқа, энергия таъминоти, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш) мавжудлиги;

- лойиҳа амалга ошириладиган туманга алоҳида талаблар – иқлим, сув ва бошқа ресурслар мавжудлиги, ерга эгалик ҳуқуқи ва ҳоказолар;

ходимлар малакаси – бошқарув персонали, мутахассислар ва техник ижрочилар, ишчилар.

Ушбу босқичда машина ва асбоб-ускуналар таъминотчиларидан олинган таклифлар таҳлил қилинади, уларнинг техник тавсифномалари, етказиб бериш шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотлар умумлаштирилади. Технологиялар ва асбоб-ускунларни қўллаш бўйича стратегияларни олдиндан ишлаб чиқиш ва маркетинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳисоб-китоб қилиш ишлари бажарилади, инвестициялар ҳажми белгиланиб, маркетинг стратегияси ишлаб чиқилади, лойиҳани амалга оширишнинг муқобил вариантлари башорат қилинади, унинг самарадорлик ва риск даражаси баҳоланади, имитацион таҳлил усулларидан фойдаланилади.

**Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.** Инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳисоб-китобларининг аниқлик даражаси уларни ишлаб чиқиш тартибида ортади (ёки хатолар камаяди). Масалан, лойиҳани амалга оширишнинг инвестицион имкониятларини тадқиқ этиш босқичида, унинг қиймат баҳоси олдиндан аниқланган бир пайтда хатолик 25-40 % атрофида ҳисобланади. ТИА ишлаб чиқиш босқичида бирламчи ёки омиллар баҳоси амалга оширилади, унинг мақсади режалаштирилган харажатларни молиялаштириш имкониятлари билан таққослаш ҳисобланади, йўл қўйиш мумкин бўлган хатолик 15-20 %ни ташкил этади. Ишларни молиялаштириш режасини тайёрлаш учун мўлжалланган яқинлаштирилган баҳолаш бажарилган ишчи лойиҳа босқичида йўл қўйиш мумкин бўлган хатолик 10-15 %га тенг. Ва ниҳоят, савдони тайёрлаш ва ўтказиш учун (шартнома имзолаш, деталли лойиҳалаштиришнинг якунловчи босқичида) йўл қўйиш мумкин бўлган 5-6 % хатолик билан якуний баҳолаш ўтказилади.

Шундай қилиб, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида унинг иқтисодий самарадорлиги асослаб берилади, даромадлилик таҳлил қилинади, бошқача қилиб айтганда, харажатларни олинган (башорат қилинган) натижалар (фойда) билан таққослашга имкон берувчи лойиҳа таҳлили ўтказилади. Инвестициядан олдинги ва инвестиция даврида йўл қўйилган хатоликлар (масалан, қурилиш-монтаж ишларини бажаришда, техника қўллаш, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш, малакали ходимлар, хом ашё ва бошқа материаллар, ресурсларнинг етишмаслиги натижасида вужудга келган муаммолар) ишлаб чиқариш босқичида намоён бўлади, чунки ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотни сотишдан олинадиган даромадлар (фойда) бевосита башорат баҳолари ва инвестициядан олдинги босқичда қабул қилинган қарорларга боғлиқ бўлади. Агар бундай башоратлар хато бўлиб чиқса, лойиҳани техник-иқтисодий асослаш бажарилмаслиги (ёки қисман бажарилиши) мумкин, бу эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қилиши муқаррар.

**Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим бўлган вақт омилига таъсир кўрсатувчи шартлар.** Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим бўлган вақт омилига таъсир кўрсатувчи шартлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхона (инвестициялаш объекти) фаолияти техник-иқтисодий кўрсаткичлари динамиклиги, чиқарилаётган маҳсулот тузилмаси ва ҳажми, вақти, хомашёни сарфлаш меъёри, ходимлар сони, ишлаб чиқариш даврининг узунлиги, заҳиралар меъёри ўзгариши ва ҳоказоларда намоён бўлади;
- асосий фондларнинг табиий эскириши, уларнинг маҳсулдорлиги пасайиши ва умумий ҳисоб-китоб даври давомида эксплуатация қилиш ва таъмирлаш харажатларининг ўсишини асослаб беради (асосий фондларнинг реал хизмат қилиш муддати амортизация муддатлари билан бир хил бўлмаслиги мумкин);

- истеъмол қилинаётган ресурслар ва маҳсулот ишлаб чиқариш нархининг вақт бўйича ўзгариши;
- бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг уларга, жумладан, пудратчиларга бўнак пули бериш билан боғлиқ ҳақ тўлаш ҳажмига мос келмаслиги;
- харажатлар, натижалар ва самараларнинг ҳар хиллиги, яъни уларни бирон-бир қайд қилинган вақтда эмас, балки бутун лойиҳани амалга ошириш даврида бажариш;
- иқтисодий меъёрларнинг, масалан, солиқ ставкалари, божлар, акцизлар, энг кам ойлик иш ҳақи ва ҳоказоларнинг вақт бўйича ўзгариши;
- ресурсларни истеъмол қилиш ва ҳақ тўлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасида вақт бўйича узилишлар.

Маҳсулотни сақлаш ёки унинг мавсумий захираларини яратиш муддати узоқ бўлган ҳолларда, пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишда ёки савдо ташкилотларига ўтказишда ҳар қадамда тўлиқ ёки қисман бундан олдинги даврларда тайёрланган маҳсулот сотилади.

Сотилган маҳсулот таннархи ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан шуниси билан фарқ қиладики, уни ҳисоб-китоб қилишда бундан олдинги ҳисоб-китоб даврида тўлиқ ёки қисман тўланган харажатлар ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришда жорий ва бир марта тўланадиган харажатларнинг роли ҳар хил. Агар бир марта тўланадиган харажатлар аввалдан маҳсулот таннархи ва меҳнат сиғимини пасайтириш, бирон-бир фойдали самара олиш учун шароитлар яратишга мўлжалланган бўлса, жорий харажатлар эса бу хусусиятларга эга эмас, уларни камайтириш, тежаш ва шу асосда маҳсулот чиқариш ёки фойдани ошириш мумкин. Нафақат вақт бўйича хилма-хил, балки хар хил йўналтирилган харажатларни таққосланувчан кўринишга келтириш мос келувчи усуллардан, масалан, ҳисоб-китоб йилига дисконтлаш ёки ўстиришдан фойдаланишни талаб қилади.

Маълумки, инвестицияларни режалаштириш аввало пул маблағларидан келажакда олинадиган тушумлар (даромад, фойда) таҳлилини ифодалайди.

Икки ёки ундан ортиқ инвестицион қарорлардан пул тушумларини таққослашда уларни бир хил вақт муддати бўйича таққослаш лозим. Масалан, агар иккала инвестицион қарор 100 млн. сўм миқдорида даромад олишни таъминласа ва улардан бири уч йил давомида, бошқаси эса беш йил давомида ўз ҳажмини сақлаб қоладиган бўлса, узоқроқ фаолият кўрсатувчи объект (актив) кўпроқ қийматга эга бўлиши яққол кўзга ташланиб қолади. Агар инвестициялар фақат уч йил учун таққосланса, беш йиллик вариант нотўғри «жазоланган», инвестиция объектлари эса таққосланмаган бўларди.

Инвестиция лойиҳаси (объект)нинг хизмат қилиш муддати алоҳида кўриб чиқилиши зарур. У қанчалик узоқ амал қилса, инвестицияларни режалаштириш (башорат қилиш) жараёни шунчалик ишончли бўлади. Корхона объектининг амал қилиш муддатини баҳолашда аввало унинг бир қатор сабабларга кўра эскириши мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим. Масалан, технологиялар ривожланиши худди эскирган техникалар каби ишларни, бироқ камроқ

харажатлар ва энг яхши сифат билан бажарувчи машина ва асбоб-ускуналарнинг янги турларини яратишга олиб келиши мумкин. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, нисбатан узоқ вақт давомида арзонроқ ва фойдаланиш учун самаралироқ маҳсулотлар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Инвестициялаш объекти зарурий фойда яратадиган давр унинг техник ва технологик мукаммаллиги, меҳнат ресурслари ва меҳнат предметлари асосий капиталининг ҳаётийлик даври, унинг маҳсулотлари ва фаолиятининг доимий ўзгариб турувчи ички ва ташқи шароитларга мослашувига боғлиқ бўлади. Объектнинг фаолият кўрсатиш даврини аниқлашда турли омилларни, жумладан, фан-техника тараққиёти суръати, асосий фондларни эксплуатация қилиш даври, муқобил инвестициялар имконияти, рақобат ҳолати ва истиқболлари, талаб давомийлиги ва ҳоказолар ҳисобга олинади. Инвестиция лойиҳасини эксплуатация қилишдан келиб тушувчи пул тушумларини жамғариш унинг амал қилиш муддати функцияси эканлигини ҳисобга олиб, булардан кейингиси молиявий таҳлил натижалари бўйича қарор қабул қилишга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Таянч иборалар:** инвестиция лойиҳалари, инвестиция лойиҳаларини бошқариш, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш тўғрисида умумий тасаввурларни беринг.
2. Инвестиция даври, унинг тузилмаси тавсифини беринг.
3. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни тавсифини айтинг.
4. Инвестиция даври нима?

## 4.2. Инвестицион жараён. Инвестицион жараёнлар параметрлари

**Инвестицион жараённи амалга оширишда бевосита капитал қўйилмалар ва хусусийлаштирилган объектлар бозори.** Ҳар қандай бозорнинг, жумладан, инвестицион бозорнинг ҳолати талаб, таклиф ва нарх каби элементлар билан тавсифланиши туфайли шунга мос равишда инвестицион бозор ва унинг таркибидаги инвестицион ресурслар, хизматлар, кўчмас мулк ва асосий фондлар, қимматли қоғозлар, реал инвестициялашнинг бошқа объектлари бозорини таҳлил қилишда уларга талаб ва таклиф ҳажми, нарх ва рақобат даражаси тадқиқ этилади.

Бундан ташқари, таҳлил жараёнида талаб ва таклиф, нарх, инвестицион фаолиятдаги фирма ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва рақобат шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади. Таҳлил давомида талаб ва таклиф ўсиши ёки пасайиши, нархнинг ўзгариши, рақобатнинг кучайиши ёки ҳамкорлик йўлларини излаш борасида янги омилларнинг пайдо бўлишига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил жараёнида ўрганилган ва аниқланган омилларнинг талаб ва таклиф ҳажми, нарх ўзгариши, инвестицион бозор қатнашчилари ўртасидаги ҳамкорлик ёки рақобат даражасига миқдорий таъсир даражаси ва характерини аниқлашнинг аҳамияти катта.

Инвестицион бозор таҳлили вазифалари умумий кўринишда хўжалик юритиш ва хўжалик бошқарувининг барча миқёсларида инвестициялаш соҳасида стратегик ва тактик қарорлар қабул қилишни асослаб беришга бориб тақалади.

Таҳлилнинг кўрсатилган умумий вазифаларига қуйидагилар тааллуқли бўлади:

- «ўсиш нуқталари»ни, яъни иқтисодиётнинг жонланиш нуқталари ва бу билан боглиқ инвестицион фаоллик йўналишларини аниқлаш;
- инвестицион бозор ҳолатини башорат қилиш учун маълумотлар тайёрлаш:

инвестицион сиёсатни белгилаш ва инвестицион қўйилмалар йўналишлари, муайян инвестицион дастур ва лойиҳалар бўйича қарор қабул қилишни асослаб бериш учун маълумотлар тайёрлаш.

Хўжалик юритишнинг турли миқёсларида инвестицион бозорни таҳлил қилишнинг муайян мақсад ва вазифалари шу миқёсда ҳал килувчи бошқарув вазифалари иерархияси ва синфи билан белгиланади.

Мамлакат миқёсида таҳлил вазифаси инвестицион бозор ҳолати ва динамикаси макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш ва башорат қилиш ҳисобланади. Бундай баҳолаш ва башорат натижалари бўйича мамлакатдаги инвестицион муҳит, маҳаллий ва чет эллик инвесторларнинг инвестицион фаоллиги ўсиши учун шароитларнинг мавжудлиги, бу ўсишга химат қилувчи давлат миқёсидаги чора-тадбирлар белгиланади.

Тармоқ миқёсида таҳлил вазифаси миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва қуйи тармоқлари инвестицион фаоллигини баҳолаш ҳисобланади. Бундай баҳолаш ва башорат натижалари бўйича тармоқ бошқарув органлари ва инвестицион фаолият субъектлари томонидан инвестицияларни қайта структуралаш, инвестициялашни тармоқ бўйича диверсификациялаш йўналишлари белгиланади.

Минтақавий (ҳудудий) миқёсда таҳлил вазифаси ҳудудларнинг инвестицион имкониятлари, инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва башорат қилиш ҳисобланади. Бундай баҳолаш ва башорат натижалари бўйича ҳудудий бошқарув ва инвестицион фаолият субъектлари томонидан инвестициялашни минтақавий диверсификациялаш, ҳудудларда инвестицияларни қайта структуралаш, инвестицион фаолликни ўстириш, минтақага инвестицияларни жалб этиш йўналишларини белгилаб беради.

Компаниялар, фирмалар, корхоналар, уларнинг уюшмалари, бирлашмалари, гуруҳлари миқёсида инвестицион бозор таҳлилининг вазифаси бу бозордаги ўз ҳолатини баҳолаш ва башорат қилиш ҳисобланади. Қурилиш-монтаж ташкилотлари - қурилиш хизматлари бозорида, институционал инвесторлар - инвестицион ресурслар ва фонд бозорида ва ҳоказо. Бундай баҳолаш ва башорат натижалари бўйича кўрсатилган инвестицион фаолият

субъектлари ўз инвестицион сиёсат ва тактикасини амалга ошириш стратегияси ва тактикаси, ўз инвестицион лойиҳа ва дастурларини амалга ошириш режасига ўзгаришлар киритади.

Инвестицион бозор ва унинг конъюнктураси таҳлили қуйидагича бўлиши лозим:

- мазмуни ва таркибий қисмларини баҳолаш бўйича мажмуавий ва тўлиқ. Бу бозор ҳолатини тўлиқ ва реал баҳолаш учун зарур;
- амалга ошириш вақти бўйича систематик, яъни вақти-вақти билан амалга оширилиши лозим. Бу бозор конъюнктурасида рўй берувчи ўзгаришлар ҳамда унинг ҳолатини белгилаб берувчи омиллар ва шартлар, инвесторлар ва инвестицион фаолиятнинг бошқа қатнашчилари томонидан инвестицион ва бошқа хўжалик қарорларини қабул қилишда ҳисобга олиш зарурати билан асосланади.

**Кўчмас мулк бозори, фонд бозори, пул бозори.** Давлат томонидан амалга оширилаётган инвестицион сиёсатнинг самарадорлигини, миллий иқтисодиётнинг уни ривожлантиришни инвестициялаш соҳасидаги ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин:

- миллий иқтисодиёт бўйича инвестицион фаолият ва давлатнинг инвестицион сиёсати самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- инвестицион бозор сиғими ва унинг таъминотини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- кўчмас мулк ва асосий фондлар бозори ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар:
- қимматли қоғозлар бозори ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- пул бозори ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Миллий иқтисодиёт бўйича инвестицион фаолият ва давлатнинг инвестицион сиёсати самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради:

- ялпи ички маҳсулот;
- ишлаб чиқарилган миллий даромад;
- товар ишлаб чиқариш ҳажми;
- ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми;
- ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми;
- импорт ва ишлаб чиқаришга соф солиқлар;
- товарларнинг нарх индекслари;
- хизматларнинг нарх индекслари;
- меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар:
- иқтисодиётда ялпи фойда:
- якуний миллий истеъмол харажатлари;
- ялпи миллий жамгарма.

Инвестицион бозор сиғими ва унинг таъминотини тавсифловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради:

- капитал қўйилмалар ҳажми. жами;
- ишлаб чиқариш объектларига нисбатан капитал қўйилмалар ҳажми;
- қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;

- бюджет маблағлари, жумладан, марказий бюджет ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаштириш ҳажми;
- жами асосий фондларни, жумладан, ишлаб чиқариш объектлари бўйича ишга тушириш;
-барча тармоқлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси;
-капитал қўйилмалар бўйича, жумладан, қурилиш-монтаж ишлари бўйича нархлар индекси;
-иқтисодиётга узоқ муддатли кредит қўйилмалари.

Кўчмас мулк ва асосий фондлар бозори ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:
- кўчмас мулк сотиш билан шуғулланувчи амалдаги биржа ва компаниялар сони;
- кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича рўйхатга олинган битимлар сони;
- сотилган асосий фондлар, жумладан, уй-жой майдонлари ҳажми;
- асосий фондлар, жумладан, уй-жой майдонларини сотиш бўйича таклифлар ҳажми.

Қимматли қоғозлар бозори ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:
- лицензияли фонд биржалари сони;
- тузилган биржа битимлари сони;
- сотилган қимматли қоғозлар ҳажми, шундан: корхоналар акциялари, давлат облигациялари;
- чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми, жумладан, корхона ва ташкилотларнинг акциялари.

Пул бозори ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:
- пул ресурсларини сотиш ҳажми, шундан: депозитлар, тижорат кредитлари, банклараро кредитлар;
- суғурта бадаллари тушуми ҳажми;
- суғурта тўловлари миқдори;
- аҳолининг қўйилмалари миқдори;
- банклараро кредитдан фойдаланганлик учун Марказий банк ставкаси.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг катта қисми давлат статистика ҳисоботларида ёки мамлакатнинг иқтисодий органлари томонидан чоп этилувчи маълумотларда акс этади.

Статистика маълумотлари ва кузатув кўрсаткичлари асосида миллий иқтисодиёт бўйича инвестицион бозор ҳолати ва инвестицион фаолият самарадорлиги нисбий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади. Бундай кўрсаткичлар қуйидагича бўлиши мумкин.

**Инвестицион бозорнинг макроиктисодий кўрсаткичлари.** Миллий иқтисодиёт бўйича инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффициенти *Кнэ* қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ис} = \frac{\Delta НД}{К} \qquad (4.2.1.)$$

бу ерда

*ΔНД* — мамлакат миллий даромадининг ўсиши;

*К* — мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига капитал қўйилмалар ҳажми.

Ишлаб чиқариш объектларига капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти *Кпн* қуйидагича аниқланади:

$$K_{пн} = \frac{\Delta V_{пн}}{K_{н}} \qquad (4.2.2.)$$

Бу ерда

*ΔVпн* — саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;

*Кн* — ишлаб чиқариш объектларига капитал қўйилмалар.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати $J_{КВ}$ ушбу формула ёрдамида аниқланади:

$$J_{кв} = {}^{K_а}\!\big/_{K_б} \qquad (4.2.3.)$$

бу ерда

*Ка* — таҳлил қилинаётган йил (давр)да капитал қўйилмалар;

*Кб* — таққосланаётган йилда капитал қўйилмалар.

Капитал қўйилмаларни амалга ошириш коэффициенти *Jкр* қуйидагича аниқланади:

$$J_{кр} = V_{в} / K \qquad (4.2.4.)$$

бу ерда

*Vв* — асосий фондларни ишга тушириш;

*К* — капитал қўйилмалар.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига узоқ муддатли кредитларнинг ўсиш суръати *Jкр* қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$J_{кр} = K_{у}^{а} : K_{у}^{б} \qquad (4.2.5.)$$

бу ерда

$K_{у}^{а}$ - таҳлил қилинаётган йилда иқтисодиётнинг ривожланишига узоқ муддатли кредитлар миқдори;

$K_{у}^{б}$ - таққосланаётган йилда иқтисодиётнинг ривожланишига узоқ муддатли кредитлар миқдори.

Корхона ва ташкилотларга капитал қўйилмаларни молиялаштиришда қарзга олинган ва ўз маблағлари нисбати $C$ ушбу формула ёрдамида топилади:

$$C = Д_с / Д_з \qquad (4.2.6.)$$

бу ерда

*Дс* – корхона ва ташкилотларнинг инвестицион мақсадларга фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобига капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ўз маблағлари;

*Дз* — корхона ва ташкилотларнинг инвестициялаш мақсадлари учун қарзга олинган маблағлари.

Келтирилган кўрсаткичлардан ҳар бири ўз мазмунига кўра маълум бир иқтисодий мазмунга эга. Хусусан, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти капитал қўйилмаларнинг ҳар бир сўмига миллий даромаднинг қай даражада ўсишини кўрсатади. Капитал қўйилмаларни амалга ошириш коэффициенти улар объектларни ишга тушириш, асосий фондларнинг ўсишини қай даражада таъминлашини тавсифлайди. Капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати ортиши ва миллий иқтисодиётнинг ривожланишига узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг ўсиши инвестицион фаолликнинг ўсиши, мамлакат иқтисодиётининг кўтарилишидан дарак беради. Капитал қўйилмаларни молиявий таъминлашда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағларнинг нисбати ҳам иқтисодиётнинг ўсиши ёки пасайишидан билвосита далолат беради. Иқтисодиётнинг ўсиш босқичларига ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар нисбати - 40:60, иктисодиётнинг турғун бўлиши ва пасайишида эса - 60:40 бўлади.

Мамлакат иқтисодиётининг умумий аҳволи ва инвестицион бозорнинг аҳволи ўртасида бевосита алоқа бўлиб, улар бир-бирини асослаб беради. Шу сабабли инвестицион бозорни таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилиш миллий иқтисодиётнинг умумий аҳволи ва ривожланишини ўрганишни назарда тутади.

Макроиқтисодий жараёнларнинг ривожланиш назариясидан маълумки, иқтисодиёт у ёки бу даврийлик ва интенсивлик билан инқироз, депрессия, жонланиш ва кўтарилиш босқичларидан ўтади.

Иқтисодиётнинг кўтарилиш босқичи инвестицион фаолликнинг янада ўсиши, инвестицион ресурсларга интенсив талаб, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, капитални сезиларли янгилаш билан тавсифланади.

**Ўзбекистон Республикасида инвестицион жараённинг ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллар ва шарт-шароитлар.** Миллий иқтисодиёт тармоқлари миқёсида инвестицион бозорни баҳолаш ва башорат қилиш зарурати иқтисодий ўсишнинг энг истиқболли йўналишлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг мос келувчи соҳаларига инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари иқтисодиётни қайта структуралаш йўналишларини аниқлаш

бўйича давлатнинг манфаатлари билан изоҳланади. Муайян инвесторлар нуқтаи назаридан инвестицион бозорни тармоқлар бўйича билиш зарурати уларнинг иқтисодий манфаатлари, ўз маблағларини энг самарали ва истиқболли инвестицион дастур ва лойиҳаларга киритиш, юқори даромадли корхоналарнинг акциялари ва истиқболли интеллектуал саноат мулкини харид қилиш истаги билан асосланади.

Инвестицион бозорни таҳлил ва башорат қилишнинг умумий вазифаси миллий иқтисодиётнинг муайян тармоқлари ва қуйи тармоқлари амалдаги ва истиқболдаги инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Кўрсатилган таҳлилнинг муайян вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг тармоқлари ва қуйи тармоқларининг ривожланиш динамикаси ва амалдаги ҳолатини баҳолаш;
- иқтисодиётнинг тармоқлари ва қуйи тармоқлари ривожланиши истиқболлилигини баҳолаш;
- тармоқларда рўй бераётган ички ўзгаришлар ҳамда иқтисодиётнинг тармоқлари ва қуйи тармоқларида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолаш;
- иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқлари ва қуйи тармоқлари амалдаги ва истиқболдаги инвестицион жозибадорлигини баҳолаш;
- мос келувчи тармоқларга инвестицион қўйилмалар рискини баҳолаш.

Иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқлари ва қуйи тармоқлари ривожланиш динамикасини улар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмидан фоизда ўсиш суръати *Jp* ёки ўсиш индекси *tn* билан баҳолаш қабул қилинган, яъни:

$$J_p = V_a / V_б \qquad (4.2.7)$$

бу ерда

*Va* – кўриб чиқилаётган йили тармоқда (қуйи тармоқда) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

*Vб* — кўриб чиқилаётган йилдан олдинги йилдаги худди шу нарса.

Тармоқлар ривожланишини солиштирма баҳолаш учун қуйидаги формулалар бўйича аниқланувчи ривожланишнинг эластиклик коэффициентлари фойдаланилади:

$$K_{эр}^{т} = t_{a} / t_{ит} \qquad (4.2.8.)$$

$$K_{эр}^{п} = t_{п} / t_{т} \qquad (4.2.9)$$

$$K_{эр}^{го} = t_{и} / t_{и} \qquad (4.2.10)$$

бу ерда

$K_{эр}^{т}, K_{эр}^{п}, K_{эр}^{го}$ - ривожланишнинг эластиклик коэффициентлари, мос равишда: тармоқлар ва қуйи тармоқлар миллий иқтисодиётнинг ривожланишига нисбатан, қуйи тармоқлар – тармоқнинг ривожланишига нисбатан;

*to, tn, te* — тадқиқ этилаётган даврлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати, мос равишда: тармоқда, қуйи тармоқда, бутун миллий иқтисодиётда.

(4.2.8) - (4.2.10) формулалар бўйича ҳисоблаб чиқилган эластиклик коэффициентлари иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқлари ва қуйи тармоқлари ривожланишининг солиштирма суръатларини тавсифлайди, уларнинг асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларида солиштирма инвестицион фаоллик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш самарадорлиги, шунингдек, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритилади. Ҳозирги пайтда мамлакат иқтисодиёти учун ёқилғи-энергетика мажмуи энг катта аҳамиятга эга бўлган тармоқлардан саналади. Юқоридаги эластиклик кўрсаткичлари шу билан бир вақтда иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқлари ва қуйи тармоқлари инвестицион жозибадорлигини, уларнинг ривожланиши солиштирма истиқболлилигини тавсифлайди. Эластиклик кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, мос келувчи тармоқлар уларни инвестициялаш жиҳатидан шанчалик жозибадор ҳисобланади.

Зарур ҳолларда худди шундай эластиклик коэффициентлари инвестицион бозорнинг янада истиқболли сегментларини аниқлаш мақсадида тармоқлар ва қуйи тармоқларда чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар турлари бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилади.

Иқтисодиёт тармоқлари инвестицион имкониятлари ва инвестицион жозибадорлигини баҳолашда уларнинг амалдаги аҳволининг муҳим тавсифномаси бу тармоқларнинг рентабеллик, фойдалилик ва молиявий таъминланганлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва қуйи тармоқларининг рентабеллик, фойдалилик ва молиявий таъминланганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланиши мумкин: капитал қайтими коэффициентлари; инвестициялар (капитал)нинг рентабеллик коэффициенти; активларнинг рентабеллик даражаси; махсулот ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллик даражаси.

Капитал қайтими тармоқдаги жами капитал фаолияти самарадорлик даражасини тавсифлайди, у қуйидаги $K^1_{ок}$ ва $K^2_{ок}$ коэффициентлар билан тавсифланиши мумкин:

$$K^1_{ок} = Д/(Ф_{ос} + Ф_{об}) \quad (4.2.11.)$$

$$K^2_{ок} = П/(Ф_{ос} + Ф_{об}) \quad (4.2.12.)$$

бу ерда

*Д* – тармоқда ва қуйи тармоқда олинган, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми ва бунинг учун кетган моддий харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланган ялпи даромад;

*П* - тармоқда ва қуйи тармоқда асосий профиль маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида олинган фойда (давлат қимматли қоғозлари, корхона ва ташкилотларнинг акциялари, айирбошлаш операциялари ва нопрофиль маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида олинган фойдани ҳисобга олмасдан);

*Фосн* ва *Фоб* - асосий фондларнинг баланс қиймати ва тармоқда (қуйи тармоқда) профиль маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланувчи айланма воситалар миқдори.

Бир қатор ҳолларда тармоқда (қуйи тармоқда) фақат профиль маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинувчи ойда ва даромадни, шунингдек, уни яратишни таъминлашга алоқадор айланма воситалар ва асосий фондлар қийматини ажратиб кўрсатиш қийинлиги сабабли *Д, П, Фосн, Фоб* кўрсаткичларини умумий баланс ҳисоботи бўйича қабул қилиш мумкин, бироқ бунда нопрофиль ишлаб чиқариш ва тижорат-молиявий фаолиятнинг ҳисоблаб чиқилган капитал қайтими кўрсаткичларига таъсирини бузиб кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олиш керак.

Инвестицияларнинг рентабеллик коэффициенти тармоқнинг такрор ишлаб чиқариш ривожланишига қўйилмалар қайтими даражасини тавсифлайди. У ёки тармоқдаги ялпи даромад ўсишининг ёки фойда ўсишининг амалга оширилган ёки амалга ошириладиган инвестицион қўйилмаларга нисбати сифатида қуйидаги формулалар бўйича аниқланиши мумкин:

$$K^{1}_{рн} = Д_{н} / И \qquad (4.2.13)$$

$$K^{2}_{рн} = Д_{н} / И \qquad (4.2.14)$$

бу ерда

$K^{1}_{рн}, K^{2}_{рн}$ - инвестицияларнинг рентабеллик коэффициенти;

*Дп* – ялпи даромаднинг ўсиши:

*Пп* - фойданинг ўсиши;

*И* - инвестицион қўйилмалар.

Инвестициялар рентабеллиги ва капитал қайтими коэффициентлари амалдаги капиталнинг фаолияти иқтисодий самарадорлиги ва шу вақтнинг ўзида миллий иқтисодиёт тармоқларининг уларнинг янада ривожланишини таъминлаш бўйича молиявий имкониятларини тавсифловчи асосий коэффициентлар ҳисобланади, чунки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаси фойда ва даромад саналади.

Активларнинг рентабеллик кўрсаткичлари, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари даражаси, активларнинг мулк коэффициенти иқтисодиётнинг тармоқлари ва қуйи тармоқлари инвестицион жозибадорлигини баҳолашда асосий кўрсаткичларга қўшимча кўрсаткичлар ҳисобланади. Улар нақд капиталдан фойдаланишни баҳолашни чуқурлаштиради ва кенгайтиради.

Олинган умумий фойданинг барча активлар қийматига нисбати сифатида аниқланувчи активларнинг рентабеллик даражаси нафақат асосий фондлар ва айланма воситалардан иборат ишлаб чиқариш капиталини, балки давлат ва корхоналарниг акциялари, қимматли қоғозларига киритилган маблағлар, банкларда сақлаш туфайли бўш турган маблағлар, уларни бошқа корхона ва ташкилотларга қарзга бериш, молиявий ва тижорат инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳоказолардан иборат бўлган қайтимни тавсифлайди. Агар барча активларнинг рентабеллик даражаси ва формулалар бўйича ҳисоблаб

чиқилган капитал қайтими коэффициентларига нисабатан баланд бўлса, бу молия-хўжалик операцияларини амалга ошириш ҳисобига ўз ривожланишини *инвестициялаш бўйича тармоқнинг молиявий имкониятларини* кенгайтиришни англатади.

Маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг уни ишлаб чиқариш харажатларига нисбати сифатида аниқланувчи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллик даражаси тармоқдаги асосий ишлаб чиқариш ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни чуқурлаштиради ва бу маълум маънода самарадорликни ошириш учун мавжуд захиралар ҳақида мулоҳаза юритишга имкон беради. Билвосита маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллик даражаси динамикаси ва капитал қайтими коэффициентлари динамикасини таққослаш орқали тармоқдаги асосий капитал ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг юкланганлик даражаси ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш мумкин. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг ўсиш ва пасайиш суръати мос равишда капитал қайтимининг ўсиш ва пасайиш суръатидан паст ва баланд бўлса, бу асосий капитал, асосий фондлар ва ортиқча ишлаб чиқариш қувватларига жисмоний юкламанинг пасайишини англатади.

Миллий иқтисодиётнинг барча асосий (машинасозлик, металлургия, транспорт, алоқа ва б.) тармоқлари янги пайдо бўлган (радиоэлектроника, аэрокосмик техника ишлаб чиқариш ва б.) тармоқлардан ташқари қоидага кўра аллақачон шаклланиб улгурган. Бироқ барча мамлакатлар ва барча тармоқларда ишлаб чиқариш техник жиҳатдан ҳам, технологик жиҳатдан ҳам доимий такомиллашиб боради. Маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларининг такомиллашуви қоидага кўра, унинг таннархи пасайиши, сифати яхшиланиши ва товар бозорида рақобатбардошлигининг кучайишини таъминлайди. Сифат жиҳатидан янги маҳсулот ишлаб чиқариш эскирган маҳсулотни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва алмаштиришга йўналтирилади.

Натижада ишлаб чиқариш характерининг сифат жиҳатидан ўзгариши ёки янгича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тамомила янги ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлиши рўй беради.

Инвестицион бозорни тармоқлар бўйича таҳлил қилишда тармоқлар аҳамиятининг соф техник ва иқтисодий кўрсаткичларидан ташқари қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиш зарур:

- тармоқнинг ижтимоий аҳамияти, у унда банд бўлганлар сони ёки улуши билан тавсифланиши мумкин;
- тармоқнинг стратегик аҳамияти, нафақат мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш, балки миллий иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ишончлилигини таъминлаш, технологик ўсишларни аниқлаш ва ҳоказолар борасида ҳам. Ушбу баҳо билан биринчи навбатда, тўғридан-тўғри давлат инвестициялари ажратиш, имтиёзли давлат кредитлари ва солиқ имтиёзлари тақдим этиш йўли билан мос келувчи тармоқлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарур даражасини аниқлаш боғлиқ;

- тармоқнинг миллий иқтисодиёт умумий пасайиши мумкинлигига нисбатан барқарорлиги, у кўриб чиқилаётган тармоқда ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръати мамлакатда ялпи миллий маҳсулотнинг пасайиш суръатига нисбати билан тавсифланади.

Инвесторлар иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқларига инвестицияларни йўналтириш бўйича ижобий қарор қабул қилишларига юқорида санаб ўтилган тармоқлар ҳолати ва уларда рўй бераётган қайта структуралаш жараёнлари кўрсаткичлари етарли эмас. Қўшимча равишда иқтисодиётнинг муайян тармоқларига мансуб бўлган муайян лойиҳаларга инвестициялар киритишнинг риск даражасини мустақил баҳолаш зарур.

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг турли тармоқларига инвестициялар киритишнинг риск даражаси кўп омилларга боғлиқ, хусусан:

- мос келувчи тармоқда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг монополлашганлиги;
- товар ва хизматлар маҳаллий ва хорижий бозорларида мос келувчи тармоқ компанияларининг рақобатбардошлиги;
- мос келувчи тармоқ маҳсулотларининг инфляцияга бардошлилиги;
- мос келувчи тармоқлар ишлаб чиқариш ва корхоналарининг хом ашё, энергетика ва бошқа таъминотлари барқарорлиги.

**Таянч иборалар:** инвестицион жараён, инвестицион жараён параметрлари, инвестицион бозор, кўчмас мулк бозори, фонд бозори, пул бозори, инвестицион бозор макроиқтисодий кўрсаткичлари.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Кўчмас мулк бозори деганда нимани тушунасиз?
2. Фонд бозори нима?
3. Пул бозорини изоҳланг.
4. Инвестицион бозорнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига тавсиф беринг.

## 4.3. Инвестицион лойиҳанинг бизнес-режаси

**Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси, унинг таркиби ва мазмунига қўйилувчи талаблар.** Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси бу – режалаштирилган техник-иқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) лойиҳасига эришиш йўллари ва мақсадларни амалга ошириш режаси (дастури) ҳисобланади. Қоидага кўра, унда лойиҳа асослаб берилади ва унинг имкониятлари баҳоланади, даромад ва харажатлар, реал пул оқимлари, молиялаштириш манбалари аниқланади, рентабеллик ва ўзини қоплаш, зарарсизлик ва бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Бу ишбилармонлик лойиҳаларининг инвестициядан олдинги босқичларидан бири бўлиб, уларнинг асосий ва ажралмас қисми ҳисобланади. У кредит бериш учун асос бўлиб хизмат қилади ва лойиҳани амалга ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолашни таҳлил қилиш воситаси саналади.

Инвестицияларни лойиҳалаштиришда бизнес-режани мустақил бўлимга (босқич, ҳужжат) ажратиш иқтисодиётдаги ўтиш даври, лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича хориж тажрибаларини маҳаллий шароитларга мослаштириш, бизнеснинг шу соҳасида ҳужжатлар ва методологияни бир типга келтириш зарурати билан боғлиқ.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашда бизнес-режа қуйидагиларга зарур:

- инвесторга – капиталии киритишнинг мақсадга мувофиқлиги (самарадорлиги)ни аниқлаш учун;

тадбиркорга – лойиҳани амалга ошириш жараёнида хатти-ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш учун;

- давлат органларига – кредит муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш учун.

Моҳиятига кўра бу салоҳиятли ҳамкорлар учун ишбилармонлик таклифлари бўйича белгиланган андоза бўлиб, уларга лойиҳада режалаштирилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги, кутилаётган фойдани олишнинг ҳақиқийлиги, кредит қўйилмаларни қайтариб олишни баҳолаш учун зарур.

Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси қуйидагиларни асослаб бериш мақсадида ишлаб чиқилади:

- корхонани жорий ва истиқболли (стратегик) ривожлантириш, янги фаолият турларини ишлаб чиқиш (танлаш);
- инвестицион ва кредит ресурсларни олиш, қарз маблағларини қайтариб олиш;
- қўшма ва чет эл корхоналари ташкил қилиш бўйича таклифлар;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг мақсадга мувофиқлиги.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича замонавий тажрибалар асосан ишбилармонлик режалаштириши методологиясига асосланади, унинг янги техника ва капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини асослаб бериш бўйича аввалги муаммодан асосий фарқи реал ички ва ташқи шароитларга мос келувчи ҳамда ташкилот (корхона, лойиҳа)нинг ривожланишини таъминловчи режани ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу билан бирга бу тажрибаларни тўлалигича маҳаллий корхоналар (инвестициялаш объектлари)га ўтказиш мумкин ҳам эмас, бунинг иложи ҳам йўқ.

Бизнес-режани деталлаштириш даражаси кўплаб омилларга, биринчи навбатда бўлажак лойиҳа ҳажмига ва у мансуб бўлган соҳага (тармоққа, ишлаб чиқаришга) боғлиқ бўлади. Масалан, агар маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кўзда тутилаётган бўлса, у маҳсулотнинг ўзи ва сотув бозорлар мураккаблигини ҳисобга олиб, батафсил ишлаб чиқилиши лозим. Агар гап бирон-бир маҳсулотни сотиш ҳақида борадиган бўлса, бизнес-режа жуда қисқа ва содда бўлиши мумкин. Деталлаштириш яратилаётган объект характерига ҳам боғлиқ бўлади.

Масалан, агар бу ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, ундаги ишлаб чиқариш таркибига маҳсулот тури, унинг сифати, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Барча ҳолатларда ҳам бизнес-режа инвестиция лойиҳасининг асосий жиҳатларини ёритиб бериши, тадбиркорнинг дуч келиши мумкин бўлган барча муаммолар ва рақобат шароитларида уларни ҳал қилиш усулларини кўрсатиши ҳамда тижорат режалари ва лойиҳани амалга ошириш истиқболлари, режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш дастурларини молиявий ва ташкилий таъминлаш ҳақидаги қатъий структураланган маълумотлар тизимини ифодалаши, бундан ташқари, реклама функциясини бажариши лозим.

Бизнес-режани ишлаб чиқиш учун асос бўлиб, корхона раҳбарияти томонидан чиқарилган ҳужжат (буйруқ, фармойиш) хизмат қилади. Унда қуйидагилар белгиланади ва тасдиқланади:

- бизнес-режани ишлаб чиқиш раҳбари;
- ижрочилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаган ҳолда уларнинг таркиби;
- бизнес-режани ишлаб чиқувчи (лойиҳа ташаббусчиси бўлган корхона ёки жалб қилинган ташкилотлар);
- ишларни бажариш учун харажатлар сметаси ва уларни молиялаштириш манбалари (зарур ҳолларда).

Бизнес-режани ишлаб чиқиш, айникса, саноат объектларида мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи машғулот (фаолият) ҳисобланади. Шунинг учун уни компьютерлаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Режага фақат битта ўзгартириш киритиш режанинг барча бўлимлари бўйича барча кўрсаткичларни қайта ҳисоблаб чиқишга олиб келиши мумкин. Бизнес-режа устида ишлашни катта ҳажмда ички ва ташқи ахборот олиш ва ундан фойдаланиш, лойиҳа бошқарувининг уни молиялаштириш ва ишлаб чиқишда ҳам, амалга оширишда ҳам иштирок этаётган айрим бўғинлари ўртасида вужудга келувчи зиддиятларни тартибга солиш зарурлиги ҳам мураккаблаштиради.

Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси қабул қилинган қарорга, мулкчилик шаклларига, юридик шаклига, молиялаштириш манбаларига, чиқарилаётган маҳсулот турларига, янги қурилаётган объектда ишлаб чиқариш мақсадларига, мавжуд корхоналарда янги техника ва технологияларни жорий қилишга, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишга, фойдани оширишга, бозорни ўзлаштириш ва ҳоказоларга нисбатан аниқлаштиришни талаб қилади.

Бироқ уни ишлаб чиқишни бошлашдан аввал талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа ҳақидаги ахборотни олиш зарур.

Талаб ва таклиф ҳақидаги ахборот ушбу маҳсулот (иш, хизмат) нима учун ва кимга, қандай ҳажмда сотилишини аниқлашга имкон беради. Бунинг устига, истеъмолчи (харидор) оддий маҳсулот ёки хизматни эмас, балки унинг муаммосини ҳал этиши мумкин бўлган хислатлар ва афзалликлар йиғиндисини сотиб олади. Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини истеъмолчи талабларига мувофиқ чиқарса ва буни рақобатчилардан яхшироқ бажарса, у кутилган натижаларга эришиши, айтайлик, фойдани ошириши мумкин. Керакли маълумотларни ҳисобот ва нашрлардан, шахсий кузатув ва маркетинг тадқиқотлари натижасида, кўргазма, ярмарка ва савдоларда қатнашиш йўли билан олиш мумкин.

Шундай қилиб, бизнес-режани ишлаб чиқишдан олдин зарур маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, бўлажак лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажариш талаб қилинади. Ахборот олишнинг иккита асосий усули мавжуд бўлиб, қўлланиб келмоқда: белгиланган ҳисоботлардан ва мос келувчи кузатувларни амалга ошириш йўли билан олиш. Кўп ҳолларда бу усулларнинг иккаласидан бирданига фойдаланилади. Агар умумлаштирувчи миқдорий баҳолар турли (бухгалтерия, статистика, тезкор) ҳисоботларда мавжуд бўлган ахборотларга асосланса, нисбатан деталли ва сифатли баҳоларни бевосита кузатувлар, синаб кўриш ва ҳоказолар, яъни бугунги вазиятни ҳаққоний акс эттириш натижасида олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш ахборотларининг катта қисмини худди шундай ёки шунга ўхшаш маҳсулот чиқарувчи корхона ёки фирмалардан олиш мумкин. Масалан, унинг ёрдамида барча ишлаб чиқариш операциялари ва уларни бажариш усуллари рўйхатини; талаб қилинаётган ресурслар (хом ашё, материаллар, инструментлар ва ҳоказолар), асбоб-ускуналар, уларнинг таъминотчилари ва етказиб бериш шартлари рўйхатини; ихтисосликлар ва малака бўйича меҳнат ресурсларига эҳтиёж; ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминланганлик, уларни харид қилиш ёки ижарага олиш имконияти; юклама ва бошқа харажатлар рўйхатини тузиш мумкин.

Объектнинг молиявий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш учун молиявий ахборот талаб қилинади, унинг асосида инвестор лойиҳанинг фойдалилиги ва зарур воситалар, пул олиш усуллари (кредит олиш, акциялар чиқариш ва ҳоказолар) ҳақида мулоҳаза юритиши мумкин. Нарх ва харажатлар ҳақидаги ахборот ҳам муҳим, у кўпинча ишлаб чиқарувчининг тижорат сирларини ташкил қилади.

Бизнес-режани потенциал инвесторларга тақдим этишнинг ҳам аҳамияти ва масъулияти катта. Уни тақдим этар экан, корхона ёки фирма лойиҳани сотишга ҳаракат қилади, бунинг учун эса лойиҳа жозибадор бўлиши ва аввало, яхши ўқиладиган шрифтда чоп этилиши, унда схема ва графиклар яққол акс этиши ва сифатли бажарилиши лозим. Махфий (конфиденциал) ахборот тушириб қолдирилиши, зарур ҳолларда эса қўшимча тақдим этилиши мумкин.

Инвесторни бошқа маълумотлар ҳам, масалан, сотилаётган акциялар пакети фоизи (улуши), энг кам инвестициялар ҳажми, капитални тақдим этиш шартлари (оддий ва имтиёзли акциялар, кафолатли қарз мажбуриятлари ва бошқалар) ҳам қизиқтиради.

Бизнес-режа таркибига қоидага кўра титул варақаси, мундарижа, ҳисоб-китоблар, жадвал ва графиклар билан бирга асосий бўлимлар матни (мазмуни), шунингдек, иловалар – бошланғич маълумотлар, шартнома, лицензия ва ҳоказолар нусхалари, таъминотчиларнинг прейскурантлари, эксперт хулосалари ва баҳолари, сертификация ва асосий матннинг бир қисми ҳисобланмаган, бироқ унга бизнес-режада ишора қилинган бошқа ҳужжатлар киради.

Титул варақасида инвестиция лойиҳасининг номи, унинг инвестори, бизнес-режани ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, муҳр билан тасдиқланган корхона ва бизнес-режани ишлаб чиққан ташкилот раҳбариятининг имзоси қўйилади. Бизнес-режани лойиҳа ташаббусчиси бўлган корхона аудиторлик ва бошқа фирмалар иштирокида ишлаб чиққан ҳолларда титул варақасининг қуйи қисмида «Бизнес-режа корхона томонидан қуйидагилар иштирокида ишлаб чиқилди: ...», деб ёзиб қўйилади ва жалб қилинган ташкилотлар рўйхати келтирилади.

Бизнес-режа қуйидаги бўлимлардан таркиб топиши мумкин:

- резюме;
- корхона тавсифномаси ва унинг ривожланиш стратегияси;
- маҳсулот (хизмат) тавсифи;
- маркетинг стратегияси, сотув бозорлари таҳлили;
- ишлаб чиқариш режаси;
- ташкилий режа;
- лойиҳани амалга ошириш режаси;
- инвестицион режа;
- молиявий-хўжалик фаолияти башорати;
- лойиҳа самарадорлигининг ҳисоб-китоби;
- юридик режа;
- бизнес-режани ишлаб чиққанлар ҳақида ахборот.

Бизнес-режанинг тахминий ҳажми (иловаларсиз):

- лойиҳа қиймати 500,0 минг АҚШ долларидан кам бўлса - 40 бет;
- лойиҳа қиймати 500,0 минг АҚШ долларидан кўп бўлса - 80 бет.

Бизнес-режанинг асосий бўлимлари, жадвал ва иловаларини тайёрлашга умумий талаблар қуйидагича:

- ҳар бир бўлим тадқиқотлар ёки ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган ва мос келувчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда текширилган бошланғич маълумотлар асосида шакллантирилади;
- ҳисоб-китоб жадваллари хўжалик субъекти фаолиятининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб тузилади;
- бошланғич ва бошқа маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартномадан олдинги, шартнома, таъсис ва ҳисобот ҳужжатларининг нусхалари, аудиторлик текшируви материаллари) алоҳида тартибда тузилади;
- янги ва юқори технологияларга асосланган корхоналарни асослаш бўйича ахборот, амалдаги нормативлар бўйича расмийлаштириб, алоҳида бир бўлим таркибида келтирилади ва илова сифатида расмийлаштирилади.

Бизнес-режани ишлаб чиқишда қуйидаги тамойил ва ёндашувларга риоя қилинади:

- бизнес-режанинг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишда лойиҳанинг бошланғич кўрсаткичлар ўзгаришининг самарадорликка таъсирини баҳолайдиган имитацион моделлаштириш ва дисконтлаш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади;

- алоҳида ишлаб чиқаришларни яратиш ва қайта таъмирлашда инвестицион лойиҳанинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятига таъмири ва бунинг аксига таъсирини кўрсатиш лозим;
- янги корхонани қуриш масаласини ҳал қилишда муқобил ҳисоб-китоб қилиш ва уни мавжуд ёки янги майдонларда жойлаштириш зарур;
- давлат маблағлари ёки унинг имтиёзлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар учун бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга имтиёзли ва имтиёзсиз тўловлар, шунингдек, давлатнинг йўқотишлар ва уларни қоплаш ҳисоб-китоби бажарилиши лозим;
- бизнес-режа қарзга олинган маблағларни қайтариш муддати билан бир йилни қамраб олувчи инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган бутун давр учун тузилиши лозим;
- давлат бошқарув органларига тақдим этиладиган ҳисоб-китоблардаги (жадваллардаги) ахборотни акс эттириш қадами бир йилга тенг бўлиши лозим;
- амалга ошириш учун эркин конвертацияланувчи валютадаги маблағлар талаб қилинмайдиган бизнес-режада барча ҳисоб-китоблар миллий валютада, бошқа ҳолатларда – бундан ташқари шартли бирликларда (ш.б. сифатида қоидага кўра АҚШ доллари қабул қилинади) бажарилади.

Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режасини тўли ҳажмда ишлаб чиқишда натижалар «Инвестиция лойиҳаси паспорти» кўринишида, бошқа ҳолатларда эса «Инвестиция таклифи» кўринишида расмийлаштирилади.

Инвестицион паспорт бу – мустақил эксперт томонидан тайёрланган, корхонанинг (фирма, компаниянинг) бир қатор (3-5) йил учун ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий-иқтисодий фаолияти ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ҳужжатдир. Уни ишлаб чиқиш учун мажбурий шарт тижорат ва ишлаб чиқариш сирларини сақлаш ҳисобланади. Бундай ҳужжат биринчи навбатда корхонанинг ўзига керак, чунки бу унга - ўз натижаларини четдан кўриш ва инвесторларни жалб қилишга; инвесторга – инвестициялаш объектини танлашда хато қилмасликка; акция эгаларига эса - эмитентга нисбатан стратегияни танлаш учун имкон беради. Унинг мақсад ва вазифалари универсал характерга эга бўлиб, фирманинг охирги бир неча йилдаги салоҳиятини акс эттиради, бу эса уни инвестиция лойиҳасини бизнес-режасидан фарқлаб туради.

**Корхона тавсифномаси ва унинг ривожланиш стратегияси.** Бизнес-режанинг ушбу бўлими корхонани, унинг тармоқ иерархиясидаги ҳамда бутун халқ хўжалигидаги ўрни ва ролини тавсифлашдан бошланади.

Худди шу ерда корхонанинг паспорти ҳам келтирилади. Тармоқни тавсифлашда унинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва башорати ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади, тармоқ иқтисодиётининг ривожланиши борасида маҳсулотга (иш, хизматларга) эҳтиёж масалалари кўриб чиқилади. Ривожланган мамлакатлар билан таққослаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу бўлимда потенциал рақобатчилар санаб ўтилади, уларнинг кучли ва кучсиз томонлари қайд этилади, маҳсулот (иш, хизмат) қайси истеъмолчига мўлжалланганлиги кўрсатилади, тармоқда сотув динамикасига, айрим

истеъмолчилар эҳтиёжларига, ўхшаш маҳсулотларнинг пайдо бўлишига эътибор қаратилади, маҳсулотнинг тармоқ умумий ҳажмидаги салмоғи келтирилади.

Корхонани тавсифлашда қуйидаги масалаларни акс эттириш тавсия этилади:

- яратилиш тарихи;
- асосий ютуқ ва камчиликлар, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг кучли ва кучсиз жиҳатлари, унинг хусусиятлари (масалан, маҳсулот сотишнинг мавсумийлиги, ишлаб чиқаришнинг оммавий ёки кичик серияли характери ва б.);
- мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондлари, уларнинг фаол қисми, қўлланаётган технологиялар тавсифномаси;
- ишлаб чиқариш қувватларини юклаш;
- чиқарилаётган маҳсулот;
- ўтган йил учун молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари;
- корхона инфратузилмасида ижтимоий соҳа салмоғи.

Ўтган йил учун молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларини жадвал кўринишида келтириш ва унда қуйидагиларни кўрсатиш қулай бўлади:

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;
- ишлаётган ходимлар ўртача рўйхат сони;
- натурал ва пул қийматида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми (асосий номенклатура гуруҳлари бўйича);
- маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш учун тўлиқ харажатлар, жумладан, хом ашё ва материаллар, бутловчи қисмлар (шундан валютага сотиб олинганлари), ёқилғи ва технологик мақсадлар учун энергия, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар иш ҳақи, иш ҳақи учун ажратмалар, умумхўжалик ва умумишлаб чиқариш харажатлари;
- тўлиқ харажатлардан – доимий ва ўзгарувчан харажатлар;
- маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан пул тушуми, унинг жами пул тушумлари ҳажмидаги улуши (жумладан, валютада), товар айирбошлаш операциялари, ўзаро ҳисоб-китоблар;
- сотув бозорлари бўйича сотилган маҳсулот улуши (ички бозор, яқин ва узоқ хориж);
- сотилган маҳсулот рентабеллиги;
- жорий ликвидлик коэффициенти ва ўз маблағлари билан таъминланганлик;
- айланма воситаларнинг маҳсулотни сотишдан тушган пул тушумидаги, соф айланма капиталнинг активлардаги улуши;
- солиқлар ва бошқа тўловлар (даромад солиғисиз), жумладан, бюджет тўловлари.

Корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади, уларнинг орасида сотилган маҳсулот рентабеллиги, жорий ликвидлик коэффициенти, ўз маблағлари билан таъминланганлик ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар максимал фойда олишдан ташқари ишлаб чиқаришга киритилган ресурслардан самарали фойдаланишдан ҳам манфаатдор бўлади.

Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги бу – маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг уни ишлаб чиқариш харажатларига нисбати (фоизларда ифодаланади).

Бизнес-режада корхонани ривожлантириш стратегиясини тавсифлашда қуйидаги масалаларни ёритиб бериш керак:

- стратегик ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари – янги маҳсулот чиқариш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ресурсни тежаш, асосий ишлаб чиқариш фондларини алмаштириш, янги ва юқори технологияларни жорий қилиш, импорт ўрнини тўлдириш ва ҳоказолар;
- таклиф этилаётган лойиҳанинг, унинг асосий босқичларини ишлаб чиқиш *босқичлари долзарблиги ва янгилиги – ИТТКИ бажариш, ишчи ҳужжатлар* ишлаб чиқиш, халқаро сифат тизимини татбиқ этиш, маҳсулотни сертификатлаш, инвесторлар, асбоб-ускуналар етказиб беришга шартнома ва бошқа ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳоказолар;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун муайян чора-тадбирлар;
- лойиҳани амалга оширишнинг бошланғич босқичида фойдаланиш мумкин бўлган лойиҳани молиялаштиришнинг ўз манбаларини асослаб бериш - амортизация, соф фойда, асосий фондлар, акцияларни сотиш ва ҳоказолар;
- корхонага давлат томонидан тақдим этилган, фойда ҳисобига қопланиши лозим бўлган имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар.

**Ишлаб чиқариш режаси.** *Ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқариш* фаолиятига йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун ишлаб чиқилади. Унинг асосий вазифаси - инвесторлар, кредиторлар ва бошқа потенциал ҳамкорларга етарли ҳажмда ва белгиланган сифатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реаллигини кўрсатиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқишда қуйидагилар таҳлил қилиниши мумкин:

- қўлланаётган техника ва технологиялар - қайси технология ва техникаларни қўллаш режалаштирилган, уларнинг ушбу инвестициялаш объектида фойдаланиш учун очиқлиги, янги технологиялар, асбоб-ускуналар, патентлар, лицензиялар ва ноу-хау сотиб олиш харажатлари ҳажми ва зарурати;
- ишлаб чиқариш базаси – ишлаб чиқариш ёки лойиҳа қувватини йиллар бўйича, истиқболдаги ишлаб чиқариш ҳажмини, уларнинг мавжуд асбоб-ускуналар *билан таъминланганлигини* ҳисоблаш, *ишлаб чиқариш базасини* ошириш, молиялаштириш манбаларини кенгайтириш имкониятларини аниқлаш;
- хом ашё, материаллар ва энергия – хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, ёқилғи ва барча турдаги (вақт кўрсаткичлари бўйича) энергия билан таъминлаш бўйича алоқалар ва муайян маълумотлар, умумий харажатлар;

- маҳсулот чиқаришни таъминлаш ва харажатларни башорат қилиш – маҳсулот чиқаришнинг башорат ҳажмини таъминлаш учун ресурслар билан таъминлаш ва уни ишлаб чиқариш учун жами харажатларни башорат қилишнинг принципиал схемаси берилади, маҳсулотни такомиллаштириш, унинг сифатини ошириш бўйича истиқболдаги чора-тадбирлар келтирилади;

- меҳнат ресурслари – ишчи кадрлар мавжудлиги ва уларга эҳтиёж, уларнинг малакаси, жалб қилиш шакллари, ўқитиш харажатлари;

- доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари – бу харажатларга кирувчи моддалар аниқлаштирилади, ҳисоб-китоблар келтирилади ва уларнинг ўзгариш характери кўрсатилади;

- экологик хавфсизлик – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар, уларни бажариш харажатлари ва самарадорлиги.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни башорат қилиш маркетинг режасига ҳамда фан-техника тараққиётига сезувчан ишлаб чиқариш тузилмасига таянади.

Вазифа истеъмолчи учун ишлаётган ҳамда бозор коньюнктураси ва харидорлар сўровларини ҳисобга оладиган ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилишдир.

Ишлаб чиқариш режасини қуйидаги бўлимларга тақсимлаш тавсия этилади:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режаси;
- ишлаб чиқариш қувватлари (бинолар, иншоотлар, технологиялар, асбоб-ускуналар);
- моддий-техника таъминоти;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.

«Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш» бўлими маркетинг тадқиқотлари асосида тузилади. Унда қуйидаги кўрсаткичлар ўз аксини топади: ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг натурал ва пул қийматидаги йиллик ҳажми, маҳсулотни сотишдан пул тушуми, шунингдек, сотилган маҳсулотнинг сотув бозорлари бўйича салмоғи (ички бозор, яқин хориж, узоқ хориж).

Ишлаб чиқариш қуввати - бу белгиланган шароитларда вақт бирлигида корхона (унинг бўлинмаси, асбоб-ускуналари)да маҳсулот чиқаришнинг максимал ҳажми. Белгиланган шароитлар қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналаридан тўлиқ фойдаланиш, янги техника ва илғор технологияларни, оптимал иш режимларини жорий қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни илмий ташкил қилиш, машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг техник асосланган меъёрларини қўллаш, хом ашё ва материаллар харажатлари. Уни ҳисоб-китоб қилиш ишлаб чиқариш дастурини асослаб бериш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва самарадорликни оширишнинг янги захираларини аниқлаш ва ҳоказолар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қуввати ҳажми динамик бўлиб, ишлаб чиқариш шароитлари ва чиқарилаётган маҳсулот (бажарилаётган иш, кўрсатилаётган хизмат) характери, ишчи кучи билан таъминланганлик ва унинг малакаси, корхонанинг иш режими ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. У маҳсулот

номенклатураси ва ассортиментидан келиб чиқиб, қоидага кўра бир йилга ҳисоблаб чиқилади. Бунда маҳсулот чиқариш режалаштириладиган, баъзида шартли бирликлар ёки қайта ишланаётган хом ашё бирлигида бир хил ўлчам бирликлар қўлланади. Саноат ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида корхона (цех, участка, агрегатлар) ишлаб чиқариш қувватини ҳисоб-китоб қилиш услубияти бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, мос келувчи йўриқномаларда баён қилинади.

Ишлаб чиқариш қувватини корхонани лойиҳалаштириш тартибида кўзда тутилган, амалдаги ҳажми ишлаб чиқариш дастуридан катта ёки кичик бўлиши мумкин, лекин ишлаб чиқариш қувватидан кам бўлмаслиги лозим бўлган лойиҳа қувватидан ажрата олиш лозим. Корхона фаолият кўрсата бошлаган дастлабки босқичларда унинг ишлаб чиқариш дастури қоидага кўра, *технологик жараёнлар ўзлаштирилиб, малакали кадрлар таркиби* шакллантирилаётган, кооперацияланган алоқалар йўлга қўйилаётган пайтда, айрим вақт давомида лойиҳа қувватидан паст бўлади. Бундай даврлар одатда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш – лойиҳа қувватини ўзлаштириш деб аталади.

Ишлаб чиқаришни ўзлаштириш даврлари фақат янги яратилаётган корхоналар ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари учунгина хос эмас. Янги маҳсулот турлари ёки жараёнларни ўзлаштириш туфайли ундан фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарла ҳам бир неча бор фойдаланиш мумкин.

Маҳсулот чиқаришни ўзлаштириш даври якунлангач, унинг ҳажми лойиҳа қувватига етиб олади.

Лойиҳа қуввати деганда, мазкур лойиҳа варианти (объект)ни амалга оширишда белгиланган вақт оралиғида (одатда бир йил) тайёрлаш (бажариш, кўрсатиш) мумкин бўлган маҳсулот бирлиги ёки ҳажми тушунилади. Бу янги корхона қуриш ёки мавжуд корхонани қайта таъмирлаш бўйича лойиҳа топшириғида қабул қилинган белгиланган давр мобайнида маҳсулот чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажмидир. У бозорнинг мазкур маҳсулот турига эҳтиёжи; корхонанинг оптимал ҳажми ва иш режими; маҳсулот таннархининг энг паст ва меҳнат маҳсулдорлигининг энг юқори бўлишини таъминловчи фан ва техника ютуқларидан максимал фойдаланиш имконияти; моддий ресурслар мавжудлиги ва бошқа корхоналар билан кооперацияланиш даражаси билан белгиланади. Лойиҳа қуввати янги яратилаётган ва ўзлаштирилаётган объектлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми, зарур инвестициялар, асбоб-ускуналар ва асосий фондларнинг бошқа элементлари миқдори, лойиҳадаги барча иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун асосдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, кўпчилик лойиҳалар учун объектни эксплуатация қилишнинг илк босқичида тўлиқ лойиҳа қувватига эришиш тўлиқ уддасидан чиқиладиган вазифа эмас. Турли хил технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат қийинчиликлари оқибатида лойиҳаларнинг катта қисми эксплуатациянинг биринчи босқичида бозорга кириб бориш ва сотув ҳажмининг секин ўсиши, ишлаб чиқариш характерига эга турли қийинчиликлар, масалан, хом ашё, ишчи кучи ва асбоб-ускуналарни танлаб

олинган технологияларга мослаштириш каби муаммоларга дуч келади. Лойиҳа қувватини биринчи йилдаёқ ўзлаштириш режалаштирилган бўлса ҳам, маҳсулотни сотишда муаммолар вужудга келиши мумкин. Одатда тўлиқ лойиҳа қувватига инвестицион объектни эксплуатация қилишнинг учинчи йилида эришилади.

Инвестиция лойиҳаси бизнес-режасининг «Ишлаб чиқариш қувватлари» бўлими инвестициялаш объекти мавжуд ёки янги яратилаётган корхона эканлигига боғлиқ бўлади.

Корхона олдиндан мавжуд бўлган ҳолларда қуйидагилар келтирилади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг ишлаб чиқариш дастури ҳажмига мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- бир йил учун ва истиқболга ишлаб чиқариш қувватлари ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун зарур бўлган қўшимча эҳтиёжларни, уларни яратиш усулларини (қурилиш, сотиб олиш, ижарага олиш) асослаб бериш;
- ишлаб чиқаришни тайёрлаш учун зарур бўлган маблағлар ҳажмини асослаб бериш;
- мавжуд ва яратилаётган ишлаб чиқариш майдонларининг муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлигини баҳолаш;
- эришилган илмий ва техник даража, халқаро стандарт талаблари, шунингдек, талаб қилинаётган ишлаб чиқариш ҳажми ва товарнинг истеъмол тавсифномаларини ҳисобга олган ҳолда талаб қилинаётган асбоб-ускуналар ва технологиялар рўйхати;
- асбоб-ускуналар таъминотчиларини танлашни асослаб бериш, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асбоб-ускуналари техник тавсифномалари ва уни етказиб бериш шартлари, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш шартлари, кафолатлар ва нархларга асосланади;
- асбоб-ускуналар етказиб бериш ва тендер ўтказиш шартномалари мавжудлиги, етказиб бериш шартлари ва муддати, асбоб-ускунларни ўрнатиш ва созлаш ҳақида ахборот;
- лойиҳани иқтисодий баҳолаш – бўлажак ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсири, чиқит объектлари, уларни йўқ қилиш ва қайта ишлаш тахмин қилинаётган жойлар.

Бизнес-режанинг ушбу бўлимида қуйидагилар келтирилади:

- корхона учун энг аҳамиятли ресурс таъминотчилари рўйхати;
- асосий хом ашё ва материал турларини харид қилиш даврийлиги (ҳар ой, ҳар мавсум, сифат тавсифномларига мувофиқлик);
- таъминотчиларнинг тўлов шакли бўйича талаблари (олдиндан тўлаш, бартер ва ҳоказолар);
- хом ашё ресурсларига эҳтиёж ҳисоб-китоби;
- моддий-техник таъминот схемасини асослаб бериш (транспорт турлари, юклаш-тушириш ва омборга жойлаштириш воситалари, ресурсларни транспорт воситасида ташиш харажатларини оптималлаш);
- иссиқлик-энергетика ресурсларига эҳтиёжни асослаб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш;

- ресурс таъминотидаги рисклар.

Бизнес-режанинг ушбу бўлимини ишлаб чиқиш давомида корхонанинг келажакдаги фаолияти учун моддий-техник ресурслар ва уларни етказиб беришга эҳтиёж ҳам миқдорий, ҳам сифат жиҳатидан аниқланиши, таҳлил қилиниши ва аниқлаштирилиши лозим. Бу ишни бажаришда ресурслар турлари, миқдори ва сифатига таъсир кўрсатувчи турли омилларни кўриб чиқиш тавсия этилади.

Бу қаторда хусусан, қуйидагиларни эслаб ўтиш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий омиллар – ижтимоий ва маданий муҳит, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма;
- тижорат ва молия омиллари – лойиҳа ҳажми, ходимлар меҳнати маҳсулдорлиги ва малакаси, товар сифатига нисбатан бозор талаблари, хом ашё ва материаллар учун рақобат кураши ва ҳоказолар;
- техник омиллар – саноат тармоғи, технология ва ишлаб чиқариш жараёни, машина ва асбоб-ускуналар тури (маркаси, модели), ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоб ҳажми, лойиҳа қуввати ва бошқа омиллар.

«Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш қиймати (харажатлари)» бўлимида маҳсулот таннархига киритилувчи харажатларнинг ҳар бир моддаси асослаб берилади ва уларнинг келажакда ўзгариши башорат қилинади. Бу ерда сотилаётган маҳсулотнинг тўлиқ харажатлари, амортизация ажратмалари, меҳнат ресурслари ва иш ҳақига эҳтиёжлар келтирилади.

Ушбу бўлимни тайёрлашда ишлаб чиқариш дастурига нисбатан калькуляциянинг айрим моддалари таҳлил қилинади ва уларнинг орасида салмоғи энг каттаси аниқланади, харажатларни пасайтириш ва таннархни бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Хом ашё ва материал, бутловчи қисмлар, иссиқлик-энергетика ва улар учун эркин конвертацияланувчи валютада ҳақ тўлаш башорат қилинаётган бошқа ресурсларга харажатларни алоҳида ҳисоб-китоблар билан кўрсатиш тавсия қилинади.

**Ташкилий ва инвестицион режалар.** «Ташкилий режа» бўлимининг бошида яратилаётган инвестицион объектнинг мулкчилик шакли кўрсатилади: хусусий ёки давлат мулки, акциядорлик жамияти ва ҳоказо. Агар бу ўртоқчилик бўлса, у яратилувчи шартлар, агар акциядорлик жамияти бўлса – акциялар сони ва тури ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Инвестиция лойиҳасининг асосий босқичларига мувофиқ шу ернинг ўзида ташкилий чора-тадбирлар комплексли асослаб берилади. Марказий ўрин корхонанинг ташкилий-штатлар тузилмасини асослаб бериш ва ишлаб чиқариш, персонал, таъминот, савдо ва бутун корхонани бошқаришнинг оқилона тизимини танлашга ажратилиши лозим. Бунда лойиҳа ташаббускорларининг ходимларни танлаш ва тайёрлаш имкониятлари, менежерлар командасининг ушбу лойиҳани амалга ошириш қобилияти кўрсатилади, керакли ходимлар сони ва малакаси аниқланади, иш режимининг кўп сменалиги асослаб берилади ва ҳоказо. Ушбу бўлимда бутун корхона фаолиятини бошқариш учун зарур бўлган ташкилий схемани яратиш масалалари ва бу билан боғлиқ харажатлар ҳам кўриб чиқилади. Ташкилий

тузилмани ишлаб чиқиш босқичлари қуйидагича бўлиши мумкин: тижорат мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш; қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган функцияларни идентификациялаш ва гуруҳлаш; корхона бошқарувининг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, ходимларни ишга олиш ва ўқитиш дастурини тайёрлаш. Ташкилий лойиҳалаштириш маъмурий бўлинмалар ташкил қилишни қамраб олади – умумий даража, молия ва молиявий назорат, персонални бошқариш, маркетинг ва сотув, таъминот, транспорт воситасида ташиш ва сақлаш, ишлаб чиқариш, иқтисодий ҳисоб-китоблар, таъмирлаш ва б. Бизнес-режанинг ушбу босқичини ишлаб чиқишда тўхталиш лозим бўлган муҳим жиҳатлардан бири бу - бўлажак объектни бошқаришнинг ташкилий схемасидир (чизиқли, чизиқли-функционал ва б.). Унда ким нима билан шуғулланиши, барча бўлим ва хизматлар ўзаро қандай алоқа қилиши, уларнинг фаолиятини ким ва қандай назорат қилиши ва мувофиқлаштириши аниқ кўрсатиб берилиши лозим. Бундан ташқари, ходимлар маъсулияти ва жавобгарлигини аниқ тақсимлаб бериш зарур. Хусусан, ким кимга бўйсунади ва кимнинг олдида жавоб беради, ким бошқарув қарори вариантларини тайёрлайди ва якуний қарорни қабул қилади. Мажбуриятларни тақсимлашни матрица шаклида ҳам акс эттириш мумкин. Ушбу бўлимда раҳбарият ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш (буни тижорат сири, деб ҳисобламаслик керак), уларни мукофотлаш, уларнинг фойдани тақсимлашда иштирок этиши, самарали ишлашни моддий рағбатлантиришнинг бошқа шаклларига доир масалалар муҳим ўринга эга бўлиши лозим. Кадрларни танлаб олиш, жойлаштириш ва фойдаланиш масаласи ҳам бундан кам аҳамият касб этмаслиги лозим. Корхона эҳтиёж сезаётган мутахассислар (қайси йўналиш бўйича, қандай маълумотли ва тажрибали) ва уларнинг ойлик маоши аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Маълумот шакли (ОЎЮ, техникум, конкурс ва ҳоказолар), аттестация, ишга расмийлаштириш характери (доимий, вақтинчалик, ўриндошлик асосида, шартнома бўйича ва б.), хизмат пиллапояси бўйича ҳаракатланиш ва ҳоказоларни ҳам кўрсатиш талаб қилинади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бўлажак корхона персонали иши ходимнинг индивидуал қобилиятлари, манфаатлари ва ишлаб чиқариш манфаатлари мос тушган ҳолатдагина муваффақиятли бўлади. Бўлажак объект бошқарувининг батафсил ташкилий тузилмасини бизнес-режанинг иловасида бериш мумкин бўлиб, унда бўлим ва хизматларнинг вазифалар ва функциялар рўйхати берилиши ва штат жадваллари келтирилиши мумкин. Худди шу бўлимда ходимлар сони, уларнинг маълумоти ва малакаси, меҳнатига ҳақ тўлаш борасидаги сиёсатни акс эттириш лозим. Лойиҳани амалга ошириш жараёни қуйидаги тартибда бажарилади: лойиҳани амалга ошириш бўйича жамоа (гуруҳ) шакллантириш, корхона (фирма, компания)ни ташкил қилиш, молиявий режалаштириш, ташкилий тузилмалар яратиш, технологияларни харид қилиш ва узатиш, меҳнат ресурсларини тўплаш, технологик лойиҳалаштириш, шартномаларни олдиндан баҳолаш, тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тендерларда иштирок этиш, деталли технологик лойиҳалаштириш, ер майдонларини сотиб олиш (ёки ижарага олиш), қурилиш ишлари, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, моддий

ресурслар (хом ашё, материаллар ва б.) харид қилиш, дастлабки маркетинг, объектни эксплуатацияга топшириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш. Кейин эса лойиҳани амалга ошириш графиги тузилади. Уни амалга ошириш учун кераклн вақт лойиҳанинг ҳар бир босқичи учун белгиланиши мумкин. График кўзга яққол ташланиб турадиган, мувофиқлаштирилган ҳамда бутун жараённи моделлаштириш ва тизимли таҳлил қилиш воситасида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. График тузиш ва таҳлил қилишнинг турли усуллари мавжуд. Энг содда ва оммавий усул чизиқли график бўлиб, уни тузишда бутун лойиҳани амалга ошириш даври турли босқичларга бўлинади ва уларнинг давомийлиги кўрсатилади. Лойиҳани ишлаб чиқиш давомида лойиҳани амалга ошириш режасининг муқобил вариантларини кўриб чиқиш ва уларнинг орасидан молиявий ва вақт кўрсаткичлари оптимал бирикувини ҳисобга олган ҳолда энг яхшисини танлаб олиш тавсия этилади. Календарь графигини ишлаб чиқишда нафақат ишлар рўйхатини, балки уларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун керак бўлган молиявий ресурсларга эҳтиёжни ҳам кўрсатиш зарур. Тармоқли режалаштириш ва бошқариш (ТРБ) усулидан фойдаланиш ҳам самарали бўлиши мумкин. «Инвестицион режа» бўлимида инвестицион харажатлар аниқланади: асосий капитал (капитал харажатлар) ва соф айланма капитал суммаси. Бунда асосий капитал корхонани техник воситалар (масалан, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва б.) билан жиҳозлаш учун талаб қилинадиган ресурсларни ифодалайди, соф айланма капитал эса уни тўлиқ ёки қисман эксплуатация қилиш учун керак бўлган ресурсларга мос келади.

Инвестицион харажатларни ҳисоблашда қуйидагиларни қамраб олувчи капитал харажатлар ҳисобга олинади:

- инвестициядан олдинги харажатлар (инвестициядан олдинги тадқиқотлар. техник-иқтисодий асослашни тайёрлаш ва б.);
- қурилиш (қайта таъмирлаш)нинг смета қиймати, жумладан, қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни транспорт воситасида ташиш ва бошқа харажатлар (умумий қурилиш ёки қайта таъмирлаш қийматидан ажратилади);
- ишлаб чиқаришдан олдинги харажатлар;
- бошқа ҳисобга олинмаган инвестицион харажатлар (лицензиялар. технологиялар, ноу-хау ва б.);
- айланма воситалар харажатлари (соф айланма капиталнинг ўсиши).

Айланма капиталга эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилишда мажбуриятларни тўлаш кунлари энг кам кунлари аниқланади, шунингдек, маҳсулотни сотиш харажатлари ва айланма капиталнинг айланиш коэффициенти (ундан фойдаланиш самарадорлиги) ҳисоб-китоб қилинади. Айланма воситалар (капитал) айланиш коэффициенти пул маблағлари ишлаб чиқариш заҳираларини харид қилишдан тортиб то корхона ҳисоб-рақамларига пул келиб тушишигача тўлиқ айланмадан ўтувчи вақт билан белгиланади. Бир айланма муддати кунларда ўлчанади. Бўнак айланма воситалар қанчалик тез айланса, шунчалик яхши натижага эришилади. Айланма воситаларнинг айланиш тезлигини оширишда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган моддий ресурсларни

тежаш, уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатини камайтириш, ишлаб чиқариш даври узунлигини қисқартириш, моддий-техник таъминотни такомиллаштириш (тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ривожлантириш, энг яқин таъминотчиларни танлаш, шартнома интизомига риоя қилиш ва ҳоказолар), таъминотчилар ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб тартибини яхшилаш муҳим омил саналади. Ушбу бўлимда лойиҳани молиялаштириш манбалари бўйича маълумотлар келтирилади:

- ўз маблағлари, жумладан, низом жамғармасига пул шаклида киритилувчи бадал, пул маблағлари, шундан лойиҳани амалга ошириш ҳисобига ва корхона фаолияти ҳисобига;
- қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар, жумладан, Ҳукумат кафиллиги остида чет эл кредитлари, тижорат банкларининг чет эл кредитлари, ички валюта ва сўм кредитлари, бошқа корхоналардан қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар;
- давлатнинг иштироки, жумладан, пуллик ва қайтариб бериш асосида молиялаштиришнинг марказлашган манбалари, ИТТКИга бюджет маблағлари, консолидацияланган бюджет маблағлари, бошқа марказлашган манбалар. Ўз маблағлари манбалари бўйича ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланган асослар берилади, шунингдек, тижорат банклари, потенциал инвесторлар, лойиҳани амалга оширишга маблағлар киритишдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг қарорлари ҳақида маълумотнома тақдим этилади. Инвестиция лойиҳаси давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлашни талаб қилган ҳолатларда унинг сўралаётган турлари, масалан, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва корхоналар учун даромад солиғи ва ҚҚС ставкасини пасайтириш шаклида тақдим этилувчи имтиёзлар, шунингдек, бюджетга божхона ва солиқ тўловлари, кредитларни тўлаш бўйича имтиёзлар кўрсатилади. Лойиҳани амалга ошириш учун сўралаётган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларига нисбатан ставкалар ҳажми (қонунчиликда белгиланган ва лойиҳа бўйича сўралаётган), имтиёзларнинг бошланиш ва якунланиш муддати кўрсатилади. Шу бўлимнинг ўзида узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва бюджет ссудалари бўйича қарз мажбуриятларини тўлаш муддатининг ҳам ҳисоб-китоби бажарилади.

**Таянч иборалар: инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси,** резюме, корхона тавсифномаси ва унинг ривожланиш стратегияси, маҳсулот (хизмат) тавсифи, маркетинг стратегияси, сотув бозорлари таҳлили, ишлаб чиқариш режаси, ташкилий режа, лойиҳани амалга ошириш режаси, инвестицион режа, молиявий-хўжалик фаолияти башорати, лойиҳа самарадорлигининг ҳисоб-китоби, юридик режа, бизнес-режани ишлаб чиққанлар ҳақида ахборот.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Корхона тавсифномаси ва унинг ривожланиш стратегияси тавсифланг.
2. Ишлаб чиқариш режасини айтиб беринг.
3. Ташкилий ва инвестицион режалар нима?
4. Юридик режани тушунтиринг.

## 4.4. Инвестицион лойиҳа таҳлили

**Инвестицион бозор жорий конъюнктурасининг таҳлили.** Инвестицион бозор конъюнктураси башоратлари узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Бунда қисқа муддатлилик ёки узоқ муддатлилик кўрсаткичлари хўжалик юритишнинг ҳар хил миқёслари учун бир-биридан фарқ қилади. Корхона, ташкилот ва фирмалар учун қисқа муддатли башорат 1 йилгача, ўрта муддатли башорат – 1 йилдан 3 йилгача, узоқ муддатли башорат эса 3 йилдан ортиқ бўлади. Мамлакат иқтисодиёти, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айрим тармоқлари учун қисқа муддатли башорат 2 йилгача, ўрта муддатли башорат 2 йилдан 5 йилгача, узоқ муддатли башорат эса 5 йилдан ортиқни ташкил қилади. Қисқа муддатли башорат маълумотлари инвестицион қўйилмаларнинг тактик вазифаларини ҳал қилиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилади. Қарор қабул қилишда инвестицион бозор конъюнктурасида рўй бериши мумкин бўлган қисқа муддатли ўзгаришлар, қисқа муддат амал қилувчи омиллargина ҳисобга олинади ва фақат қисқа муддатли молиявий воситалардан фойдаланилади. Ўрта муддатли башорат маълумотлари илгари қабул қилинган инвестицион фаолият стратегиясига, амалга ошириш учун қабул қилинган кичик ва ўрта инвестицион лойиҳа ва дастурларга ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ўрта муддатли ва узоқ муддатли молиявий воситалар, самарасиз инвестицион лойиҳаларга киритилган маблағларни қайта инвестициялаш, инвестицияларни қайта структуралаш ва ҳоказолардан фойдаланилади. Узоқ муддатли башорат маълумотлари аввало инвестицион сиёсат ва инвестициялаш стратегиясини ишлаб чиқишда қўлланади. Биринчи навбатда бу амалга ошириш муддати узоқ бўлган йирик капитал сигимли объектларни инвестициялаш, кенг миқёсли инвестицион дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича қарор қабул қилишга таааллуқли. Қарор қабул қилишда барча узоқ муддат амал қилувчи омиллар ва рўй бериши мумкин бўлган узоқ муддатли оқибатлар ҳисобга олинади.

**Тармоқларнинг инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион бозорни баҳолаш.** Тармоқларнинг инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион бозорни баҳолашда уларда ишлаб чиқаришнинг монополлашганлик омили албатта ҳисобга олиниши лозим. Ушбу кўрсаткич қанчалик баланд бўлса, инвестицион қўйилмаларнинг риск даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Иқтисодиётнинг мос келувчи тармоқлари ва қуйи тармоқларида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг монополлашганлик даражасини тармоқдаги компания ва корхоналар сони, энг йирик корхона ва компаниялар маҳсулот ва хизматларининг тармоқлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш умумий ҳажмидаги улуши билан тавсифлаш қабул қилинган. Агар табиий монополия ўринга эга бўлса, инвестицион бозорни баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёнида амалдаги давлат томонидан белгиланган чекловларни (рентабеллик, нарх бўйича чекловлар ва б.) ҳисобга олиш зарур. Мос келувчи тармоқлардаги корхоналар ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг

рақобатбардошлик даражаси инвестицияларни муваффақиятли киритишнинг гарови ҳисобланади ва риск даражасини пасайтиради.

Тармоқдаги мавжуд ва яратилаётган компанияларнинг рақобатбардошлик даражаси уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот, товар ва хизматлар ҳамда уларнинг нархи рақобатбардошлиги, фойдаланилаётган капиталнинг рентабеллик даражаси билан тавсифланади. Шу сабабли инвестицион бозорни мос келувчи тармоққа нисбатан баҳолашда кўриб чиқилаётган омилни ҳисобга олишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- маҳсулотнинг солиштирма қиймати (товар таннархининг маҳсулдорлик бирлигига нисбати, масалан, тегирмон ускуналари ишлаб чиқаришнинг унинг маҳсулдорлик даражасига нисбати);

- солиштирма энергия сиғими (фойдали хусусиятлар бирлигига, масалан, бир тонна буғдойни ун қилишга тўғри келувчи истеъмол қилинадиган энергия миқдори);

- маҳсулотнинг бозордаги рентабеллиги (маҳсулот нархи ва уни ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқнинг уни сотиш нархига ёки таннархига нисбати);

- компаниянинг хўжалик юритиши рентабеллик даражаси (маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинадиган фойданинг фойдаланилган асосий ишлаб чиқариш капитали ва айланма воситаларга нисбати).

Корхона ва ташкилотларнинг хом ашё таъминоти барқарорлиги ва маҳсулотларнинг инфляцияга чидамлилиги ҳам инвестицияларнинг риск даражасини пасайтиради.

**Минтақаларда компания ва фирмаларнинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини баҳолаш.** Инвестицион бозорни минтақалар бўйича баҳолаш ва башорат қилиш давлат ва хўжалик бошқарувининг барча даражаларида: ҳукумат миқёсида, шунингдек, хўжалик субъектлари, мавжуд ва потенциал инвесторлар томонидан амалга оширилиши лозим. Баҳолаш ва башорат қилиш давлат ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан меҳнат кооперацияси ва ҳудудий тақсимот сиёсати доирасида минтақалар иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишининг энг самарали йўлларини аниқлаш, уларнинг иқтисодий имкониятлари, мавжуд инвестицион ресурслар ва вужудга келаётган иқтисодий шароитлардан самарали фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Потенциал инвесторлар нуқтаи назаридан инвестицион бозорни минтақалар бўйича баҳолаш инвестицион қўйилмаларнинг юқори ва ишончли қайтимини таъминлаш мақсадида мос келувчи ҳудудларда муайян инвестицион лойиҳаларга инвестициялар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши учун зарур. Бунда таҳлилнинг муайян мақсад ва вазифалари минтақаларда амалдаги ишлаб чиқариш ва корхоналарни қайта таъмирлаш ва ривожлантириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш, янги корхоналар яратиш, ҳудудий хом ашё, энергетика, меҳнат ва бошқа ресурслардан яхшироқ фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришни таркибий қайта тузиш ҳисобланади. Инвестицион бозорни минтақалар бўйича баҳолаш ва башорат қилишнинг услубий асосларини бутун миллий иқтисодиёт учун бўлгани каби, минтақаларнинг иқтисодий ва

ижтимоий ривожланиши динамикаси ва иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, инвестицион имкониятларни таҳлил қилиш, уларда инвестицион муҳитнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш ташкил қилади. Бунинг натижасида ҳудудлар ва уларнинг айрим хўжалик субъектлари амалдаги инвестицион фаоллиги ва жозибадорлигига баҳо берилади ҳамда ушбу фаолликни ва маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун жозибадорликни ошириш йўллари ва имкониятлари аниқланади. Ҳудудларнинг жозибадорлиги ва инвестицион фаоллигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилишнинг кўрсатилган вазифалари амалда қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади. Минтақанинг умумий иқтисодий ривожланишини баҳолаш кўрсаткичлари:

- мамлакатда ишлаб чиқарилган миллий даромад ва ялпи ички маҳсулотда минтақанинг салмоғи;
- ишлаб чиқарилган ички маҳсулот ҳажми ва аҳоли жон бошига миллий даромад;
- аҳолининг ўртача иш ҳақи даражаси ва унинг бутун мамлакат бўйича иш ҳақи даражасига нисбати;
- минтақада бир кишига тўғри келувчи капитал қўйилмалар ҳажми ва динамикаси. Минтақадаги инвестицион тузилманинг ривожланганлигини баҳолаш:
- мулкчилик шакли ҳар хил бўлган пудратчи қурилиш компания ва фирмалари сони;
- йилига қурилиш-монтаж ишлари ҳажми;
- маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми йилига;
- молия ва суғурта компаниялари сони, уларнинг йиллик активлари;
- иқтисодиётнинг инвестицион-қурилиш соҳасида кадрларнинг малака даражаси. Минтақа иқтисодиётининг ҳолати кўрсаткичлари:
- ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир кишига тўғри келувчи ялпи даромад ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;
- моддий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнат лаёқатига эга аҳоли сони;
- минтақага олиб киритиладиган ва олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажмининг нисбати;
- акциялар бўйича дивидендлар нисбати, уларнинг бозор қиймати ҳар 1 сўмига;
- аҳолининг ҳар 1 кишисига тўғри келувчи электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмоли. Келтирилган кўрсаткичлар, шунингдек, минтақадаги экологик ҳолат бўйича инвестицион жозибадорлик ҳақида фикр юритиш мумкин.

**Таянч иборалар:** инвестицион лойиҳа таҳлили, тармоқларнинг инвестицион жозибадорлиги, инвестицион бозорни баҳолаш, инвестицион рентабеллик.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳага таъсир этувчи асосий омиллар ва шарт-шароитлар нималар?
2. Инвестицион бозор жорий конъюнктурасини тавсифлаб беринг.
3. Минтақаларда инвестицион лойиҳаларни баҳолаш қобилиятларини айтинг.
4. Инвестицион рентабеллик нима?

# V-боб. Инвестиция лойихалари самарадорлиги ва рискини бахолаш усуллари. Портфель инвестициялар.

## 5.1. Самарадорликни баҳолаш усуллари

**Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш зарурати ва моҳияти.** Инвестициядан олдинги тадқиқотларнинг энг маъсулиятли ва аҳамиятли босқичларидан бири инвестиция лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини асослаб бериш, жумладан, мавжуд барча техник-иқтисодий ва молиявий ахборотларни таҳлил қилиш ва интеграл баҳолаш ҳисобланади. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш реал активлар билан операцияларга маблағлар киритиш вариантларини танлаш ва асослаб бериш жараёнида марказий ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишидан аввал капитал қўйилмалар ва янги техниканинг мутлоқ ва солиштирма иқтисодий самарадорлиги усуллари кенг қўлланган. Уларга инвестициялар объектини яратиш ва амалга ошириш натижасида олиш мумкин бўлган халқ хўжалиги самараси кўрсаткичи асос қилиб олинган. Мутлоқ иқтисодий самарадорлик фойданинг (таннархнинг пасайиши ва б.) унга сабаб бўлган потенциал қўйилмаларга нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинади.

Солиштирма иқтисодий самарадорлик келтирилган харажатлар усули билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу усул капитал қўйилмалар ёки унга тескари кўрсаткич – дисконтлаш ва келтирилган харажатларни ҳисоблаш учун ҳар хил аҳамиятга эга бўлган самарадорлик норматив коэффициентининг директива асосида белгиланган ўзини қоплаш норматив муддатидан фойдаланишга асосланади.

Капитал қўйилмалар ва янги техника самарадорлигини баҳолашнинг илгари фойдаланилган усулларининг роли ижобий бўлганига қарамай, улар хўжалик юритишнингг бозор шароитларида талаб қилинмай қолди. Бозор муносабатлари шароитларида инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоб-китоб қилишнинг асосида бошқача кўрсаткич ва усуллар ётиши кераклиги маълум бўлиб қолди.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий тавсияларда самарадорликнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:
- бутун лойиҳа самарадорлиги, иқтисодий нуқтаи назардан техник, технологик ва ташкилий лойиҳа ечимларини, лойиҳанинг қатнашчилар учун потенциал жозибадорлигини, ижтимоий-иқтисодий ва тижорат самарадорлигини аниқлаган ҳолда молиялаштириш манбаларини излаб топишни тавсифлайди;
- лойиҳада қатнашиш самарадорлиги, корхоналарнинг лойиҳада, акцияларга инвестициялашда иштирок этиш натижаларини, шунингдек, инвестициялар лойиҳаси қатнашчиси бўлган корхоналарга нисбатан юқори даражадаги тузилмаларнинг иштироки, жумладан, айрим минтақалар ва бутун халқ хўжалиги учун минтақавий ва халқ хўжалиги самарадорлигини, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, корхона ва холдинг

тузилмалари бирлашмалари учун – тармоқ самарадорлигини ва барча даражадаги даромад ва харажатлар нуқтаи назаридан давлат иштирокида – бюджет самарадорлигини қамраб олади.

Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини асослаб бериш кўрсаткичлари энг катта фойдалилик ёки даромадлилик, мақсадга эришиш учун энг кам меҳнат харажатлари ва жорий харажатлар, бозор улуши, маҳсулот сифати, зарарсизлик ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бунда пул оқимлари йўналишини ҳисоблаб чиқиш ва кузатиш ўта муҳим аҳамит касб этади: капитал харажатлар – ер майдони сотиб олиш (ижарага олиш) ва майдонни тайёрлаш, бино ва иншоотлар қурилиши, машина ва асбоб-ускуналар харид қилиш (лойиҳалаштириш, тайёрлаш), мутахассисларни ўқитишга; жорий харажатлар – хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳоказоларга; даромадли моддалар – харажатларни тежаш, роялти (мунтазам тўловлар, лицензия келишуви предметидан фойдаланиш ҳуқуқи учун мукофот), ҳукумат заёмлари ва бошқаларга.

Инвестиция лойиҳасини аввало, уни техник жиҳатдан бажариш мумкинлиги, экологик хавфсизлиги, шундан кейин иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаш лозим.

Инвестиция лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш жараёни динамик жараён эканлиги сабабли уни тавсифлаш учун компьютер техникаси ёрдамида амалга оширилувчи имитацион моделлардан фойдаланилади. Бу моделларда ўзгарувчилар сифатида инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари, шунингдек, ташқи иқтисодий муҳитни тавсифловчи сотув бозори тавсифномаси, инфляция, кредитлар бўйича фоизлар каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ушбу моделлар асосида даромадлар ва харажатлар оқими аниқланади, самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилинади, ишлаб чиқариш фаолиятининг йиллик баланслари тузилади, ички ва ташқи омилларнинг лойиҳа фаолияти натижаларига таъсири таҳлил қилинади. Саноати ривожланган мамлакатларда йирик саноат ва молия корпорациялари ўз ривожланиши ва капитални самарали жойлаштириш учун математик моделларни яратадилар. Математик моделлаштириш воситаларидан инвестиция лойиҳалари самарадорлигини мижозлар буюртмаси бўйича бажараётган турли маслаҳат фирмалари ҳам кенг фойдаланмоқда.

Инвестиция лойиҳаларини тадқиқ этиш мақсадида шахсий ЭҲМлар учун дастурлар пакети кўринишида амалга оширилган бундай имитацион моделлардан бири БМТ саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО *(UNIDO - United Industrial Development Organization)* томонидан ишлаб чиқилган КОМФАР *(COMFAR - Computer model for feasibility analysis and reporting)* тизими ҳисобланади.

Тизим сотув ҳажми, ишлаб чиқариш харажатлари, фоизлар учун каби бир қатор бошланғич маълумотларни вариациялашда натижалар ҳақидаги график ахборотни олишга имкон беради. Бундай дастур кенг тарқалган бўлиб, саноат

ривожланишини молиялаштирувчи банклар, маслаҳат муассасалари, асбоб-ускуналар таъминотчилари ва ўқув муассасалари томонидан фойдаланилмоқда.

КОМФАР тизими мамлакатимизда ҳам биринчи навбатда чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўлланиб келмоқда. Самарадорлик ҳисоб-китоби натижалари ва чиқиш ахборотларини тақдим этиш бу тизимда қабул қилинган халқаро стандартларга мос келади, бу эса, ўз навбатида, чет эллик инвесторлар билан музокара жараёнларини муваффақиятли ўтказиш учун зарурдир.

КОМФАР тизимининг камчиликлари қаторига шуни киритиш мумкинки, ундаги бошланғич ахборот ҳисоб-китобларни бажариш учун унчалик мослаштирилмаган бўлиб, мамлакат корхоналарида қабул қилинган ҳисобот маълумотлари ва харажатларни ҳисоблаш тузилмасига тўлиқ мос келмайди. Солиқ блокининг мамлакатдаги солиққа тортиш шартларига мос келмаслиги, бошланғич маълумотлар чекланган ҳолда уларнинг рўйхати қатъий белгилаб қўйилганлиги, инфляцияни ҳисобга олишнинг қийинлиги, пакетнинг «ёпиқ» характери ҳам шу қаторга киради.

**Дисконтлаш, унинг вазифалари ва ундан фойдаланиш.** Инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини баҳолаш битта умумий хусусиятга эга бўлган – уларни аниқлашда қўлланувчи даромад ва харажатлар вақт бўйича тақсимланган бўлиб, уларни битта (базавий) муддатга келтиришга тўғри келадиган турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Бунинг сабаби пул маблағлари қимматининг вақт бўйича бир хил эмаслигида, яъни бугунги кунда инвестицияга киритилган бир сўм бир йилдан кейинги бир сўм билан бир хил бўлмайди. Битта суммага турлича муносабат нафақат инфляция билан, балки ҳар қандай тижорат тадбирига киритилган, жумладан, банкдаги депозит рақамига қўйилган бир сўм пул маълум вақт (ой, йил) ўтгандан сўнг олинган даромад (фоиз) ҳисобига каттароқ суммага айланиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Шундай қилиб, бугунда тўланган (сарфланган) бир сўм бир ой, чорак ёки йилдан сўнг (яъни келажакда) инфляция, фоиз даромади (агар пул банкка қўйилган бўлса) ва риск (масалан, кредитор ўз мажбуриятини бажармаслиги ёки айтайлик, бир қатор сабабларга кўра лойиҳа кутилганидек самарали бўлиб чиқмаслиги мумкин) туфайли қимматроқ бўлади. Шунинг учун инвестицияларни лойиҳалаштириш амалиётида (бошқа қатор ҳолатларда ҳам) лойиҳа бўйича жорий харажатлар ва даромадларни кўрсатилган сабаблар туфайли вужудга келган ўзгаришлар билан бирга бир хиллаштириш усули фойдаланилади.

Жорий қиймат, молия битимини тузиш пайтининг бошида вақт бўйича тақсимланган тўловлар, айни пайтда ёки ҳисоб-китоб йили бошида турли вақтга мансуб харажатлар каби турли вақтга мансуб иқтисодий кўрсаткичларни вақт даври бўйича таққосланадиган кўринишга келтириш вақт омили ёрдамида амалга оширилади.

Шунингдек, пул капитали қийматини оширувчи номинал фоиз ставкаси (фойда меъёри) ҳам ажратиб кўрсатилади. У жорий курс бўйича инфляцияни ҳисобга олмасдан ифодаланади ҳамда бугунги кунда берилган кредитга нисбатан маълум вақт ўтгач, капиталнинг неча фоизга ўсишини кўрсатади. Реал фоиз ставкаси эса ҳақиқатда харид қилиш мумкин бўлган маҳсулот (товар, хизмат) миқдори билан ўлчанади (пул капиталининг харид лаёқатининг аҳволи ва ўсишини акс эттиради).

Номинал ва реал фоиз ставкалари ўртасидаги фарққа кредитни тақдим этиш шартлари сабаб бўлиши мумкин. Бу, аввало, бўнак фоизлари йиғиш (чунки бу ҳолатда кредит ҳажми камаяди), мижознинг ҳисоб рақамида камаймаётган қолдиқ талаби, комиссион мукофотларнинг мавжудлиги (улар расман фоиз бўлмасада, бироқ мижознинг қўшимча харажатлар сарфлашига олиб келади) ва бошқалардир. Инфляция даражаси $I$ қанчалик катта бўлса, номинал $N_{s,n}$ ва реал $R_{s,p}$ ўртасида фарқ шунчалик катта бўлади, чунки $R_{s,p} q N_{s,p} - I$.

Пулнинг бўлажак қиймати бу – уларнинг айни пайтда инвестицияланган, бироқ улар (пул маблағлари) маълум вақт ўтгандан сўнг фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолда эга бўладиган қийматидир. Уни ҳисоб-китоб қилиш бу қийматни бошланғич суммага қабул қилинган ставка бўйича фоиз тўловларини қўшиш йўли билан оширишга боғлиқ.

Пулнинг жорий (замонавий, ҳозирги) қиймати бу – фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда жорий даврга келтирилган бўлажак пул тушумлари суммаси. Бу жараён пул маблағлари якуний ҳажми келишиб олинган ҳолатда ўстиришга тескари бўлади ва маблағларнинг бўлажак (якуний) қийматидан фоиз тўловларини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Пулнинг жорий қийматидан маълум вақт ўтгандан сўнг белгиланган суммани олиш учун бугунги кунда қанча маблағ киритиш кераклигини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда фойдаланилади.

Оддий фоизлар бўйича аниқланадиган пулнинг бўлажак қиймати (уларнинг ўстирилган суммаси) қуйидагича аниқланади:

$$P\ q\ K(l\ q\ tE). \qquad (5.1.1)$$

бу ерда

$P$ - ўстирилган сумма (кредитор келажакда маълум вақт ўтгандан сўнг оладиган сумма).

$$(1\ q\ t\text{-}E) \qquad (5.1.2)$$

ифодаси оддий фоизларни ўстириш коэффициенти (кўпайтирувчиси) деб аталади. Унинг қиймати доимо 1 дан катта бўлади.

Амалиётда даромадлилик меъёри (Е) доимий бўлмаган, аввало, инвестициялаш даври ва мазкур бизнес тури билан алоқадор риск даражасига боғлиқ кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, инвестиция даври қанчалик узоқ ва (ёки) бизнес қанчалик рискли бўлса, даромадлилик меъёри шунчалик катта бўлади ва аксинча. Давлат қимматли қоғозлари ёки давлат банкига маблағлар

киритиш камроқ рискли ҳисобланади. Бироқ даромадлилик меъёри бу ҳолатда бироз пастроқ бўлади.

Фоизларни капиталлаштиришда, улар ҳисобланиши билан дарҳол тўланмасдан, кредитнинг асосий суммасига қўшилиб, янги олинган суммага фоизлар ҳисоблганганда *P* оширилган суммаси ҳисоб-китоби мураккаб фоизлар формуласи бўйича амалга оширади:

$$R\ q\ K(1\ q\ E)^{t} \qquad (5.1.3)$$

бу ерда

*R* – бўлажак қиймат ҳажми (*t* йилдан сўнг инвестицияларнинг бўлажак, якуний қиймати);

*K* – келажакда даромад олиш учун инвестицияланувчи жорий (ҳозирги) сумма миқдори, у *PV* сифатида белгиланади (ингл. *present value*);

*t* – инвестициялар тижорат айланмасида қатнашадиган стандарт вақт даврлари сони (йилнинг тартиб рақами, фоизларни ҳар чорак ёки ҳар ойда ҳисоблашда чораклар ёки ойлар сони).

5.1.1-жадвал

**Фоиз ставкаси ҳар хил бўлган шароитларда дисконтланган даромад, млн.сўм[20]**

| Вариант | Фоиз ставкаси, % | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Э к 0,05 | Э к 0,10 | Э к 0Д5 | Э к 0,20 | Э к 0,30 |
| 1<br>2 | 388,09 421,89 | 377,27 397,11 | 367,39 375,14 | 358,33 355,56 | 342,31 322,19 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, ставка 15 % ва ундан кам бўлганда 2-вариант. ставка 20 % ва ундан катта бўлганда эса 1-вариант афзалроқ ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, 1-вариант 50 млн. сўм камроқ даромадга эга бўлсада, у тезроқ тўланади.

Дисконтлаш ставкасини танлашда ссуда фоизининг мавжуд ёки кутилаётган ўртача даражасига йўналиш тавсия этилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида у кўп жиҳатдан хўжалик конъюнктураси, мамлакат, тармоқ ва фирманинг, жаҳон тизимининг иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади, шу сабабли у жиддий тадқиқотлар ва башоратлар предмети саналади. Инвестиция лойиҳасининг фоиз ставкасига таъсир кўрсатувчи ички кўрсаткичлар қаторига қурилиш муддати ва қиймати, лойиҳа қувватини ўзлаштириш суръати, турли моддий ресурсларга эҳтиёжлар, сотув харажатларининг ўзгариши ва бошқаларни киритиш мумкин.

*Юқорида қайд этиб ўтилганидек, пул қийматини баҳолаш натижаларига* бир хил тўловлар давомида тўловлар даврийлиги таъсир кўрсатиши мумкин.

[20] Анохин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. - М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко». 2012 - 380с.

Масалан, маблағларни кичикроқ фоиздаги, бироқ тўловлар даврийлиги аниқроқ бўлган лойиҳага киритиш афзалроқ бўлиб чиқиши мумкин.

**Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг статик усуллари.** Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг дисконтлашни қамраб олмайдиган усуллари статик усуллар деб аталади. Улар, қоидага кўра, харажатлар ва натижалар ҳақида лойиҳа, режа ва амалий маълумотлардан фойдаланиш, бутун инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида уларнинг ўртача йиллик қийматини статик усуллар билан аниқлашга асосланади. Амалиётда бу усуллар жуда кўп фойдаланилади ва уларни фаолият даври қисқа (одатда бир йилдан кўп эмас) инвестиция лойиҳаларига ёки харажатлар ва натижалар (харажатлар ва даромадлар) вақт бўйича унчалик фарқланмайдиган узоқ муддатли лойиҳаларни баҳолашда қўлланиши мумкин. Улар фойда, жорий харажатлар, ўзини қоплаш даври ва рентабеллик даражасининг солиштирма ҳисоб-китобларига асосланади.

Инвестиция лойиҳалари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг ўзини оқлаш даври, оддий (йиллик) фойда меъёри каби усуллари узоқ вақтдан буён маълум бўлиб, маҳаллий ва чет эл амалиётида пул маблағларини дисконтлашга асосланган концепция ҳамма жойда тан олинишидан аввал ҳам қўлланиб келган. Керакли маълумотларни олишнинг осонлиги, ҳисоб-китобларни бажаришнинг нисбатан осонли ва мураккаб эмаслиги, уларни фойдаланувчиларнинг кўпчилиги тушуниши уларни махсус иқтисодий тайёргарликка эга бўлмаган ходимлар орасида ҳам оммавийлашувига сабаб бўлди. Бугунги кунда инвестор (тижорат банклари, бошқа молиявий институтлар ва жисмоний шахслар), потенциал қарз олувчиларга инвестиция ресурсларини ажратиш шартларини эълон қилар экан, одатда фойда, ўзини қоплаш муддати ва рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлар билан чекланиб қолади. Статистик усуллардан фойдаланишдан аввал барча кўриб чиқилаётган инвестиция лойиҳалари ёки муқобил вариантлар таққосласа бўладиган кўринишга келтирилади. Бу эса ушбу лойиҳаларнинг барча кўрсаткичлари, мезон кўрсаткичларини истисно қилганда, бир хил бўлиши лозимлигини англатади.

Фойданинг солиштирма ҳисоб-китобини бажаришда гап даромад ва харажатларнинг ўртача йиллик қиймати ўртасидаги фарқ билан белгиланувчи энг катта ўртача йиллик иқтисодий фойдага эга бўлган инвестициялар лойиҳа варианти ҳақида боради. Харажатлар таркибида хом ашё харажатлари, асосий ва қўшимча материаллар, жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш бино ва иншоотларига қараш харажатлари ҳисобга олинади.

Фойдани солиштирма ҳисоб-китоб қилиш усули жадвалда кўриб чиқилган.

5.1.2-жадвал

**Лойиҳа вариантлари бўйича фойданинг солиштирма ҳисоб-китоблари[21]**

| Кўрсаткичлар | Инвестиция вариантлари | |
|---|---|---|
| | **А** | **Б** |
| Инвестициялар ҳажми, млн.сўм | 1200,0 | 1450,0 |
| Объектнинг кутилаётган хизмат қилиш муддати, йил | 5 | 5 |
| Маҳсулот сотиш йиллик ҳажми, минг дона | 100 | 120 |
| Тайёр маҳсулотни сотишдан даромад, млн. сўм | 3900,0 | 4500,0 |
| Шартли-ўзгарувчан харажатлар:<br>-солиштирма, минг сўм/дона | 30,0 | 27,0 |
| -умумий, млн.сўм | 3000,0 | 3240,0 |
| Шартли-доимий харажатлар, млн.сўм:<br>- амортизация (инвестициялар 20 %и) | 240,0 | 290,0 |
| - бошқа харажатлар | 260,0 | 460,0 |
| Жами харажатлар, млн.сўм | 3500,0 | 3990,0 |
| Сотишдан фойда, млн.сўм | 400,0 | 460,0 |
| Фойда солиғи (30 %), млн.сўм | 120,0 | 138,0 |
| Соф фойда, млн.сўм | 280,0 | 322,0 |
| Муқобил харажатлар, млн.сўм | 150,0 | 160,0 |
| Иқтисодий фойда, млн.сўм | 130,0 | 162,0 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, иккала вариантда ҳам иқтисодий фойда ижобий (мусбат), демак, соф фойда муқобил харажатлардан, яъни капитални кўриб чиқилаётган лойиҳага киритиш (боғлаш) натижасида қўлдан чиқарилган натижалардан катта. Агар корхонада капитал сиғими каттароқ бўлган Б вариантини амалга ошириш учун маблағ етарли бўлса, уни танлаш лозим, чунки ундан кутилаётган иқтисодий фойда кўпроқ бўлади. Корхонада ўз маблағлари етишмаган ҳолларда Б лойиҳасини амалга ошириш учун етишмаётган 250 млн. сўмни қаердан ва қандай шартларда топиш мумкинлигини аниқлаш зарур.

Шундан сўнг тахмин қиламизки, етишмаётган 250 млн. сўмни корхона кредитга олади, бунда олинган ҳисоб-китоб қилинган иқтисодий фойда тўланадиган фоизларга камайтириши лозим, яъни:

$$K = \sum_{t=1}^{T} \frac{Д_t}{(1+E)^t} = Д \frac{(1+E)^5}{E(1+E)^5} \qquad (5.1.4)$$

бу ерда

$K$ – кредит миқдори:

$T$ – кредит берилган муддат:

[21] Анохин И.В. Управление развитием предприятия. Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. - М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко». 2012 380с.

$D_t$ - $t, t$ $q$ $l, 2, \ldots, T$ йилда тўланадиган фоизлар ва тўланган қарз миқдори;
$E$- кредит фоизи.

(2.7.) формуланинг ўнг қисми кредитор нуқтаи назаридан чап томондан кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда унинг ўз капиталини кредитга бериши мақсадга мувофиқ бўлмай қолади. Қарзга олувчи (бу ҳолатда корхона) нуқтаи назаридан эса формуланинг ўнг қисми чап қисмидан катта бўлмаслиги лозим, чунки бу ҳолатда унинг олган маблағларидан кўпроқ маблағ қайтаришига тўғри келади. Уларнинг манфаатлари тенглик бажарилган ва кредит миқдорини бу миқдорга эквивалент тўловларга алмаштириш таъминланган ҳолатда қондирилади.

$$Д = K \frac{E(1+E)^T}{(1+E)^T - 1} \qquad (5.1.5)$$

Мисолда кредит бўйича фоиз 10 %га тенг бўлиб, у бўйича тўловлар 5 йил давомида мунтазам тўлаб борилади, шунда тўловлар қуйидагига тенг бўлади:

$$Д = 250 \frac{0,1(1+0,1)^5}{(1+0,1)^5 - 1} = 66,0$$

ёки унинг ўртача йиллик кўрсаткичи йилига камайиб борадиган кредит миқдорини ҳисобга олган ҳолда

(250·0,1қ225·0,1қ202·0,1қ182,25·0,1қ164,0·0,1)/5 қ 20,5.

Бунда Б вариант бўйича ўртача йиллик иқтисодий фойда камаяди ва 162,0 - 20,5 қ 141,5 млн. сўмни ташкил қилади, бу эса барибир А вариантга қараганда кўпроқ. Бироқ агар кредит бўйича фоиз, айтайлик, йилига 20 %ни ташкил қилса, тўловлар қуйидагига тенг бўлади

$$Д = 250 \frac{0.2(1+0.2)^5}{(1+0,2)^5 - 1} = 86.3$$

ёки ўртача йилига 33,6 млн. сўм. Бу ҳолатда ўртача йиллик фойда фоизларни чиқариб ташлашни ҳисобга олган ҳолда 162,0 - 33,6 қ - 128,4 млн. сўмга тенг бўлади, бу эса А вариант бўйича қийматдан кам бўлади. 20 % йиллик фоиз ставкаси бўйича кредит шароитларида А вариант самарали бўлиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, агар бўш қолган 250,0 млн. сўмни инвестор ҳеч бўлмаганда йиллик 8 % ставка билан банкка жойлаштирадиган бўлса, 5 йилдан сўнг унинг ҳисоб рақамида 250,0(1 қ 0,008)5 - 367,3 млн. сўм бўлади, яъни ҳисобланган фоизлар миқдори 367,3 - 250,0 қ 117,3, йиллик даромад эса 117,3/5 қ 23,5 млн. сўмга тенг бўлади. Агар бу даромадни А лойиҳа бўйича фойдага қўшадиган бўлсак (130,0 қ 23,5 қ 153,5 млн. сўм), бу лойиҳа бўйича фойдадан

камроқ ва ундан фойдаланиш самаралироқ бўлади. Демак, масаланинг якуний ечими бўнак қилинган капитал, муддатли депозитлар ва кредит бўйича фоизларга боғлиқ бўлади. Бунда кўриб чиқилаётган барча вариантларни нафақат инвестициялар ҳажми (мисолдаги каби) ва улардан фойдаланиш муддатлари бўйича, балки уларни амалга оширишдан олинувчи даромад бўйича ҳам таққосласа бўладиган кўринишга келтириш лозим.

Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш учун энг кўп қўлланувчи кўрсаткичлардан бири капиталнинг ўзини қоплаш даври (муддати) ҳисобланади. Уни аниқлашда инвестициялар қанча вақтдан кейин қайтариб берилиши ва лойиҳа фойда келтиришни бошлаши аниқланади.

Инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддатини ҳисоблаш (ингл. *payback period, RR*) инвестицияларни қайтариб бериш учун зарур бўлган, киритилган маблағларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида олинган даромадлар ҳисобига қоплаш мумкин бўлган вақтни аниқлашдан иборат. Ўзини қоплаш муддати деганда, янаям аниқроқ лойиҳани якунлаш пайтида дисконтланган соф даромад миқдори инвестициялар миқдорига тенг бўлган вақт даври давомийлиги тушунилади.

Ўзини қоплаш муддатини аниқлашга икки хил ёндашув маълум. Улардан биринчисига кўра бошланғич инвестициялар миқдори йиллик (яхшиси, ўртача йиллик) тушумларга тақсимланади. У пул тушумлари йиллар бўйича тенг бўлган ҳолатларда қўлланади.

Капиталга фойда меъёрини икки усул билан ҳисоб-китоб қилиш мумкин: биринчи усулда капиталга фойда меъёри $N_{pk}$ фоизларда бошланғич киритилган, асосий фондларни харид қилиш ва ўрнатиш ҳамда айланма воситаларни ошириш харажатларини қамраб олувчи капитал миқдоридан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади, яъни

$$H_{п.к} = \frac{\sum Д / T}{K} 100 \qquad (5.1.6)$$

иккинчи усулда лойиҳанинг бутун амал қилиш муддатида киритилган капиталнинг ўртача ҳажми аниқланади:

$$H_{п.к} = \frac{\sum Д \quad T}{(K + K_0)^2} 100 \qquad (5.1.7)$$

бу ерда

*D* – лойиҳанинг бутун хизмат қилиш (фойдаланиш) муддатида йиллик даромадлар миқдори;

*К* – лойиҳани амалга оширишга бирламчи қўйилмалар;

*Ко* - қўйилмаларнинг қолдиқ қиймати.

**Соф жорий қиймат усули.** Лойиҳани (чора-тадбирларни) амалга ошириш ва фаолият кўрсатиш даврлари бўйича ўзгарувчан даромадлар, харажатлар ва натижалар билан тавсифланадиган узоқ муддатли (бир неча йил)

қўйилмалар ҳақида гап борганда инвестиция лойиҳаларини асослаб бериш учун динамик усуллар фойдаланилади. Ёки хусусан, соф жорий қиймат, ички фойда меъёри (даромадлилик, ички фоиз), рентабеллик, инвестицияларнинг ўзини қоплаши ва бошқалар қўлланади. Уларнинг орасида энг асосийси соф жорий қиймат усули (ингл. *net present value, NPV*) ҳисобланади, чунки бошқа усуллар унинг модернизацияси саналади.

Соф жорий қиймат бу – олдиндан қатъий белгилаб қўйилган фоиз ставкасида (фоиз меъёрида) инвестициялаш объектининг бутун фаолият даврида (унинг ҳаётийлик даври давомида) тўпланган даромадлар ва харажатлар кирими ва чиқимини ҳар бир вақт оралиғи учун алоҳида дисконтлаш йўли билан олинган қийматдир. Бу ЮНИДО таклиф қилган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш усулларидан биридир. Унинг моҳияти шундаки, ҳар бир вақт оралиғи учун йиллик нақд пулнинг соф оқими лойиҳани амалга ошириш бошланган йилга келтирилади, бу эса соф жорий қийматни ёки соф дисконтланган даромадни (даромадлар ва харажатларнинг дисконтланган оқимлари ўртасидаги фарқ сифатида) ифодалайди.

Лойиҳанинг соф жорий қийматини аниқлашда у бошланғич даврда инвестициялаш объекти қийматини (инвестиция харажатларини), қолган даврларда эса - уни амалга ошириш даврлари бўйича кутилаётган даромадлар ва харажатлар сальдосини (натижасини) қамраб олувчи пул оқими сифатида тавсифланади.

Шундай қилиб, соф жорий қиймат вақт бўйича тақсимланган даромадлар ва харажатлар билан тавсифланади, шу сабабли инвестицияларнинг муқобил вариантларини тўғри баҳолаш учун пулнинг вақт бўйича қиймати ҳисобга олинади. Реал шароитларда рискни ҳам эътиборга олишга тўғри келади, бироқ ушбу ҳолатда кўриб чиқилаётган вариантларда пул кирими ва чиқими, пулнинг вақт бўйича қиймати тўла аниқ (рискдан холи) ҳисобланади.

Соф жорий қиймат усули лойиҳалардан пул маблағларининг мусбат (тушум) ва манфий (харажатлар) оқими ҳажмининг дисконтланган ҳисоб-китобини қамраб олади. Лойиҳанинг кирими дисконтланган қиймати чиқувчи харажатлар дисконт қийматидан катта бўлса, бу ҳолда лойиҳанинг соф жорий қиймати мусбат бўлади. Маҳаллий иқтисодий адабиётларда соф жорий қийматнинг аналоги (маънодоши) сифатида умумий (интеграл) иқтисодий самара ҳисобланади. У лойиҳани амалга ошириш даврида маҳсулотни сотишдан (фан-техника тараққиёти чора-тадбирларидан) олинган умумий даромад билан худди шу даврда вақт омилини ҳисобга олган ҳолда, яъни турли вақтга доир даромадлар ва харажатларни дисконтлаган ҳолда жамланган барча харажатлар ўртасидаги фарқ билан белгиланади.

Бунда дисконтлаш коэффициенти қуйидаги ёндашувлар асосида қабул қилиниши мумкин:

- инвестиция лойиҳасига киритилаётган маблағларнинг инвесторни қондирадиган минимал қайтим даражаси (фоиз ставкаси) асосида;
- капитални киритишнинг муқобил вариантлари – банк депозитлари бўйича фоиз ставкаси, қисқа ёки узоқ муддатли облигацияларни харид қилиш ва

инвестор учун очиқ бўлган инвестицияларнинг муқобил шакллари даромадлилигини ҳисобга олган ҳолда.

Турли вақтга оид харажатлар ва натижаларни дисконтлаш учун фойдаланиладиган фоизларнинг бара турлари одатда ҳисоб-китоб фоизи деб аталади. Олинган натижаларни мазмундор иқтисодий таҳлил қилишда ҳисоб-китоб фоизидаги фарқлар катта бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган формуладан келиб чиқиб, $CH_{ts}$ соф жорий қийматни аниқлаш учун, инвестиция объектини харид қилиш нархи ёки у бўйича бошланғич инвестицияларни ажратиб кўрсатиш лозим бўлган ҳолатда, қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

$$Ч_{TC} = P_1/(1+E)^1 + P_2/(1+E)^2 + \ldots + P_t/(1+E)^t - K = \sum_{t=0}^{T} P_t/(1+E)^t - K \qquad (5.1.8)$$

бу ерда

$R$ (ингл. *cash flow*) – $t$-йилда реал пуллар йиллик соф жорий оқими (пул маблағлари тушуми, пул оқими);

$t$ – инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврлари, жумладан, қурилиш босқичи ($t$ - 0,1, 2,..., $T$);

$E$ – дисконт ставкаси (кутилаётган фойда ва рентабеллик меъёри);

$K$ – инвестиция харажатлари, инвестициялар объектининг қиймати.

Соф жорий қиймат ушбу инвестициялар бутун ҳаётийлик даврида ҳисоб-китобларда фойдаланилган $E$ даромадлилик даражасига ҳақиқатдан ҳам етадими-йўқми, шуни кўрсатади. Жорий соф қийматнинг вақт ва бўлиши мумкин бўлган даромадлилик даражасига боғлиқ эканлиги сабабли $CH_{ts}$ мусбат кўрсатадики, инвестициялар сабаб бўлувчи пул оқими лойиҳанинг (инвестициялар объектининг) бутун иқтисодий ҳаёти (фаолияти) давомида бошланғич капитал қўйилмалардан катта бўлади, киритилган фондларнинг етарли даромадлилик даражаси ҳамда бозор қийматининг ўсишини таъминлайди. Манфий натижаси эса лойиҳанинг талаб қилинаётган дисконт ставкасидан паст эканлигини англатади.

Айтайлик, хизмат қилиш муддати 5 йил, қиймати 20,0 млн. сўм бўлган янги автоматик линияни харид қилишнинг мақсадга мувофиқлик лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Эскириш тўғри чизиқли амортизация бўйича ҳисобланади ва йилига 20 %ни ташкил қилади; амалдаги линияни тугатишдан олинган маблағлар уни демонтаж қилиш харажатларини қоплайди; маҳсулотни сотишдан пул тушуми йиллар бўйича қуйидаги ҳажмда башорат қилинади: 10,0; 12,0; 15,0; 18,0; 16,0; йиллар бўйича жорий харажатлар: 5; 5,3; 5,5; 5,8 ва 6,0 минг сўм.

Фойда солиғи ставкаси – 35 %, фоиз ставкаси (бўнак қилинган капитал нархи) - 15 %.

Ҳисоб-китобни 5.1.3-жадвалдаги каби бажариш қулай.

5.1.3-жадвал

**Жорий қийматни ҳисоб-китоб қилиш, минг сўм**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1-йил | 2- йил | 3- йил | 4- йил | 5- йил |
| 1. Амалга ошириш суммаси | 10000 | 12000 | 15000 | 18000 | 16000 |
| 2. Жорий харажатлар | 5000 | 5300 | 5500 | 5800 | 6000 |
| 3. Эскириш | 4000 | 4000 | 4000 | 4000 | 4000 |
| 4.Солиққа тортиладиган фойда 1с- (2с қ 3с) | 1000 | 2700 | 5500 | 8200 | 6000 |
| 5. Фойда солиғи (35 %) | 350 | 945 | 1925 | 2870 | 2100 |
| 6. Соф фойда (4с –5с) | 650 | 1755 | 3575 | 5330 | 3900 |
| 7. Соф пул тушумлари (3с қ 6с) | 4650 | 5755 | 7575 | 9330 | 7900 |
| 8. Пул бирлигининг жорий қиймати | 0,8696 | 0,7561 | 0,6575 | 0,5117 | 0,4972 |
| 9. Жорий қиймат | 4043,6 | 4351,4 | 3797,1 | 4774,2 | 3927,9 |

$СН_{ts}$ қ 4043,6 қ 4351,4 қ 3797,1 қ 4774,2 қ 3927,9 - 20000 қ 20894,2 - 20000 қ 894,2 минг сўм

$СН_{ts} > 0$, сабабли лойиҳа зарар кўрадиган ҳисобланмайди.

Режадаги $T$ даврнинг охирида $L_T$ инвестиция объектининг тугатиш қийматини ҳисобга олиш зарурати вужудга келганда (юқорида келтирилган мисолда у линияни демонтаж қилиш харажатларига тенг, деб қабул қилинган), лойиҳа $CH_{ts}$ объектни тугатишдан даромадларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формуладан $СН_{ts}$ аниқланади:

$$Ч_{ТС} = \sum_{t=1}^{T} P^t/(1+E)^t + L_t/(1+E)^t - K \qquad (5.1.9)$$

яъни агар лойиҳани амалга ошириш даври якунлангач, объектни тугатиш қиймати ёки, масалан, айланма воситаларнинг бир қисми бўшатилиши кўринишида маблағлар тушуми режалаштирилаётган бўлса, улар мос келувчи даврнинг даромадлари сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Формулада «бир марталик харажатлар – узоқ қайтим» кўзда тутилади, ҳақиқатда эса кўпинча «узоқ харажатлар – узоқ қайтим» вазияти вужудга келади, бунда инвестициялар бир вақтнинг ўзида эмас, балки бир нечта вақт кўрсаткичлари (ой, чорак, йил) бўйича қисмлаб амалга оширилади. Шунда формула бошқача кўринишга эга бўлади:

$$Ч_{ТС} = \sum_{t=t_K}^{E} \frac{P_t}{(1+E)^t} - \sum_{t=0}^{t} \frac{K_t}{(1-E)^t} \qquad (5.1.10)$$

бу ерда

$t_H$ - маҳсулот ишлаб чиқариш бошланган йил;

$t_0$ - капитал қурилиш якунланган йил;

$K_t$ - $t$ - йилда инвестиция харажатлари.

**Аннуитет усули.** Аннуитет (нем. *annuitat* лат. *annuitas* – ҳар йиллик тўлов) – узоқ муддатли заём турларидан бири, унга кўра кредитор ҳар йили олинган сумма ва фоизларни қайтариб бериш ҳисобига даромад (рента) олади.

Тузилган шартномалар (битимлар) бўйича тўловни бир марталик тўлов билан ёки вақт бўйича тақсимланган бир қатор тўловлар билан амалга ошириш мумкин. Бу, масалан, ижара тўлови, пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган мулк учун тўловлар, маблағларни турли дастурларга инвестициялаш бўлиши мумкин, яъни бунда бир хил вақт оралиғида амалга ошириладиган тўловлар тўлов оқимини ташкил қилади. Умумий тўлов суммасини инвестиция лойиҳасининг йиллари бўйича бир хилда тақсимлаш усули аннуитет (ёки қарзни қайтариб бериш ҳисобига ҳар йиллик бадал усули) деб аталади, у соф жорий қиймат усулининг бир кўринишини ифодалайди.

Қарзга (заём, кредит) хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар унинг асосий қисми (қарз амортизацияси) ва ҳисобланган фоизларни қайтариб беришни қамраб олади. қарзларни қайтариб бериш усуллари шартнома тузишда ишлаб чиқилган режага мувофиқ келишиб олинади, унда йил давомида тўловлар сони (муддатли тўловлар сони) ва уларнинг ҳажми белгилаб қўйилади. Бунда муддатли тўловлар асосий қарздан ташқари, унга нисбатан ҳисобланган фоизларни ҳам тўлашга мўлжалланган тўловлар сифатида кўриб чиқилади. Ўз навбатида, асосий қарзни қайтариб бериш фоизлардан алоҳида, бир хил миқдорда амалга оширилиши ёки масалан, арифметик ёки геометрик прогрессияда ўзгариб бориши мумкин.

Оширилган сумма ёки унинг ҳозирги (жорий, келтирилган) ҳажми аннуитетнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади. Оширилган сумма бу – пул оқимини ташкил қилувчи барча тўловлар ва уларга нисбатан ҳисобланган фоизларнинг охирги тўлов санасидаги (муддат якунидаги) йиғиндисидир. У бутун рента муддати давомида ҳисобланган бир хил вақт оралиғида киритилувчи капитал ҳажмини фоизлар билан кўрсатади.

Қарзни қайтариб бериш бир хил вақт оралиғида (ҳар бир ҳисоб-китоб даврининг охирида), асосий қарз ва унга нисбатан ҳисобланган фоизларни қайтариб беришга имкон берувчи бир хил улушда амалга оширилган ҳолатларда ҳар йиллик тўлов (асосий қарз ва фоизлар) ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_r = P\,\frac{E(1+E)^t}{(1+E)^t-1} = P_t \bullet K_e \qquad (5.1.11)$$

бу ерда

*Pc* – ҳар йиллик тўловнинг келтирилган қиймати (капиталлашган такрорланувчи сумма), сўм.:
*Pi* – ҳозирги умумий тўлов қиймати (қарз миқдори), $CH_{ts}$, сўм.;
*E* – фоиз ставкаси;
*t* – лойиҳа амалга ошириладиган йиллар сони;
*Ka* – аннуитет (қарзни қайтариб бериш) коэффициенти.

$$K_a = \frac{1-(1+E)^t}{(1+E)^t-1} \qquad (5.1.12)$$

(7.30) формула бўйича аниқланувчи аннуитет коэффициенти *Ka* қарзларни қайтариб бериш коэффициенти ёки пул бирлиги амортизациясига бадал деб ҳам аталади. У пул бирлигининг жорий қийматини ифодаловчи *Kn* рентани келтириш коэффициентининг акси саналади, яъни

$$K_a = \frac{1-(1+E)^{-t}}{E}$$

**Таянч иборалар:** инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш, инвестиция лойиҳалари рискини баҳолаш, портфель инвестициялар, соф жорий қиймат, аннуитет усули.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш зарурати.
2. Дисконтлаш, унинг вазифалари ва ундан фойдаланиш тавсифини беринг.
3. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг статик усулларини айтинг.
4. Соф жорий қиймат усули ва аннуитет усулларини баён этинг.

## 5.2. Рискларни баҳолаш ва таҳлил этиш усуллари

**Лойиҳа таваккалчилиги таҳлилининг моҳияти ва асосий турлари.** Умумий маънодаги «таваккалчилик» тушунчаси лойиҳани амалга ошириш жараёнида ноҳуш вазиятлар ва оқибатларнинг вужудга келиши мумкинлиги билан боғлиқ бўлган ноаниқлик сифатида тавсифланади.

Таваккалчилик ва уни баҳолаш муаммоси мамлакатимиз иқтисодиёти учун янгилик эмас: ўтган асрнинг 20-йилларида мамлакатимизда ишлаб чиқариш-хўжалик таваккалчилигининг амал қилишини ҳисобга оладиган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Агар лойиҳани амалга оширишнинг турли-туман эҳтимол тутилган шароитларида унинг харажатлари ва натижалари турлича бўладиган бўлса, унда таваккалчилик ва ноаниқлик омиллари лойиҳанинг самарадорлиги ҳисоб-китобларида ҳисобга олиниши керак бўлади. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилиши – бу динамик жараён бўлиб, қарорларни қабул қилишнинг ҳар бир нуқтасида лойиҳани амалга ошириш шарт-

шароитлари ўзгариши мумкинки, бу лойиҳанинг олдиндан ҳисоблаб чиқилган натижаларининг автоматик тарзда ўзгаришига олиб келади.

Лойиҳа таваккалчиликларини таснифлашнинг мураккаблиги уларнинг турли-туманлигидадир. Шу муносабат билан таваккалчиликларни ва улар билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этадиган иқтисодий адабиётларда уларни таснифлашнинг ягона бир қатъий тизими йўқ.

Лойиҳа нуқтаи назаридан олдиндан айтиб бўлмайдиган таваккалчиликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

А. Макроиқтисодий таваккалчиликлар, шу жумладан:

1) моддий-техника таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, лойиҳалаш нормативлари, ишлаб чиқариш нормативлари, ердан фойдаланиш, экспорт-импорт, нарх белгилаш, солиққа тортиш соҳаларида давлат томонидан тартибга солиш юзасидан кутилмаган чора-тадбирлар;

2) иқтисодий соҳадаги қонунлар ва жорий иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги;

3) ташқи иқтисодий вазиятнинг ўзгариши (савдо-сотиқ ва етказиб беришларга чеклашларнинг жорий қилиниши, чегараларнинг ёпилиши мумкинлиги ва ҳоказо);

4) сиёсий беқарорлик, нохуш ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таваккалчилиги;

5) техник-иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;

6) бозор конъюнктураси, нархлар, валюта курслари ва шу кабиларнинг тебраниб туришлари;

7) табиий-иқлим шароитларининг ноаниқлиги, табиий офатлар бўлиши эҳтимоли.

В. Экологик таваккалчиликлар (табиий фалокатлар), шу жумладан:

1) сув тошқинлари;

2) зилзилалар;

3) пўртана (шторм)лар;

4) иқлимий ҳалокатлар ва бошқалар.

С. Ижтимоий хавфли таваккалчиликлар ва жиноятлар билан боғлиқ таваккалчиликлар, шу жумладан:

1) вандализм;

2) саботаж;

3) терроризм.

Д. Кўзда тутилмаган ўпирилишларнинг юз бериши билан боғлиқ таваккалчиликлар, шу жумладан:

1) зарур инфратузилманинг яратилишидаги;

2) лойиҳалаштириш, таъминот, қурилиш бўйича пудратчиларнинг банкротлиги оқибатидаги ва ҳоказо;

3) молиялаштиришдаги;

4) ишлаб чиқариш-технологик тизимдаги (авариялар ва ускуналарнинг ишламай қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак ва ҳоказо);

5) иштирок этувчи корхоналарнинг молиявий аҳволи ва тадбиркорлик борасидаги обрў-эътибори ҳақида тўлиқ ёки ишончли ахборотларнинг

олинишидаги (тўловсизликлар, банкротликлар, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги мумкинлиги).

Ташқи олдиндан айтиш мумкин бўлган (лекин ноаниқ) таваккалчиликларга қуйидагилар киради:

1) бозор таваккалчилиги, у қуйидагилар билан боғлиқ бўлади:
- хом ашёни олиш имкониятининг ёмонлашуви ва унинг қийматининг ошиши;
- истеъмолчилик талабларининг ўзгариши;
- рақобатчиликнинг кучайиши;
- бозордаги позицияларнинг бой берилиши;
- харидорларнинг савдо қоидаларига риоя этишни хохламаслиги.

2) қуйидагилар сабабли юз берадиган операцион таваккалчиликлар:
- лойиҳа элементларининг ишчи ҳолатини тутиб туриш мумкин бўлмаслиги;
- хавфсизликка путур етказилиши;
- лойиҳа мақсадларидан чекиниш.

Лойиҳа ичидаги таваккалчиликлар қуйидагилар натижасида юз беради:

1) қуйидаги сабабларга кўра ишлар режаларининг бузилишлари:
- ишчи кучи ёки материалларнинг етишмаслиги;
- материалларни етказиб беришдаги кечикишлар;
- қурилиш майдончаларидаги ёмон шароитлар;
- лойиҳа буюртмачиси, пудратчилар имкониятларининг ўзгаришлари;
- лойиҳалаштиришдаги хатолар;
- режалаштиришдаги хатолар;
- ишларни мувофиқлаштиришдаги камчиликлар;
- раҳбариятнинг ўзгариши;
- нохуш ҳодисалар ва саботаж;
- бошланғич даврдаги қийинчиликлар;
- режалаштиришнинг нореаллиги;
- бошқарувнинг заифлиги;
- объектга етиб боришнинг қийинлиги;

2) қуйидагилар сабабли маблағларнинг ортиқча сарфланиши:
- ишлар режаларининг бузилишлари;
- таъминот стратегиясининг нотўғрилиги;
- ходимларнинг малакасизлиги;
- материаллар, хизматлар ва шу кабилар бўйича ортиқча тўловлар;
- ишлардаги параллелизм ва лойиҳа қисмларининг бир-бирига ўхшамаслиги;
- пудратчиларнинг норозиликлари;
- сметаларнинг нотўғрилиги;
- ҳисобга олинмаган ташқи омиллар.

**Лойиҳа таваккалчиликларининг ҳисобга олиниши: амалда баҳо берилиши.** Таваккалчиликларнинг мавжуд бўлиши ечимларнинг эҳтимол тутилган вариантларидан бирини танлаш заруратини назарда тутади, шу муносабат билан бундай ечимларни қабул қилиш жараёнида бутун эҳтимол тутилган муқобил вариантлар таҳлилдан ўтказилади, уларнинг ичидан энг рентабеллиси ва таваккалчилик даражаси паст бўлгани танланади.

Таваккалчиликнинг аниқ вазиятлари турли мураккаблилик даражасига эга бўлади ва шу билан боғлиқ танловнинг муқобиллилиги турли усуллар билан ҳал қилинади. Энг оддий вазиятларда интуицияга ва ўтмишдаги тажрибага асосланадиган ўзига хос экспертлик баҳосини йўналиш қилиб олиш мумкин. Лекин у ёки бошқа мураккаб ишлаб чиқариш вазифасининг оптимал ҳал этилиши зарурлиги, масалан, инвестицияларни сарфлаш вариантини танлаш таваккалчиликларни таҳлил этишнинг махсус услубларини қўлланишини тақозо этади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, у ёки бошқа лойиҳа таваккалчилигини амалга оширишда келиб чиқадиган оқибатлар ва йўқотишларнинг потенциал салбийлигига қарамасдан, таваккалчилик ўзига хос «тараққиёт двигатели», эҳтимол бўлган фойданинг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Таваккалчиликларга баҳо бериш таваккалчилик катталигини (даражасини) белгилашдан иборат бўлади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда лойиҳа таваккалчиликларини баҳолашнинг яхлит бир назарияси йўқ. Эҳтимол, бунинг сабаби ҳар қандай назариянинг амалиётнинг умумлашуви бўлиб ҳисобланадиган концепцияга асосланишида бўлиши мумкин, мамлакатимиздаги бозор шароитидаги инвестиция фаолияти амалиёти эса ҳозирча етарли шаклланмаган.

Рақобатчилик – бозор иқтисодиётининг мажбурий белгиси – тадбиркорни ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишга мажбур этади, чунки бундай иқтисодий тизимда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири ҳам бошқаларнинг қандай қарор қабул қилишини олдиндан билмайди: олдига қўйилган мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган яна бир қатор бошқа ички ва ташқи омиллар ҳам мавжуд, бунинг устига, агар қарор ташқи муҳитнинг аҳволи олдиндан айтиб берадиган ҳолатда бўлмаганида ёки тез ўзгарадиган ҳолатларда қабул қилинган тарзда ҳам яққол бир хилдаги танлов бўлгани билан ҳам ноаниқлик келиб чиқиши мумкин.

Таваккалчилик муаммосига бағишланган тадқиқотларда таваккалчиликни миқдорий баҳолаш мезонини белгилашга нисбатан бир неча ёндашувлар учрайдики, қуйидагилар уларнинг асосийлари ҳисобланади:

- статистик баҳолаш услуби;
- экспертлик баҳолаш услуби;
-ўхшашликлар услубидан қўлланиш;
- комбинациялашган услуб.

**Инвестиция лойиҳаси таваккалчиликларини миқдорий баҳолаш.** Инвестиция лойиҳаси таваккалчиликларини миқдорий баҳолашнинг бир қатор воситалари математик статистика услубларига – дисперсия, стандартли оғишиш, вариация коэффициентига асосланади. Статистик услуб нафақат муайян лойиҳанинг, шу билан бирга умуман корхонанинг муайян муддат давомидаги (унинг даромадлари динамикасини таҳлил қилиб) таваккалчилигини баҳолашга имкон беради. Таваккалчиликларни баҳолашнинг ушбу услуби афзалликларига математик ҳисоб-китобларнинг мураккаб эмаслигини, унинг камчиликларига эса – кўп сонли кузатувлар қилиниши

(маълумотлар ҳажми қанчалик катта бўлса, таваккалчиликларни баҳолаш шунчалик ишончлироқ бўлади) лозимлигини киритиш керак бўлади.

Экспертлик баҳолашлари услубининг бош афзаллиги лойиҳани таҳлил этиш ва турли хил сифатга оид омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш жараёнида экспертлар тажрибасидан фойдаланиш мумкинлигидан иборат.

Расман экспертлик баҳолаш русум-қоидалари кўпинча қуйидагилардан иборат бўлади. Лойиҳа (фирма) раҳбарияти саволларни ўз ичига оладиган экспертлик (сўровнома) варақалари шаклидаги баҳолаш мезонлари рўйхатини ишлаб чиқади. Ҳар бир мезон учун экспертларга билдирилмайдиган тегишли *вазнли коэффициентлар тайинланади (кам ҳолларда - ҳисоблаб чиқилади).*

Сўнгра ҳар бир мезон бўйича жавобларнинг вариантлари тузилади, бундай жавобларнинг вазнлари ҳам экспертларга маълум бўлмайди. Экспертлар экспертизани ўтказишда баҳоланаётган лойиҳа ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиши, қўйилган саволларни таҳлил этиши ва жавобнинг танланган вариантини қайд этиши керак. Шундан кейин тўлдирилган экспертлик варақалари тегишли равишда ишлаб чиқилади (ахборотларни ишлаш бўйича маълум статистик (компьютердаги) пакетлар асосида) ва ўтказилган экспертизанинг натижаси (ёки натижалари) берилади.

Юқорида баён қилинган таваккалчиликларни экспертлик баҳолаш услубини унинг бир тури, «Дельфи услуби» деб аталадиган услуб тўлдириши мумкин. У таваккалчиликларни баҳолашни ўтказишни ташкил этишнинг қатъий русум-қоидалари билан тавсифланадики, унда экспертлар қўйилган саволларга жавобларни биргаликда муҳокама қилиш имкониятидан маҳрум бўлади ва бу қарорни гуруҳ бўлиб қабул қилиш «доми»ни ва етакчи фикрининг устунлик қилишини истисно этиш, баҳоларнинг анонимлигини таъминлашга имкон беради. *Ишлаб чиқилган ва умумлаштирилган натижалар* бошқариладиган тескари алоқа орқали эксперт комиссиясининг ҳар бир аъзосига маълум қилинади. Шундай қилиб, ҳар бир баҳонинг тегишли ходимга тааллуқли эканлиги билан боглиқ психологик ноқулайлик ҳолати истисно қилинади, шундан сўнг баҳолаш такрорланиши мумкин.

Лойиҳа таваккалчиликларини экспертлик баҳолаш сифати кўп жиҳатдан экспертларнинг танланиши сифатига боғлиқ бўлади, бунга жиддий эътибор бериш керак бўлади.

Субъектив эҳтимоллик баҳо берувчининг индивидуал фикрига, унинг шахсий тажрибасига асосланадиган муайян натижага нисбатан фараз бўлиб ҳисобланади. Бундай ёндашувни шартли равишда экспертлик баҳолари услубининг хусусий ҳолати, деб ҳисоблаш мумкин. Субъектив эҳтимолликлар услубининг афзаллиги – ундан такрорланмайдиган ҳодисалар учун ва объектив эҳтимолликларни аниқлаш учун зарур статистик маълумотларнинг сони етарли бўлмаган шароитда фойдаланиш мумкинлиги бўлиб, бу лойиҳа таваккалчиликларини таҳлил этишда ушбу услубни қўллаш соҳасини белгилайди.

Ўхшашликлар услубининг моҳияти фирманинг йўқотишларнинг вужудга келиши эҳтимолликларини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида ўтмишдаги шунга

ўхшаган лойиҳаларни амалга оширганлигига тегишли барча мавжуд маълумотларнинг таҳлилидадир. Ўхшашликлар услуби, масалан, қурилишдаги тез-тез такрорланадиган лойиҳаларнинг таваккалчилигини баҳолашда кўп қўлланилади. Агар қурувчилик фирмаси тугалланган лойиҳаларга ўхшайдиган лойиҳани амалга оширишни назарда тутадиган бўлса, унда ишга туширилаётган лойиҳанинг таваккалчилик даражасини ҳисоб-китоб қилиш учун мавжуд статистик материал асосида таваккалчиликнинг эгри чизиғи, деб аталадиган кўрсаткични тузиши мумкин. Шу мақсадда умумий йўқотишларнинг қуйи ва юқори чегаралари билан чегараланган таваккалчилик соҳалари белгиланади.

Ўхшашликлар услуби кўпинча таваккалчиликни баҳолашнинг бошқа услублари қўлланилмайдиган ҳолларда ишлатилади ва шунга ўхшаган лойиҳаларнинг таваккалчиликлари ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, лойиҳа таваккалчиликларининг таҳлилини ўхшашликлар услуби ёрдамида ўтказишда бир қатор машҳур банклар, масалан, Бутунжаҳон банки томонидан қўлланиладиган лойиҳаларга улар тугалланганидан кейин бериладиган баҳолаш *(post evalyation)* муҳим замин бўлади. Бундай текширишлар натижасида олинган маълумотлар тугалланган лойиҳалардаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш учун ишлаб чиқиладики, бу янги инвестиция лойиҳасини амалга оширишдаги потенциал таваккалчиликни аниқлашга имкон беради.

Таваккалчиликка тузатмали фоиз ставкаси услуби – бу лойиҳанинг самарадорлигини ҳисоб-китоб қилишда таваккалчилик учун устама катталигига таваккалчиликсиз фоиз ставкасининг кўпайишидир (таваккалчилик мукофоти). Инновацион лойиҳалар ишлатилган ҳолларда таваккалчилик учун устама 10-20 %га етиши мумкин.

Бир неча лойиҳаларнинг (ёки бир лойиҳанинг бир неча вариантларининг) таваккалчилигини миқдорий баҳолаш учун дисперсия ва ўртача квадратли (стандартли) тебранишлар кўрсаткичларининг сонли моҳиятларидан фойдаланиш мумкин. Лойиҳалар бир неча эҳтимол тутилган вариантларга эга бўлган ҳолларда дисперсия ўзининг ўртача моҳияти (математик кутиш) атрофида тасодифий катталикнинг (масалан, соф дисконтлаштирилган даромаднинг) тарқалиши даражасини тавсифлайди.

Танқидий моҳиятлар услуби лойиҳанинг таваккалчилик учун текширилаётган ўзгарувчан (омиллари) ёки параметрларининг лойиҳа самарадорлиги тегишли мезонининг ҳисоб-китобдаги катталигини танқидий чегарагача олиб келадиган моҳиятларини топишга асосланади.

Эҳтимолликларнинг мураккаб тақсимотларини («ечимлар дарахтини») қуриш ёрдамида танлаш вазифасининг моделлаштирилиши таваккалчиликни тадқиқ этишнинг муҳим услубларига киради. Бундай моделлаштириш эҳтимол тутилган ечимлар вариантларининг график (тармоқли) тарзда қурилишига асосланади. «Дарахт»нинг новдаларига қараб эҳтимол тутилган ҳодисаларнинг субъектив ва объектив баҳолари ажратиб чиқилади. Қурилган новдалар бўйламаси билан бориб ва эҳтимолликларни ҳисоб-китоб қилишнинг махсус

услубиётларидан фойдаланиб, ҳар бир йилга баҳо берилади ва энг кам таваккалчиликлиги танланади.

Комбинациялашган услуб бир неча алоҳида услублар ёки уларнинг айрим элементларининг бирлаштирилишидан иборат бўлади.

Санаб ўтилган услублардан ташқари, амалиётда яна бошқа услублар, жумладан, сезувчанлик таҳлили (шу жумладан, математик дастурлаштириш услублари, зарарсизлик нуқтасини таҳлил этиш ва бошқалар) ва сценарийлар таҳлили ҳам қўлланилади.

**Лойиҳа таваккалчиликларини тадқиқ қилиш услубларини таснифлаш.** Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда қўлланиладиган таваккалчиликлар таҳлилининг математик аппарати гарчи ушбу айтиб ўтилган соҳани математик моделлаштиришга нисбатан бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд бўлса-да, лекин кўпинча эҳтимолликлар назарияси услубларига таянади.

Таваккалчиликлар назариясида математик моделларнинг қуйидаги турларини: *бевосита, тескари ва сезувчанликни тадқиқ этиш вазифаларини* ажратиб кўрсатиш қабул қилинган. Бевосита вазифаларда таваккалчиликни унинг даражасини белгилаш билан боғлиқ баҳолаш маълум ахборотнинг априориси асосида амалга ошади. Тескари вазифаларда берилган чеклашларни қабул қилинадиган таваккалчилик даражасига қониқтириш мақсадида бир ёки бир неча ўзгартириладиган асосий параметрларга чеклашлар белгиланади.

Бошланғич ахборотларнинг муқаррар тарздаги ноаниқлиги сабабли зарур бўладиган сезувчанликни тадқиқ этиш услубининг асосий ғояси натижали, мезонли кўрсаткичларнинг моделлар параметрларини вариантлашга (эҳтимолликларнинг тақсимланиши, у ёки бошқа катталикларнинг ўзгариш соҳалари ва шу кабиларга) нисбатан қалтислиги, ўзгарувчанлиги даражасини таҳлил этишдан иборатдир. Инвестиция лойиҳасининг сезувчанлигини тадқиқ қилиш хулосалари лойиҳа таваккалчиликларини таҳлил этишда олинган натижаларнинг ишончлилик даражасини акс эттиради. Улар ишончли бўлмаганида лойиҳанинг таҳлилчиси қуйидаги имкониятлардан бирини амалга оширишга мажбур бўлади:

- ноаниқлиги натижанинг бузилишига энг кўп таъсир қилган параметрларни аниқлаштириш:
- жавобнинг сезувчанлигини камайтириш мақсадида бошланғич маълумотларни ишлаш услубларини ўзгартириш;
- лойиҳа таваккалчиликлари таҳлилининг математик моделини ўзгартириш;
- лойиҳа таваккалчиликларининг миқдорий таҳлилини ўтказишдан воз кечиш.

Ҳозирги вақтда математик моделларнинг ноаниқликни ҳисобга оладиган ва уни баён қилиш усулларига кўра фарқланадиган қуйидаги синфлари инвестиция лойиҳаси таваккалчиликларини таҳлил этиш учун кўпроқ қўлланилади:

1) стохастик моделлар;
2) лингвистик моделлар:
3) ностохастик (ўйинли) моделлар.

Лойиҳа таваккалчиликларини тадқиқ қилиш соҳасидаги хорижий адабиётлар таҳлили мавжуд услубларни ва улар билан боғлиқ моделларни қуйидаги йўналишлар (ёндашувлар) бўйича таснифлашга имкон беради:

А. Эҳтимоллилик тақсимотларининг жалб этилишига қараб:

1) эҳтимоллиликлар тақсимотларини ҳисобга олмайдиган услублар;

2) эҳтимоллиликлар тақсимотларини ҳисобга оладиган услублар.

Б. Ўзгарувчан кўрсаткичнинг ҳар бир алоҳида моҳиятини амалга ошириш эҳтимоллигини ҳисобга олиш ва эҳтимоллиликлар тақсимотларини ҳисобга оладиган таҳлилнинг бутун жараёнининг ўтказилишига қараб:

1) эҳтимоллилик услублари;

2) танлаш услублари.

В. Қурилган модель бўйича натижаловчи кўрсаткичларни топиш усулларига қараб:

1) таҳлилчилик услуби;

2) имитацион услуб.

Ҳар бир стохастик катталик учун унинг фақат бир моҳияти олиниши А ёндашувининг белгиси ҳисобланади; таваккалчиликни экзоген ўзгарувчи билан бу тарздаги «қуйилтириш»дан мақсад – аниқлик вазиятида ҳеч қандай ўзгаришларсиз таҳлил этиш учун ишлаб чиқилган услубларни қўлланиш имкониятига эга бўлишдир. Б ёндашуви учун тузилган модель бўйича ҳисоб-китобларнинг натижаси натижаловчи ўзгарувчининг алоҳида моҳияти эмас, балки эҳтимолликларнинг тақсимотидан ташкил топади.

Эҳтимоллилик услублари моделнинг қурилиши ва у бўйича ҳисоб-китоблар эҳтимоллар назарияси тамойилларига мувофиқ амалга оширилади, деб фараз қилади, танлаш услубларида эса буларнинг ҳаммаси танлашлар бўйича ҳисоб-китоблар йўли билан бажарилади.

Ечимларни қабул қилишни моделлаштириш услубларининг қўлланилиши Б ёндашувининг ўзига хос белгисидир. Бу йўлда мақсадли, оптималлаштирилган ва бир тизимли ёндашувлар ажратиб кўрсатилади.

Мақсадли ёндашувга моделни конструкциялашда мақсадларнинг аниқ берилиши хосдир. Мақсадга оид кўрсаткичларнинг ҳар қандай ўзгариши моделнинг ўзининг реконструкциясига олиб боради ва янги ҳисоб-китобларни талаб қиладики, бу қўшимча харажатлар билан боғлиқдир. Ушбу ёндашувдан шунга ўхшаган аниқ берилган мақсадли вазиятларда доимий тарзда қарорларни қабул қилиш зарур бўлганида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир тизимли ёндашув мақсадларнинг ифодаланган тизимини эмас, балки фақат реалликни акс эттиришга қаратилган моделнинг қурилиши билан боғлиқдир. Бундай моделни ва унга доир ҳисоб-китобларни баҳолаш натижасида ҳаракатларнинг оптимал стратегияси эмас, балки реал тизимнинг ўзини тутиши баёни ифодаланади. Сўнгра мақсадлар тизими танланади ва тизимнинг ўзини тутиши ва қилинган фаразлар ҳақидаги прогнозли ахборотлар ёрдамида қарорни қабул қилиш мумкин бўлади. Инвестицион лойиҳалаштириш жараёнида вужудга келадиган мақсадларнинг ўзгаришлари моделнинг ўзгаришига олиб келади ва янги ҳисоб-китобларни талаб қилади.

Ниҳоят, В ёндашуви қурилган модель бўйича натижаловчи кўрсаткичларни топишнинг таҳлилчилик ва имитацион усулларини ажратиб кўрсатади.

Натижаларни олишнинг таҳлилчилик усули бевосита экзоген ўзгарувчилар моҳиятлари асосида амалга оширилади. Унинг афзалликларига қарорни топишнинг тезлиги киради, камчиликларига эса - қўйилган вазифанинг тасарруфда бўлган математик аппаратга кўниктирилиши зарурлиги ва унинг нисбатан унчалик кўп бўлмаган «шаффофлиги» киради.

Имитацион усул модель билан кўп марталик тажрибаларни ўтказиш ҳисобига натижаловчи кўрсаткичнинг моҳиятини қадам-бақадам топишга асосланади. Унинг асосий афзалликлари – барча ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги, лойиҳани таҳлил этиш натижаларининг режалаштириш жараёни барча иштирокчилари томонидан идрок этилиши ва баҳоланишининг соддалигидир. Ушбу усулнинг жиддий камчиликларидан бири сифатида чиқадиган ахборотнинг ҳажми катталиги билан боғлиқ ҳисоб-китобларга катта харажатлар қилинишини кўрсатиш зарур.

Кўриб чиқилган таснифлашга йўналиш олиб, лойиҳа таваккалчилигини баҳолашга нисбатан ўзаро бир-бирини тўлдирувчи сифатли ва миқдорий ёндашувларни таҳлил қиламиз.

Лойиҳа таваккалчиликларини сифатли баҳолаш услубиёти ташқи жиҳатдан жуда оддий – баён қилувчилик шаклида кўринадию, лекин у ўз моҳиятига кўра тадқиқотчи-таҳлилчини миқдорий натижага, аниқланган таваккалчиликлар, уларнинг салбий оқибатлари ва «барқарорлаштирувчи» чора-тадбирларнинг қийматли баҳоланишига олиб келиши керак. Шундай қилиб, сифатли ёндашувнинг асосий вазифаси – экспертизадан ўтказилаётган лойиҳага хос бўлган лойиҳа таваккалчиликларининг эҳтимол тутилган турларини аниқлаш ва бир хиллаштириш бўлиб, бу юқорида келтирилган таснифлар ёрдамида амалга оширилади, шунингдек, ушбу таваккалчилик турининг даражасига таъсир қиладиган сабаблар ва омиллар аниқланади ва баён қилинади. Бундан ташқари, аниқланган таваккалчиликларни гипотетик амалга оширишнинг барча эҳтимол тутилган оқибатларини баён қилиш ва уларга қиймат баҳосини бериш ва бундай оқибатларнинг камайтирилиши ва ёки уларнинг компенсация қилинишига доир чора-тадбирларни таклиф этиш, ушбу чора-тадбирларнинг қийматли баҳосини ҳисоблаб чиқиш зарур.

Инвестиция лойиҳасининг таваккалчиликларини пасайтиришда қўшимча ахборотларга эга бўлиш муҳим роль ўйнайди. Бундай эга бўлишнинг мақсади – лойиҳанинг айрим параметрларини аниқлаштириш. Бошланғич ахборотларнинг ишончлилиги ва ҳақиқийлиги даражасини оширишдан иборатки, бу самарасиз қарор қабул қилиниши эҳтимолини камайтиришга имкон беради. Қўшимча ахборотларни олиш усуллари уларнинг бошқа ташкилотлардан (корхоналар, илмий-тадқиқотчилик ва лойиҳалаш ташкилотлари, консалтинг фирмалари ва бошқалардан) олиниши, қўшимча экспериментнинг ўтказилиши ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Шунингдек, маблағларнинг кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун заҳира қилиниши ҳам инвестиция лойиҳасининг таваккалчилигини пасайтиришнинг энг кўп тарқалган усулларидан биридир. Хориж тажрибаси форс-мажор учун маблағларни заҳира қилиш ҳисобига лойиҳа қийматининг 7 %дан 12 %гача кўпайтирилишига йўл қўяди. Маблағларнинг заҳира қилиниши лойиҳа қийматини ўзгартирадиган потенциал таваккалчиликлар билан уни амалга ошириш жараёнидаги бузилишларга барҳам берилиши билан боғлиқ харажатлар миқдори ўртасида ўзаро нисбат белгиланишини назарда тутади.

**Таянч иборалар:** рискларни баҳолаш, рискларни таҳлил этиш, лойиҳа таваккалчилиги таҳлили, статистик баҳолаш услуби, экспертлик баҳолаш услуби, ўхшашликлар услубини қўлланиши, комбинациялашган услуб.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Лойиҳа таваккалчилиги таҳлилининг моҳияти ва асосий турлари.
2. Лойиҳа таваккалчиликларининг ҳисобга олинишини тушунтиринг.
3. Лойиҳа таваккалчиликларини тадқиқ қилиш услубларини таснифлашни баён этинг.
4. Рискларни баҳолаш нима?

## 5.3. Портфель инвестициялар ва уларнинг даромадлилигини аниқлаш

**Реал ва молиявий инвестициялар.** Жаҳон амалиётида «инвестициялар» атамасининг мамлакат ичида ва чет элларда реал ва молиявий инвестициялар шаклида узоқ муддатли капитал киритиш сифатидаги талқини энг тарқалган бўлиб, реал инвестициялар бу — капитални моддий ва номоддий активларга киритиш ҳисобланади, молиявий инвестициялар эса молиявий активларга инвестицияларни ифодалайди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида инвестицияларнинг катта қисми молиявий инвестицияларга тўғри келади. Мамлакатимизда эса инвестицияларнинг асосий улуши реал инвестицияларга тегишли. Молиявий инвестициялар тушунчаси У.Ф.Шарп, Г.Дж.Александр ва Дж.В.Бейлининг китобларида чуқур ва батафсил кўриб чиқилади.

Молиявий инвестициялар асосан даромад олиш, корхонанинг бозорда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш, бошқа корхоналар фаолиятини бошқаришда қатнашишига йўналтирилади.

Маҳаллий ва хорижий адабиётларда молиявий инвестицияларнинг кўплаб ва хилма хил таърифлари келтирилади.

Молиявий инвестициялар қоғозга ёзилган шартномаларни ифодалайди, бу оддий акция ва облигациялардир. Молиявий инвестициялар бу — капитални моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналари қимматли қоғозларига киритиш, шунингдек, капитални банк муассасаларига жойлаштиришдир.

Молиявий инвестициялар воситачининг (инвестиция фонди ёки молиявий воситачи) мавжудлиги билан тавсифланувчи билвосита инвестициялар ҳисобланади.

Молиявий инвестициялар молиявий активларга инвестицияларни ифодалайди. Молиявий активлар қаторига нақд пул, банклардаги жорий ва муддатли ҳисоб-рақамларидаги қўйилмалар, хорижий валюта, қимматли қоғозлар киради. Молиявий инвестициялар, деганда маблағларни турли хил молиявий воситаларга (активларга) киритиш тушунилади. Уларнинг орасида қимматли қоғозларга қўйилмалар киритиш асосий ўринни эгаллайди. Ваҳоланки, қимматли қоғозларнинг маълум бир қисми, масалан, тижорат қимматли қоғозлари молиявий инвестициялар ҳисобланмайди. Молиявий воситалар бу — улар билан савдо молия бозорида амалга ошириладиган молиявий мажбуриятларнинг (қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялаш учун) турли шаклларидир. Молиявий воситалар пул маблағлари ва қимматли қоғозларни қамраб олади. 5.3.1-расмда қимматли қоғозлар ва молиявий инвестициялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган.




**5.3.1-расм. Молиявий инвестициялар ва қимматли қоғозлар ўртасида ўзаро боғлиқлик**

5.3.1-жадвалда фонд қимматли қоғозлари, фонд молиявий асосий воситаларининг тузилмаси келтирилган.

5.3.1-жадвал

**Фонд молиявий воситалари тузилмаси**

| Молиявий воситалар (фонд қимматли қоғозлари) | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий | | Ҳосила | | | | |
| Акциялар | Облигациялар | Сертификатлар | Чеклар | Опционлар | Фьючерслар | Вексellар |

«Қимматли қоғозлар» тушунчасига доир кўплаб таърифлар мавжуд.

Қимматли қоғозлар бу:

- ҳужжат эгасининг бу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан мулки ҳуқуқи ёки қарз муносабатини тасдиқловчи пул ҳужжати;
- акциядорлик жамиятлари низом капиталини шакллантириш ва давлат, ҳудудий-маъмурий бошқарув органлари харажатларини молиялаштириш манбаси;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини киритиш ва улардан даромад олиш шакли.

Инвестиция нуқтаи назаридан кўп жиҳатдан қимматли қоғозларни капиталнинг товар, ишлаб чиқариш ва пул шаклларидан фарқ қиладиган, унинг

ўзи ўрнига берилиши, бозорда товар каби муомалада бўлиши ва даромад келтириши мумкин бўлган шакли ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, капитал эгасида капиталнинг ўзи бўлмайди, бироқ қимматли қоғозлар шаклида қайд этилган унга нисбатан барча ҳуқуқлар мавжуд. Қимматли қоғозларни таснифлашга хизмат қилувчи кўплаб ва хилма-хил белгилар мавжуд.

Қимматли қоғозлар турлари бўйича қуйидагиларга тақсимланади:

1) капиталда иштирок этиш ҳақида гувоҳнома. Бу аввало, акциядорлик жамиятлари ва корпорациялар чиқарувчи акциялар;

2) қарз бериш ҳақида гувоҳнома — ҳам корхоналар, ҳам давлат томонидан (давлат қимматли қогозлари) чиқарилувчи облигацияларнинг ҳар хил турлари;

3) мулк ҳуқуқини ифодаловчи пул ва товар ҳужжатлари. Улар қаторида векселлар, чеклар, варрантлар, депозит сертификатлари, коносаментлар, тижорат қимматли қоғозлари ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин;

4) халқаро қимматли қоғозлар — евроакциялар, еврооблигациялар.

Қимматли қоғозларнинг асосий инвестицион тавсифномалари даромадлилик, риск ва ликвидлик ҳисобланади. Қимматли қоғозларни тўлароқ қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин.

Вақт бўйича:

А) амал қилиш муддати, қачон муомалага чиқарилгани, қанча вақтга мўлжаллангани:

- муддатли,
- муддатсиз;

Б) келиб чиқиши:

- қимматли қогоз бирламчи асосдан (товар, пул);
- бошқа қимматли қоғозлардан келиб чиққани — бирламчи, иккиламчи қимматли қоғозлар.

Макон бўйича:

- шакли — ҳужжатли (қоғоз), ҳужжатсиз (қоғозсиз);
- миллий мансублиги — маҳаллий, хорижий;
- ҳудудий — қимматли қоғоз чиқарилган мамлакат минтақаси.

Акциялар даромадлилиги учта кўрсаткич – жорий, бозор ва умумий даромадлилик билан ўлчанади.

$$Д_{тек} = \frac{d}{P_o} \times 100\,\%;$$

$$Д_{рын.тек} = \frac{d}{P_{рын}} \times 100\,\%; \qquad Д_{об} = \frac{P_1 - P_o + d}{P_o} \qquad (5.3.1)$$

бу ерда

*Дтек* — жорий даромадлилик;

*d* — дивиденд;

*Ро* —акциянинг харид нархи;

*Дрын.тек* – жорий бозор даромадлилиги;

*Ррын* —акциянинг жорий бозор нархи;

*Добщ* —акциялар умумий даромадлилиги;
*Р1* —акциянинг сотув нархи.

Облигация бу — унинг эгаси (кредитор) ва уни чиқарган шахс (эмитент, қарздор) ўртасидаги қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Облигацияларни давлат, корхона, ташкилотлар чиқаради. Давлат томонидан чиқариладиган облигациялар бошқача номланиши ҳам мумкин, хусусан: ғазна вексellари, ғазна мажбуриятлари, ноталар, сертификатлар.

Облигациялар даромадлилиги жорий даромадлилик (*Дтек*) ва тўлиқ даромадлилик (*Дполн*) билан ўлчанади.

$$Д_{тек} = \frac{R}{P_{рын}} \times 100\% \;; \qquad Д_{полн} = \frac{R_{сов} + d}{P_{рын} \times t} \times 100\% \qquad (5.3.2)$$

бу ерда
*R* — йил давомида тўланган фоизлар миқдори, сўм;
*Ррын*—облигациялар харид қилинган курс қиймати, сўм;
*Rсов*— облигация муомалада бўлган барча йиллар учун умумий даромад, сўм.;
*d* - облигация дисконти, сўм;
*t* - инвестор облигацияга эгалик қилган давр, йил.

Облигация тўлиқ даромадлилигининг келтирилган формуласи оддий фоизларда фойдаланилади. Мураккаб фоизларда эса қуйидаги формула қўлланади:

$$P = \left[ K \sum_{t=1}^{T} \frac{1}{(1+r)^{t}} \right] + \frac{H}{(1+r)^{T-t}} \qquad (5.3.3)$$

бу ерда
*Р* — облигация нархи;
*К* — купон даромади;
*t* — йилнинг тартиб рақами;
*Т* — облигацияни тўлаш муддати;
*(Т—t)* — облигацияни тўлашгача йиллар сони;
*Н* — облигациянинг номинал қиймати, сўм;
*r* — облигациялар даромадлилиги.

Маълум вақт ўтгандан сўнг мажбурий тўлаш шарти билан чиқарилган имтиёзли акциялар худди муддатли облигациялар каби баҳоланади.

**Марковитс назарияси.** Портфелли менежмент, яъни қимматли қоғозлар инвестиция портфелини шакллантириш қимматли қоғозларнинг ўзи пайдо бўлган вақтларга бориб тақалади ҳамда инвесторнинг ўз молиявий аҳволи ва фаровонлигини фақат битта компания тақдири билан боғланиб қолишини истамаслигининг натижаси ҳисобланади. Инвестицион менежмент

методологияси эса ўтган асрнинг йигирманчи йилларида акцияларнинг «асл (ҳақиқий)» нархи (fair price) тушунчаси пайдо бўлиши билан шакллана бошлади. Инвесторнинг вазифаси харид пайтида бозор нархи уларнинг ҳақиқий нархидан паст бўлган, нотўғри баҳоланган акцияларни сотиб олиш ҳамда қиммат баҳолаб юборилган қимматли қоғозлардан халос бўлиш ва шу тариқа келажакда максимал фойда олишдан иборат эди. Бу мақсад ҳозирда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Замонавий молиявий портфель назариясига дастлаб Гарри Марковитснинг мақолаларида (1952), сўнгра Вильям Шарп (1964) ва Джон Литнернинг ишларида (1965) асос солинган ҳамда қимматли қогозлар систематик (бозор) ва носистематик риски тушунчаларига асосланган. Қимматли қоғозлар риски (адабиётларда шунингдек, умумий риск атамаси ҳам учраб туради) инвестициялаш даври охирида унинг даромадлари ноаниқлиги ҳисобланади.

Риск қатъий белгилаб қўйилган вақт оралиғи, масалан, ой, чорак, йил ва ҳоказолар учун қимматли қоғозлар даромадлилиги дисперсияси билан ўлчанади. Бошқа таърифларнинг ҳам мавжудлигига қарамай, рискнинг ушбу таърифи энг тарқалган ҳисобланади.

Акцияларнинг систематик ёки бозор риски бу — умумий рискнинг бутун қимматли қоғозлар бозори учун умумий бўлган омилларига боғлиқ қисмидир. Бу қаторга макроиқтисодий кўрсаткичларнинг (ЯИМ, саноатнинг ўсиш тезлиги, солиқлар тўпланиши, фоиз ставкаси, инфляция даражаси ва б.) кутилмаган ўзгаришлари, мамлакатда ёки дунёдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, бозор қатнашчилари психологик кайфиятининг ўзгариши ва ҳоказолар киради. Носистематик ёки хусусий риск бу — умумий рискнинг раҳбариятни алмаштириш эҳтимоли, узоқ муддатли шартномаларнинг мавжудлиги, дебиторлик ёки кредиторлик қарзлари муддатининг ўтказиб юборилиши, молиявий ҳолат кўрсаткичлари каби омилларнинг кутилмаган тарзда ўзгариши билан тавсифланувчи ушбу компаниядаги ишлар ҳолатига боғлиқ бўлади.

Рискларни математик тақсимлашни акциялар даромадлилигини бозор индекси бўйича даромадлилик билан боғловчи чизиқли регрессия тенгламаси асосида амалга ошириш мумкин. Регрессия коэффициенти, деб қимматли қоғозлар бета коэффициентига айтилади ва унинг бозор риски тавсифномаси ҳисобланади. Бозор риски сифатида одатда иқтисодиётдаги иш ҳолатини этарли даражада тўлиқ акс эттирувчи ва бозорнинг турли секторларидаги йирик компаниялар акциялари курсини қамраб олувчи индекс олинади. АҚШда бу мақсадлар учун кўпинча «Standard & Poor's 500" индексидан фойдаланилади. Мамлакатимиз бозори учун бундай индекс сифатида «АК&М» йиғма индекси, «МТ» индекс ёки турли тармоқлар акцияларини танлаб олишни қамраб олувчи бошқа индексни таклиф этиш мумкин. Одатда индексни ҳисоблаб чиқиш учун асос қилиб унинг таркибига кирувчи қимматли қоғозларни капиталлаштириш олинади.

Қимматли қогозлар умумий рискининг хусусий ва хусусий бўлмаган риск кўринишидаги кўриб чиқилган тасаввури ягона эмас. Умумий риск кўпинча

учта таркибий қисмдан иборат, деб кўрсатилади ва бунда учинчи таркибий қисм сифатида компания мансуб бўлган тармоқ риски намоён бўлади. Ва ниҳоят, кўп омилли моделлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Инвестиция портфели учун бета коэффициент унинг таркибига кирувчи қимматли қоғозлар бета коэффициентлари йиғиндисини мос келувчи вазнга (портфель таркибидаги ҳар бир қимматли қоғоз вазни унинг портфелдаги қиймати салмоғини бутун портфель қийматига нисбатига тенг) кўпайтириш йўли билан аниқланади. *Портфелли менежмент нуқтаи назаридан энг қизиқарли хулоса шундаки*, яхши диверсификацияланган портфель хусусий рискка эга эмас, яъни унинг даромадлилиги ўзгариши портфелнинг бета коэффициентига кўпайтирилган бозор индекси даромадлилигининг ўзгаришига тенг бўлади. Бу эса яхши диверсификацияланган портфелнинг хулқ-атвори бозор индексининг хулқ-атворидан фарқ қилмаслигини англатади.

Марковитс қўйган ва ҳал этган асосий вазифа шундай ифодаланган: инвестор қимматли қоғозлар тўпламидан келиб чиққан ҳолда $r$ га тенг даромадлилик олиш истагида. У ўртача $r$ даромадлиликка эга энг кичик умумий рискли портфелни қандай тузиши керак? Бу — намунавий оптимизацион масаладир. Олинган портфель тўпламдаги қимматли қоғозлар риски ва ўртача даромадлилик кўрсаткичлари билан ҳам, улар ўртасидаги ковариациялар билан ҳам белгиланади ҳамда самарали портфель, деб аталади.

Табиийки, бунда $r$ каттароқ қийматига портфелнинг умумий риски каттароқ қиймати мос келади.

Замонавий портфелли менежментни пассив ва актив менежментга тақсимлаш Шарп ва Литнернинг юқорида ёдга олиб ўтилган асарларига, шунингдек, Джеймс Тобиннинг (1958) ишларига бориб тақалади. Тобиннинг қайд этишича, бозор портфели, яъни айни пайтда мавжуд бўлган барча қимматли қоғозлар инвесторлари йиғиндиси самарали ҳисобланади. Бунинг устига, рисксиз активли ҳар қандай бозор портфели комбинацияси кутилаётган даромади камроқ бўлса-да, яна камроқ рискка эга самарали портфелни беради.
Шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, Тобин ўз хулосасини умуман олганда воқеликка тўғри келмайдиган бир қатор назарий тахминлар асосида чиқарган. Хусусан, тахмин қилинганки, бозор мувозанат ҳолатида (яъни барча инвесторлар ўз портфелларини шакллантиришни якунлаган), операцион ва транзакция харажатлари (хизмат кўрсатувчи ходимлар, воситачилар хизматига ҳақ тўлаш, ахборот хизматлари, солиқлар ва б.) жиддий эмас, инвестор бир хил рисксиз ставка бўйича заём олиш ва бериш имконига эга ва ҳоказолар.

Лекин шунга қарамай, бозор портфели самаралига яқинроқ деган ғоянинг ўзи пассив портфелли менежментга асос солди. Ушбу стратегия шуни англатадики, инвестор портфелни тузишда унинг кутилаётган даромадлилигини аниқлаш учун тўлалигича бозор портфелига эътибор қаратади ва портелни тузиб бўлгандан сўнг унинг таркибини ўзгартириш билан кам шуғулланади. Унинг номи шундан келиб ҳам чиққан. Пассив менежмент фалсафаси барқарор даромад олиш кафолати юқори бўлган ҳолда бозорни

тадқиқ қилиш портфелнинг ўзини шакллантириш харажатларини минималлаштиришдан иборат.

Шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, пассив курсга амал қилувчи инвестор вақти-вақти билан ўз портфелини текшириб туриши лозим. Бозор мунтазам ўзгариб туради ва «нафас олади», шу сабабли алоҳида олинган қимматли қоғозлар вазни шунчалик ўзгариши мумкинки, инвесторнинг кутаётган даромади билан бозор портфели даромади ўртасидаги фарқ сезиларли бўлади. Бундан ташқари, бозор портфели даромадлилигини ҳисоб-китоб қилишда вужудга келадиган қийинчиликлар туфайли амалда даромадлилик бозор индексларидан бири асосида ҳисоблаб чиқилади, бу эса бутун бозор хулқ-атворини акс эттирмайди ва айрим хатоликларга сабаб бўлади.

Амалда инвестор ўз портфелини тузишда бирон-бир эталон портфелга *(benchmark portfolio)*, яъни даромади менежернинг реал (ҳақиқий) портфели даромадлилиги билан таққослаганда эталон ҳисобланадиган портфелга йўналтирилади. Бунда эталон сифатида фақат бозор портфелини кўриб чиқиш шарт эмас. Дунёда «индекс» фондлар деб номланувчи ўнлаб инвестиция фондлари мавжуд бўлиб, улар маълум бир белги бўйича танлаб олинган (масалан, биронта инедекс таркибига кирувчи) қимматли қоғозлардан иборат бўлган эталон портфелларга йўналтирилади. Хусусан, битта тармоқ, масалан, энергетика, телекоммуникация ва ҳоказоларда қимматли қоғозларга эга бўлган индекс фондлар мавжуд. Фақат ёш, ўсиб бораётган компанияларнинг қимматли қоғозлари ёки капиталлашув даражаси катта бўлган йирик саноат корхоналарининг тез ўсиб бораётган акцияларига инвестиция киритаётган фондлар ҳам кенг тарқалган. Бир қатор фондлар фақат юқори дивиденд келтирадиган қимматли қоғозларга йўналтирилади. Ва ниҳоят, менежер юқорида ёдга олиб ўтилган тамойилларнинг бирданига бир нечтасига асосланган ўзига хос стилига эга бўлиши мумкин.

**Акциялар портфелини шакллантириш ва унинг даромадлилигини аниқлаш.** Акциялар қатъий белгилаб қўйилган даромадга эга қимматли қоғозлар қаторига кирмайди. Фақат имтиёзли акциялар бундан мустасно бўлиб, улар акциядорлик жамияти олаётган фойда миқдоридан қатъи назар белгилаб қўйилган даромад келтиради, акциядорлик жамияти тугатилган ҳолатда эса имтиёзли акцияларга киритилган маблағлар номинал бўйича биринчи навбатда қайтариб берилади.

Кафолатланган даромаднинг йўқлиги натижасида оддий акциялар билан операциялар самарадорлигини шартли равишдагина башорат қилса бўлади. Шунинг учун ўз капиталини оддий акцияларга киритган инвесторнинг риски облигациялар ёки имтиёзли акцияларга киритилган акциялар рискига нисбатан баландроқ бўлади. Бунда умумий риск деганда, бўлажак даромадларни олишдаги ноаниқликлар, яъни ҳажми башорат қилинган кўрсаткичлардан кичикроқ бўлган даромад олиш ёки зарарнинг вужудга келиш имконияти тушунилади.

Олинадиган дивидендлар ҳажми, шунингдек, харид ва сотув нархи ўртасидаги фарқ акциялар бўйича даромадларни белгилаб берувчи иккита асосий таркибий қисм ҳисобланади.

Акцияларга инвестициялар самардорлигини $(r)$ нисбий катталик шаклида ифодалаймиз, уни қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:

$$r = \frac{P_i - P_0 + d}{P_0} \qquad (5.3.4)$$

бу ерда

$P_0$ - акциянинг харид нархи;

$P_l$ - акциянинг сотув нархи;

$d$ - акцияларга эгалик қилиш давомида олинган дивидендлар.

Акциялар нархига кўплаб омиллар таъсир кўрсатиши мумкин бўлиб, улар орасида тахмин қилинаётган дивиденд тўловлари ҳажми алоҳида аҳамият касб этади. Бошқа омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: акцияни чиқарган корпорацияга ишонч, унинг янада ривожланиши башорати, бозор ссуда фоизи даражаси ва ҳоказолар.

. Акциялар нархини белгилашда иккита тахминнинг биридан келиб чиқилади: жорий йилда $(d_l)$, шунингдек, бир қатор $(d_2, d_j, \ldots, d_t)$ йиллар давомида акциялар бўйича кутилаётган дивидендлар ҳажмини маълум бир эҳтимоллик даражаси билан олдиндан айтиш мумкин;

Акция унинг эгаси ёки меросхўрлар қўлида муддатсиз бўлади, яъни у сотилмайди. Бу ҳолатда $P$ акция ҳисоб-китоб нархини $i$ ставка бўйича уларни капиталлаштиришда (қайта инвестициялашда) берилган даромадлилик даражасида акцияларнинг ҳар йили келтирадиган дивидендлари келтирилган қиймати суммаси сифатида белгилаш мумкин.

Назарий жиҳатдан акция нархи $(P)$ абадий рентанинг замонавий ҳажмига тенг бўлади:

$$P = \sum_{t=1}^{\infty} d_t (l + i)^{-t} \qquad (5.3.5)$$

бу ерда

$d_t$ – $t$ йилда тўланган дивиденд,

$i$ — акцияларни баҳолашда ҳисобга олинадиган фоиз ставкаси. қоидага кўра бу ставка капиталлар бозоридаги ўртача ссуда ставкасига жуда яқин бўлади.

Агар, дивидендлар доимий, яъни $d_t$ $q$ $d_{tq1}$...$q$ $d$ $q$ const, деб тахмин қиладиган бўлсак, унда

$$P = d \sum_{t=1}^{\infty} (l + i)^{-t}$$

Иккита кўрсаткичнинг тенглигини исботлаш мумкин:

$$\sum_{t}^{\infty}(1+i)^{-t}=\frac{1}{i}$$

бундан келиб чиқадики

$$P=\frac{d}{i} \qquad (5.3.6)$$

Шундай қилиб, акцияларнинг назарий нархи улар бўйича дивидендларга тўғри пропорционал ва баҳолашда ҳисобга олинадиган фоиз ставкасига тескари пропорционал бўлади.

Агар $p$ йилдан сўнг акция сотиб юборилади, деб тахмин қиладиган бўлсак, акция нархи сотиш нархи ва дивидендлар оқимининг келтирилган қиймати йиғиндисига тенг бўлади.

$$P=\sum_{t}^{n} d_t(1-i)^{-t}+P_n(1+i)^{-n} \qquad (5.3.7)$$

бу ерда

$P_n$ – акцияни сотиш нархи.

Келтирилган формулалар бўйича акцияларни баҳолаш шартли характерга эга, чунки улар таркибига кирувчи кўрсаткичлар - дивидендлар ва ссуда фоизи даражаси ($i$) — олдиндан айтиб бериш қийин бўлган кўрсаткичлар ҳисобланади.

**Облигациялар асосий тавсифномалари ва уларнинг даромадлилик таҳлили. Облигациялар портфели даромадлилиги.** Облигацияларнинг асосий параметрлари қаторига қуйидагилар киради: номинал нарх; қайтариб сотиб олинадиган нарх, агар у номинал нархдан фарқ қиладиган бўлса; даромадлилик меъёри ва фоизларни тўлаш муддатлари. Фоизларни тўлаш муддати эмиссия шартларида келишиб олинади, тўловлар йилига бир марта, ярим йиллик ёки чораклар бўйича амалга оширилиши мумкин бўлади.

Жаҳон амалиётида облигациялар бўйича даромадларни тўлашнинг бир нечта усулларидан фойдаланилади, хусусан: қатъий белгилаб қўйилган фоиз тўлови ўрнатиш; поғонали фоиз ставкасини қўллаш: фоиз даромади ўзгарувчан ставкасидан фойдаланиш; облигациялар номинал қийматини индексациялаш; облигацияларни уларнинг устига ёзиб қўйилган қийматидан чегирма (дисконт) билан сотиш; ютуқли заёмлар ўтказиш. Қатъий белгилаб қўйилган фоиз тўлови ўрнатиш энг тарқалган усул бўлиб, облигациялар бўйича даромадлар тўлашнинг энг оддий шакли ҳисобланади.

Поғонали фоиз ставкасини қўллашда бир нечта сана белгиланади ва улар тугагач, облигациялар эгаси ёки облигацияларни баҳосини тўлаб қайтариб олиши ёки кейинги сана келгунча қолдириши лозим бўлади. Ҳар бир кейинги даврда фоиз ставкаси ўсиб боради.

Облигациялар бўйича ставка ўзгарувчан бўлиши, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаштириш ставкаси динамикаси ёки ким ошди савдоси орқали жойлаштириладиган давлат қимматли қоғозларининг даромадлилик даражасига мувофиқ мунтазам (ҳар ярим йилда ва ҳоказо) ўзгариб туриши мумкин.

Айрим мамлакатларда инфляцияга қарши чора сифатида истеъмол нархлари индексининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда индексацияланувчи номиналли облигациялар чиқариш йўлга қўйилган.

Айрим облигациялар бўйича фоизлар тўланмайди. Уларнинг эгалари бу облигацияларни дисконт билан (устига ёзиб қўйилган қийматидан чегирма билан) харид қилиши ва номинал бўйича баҳосини тўлаб қайтариб олиш ҳисобига даромад оладилар.

Облигациялар бўйича даромад мунтазам ўтказиб туриладиган тиражлар якунлари бўйича уларнинг эгаларига тегадиган ютуқлар шаклида ҳам тўланиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди объекти ҳисобланар экан, облигациялар эмиссия пайтида номиналга тенг, ундан қиммат ёки арзон бўлиши мумкин бўлган бозор нархига эга бўлади.

Бозор нархлари бир-биридан сезиларли фарқ қилади, шу сабабли уларга таққослашга эришиш учун облигациялар курси ҳисоблаб чиқилади.

Облигациялар курси деганда, 100 та номинал пул бирлигидаги битта облигациянинг харид нархи тушунилади. Облигация курси айни пайтда капитал бозорида мавжуд бўлган ссуда фоизи ўртача кўрсаткичига, баҳосини тўлаб қайтариб олиш муддатига, эмитентнинг ишончлилик даражасига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Облигациялар курси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$P_k = \frac{P}{N}100 \qquad (5.3.8)$$

бу ерда

$Pk$ — облигациялар курси;

$P$ — бозор нархи;

$N$ – облигациялар номинал нархи.

Облигациялар даромадлилиги эмитент таклиф қилган шартларга боғлиқ бўлган бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади. Масалан, улар чиқарилган муддат якунида баҳосини тўлаб қайтариб олинувчи облигациялар учун даромадлилик тўлиқ ва жорий купон даромадлилиги билан ўлчанади.

Купон даромадлилиги - қимматли қоғозда кўрсатилган ва ҳар бир купон бўйича эмитент уни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган фоиз меъёри.

Купон бўйича тўловлар йилига бир марта, ҳар ярим йилликда ёки ҳар чорак ўтказилиши мумкин.

Масалан, облигацияда йилига 11,75 % купон даромадлилиги кўрсатилган.

Облигация номинали 100 минг сўм. Ҳар йил учун иккита купон мавжуд. Бу дегани, облигация ярим йил учун 5,875 минг сўм (100 • 0,1175 • 0,50), бир йил учун эса - 11,75 минг сўм фойда келтиради.

Жорий даромадлилик киритилган капиталга, яъни облигацияни харид қилиш пайтида тўланган суммага тўланувчи йиллик фоизни тавсифлайди.

Жорий даромадлилик қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$i_m = \frac{N \bullet g}{P} = \frac{g}{P_k} 100 \qquad (5.3.9)$$

бу ерда

$g$ -купонлар бўйича даромадлилик меъёри;

$N$ – облигациялар номинал нархи:

$P$ – бозор нархи (харид нархи).

Масалан, агар купон даромадлилиги $gq$ 11,71 %, облигация курси эса - 95,0 бўлса, жорий даромадлилик қуйидагига тенг бўлади:

$$i_m = \frac{11,75}{95} = 12,37\%$$

Шу билан бирга жорий даромадлилик облигацияни сақлаш вақти давомида унинг нархи ўзгаришини, яъни бошқа даромад манбасини ҳисобга олмайди.

Тўлиқ даромадлилик барча даромад манбаларини ҳисобга олади. Тўлиқ даромадлилик кўрсаткичи жойлаштириш ставкаси, деб номланувчи фоиз ставкаси билан ўлчанади. Харид нархига жойлаштириш ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш облигация баҳосини тўлаб қайтариб олинадиган муддатгача бўлган даврда олинадиган даромадга тенг бўлган даромад беради.

Жойлаштириш ставкаси ҳисоб-китоб кўрсаткичи бўлиб, яққол кўринишда қимматли қоғозлар бозорида намоён бўлмайди.

Облигация қиймати иккита кўрсаткич – унинг аннуитетлари ҳозирги қиймати (фоиз тўловлари йиллик тўловлар келтирилган суммаси) ва унинг номинали ҳозирги қийматининг йиғиндисига тенг:

$$P = N \bullet ga_{n,i} + N(1+i)^{-n} = N[ga_{n,i} + (1+i)^{-n}] \qquad (5.3.10)$$

Агар (5.21)дан фойдаланадиган бўлсак, унда

$$P_k = [ga_{n,i} + (1+i)^{-n}] \bullet 100 \qquad (5.3.11)$$

бу ерда

$P$ – облигациянинг бозор нархи:

$P_k$ – облигация курси:

$N$ - облигация номинали:

$g$ - купон ставкаси;

*p* — облигацияни харид қилиш вақтидан уни баҳосини тўлаб қайтариб олишгача бўлган муддат;
*i* - облигацияни сотиш пайт банклар томонидан таклиф этилувчи ссуда фоизи.

**Таянч иборалар:** портфель инвестициялар, портфель инвестициялар даромадлилигини аниқлаш, реал инвестициялар, молиявий инвестициялар, Марковитс назарияси, акциялар портфелини шакллантириш ва унинг даромадлилигини аниқлаш, облигациялар портфели даромадлилиги.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. Реал ва молиявий инвестицияларга таъриф беринг.
2. Марковитс назариясига таъриф беринг.
3. Акциялар портфелини шакллантириш ва унинг даромадлилигини аниқлашни тушунтиринг.
4. Облигациялар портфели даромадлилиги қандай аниқланади?

# ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТДАГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

## Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи инвестиция фаолиятини стратегик ривожлантиришда фаровон инвестиция муҳитининг ўрни, экспорт салоҳияти, рақобатбардошлик ва кластер

Мустақилликка эришганимиз туфайли давлатимизнинг тизимли саноат сиёсати миллий иқтисодиётимизни диверсификация ва модернизация қилишга, ҳамда унинг рақобатбардошлигини кўтаришга, етакчи тармоқларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, уларга хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни жадаллаштиришга, жумладан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ўстиришга ҳам қаратилгандир. Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида: «Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади», деб таъкидлайдилар[22].

Хом ашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш енгил саноатни ривожлантиришнинг янги стратегиясини янада шакллантиришга ёрдам берди. Охирги йилларда тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурли ҳужжатлар тармоқ ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига кучли туртки бўлди. Мазкур қарорларни амалга ошириш сезиларли даражада хорижий инвестицияларни жалб қилишга ҳам катта ёрдам

[22] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил.

берди. 1995 йилдан то ҳозирги давргача тармоққа 3,1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Фақат охирги йилларнинг ўзидагина Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Корея Республикаси, Япония, Сингапур, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокида 200 тадан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди[23].

Пахта толасини қайта ишлашдан то тайёр маҳсулотгача бўлган тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини қамраб олган юқори технологияли замонавий тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Агар 1994 йилда хорижий капитал иштирокида атиги 3 та корхона фаолият юритган бўлса ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари нисбий улуши 2 % атрофида бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса, уларнинг сони 200 тадан ошди ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари нисбий улуши 80 %дан кўпроқни ташкил этди. Бутун дунёга машҳур хорижий компаниялар билан ҳамкорлик, тармоққа энг илғор ва юқори самарадорликка эга технологияларни тадбиқ этиш ўзининг натижаларини берди. Дунё тўқимачилик бозорида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг иштироки кенгаймоқда, енгил саноат юқори қўшилган қийматли маҳсулот экспорти оламида етакчилардан бири бўлмоқда. Агар 1994-1996 йилларда фақат бўз газламалар ва пахта ип-калава экспорт қилинган бўлса, 2003 йилда ассортимент янги турдаги маҳсулотлар билан тўлди, яъни: момиқ сочиқлар, трикотаж полотноси; 2010 йилга келиб эса экспорт номенклатурасини гилам ва гилам маҳсулотлари, тикув-трикотаж буюмлари тўлдирди. 2016 йилда экспорт кўрсаткичлари 1100 миллион доллардан ошди, 2017 йилда эса 1200 миллион долларга етди. Бугун саноат кенг экспорт ассортиментлари билан, яъни толадан то тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари билан намоён бўлмоқда. Экспорт тузилмасига тўқимачилик маҳсулотларининг янги турлари киритилди, улар: бамбук, модал ва аралаш толалар, янги тур, модел, расм ва тўқилишдаги тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари. 2017 йилда экспорт кўрсаткичлари 1 млрд. долларидан ошган (1994 йилда эса бу кўрсаткич атиги 7 млн. долларига тенг бўлган), 260 тадан ортиқ корхона чет элга маҳсулот етказиб берганлар. 2017 йилнинг якунига кўра, экспорт ҳажмида юқори қўшилган қийматли товарлар улуши 40 %дан ошди ва тўхтовсиз ўсиб бормоқда[24].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон табиий тўқимачилик толалари, пахта газламалар ва трикотаж ишлаб чиқариш бўйича жаҳон ишлаб чиқарувчилари қаторига қўшилди. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг баҳолашига кўра, охирги йилларда енгил саноат ва тўқимачилик тармоғида катта ўзгаришлар рўй берди, яъни: пахта толасини ички қайта ишлашга ўтиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўтариш, экспортни кенгайтириш ва хорижий инвесторларни жалб этиш ишлари янада жадаллашаяпти. Енгил саноат тармоғи ҳар доим Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг истиқболли тармоқлари қаторида бўлган. Бугунги кунда ушбу

---

[23] www.uztex.uz.

[24] "Ўзбектўқимачиликсаноат" Уюшмасининг 1994-2018 йиллар учун статистик маълумотлари.

саноат тармоғи ишчи ўринларини тақдим этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича етарли юқори позицияни эгаллаяпти. 2014 йилдан бошлаб то 2017 йил бошигача тармоқда 12800 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ушбу саноат тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамда саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажми даражаси бўйича ҳам кўрсаткичлар юқоридир. 28 йил мустақиллик даври мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти енгил саноатининг роли сезиларли даражада ўсди ва унинг ЯИМдаги улуши 3,8 %ни, саноат маҳсулотлари ҳажмида – 26,2 %ни, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида - 44 %дан юқорига тенг бўлди. Юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўртача 45 %ни ташкил этди. 2017 йил бошида эса енгил саноатда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми $ 2.5 млрд. долларга етди. Охирги йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси ўз корхоналарини техник ва технологик йўналтирилган ишларни амалга оширишга, яъни: корхона экспорт салоҳиятини ошириш, тармоқни ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш, модернизация ва техник қайта қуроллантиришга сафарбар қилди. Натижада, тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш ва модернизациялаш борасида жами механизмнинг яхшиланиши ва такомиллашиши давом этмоқда. Бугунги кунга келиб, уюшма тузилмасига кирувчи барча корхоналар юқори технологик ускуналарда ишлаяпти, ҳисоб-китоб усуллари ҳам автоматлаштирилган, рационал транспорт йўналишлари ва керакли кўп аспектли натижа берувчи кўп бошқа тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. 2017 йилда корхоналарнинг салоҳиятини сезиларли даражада кўтарган 28 та йирик лойиҳалар амалга оширилди. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда 560 минг тн. тола, 101 минг тн. трикотаж полотно, 85 млн.жуфт чулки-носки маҳсулотлари, 410 млн. дона тайёр маҳсулотлар ва 480 минг кв.м. тайёр газламалар ишлаб чиқариш бўйича 28 та янги технологик линиялар ишга туширилди.

**1-жадвал.**

**2017-2021 йиллар учун тармоқни ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари**

| | | |
|---|---|---|
| Лойиҳалар сони | та | 140 |
| Жумладан:<br>- янги лойиҳалар<br>- модернизация ва кенгайтириш | <br>та<br>та | <br>123<br>17 |
| Лойиҳаларнинг умумий қиймати | млн.долл. | 2287,2 |
| Экспорт салоҳияти | млн.долл. | 1514,4 |
| Яратилаётган ишчи ўрни | та | 27545 |

Манба: жадвал "Ўзбектўқимачиликсаноат" Уюшмасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати 2.2 млрд. долларни ташкил этди, экспорт салоҳияти эса 1,4 млрд. долларни ташкил этди. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига ушбу ишлаб чиқаришларда 12800 та янги ишчи ўринлари

ташкил этилди. Ўзбекистон учун тўқимачилик саноати салоҳиятини ривожлантириш зарурий стратегик йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакат мавжуд тўқимачилик хом ашёсидан янада юқори қўшилган қийматли маҳсулот якуний турларини ишлаб чиқариш ва самарали ишлов бериш учун барча имкониятларга эга ҳамда шу пайтгача пахта толасини деярли сезиларли ҳажмда экспорт қилишни ҳам давом эттираяпти. Жаҳон бозорида пахта толасига талабнинг кескин тушиб кетиши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ушбу хом ашё ҳукмронлигидан қутилишга ёрдам берувчи сифатли тузилмавий қайта ўзгартиришларга курс олинди. 2000-йиллар бошидан пахта толаси экспорти ҳажми доим пасайиб борган, пахта толасини кўп қисми мамлакат ичкарисида келгусида қайта ишлаш учун қоларди. 2020 йилгача 3 миллион 350 минг тоннадан то 3 миллион тоннагача пахта толасини ишлаб чиқариш ва давлатга сотишни босқичли қисқартириш кўзланган. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, пахта толасини бундай ҳажмда ишлаб чиқариш бир томондан, авваламбор, тўқимачилик ва енгил саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлайди, бошқа томондан эса - республиканинг пахта толасини етказувчи ва унинг жаҳон бозоридаги хосилалари сифатидаги мустаҳкам позициясини сақлаб қолади. Ҳозир мамлакатда 30 %га яқин пахта шахсий етиштирилиб қайта ишланмоқда. Истиқболда пахта саноатини модернизациялаш Дастурига мувофиқ, пахта толасини ички қайта ишлаш ҳажми ҳозирги даврдаги 44 %дан 2020 йилгача 70 %гача кўпайиши ҳамда шунга мос равишда тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 800 млн. доллардан то 1,5 млрд. АҚШ долларигача ўсиши назарда тутилмоқда. Яқин келажакда пахта толасини экспорт қилишдан ҳам воз кечиш вазифаси қўйилди. Шу ўринда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари 55 тадан ортиқ давлатга етказиб берилаётганини таъкидлаш зарур.

2017 йилда Колумбия, Бразилия, Сальвадор, Покистан, Грузия, Хорватия, Нигерия каби таъминотнинг янги бозорлари ўзлаштирилди. Таъминотнинг ички бозорларини диверсификациялаш ва маҳсулот экспорти номенклатурасини кенгайтириш мақсадида корхоналар Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия, Беларуссия, Латвия, Туркия каби давлатларда халқаро махсус кўргазма-ярмарка ишларида иштирок этдилар.

**2-жадвал.**

**2012-2017 йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналарининг маҳсулот экспорти ҳажми динамикаси**

| Кўрсаткичлар | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | Прогноз 2020 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Экспорт ҳажми, млн.долл. | 705,3 | 825,0 | 861,9 | 1013,4 | 1200,0 | 1400,0 | 1500,0 |
| Ўсиш суръати, % | 106,8 | 116,9 | 104,5 | 117,6 | 118,4 | 116,7 | 107,1 |

Манба: жадвал "Ўзбектўқимачиликсаноат" Уюшмасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал таҳлилидан охирги йилларда экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажми тез суръатларда ўсаётганини кўриб турибмиз: 2012 йилда 705,3 млн. долл., 2013 йилда 825 млн. долл., 2014 йилда 861,9 млн. долл., 2015 йилда 1013,4 млн. долл., 2016 йилда 1200 млн. долл., 2017 йилда эса 1400 млн. долларга тенг бўлди, яъни 2012 йилга таққосласак 2 баробардан кўпга ўсди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб, спорт кийимлари ишлаб чиқаришни белгилади. Шунга мувофиқ, тармоқ корхоналарида болалар спорт кийимлари дизайни ишлаб чиқилди ва уни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2017 йил якунларига кўра, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмлари 190,8 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди, яъни 2016 йил билан таққослаганда 12,2 %дан кўпроққа тенг бўлди. Агар стратегик танлов омилларини кўриб чиқадиган бўлсак, хом ашё экспорт қилишдан тайёр маҳсулот экспорт қилишга ўтиш енгил саноатни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди. Иқтисодий сиёсатнинг стратегик йўналишлари сифатида тўқимачилик тармоғини танланишини қуйидаги асосий омиллар билан тушунтириш мумкин: 2016 йил якунларига кўра тўқимачилик саноатининг ЯИМдаги ҳажми 3,8 %га тенг бўлди [3]. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, тўқимачилик тармоғи жисмоний ҳажми индекси 2017 йилда 144,5 %гача ўсди. Тармоқда жами республика саноатидаги ишчиларнинг учдан бир қисми фаолият кўрсатадилар (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**2017 йилда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устуворликлари Дастури**

| Саноат тармоқлари | Лойиҳалар қиймати (млн. долл.) | Тузилма |
|---|---|---|
| Жами: | 47261,5 | 100,0 |
| Нефть-газ | 28562,1 | 60,4 |
| Транспорт ва инфраструктура | 577,4 | 1,2 |
| Энергетика | 5470,6 | 11,6 |
| Химия | 2867,1 | 6,1 |
| Металлургия | 3065,7 | 6,5 |
| Тўқимачилик саноати | 1186,2 | 3,8 |
| Машинасозлик | 1458,6 | 3,1 |
| Қурилиш материаллари саноати | 534,8 | 1,1 |
| Бошқа тармоқлар | 3539 | 6,2 |

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Хом ашё экспортидан тайёр маҳсулотни экспорт қилишга қайта йўналтириш енгил саноат ривожланишининг истиқболга йўналтирилган янги стратегиясини шакллантиришга ёрдам берди. Тўқимачилик саноати юқори капитал сиғимли тармоқлардан фарқли ҳолда меҳнат ресурсларида аҳамиятли улуш жалб қилишни талаб қилади.

Иқтисодий Тадқиқотлар Марказининг ҳисоб-китобларига кўра, тўқимачилик саноатига жалб қилинган 1 млн. доллар инвестициялар 45 тадан

то 50 тагача қўшимча иш ўринларини бунёд этишга қодир экан. Тўқимачилик саноатининг тезкор ривожланиши бандлик муаммосини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради. Жаҳон бозорида пахта толасига талабнинг тушиши натижасида, унинг ўрнига тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорга экспорт қилиниши экспорт тушумини 2 баробаргача, тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари экспорти тушумини эса 4 дан то 20 баробаргача ошишига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш ҳажмларини юқори суръатларга кўтариш ва тўқимачилик маҳсулотларининг ташқи бозорга экспорт қилиниши учун нафақат маҳаллий хом ашё базамиз, балки арзон ишчи кучимиз ҳам мавжуддир. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини кўтариш нафақат давлат бюджетини сезиларли даражада тўлдирибгина қолмай, балки фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам омил бўлади.

Барча ушбу омиллар тўқимачилик тармоғини бошқа тармоқлардан нафли ҳолда ажратади ва уни иқтисодий ўсиш суръатларини сезиларли ошириш учун муҳим стратегик инструмент қилиб кўрсатади. Бироқ пахта толасидан келадиган валюта даромадлари узоқ ўн йиллар давомида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим бўлган валюта тушумларини таъминлаб берди. Пахта толасини сотишни қисқартириш билан боғлиқ уларнинг қисқариши тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари сотишдан келадиган валюта тушумлари ҳисобига қопланиши керак.

Агар ташқи бозорда хом ашё сотиш одатда жаҳон нархлари тушишидан ташқари махсус қарама-қаршиликларга юз келмаса, у ҳолда тўқимачилик маҳсулотлари тайёргарлигининг юқори даражасида кучли рақобат кузатилади. Шунга мувофиқ, маҳаллий тўқимачилик секторидан ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини сезиларли ўсиши талаб этилади.

Ўзбекистоннинг енгил саноати етакчи ва тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йилда мамлакат жами саноати ҳажмида бу тармоқ 26,2 %ни эгаллади, унинг ЯИМдаги улуши 3,8 %ни, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида - 44 %дан юқорига тенг бўлди. Охирги йилларда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши тахминан 18 %га, экспорт эса — 10 %га тенг бўлди. Тармоқ корхоналарининг йиллик қуввати 480 минг тонна тола, 290 млн. кв. м. пахта толали газламалар, 101 минг тонна трикотаж полотноси, 275 млн. дона тикув-трикотаж буюмлари, 53,1 млн. жуфт чулки-носки маҳсулотлари, 2,1 минг тонна ипакли ипларни ташкил этади. Шунингдек, корхоналар медицинага доир товарлар, нотўқима материаллар, пахта маҳсулоти, махсус ишчи ва форма кийимлари, момиқли буюмларни ҳам ишлаб чиқармоқда. 2016 йил ҳолатига кўра, енгил саноат корхоналарининг умумий сони 6896 тага тенг бўлди, улардан 50 %га яқини маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) шаклида намоён этилди. «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси 453 тага яқин тўқимачилик, тикув ва трикотаж корхоналарини бирлаштирган. Улардан 138 та компания Жанубий Корея, Ҳиндистон,

Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби давлатларнинг хорижий инвесторлари иштирокидаги компаниялардир. Шунингдек, «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси таркибига «Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги бўйича агентлик» МЧЖ, «Шарқ либослари» дизайн-маркази, «Енгилсаноатқурилиш» МЧЖ, «Ўзенгсанлойиҳа» Давлат лойиҳа институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Табиий толалар ўзбек илмий-тадқиқот институти каби тузилмавий бўлинмалар ҳам киради. Компания корхоналарида 74 мингдан ортиқ кишидан ишлайди, улардан 70 %ини аёллар ташкил этади. Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилдан то 2017 йилгача тармоқ маҳсулотларининг энг кўп қисмини ишлаб чиқарувчи «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси (собиқ «Ўзбекенгилсаноат» Акциядорлик Компанияси) корхоналари бўйича 2,6 баробарга ўсди.

Ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 тадан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда. МДҲ давлатлари, биринчи ўринда Россия, шунингдек, Лотин Америкаси давлатлари, ЕИ, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Эрон, Исроил, АҚШ каби давлатлар асосий экспортчи бозорлар бўлиб ҳисобланади. 2016 йилда таъминотнинг янги: Покистан, Грузия, Хорватия, Нигерия ва қатор бошқа бозорлари ўзлаштирилди. Россия ва МДҲ давлатлари ўзбек тўқимачилик корхоналари маҳсулотларининг энг йирик импортерлари бўлиб саналади. Уларнинг улушига 51 %дан кўпроқ маҳсулот стказиб бериш тўғри келади, 21 %и Жанубий Осиё, 12 %дан ортиғи — Европа, 8%и — Яқин Шарқ ва Африка давлатларига экспорт қилинмоқда. 2016 йилда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорт кўрсаткичлари 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Бугун хорижда 40 тага яқин Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг савдо уйлари мавжуд. Корхоналар маҳсулот экспорт номенклатурасини кенгайтириш мақсадида тармоқлар Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия, Беларуссия, Латвия, Туркия каби давлатларда халқаро махсус кўргазма-ярмарка ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Охирги 3 йилда Ўзбекистон тўқимачилик тармоғига хорижий инвестицияларни жалб этиш 575,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 80 %дан ортиғи Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби давлатларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Тўқимачилик тармоғида пахтадан юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқариш занжирида энг кўп ўсиш суръати тайёр трикотаж ва тикув буюмлари тикиш соҳасига тўғри келаяпти. Тўқимачилик тармоғининг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда 2017-2019 йиллар учун тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини келажакда ривожлантириш Дастури чора-тадбирлари амалга оширилди. Дастурга мувофиқ, 2020 йилга келиб, ишлаб чиқаришда: пахта толаларни - 2,5 баробарга, тайёр газламаларни - 2,8 баробарга, ипак газламаларни — 2,7 баробарга, нотўқима материалларни — 1,5 баробарга, трикотаж полотнони — 2,7 баробарга кўтариш режалаштирилаяпти. Тикув буюмларни - 3,2 баробарга, трикотаж буюмларни - 2,1 баробарга, ипак хом ашёни ишлаб чиқариш - 2,1 баробарга кўтариш режалаштирилмоқда. Агар 2011 йилда газламалар ишлаб

чиқариш ҳажми 85,63 млн. кв. метрга тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 459,2 млн. кв. метрдан ошади. Ўсиш 5,4 мартага тенг бўлади, деб прогноз қилиш мумкин.

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим тартибга солувчи дастак сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишларининг принципиал йўналиши бўлиб, тармоқнинг имиджи ва фаровон инвестиция муҳитини шакллантириш ҳисобланиши керак.

Таъкидланган йўналишлар бўйича ўз фаолиятини амалга ошириши учун Уюшма қуйидаги чора-тадбирлар мажмуасини ўтказиши мақсадга мувофиқлигини қайд этиш мумкин:

- тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатининг асосли тамойилларини шакллантириш;
- инвесторларни рағбатлантиришнинг тамойил ва ёндашувларини ишлаб чиқиш;
- инвестиция рискларини суғурталаш тизимини яратиш;
- тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни қонуний йўл билан қўллаб-қувватлаш;
- инвесторлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини белгилаш;
- хорижий инвесторларга кафолатлар тақдим этиш;
- инвестиция фаолияти ҳақидаги ахборот хабарларини таъминлаш.

Инвестицияларни жалб этишга қизиқиш ҳам қонуний тартибда, ҳам «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг аниқ инвестор компаниялари билан махсус битимлари доирасида белгилангандек имтиёз ва кафолатлар тизимини яратишни талаб этади.

Инвестициялашнинг махсус рағбатларини шакллантиришда инвесторлар томонидан қуйидаги: экспорт, импорт, бандлик ҳамда мулкдаги улуш бўйича каби қатор шарт ва чекловларни бажаришни ҳисобга олиш муҳим саналади.

Миллий иқтисодиётнинг алоҳида секторларини ривожлантириш устуворлигига мувофиқ туртки бўлувчи механизмларни ягона пакетга бирлаштириш муҳим аспект бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, юқорида айтилган инструментлардан фойдаланиш, нафақат фаровон инвестиция муҳитини шакллантиришга, балки янада самарали молиялаштириш манбаларини излашга йўналтирилган, шу билан бирга, енгил саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш, табиий ҳамда илмий салоҳиятдан максимал фойдаланишга йўналтирилган «Ўзбектўқимачиликсаноат» Уюшмаси инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштиришга ҳам ёрдам беради.

Агар тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида *рақобатбардошликни* таҳлил қилсак, тўқимачилик тармоғининг ривожланишдаги яққол тараққиётига қарамасдан, мамлакат иқтисодий ўсишида унинг ҳиссаси ҳозирча мавжуд салоҳиятидан сезиларли даражада пастроқдир. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган 50 %гина тола ички истеъмолга қолгани учун тўқимачилик

корхоналарига етказилаётган пахта толаси ҳажми республикада мавжуд қувватлардан паст бўляпти. Шунинг учун замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш имкониятлари ҳам тўлиқ эмас. Пахта толасини ички бозорда сотувчининг монопол ҳолати сақланиб қолмоқда. Шу сабабли пахта хом ашёси ва пахта толасини қайта ишлаш паст даражада ташкил этилган. Тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказишда пахта толасини навли типларга тақсимлаш мавжуд эмас. Юқори сифатли навдаги пахта толасига чегараланган рухсат кузатиляпти. Ип-калава таркибида навли пахта толасининг нисбий улуши тўғри мутаносиб бўлиши керак, кўп ҳолатларда иқтисоддорликда ва сифатда харажатларга олиб борувчи ўрта навли тола ёки аксинча юқори навли тола устун бўляпти. Бунинг натижасида паст сифатли газлама ва полотнолар ишлаб чиқариляпти. Республика тикувчилик саноатида рақобат ривожланишининг етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатувчи фойданинг юқори меъёри сақланиб қолмоқда.

Хом ашёни қайта ишлашнинг даражаси пастлиги натижасида Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулоти экспорти сезиларли даражада эмас. Агар 2016 йилда республика тўқимачилик маҳсулоти экспорт ҳажми 1 млрд. 146,5 млн. АҚШ долл.га тенг бўлган бўлса, Хитой - 104,6 млрд. АҚШ долл.га, Туркия — 10,9 млрд. АҚШ долл.га, Ҳиндистон — 16,2 млрд. АҚШ долл.га, Бангладеш — 1,76 млрд. АҚШ долл.га, Покистан — 7,68 млрд. АҚШ долларга ўз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган. 2012-2016 йилларда тўқимачилик тармоғининг экспорти ўсиши (пахта толасини ҳисобга олмаганда) 132,5 %га тенг бўлди. 2016 йилда товар маҳсулотлари умумий ҳажмида экспорт улуши 40 %га тенг бўлди. Натижада, Ўзбекистоннинг улуши жаҳон миқёсида пахта толасини ишлаб чиқаришда 3,6 % бўлишига қарамасдан, унинг жаҳон миқёсида газлама, полотно, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришдаги улуши янада камроқни ташкил этади[25].

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, тўқимачилик тармоғида пахтадан юқори *қўшилган қийматли ишлаб чиқариш занжирида* энг *кўп ўсиш суръати* тайёр трикотаж ва тикув буюмлари тикиш соҳасига тўғри келяпти. Агар ички бозорда 1 кг пахта толаси 1,6 доллар турса, ундан чиқарилган тайёр тикувчилик буюмлари – 3,5 доллар, трикотаж маҳсулоти эса – 2 долларга яқин нарх туради (2017 йил нархига кўра).

«Қўшилган қийматни ўстириш занжири»да анча сезиларли узилиш билан газламалар ишлаб чиқариш ўз ўрнини эгаллайди. 2012 йилдан то 2017 йилгача пахта толали газламалар ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 баробарга кўтарилди; қўшилган қийматнинг ўсишини камроқ ўзига жамлаган трикотаж полотно ишлаб чиқариш эса мос равишда 2 баробарга кўтарилди. Бу кўпроқ инвестицияларнинг энг кўп қисми камроқ риск муносабати билан трикотаж *полотно ишлаб чиқаришга йўналтирилгани* ва талаб этилган *капитал* қўйилмаларнинг пастроқ ҳажмлари билан боғлиқ.

Бундан ташқари хориждан замонавий машина ва ускуналар етказиб беришнинг ушалиб қолишига сабаб бўлаётган енгил саноат соҳасида яққол

---

[25] "Ўзбектўқимачиликсаноат" Уюшмасининг 1994-2018 йиллар учун статистик маълумотлари.

инженер-техник кадрларнинг етишмаслиги мавжуд. Бу эса хорижий инвесторларга сезиларли даражада солиқ преференциялари мавжудлигига қарамай, енгил саноатга паст суръатларда тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишида ўз аксини топаётган ўрнатилган жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш эса паст даражада турибди. Юқорида баён этилган тўқимачилик секторидаги ишлар тартиби ҳам тўқимачилик маҳсулотлари бозорида, ҳам маҳаллий текстилчилар позициясида ўз аксини топган. Ваҳоланки бу позициялар умуман фойда келтирмайди.

Пахта толасини маҳаллий бозорга етказиб бериш монополияси ип-калава қиймати ошишига олиб келди. Ўзбекистонда сифат бўйича энг яхши 15 % рентабеллик билан ишлаб чиқарилган ип-калаванинг нархи жаҳон нархларига тенг бўляпти. Бироқ маҳаллий тикувчилик фабрикалари бир қатор сабабларга кўра жаҳон нархлари бўйича сифатли ип калавани сотиб олишга тайёр эмаслар. Ускуна ва машиналарнинг кўп қисми эскирган бўлгани учун юқори сифатли ип-калавадан ҳам юқори сифатли газлама чиқариш мумкин эмас, янги ускуналарни сотиб олиш учун эса хусусий маблағлар етарли эмас. Шунинг учун маҳаллий тикувчилик фабрикалари ҳеч бўлмаса 5-10 % даражада рентабелликни ушлаб турувчи, паст сифатли, арзон газлама ва полотнолар ишлаб чиқаришга мослаштирилганлар.

Маҳаллий тикувчилик-трикотаж фабрикалари мураккаб бўлмаган тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича сегментларни эгалладилар (носки, турси, майка, тўшак бельё, мебель учун тўшама ва тўрлар), бу сегментда маҳаллий паст навли газламалар арзонлиги сабабли маҳсулот рентабеллиги баланд ва 10-25 %ни ташкил этади. Шу билан бирга бозорнинг юқори сифатли шим, джинси, юбка, костюм, пальто, куртка, плашь каби сегментлари импорт маҳсулотлари билан тўлдирилган.

Амалда ҳеч бир маҳаллий ишлаб чиқарувчи мазкур янада сиғимлироқ бозорларга киришга қарор қила олмаяпти, негаки бунинг учун янада замонавий ускуналар, менежмент, ISO сифатини бошқаришнинг жаҳон тизимини тадбиқ этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, юқори малакали инженер-технологларни жалб этиш талаб этилади. Масаланинг ечимини топиш - тўқимачилик тармоғи ривожланиши муаммоларини ечиш, қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берувчи тармоқнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Хом ашё ички бозорида пахта заводлари пахта хом ашёсини бевосита фермерлардан, тўқув- тикув корхоналари эса бевосита пахта толасини пахта заводларидан сотиб олишлари асосида рақобатбардошликни ривожлантириш зарур. Ишлаб чиқаришни нафақат вертикал интеграциялаш ва кластерлаш, балки тўқимачилик ва кийим бозорларида рақобат даражасини кўтариш учун газлама, полотно, тикувчилик-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида кўп қиррали ва ўзаро рақобатлаша оладиган холдингларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, юқори сифатли кийимларни ҳам экспорт, ҳам ички бозор учун тикишга мўлжалланган юқори сифатли газлама ва полотнолар ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёси ва пахта толасини қайта ишлаш сифатини ошириш

бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш лозим. Кадрларни тайёрлаш соҳасида республикамиз ҳудудларида чет эл олий ўқув юртларининг янги филиалларини очиш ҳамда чет эл олий ўқув юртларига ёш кадрларни жўнатиш ҳисобига кадрлар тайёрлаш квоталарини ошириш даркор.

Тўқимачилик саноатида *кластер* тизимини қўллаш - Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг янги брендларини яратиш асосидир. Мудофаа саноатига тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлган йирик «Норм Лтд.» турк компанияси Ўзбекистонда қўшма бренд ишлаб чиқаришни режалаштирган. «Норм Лтд.» компанияси ўзининг маҳсулотларини нафақат Туркия, балки АҚШ, Ҳиндистон ва Буюк Британия қуролли кучлари қисмларига сотяпти. Бу компания Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни яратишда ўзининг уникал технологияларидан фойдаланишни мўлжаллаган. Янги қўшма корхонанинг очилиши экспортни диверсификация қилишга ва қўшни давлатлар саналган - Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистан ва Афғанистон каби давлатлар бозорларида мустаҳкам жой эгаллашга ёрдам беради. Янги маркировка тўқимачилар учун ҳозирга мавжуд «*Made in Uzbekistan*» маркасини ўрин алмаштириши мумкин. Тармоқ мутахассислари бизнинг корхоналаримизни бир ягона марка остида ўзаро бирлаштиришга ёрдам беришни режалаштиряпти. Бу уларга экспорт етказиб беришда преференцияларга умид қилиш имкониятини беради. Ҳозир мутасадди ташкилотлар янги маркировка учун конкрет мезонларни ишлаб чиқмоқдалар. Uztextile маркировкасини яратиш маҳсулотнинг Евроиттифоқ, АҚШ, Япония и Жанубий Корея бозорларида қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда мос келишини англатади.

***Downstream***дан ***upstream***гача. 2017-2020 йилларда 10та пахта-тўқимачилик кластерлари яратилиши режалаштирилган. Бизнинг мамлакатимиз пахта-тўқимачилик кластерлари тизими киритилди. Биз ҳар доим текстиль секторида downstream — тола, газлама, тайёр буюмлар тизими кетаётганини таъкидлардик. Бугун эса текстиль секторида upstream тизими кетади, яъни биз пахта толасини ҳам етиштириш ҳам ишлаб чиқариш тизимини яратамиз. Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида 3 та кластер яратиш бўйича лойиҳалар амалга ошириш босқичида турибди, яна 7 та лойиҳа яқин орада йўлга қўйилади. 2017 йилда режаланган (KITECH) Корея саноат технологиялари институти томонидан Тошкентда тўқимачилик технопаркини яратиш бўйича ҳам ишлар амалга ошириляпти. Бунда корейс томони технологик ва лаборатория жиҳозларини етказиб бериши, ўзбек томони эса етказиб бериладиган жиҳозлар божхона шаффофлигини таъминлаши назарда тутилган.

Фикримизнинг яққол хулосаси сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилиш қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатмоқда:

1. 2016-2020 йиллар учун тармоқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида пахта толасини ички қайта ишлаш 849.4 минг тоннага ўсади; маҳсулотлар экспорти 2,5 млрд. долларига кўпаяди; 947, 0

млн.долларлик хорижий инвестициялар жалб қилинади; ички қайта ишлаш улуши 2 баробарга ўсади; 27,0 мингта янги ишчи ўринлари яратилади.

2. 2020 йилгача келгусида ип-калавани қайта ишлаш 85,3 %га тенг бўлади.

3. Енгил саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини айирбошлашга келгусида тармоқни ривожлантириш учун тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш Дастури мавжуд.

4. Маҳсулот ва хизмат экспорти ҳажмларини ошириш.

5. Тузилмавий қайта ўзгаришларни давом эттириш сифатида – республикада етиштирилаётган пахта толаси ва ипакни аниқлаштирилган босқичли Президент схемаси бўйича энг охирги истеъмол учун, яъни тайёр маҳсулотгача янада чуқур қайта ишлашни таъминлашни йўлга қўйиш.

6. Шунингдек, ривожлантириш стратегияси доирасида ишлаб чиқариш қувватларини: бўялган тола бўйича - 3 баробарга, трикотаж полотно бўйича – 1,5 баробарга, тайёр газламалар бўйича – 2 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари бўйича - 3 мартага, чулки-носки маҳсулотлари бўйича эса - 2 мартага кўтариш назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, истеъмол бозорини тўйинтиришга ёрдам беради.

7. Саноат ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида тайёр маҳсулот улушини кўтаришни 70 %гача етказиш режалаштирилмоқда.

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ташрифи давридаги инвестицион келишувлар:***



***2018 йилда республикада амалга оширилаёган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластер лойиҳалари ҳолати:***

***Лойиҳаларни амалга ошириш асослари:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978 сонли ва 15 сентябрдаги ПҚ-3279 сонли қарорлари асосида Бухоро вилоятида "БСТ кластер" ва Сирдарё вилоятида "BEK Cluster" лойиҳалари;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285 сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53 сонли қарори.

***Лойиҳалар томонидан амалга оширилган ишлар:***




*Хорижий тажриба: Туркия, Исроил, Бразилия ва АҚШ*

| Худудлар номи | Пахта тўкимачилик ишлаб чикариш ва кластерлар бўйича | | |
|---|---|---|---|
| | пахта учун ажратилган ер майдонлари | | корхоналар номи |
| | минг га | республикага нисбати (фоизда) | |
| **Жами республика бўйича** | **156,8** | **14,6** | |
| Коракалпогистон Республикаси | 11,0 | 12,6 | "Бостон кластер" МЧЖ |
| Андижон вилояти | 18,7 | 22,8 | "Хантекс" МЧЖ, "Digital Prime Textile" МЧЖ |
| Бухоро вилояти | 7,5 | 7,5 | "BCT Cluster" МЧЖ |
| Жиззах вилояти | 3,5 | 4,2 | "Хаётбек текстиль" МЧЖ |
| Кашкадарё вилояти | 10,5 | 7,5 | "Ғузор Текстиль Импекс" МЧЖ |
| Навоий вилояти | 33,3 | 100,0 | "Бахт текстиль" МЧЖ, "Навбахор текстиль" МЧЖ |
| Наманган вилояти | 9,8 | 15,0 | "Textile Finance Namangan" ХК |
| Самарканд вилояти | 7,1 | 9,0 | "Мароканд Сифат" МЧЖ |
| Сурхандарё вилояти | 12,8 | 16,2 | "Ғузор Текстиль Импекс" МЧЖ, "Шеробод текстиль инвест" МЧЖ |
| Сирдарё вилояти | 14,0 | 18,1 | "BEK Cluster" МЧЖ |
| Тошкент вилояти | 12,7 | 16,8 | "Abc Oqqo'rg'on Agro Classter" МЧЖ |
| Фаргона вилояти | 6,2 | 7,4 | "Рус Ўзбектекс" МЧЖ |
| Хоразм вилояти | 9,2 | 10,9 | "Textile Finance Xorazm" ХК |

## *Яратилган шароитлар*:*

- Гўзанинг селекция навларини мустакил равишда жойлаштириш хукуки
- Фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар асосида кишлок хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, ёкилғи-мойлаш ва бошка материалларни харид килиш тартибларини татбик этиш
- Импорт килинадиган техника, минерал ўғитлар ва бошка материалларга божхона ва солик имтиёзлари кўлланилиши
- Пахтадан олинган чигитни кайтариш асосида ёғ-мой корхоналарига, ёғ-мой махсулотини кейинчалик биржа савдолари оркали реализация килиш хукуки
- Кўшимча махсулотларни махаллий истеъмолчиларга биржа савдолари ёки тўғридан-тўғри сотиш хукуки
- Жамғармадан йиллига 5 фоиздан ортик бўлмаган фоиз ставкаси бўйича пахта хом ашёси сотадиган фермер хўжаликларини молиялаштириш учун маблағлар ажратилиши
- Худудида жойлашган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино хамда иншоотларини 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан бахолаш кийматида сотиб олиш имконияти яратилди

** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сонли қарори*

## *Амалга оширилган ишлар:*



**_Молиялаштириш_**

[illegible]

- ***<u>жамғарма маблағлари</u>* ҳисобидан 820 млрд. сўм;**
- ***<u>ўз маблағлари</u>* ҳисобидан 384 млрд. сўм**



**<u>Сув ресурсларидан</u>**

[illegible]

тозаланди ва таъмирланди.

- **Турли ўлчамдаги** 225 та сув насослари **харид қилинди.**
- **3 163 га ер майдонларида** томчилатиб суғориш кувурлар **орқали суғорилди.**
- **50 та ер майдонида тажриба сифатида** томчилаб суғориш **тизими жорий этилди.**



**Ер ҳолатини**

[illegible]

жойлаштириш режаси **ишлаб чиқилди.**

- **Ер унумдорлигини ошириш**да маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди.
- **Минерал ўғитларга бўлган талаб ўрганилди ва тўғри** комбинациялашган ўғитлар билан озиқлантириш **жорий этилди**
- **80 минг тонна** минерал ўғит сотиб олинди

## *Қишлоқ хўжалиги техникалари паркини яратиш:*

| Техника тури | Сони |
|---|---|
| Экскаватор | 10 |
| Пахта териш машиналари | 14 |
| Комбайн (ғалла ўришга) | 9 |
| Хайдов трактори | 446 |
| Чопиқ трактори | 261 |
| Сеялка | 172 |
| Култиватор | 425 |
| ОВХ (пуркагич) | 278 |
| Лазерный планировщик | 3 |
| Бошқа техникалар | 887 |
| **Жами** | **2 505** |

## *2018 йил пахта ҳосилини етиштириш агротехнологияси бўйича эришилган ютуқлар ва самара берган тадбирлар:*

| Т.р | Тадбирлар | Амалга оширилган ишлар | Самара берган тадбирлар |
|---|---|---|---|
| 1 | Шудгорлашда | Шудгорлаш ишлари янги ва мавжуд техникалар ёрдамида 35-45 см чуқурликда амалга оширилди | Ер хайдашдан олдин юмшатиш (рыхление) ишлари амалга оширилди |
| 2 | Шўр ювишда | Ер ости сизот сувлари пасайган пайтида коллекторлар тозаланди | Декабр-январ ойларида амалга оширилди |
| 3 | Ерларни чигит экишга тайёрлаш | Оптимал муддатларда лазер нивелерларида текислаб, конверт усулида тайёрлаб, 30-35 см чуқурликда чизел қилиниб, замонавий чигит экиш усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди | Ерни тўлиқ текислаб экиш |
| 4 | Яганалашда | Ғўза кўчатларида биринчи ва иккинчи чин барг чиққанда амалга оширилди | Ўз вақтида амалга оширилиши |
| 5 | Ғўза қатор ораларига ишлов беришда | Мавжуд культиваторларининг ишчи органларига эътибор берилган ҳолда культивация ишлари амалга оширилган | Культиваторлардаги ишчи органлар сонига эътибор қаратиш, икки-уч марта культивация ўтказилди |
| 6 | Озиқлантириш | Фосфор, азот ва калий ўғитлари билан озиқлантирилди | Ўғитлашни шона ойигача якунлаш, биринчи озиқлантиришда азотли, фосфорли ва калийли ўғитларга қўшимча аммоний қўшиб озиқлантириш |
| 7 | Суғориш технологияси ва тартибида | Агатлаб суғорилди | Эгилувчан қувурлардан фойдаланилди |
| 8 | Бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари, чопиқ ва ўток ўтказишда | Чопиқ ва ўток ишлари ўтказилди | Суғориш ишларидан сўнг Энтожен моддасини сепиш, гербицидлардан фойдаланиш ва культивация қилиш |
| 9 | Ғўзани чилпиш (чеканка) | Ғўза кўчатларининг ҳосил шохларини сони 14-15 дона бўлганда амалга оширилди | Чилпишни кимёвий усулда препаратлардан Пикс, Дельпикс ва Устинс. Сомеян меъёрда 3-5 кун олдин, суғоришдан 5-7 кун аввал ёки кейин сепилиб ўтказилди |
| 10 | Ғўза зараркунандаларига қарши курашишда | Биолаборатория [illegible] фойдаланилди. Олтинкўз, Трихограмма, Бракон | Ғўза зараркунандалари пахта майдонига кириши чекланди |
| 11 | Дефолиация учун далани танлаш ва тайёрлашда | Пахта ҳосили 70-80% очилганидан кейин дефолиантлар (Дропп ва бошқалар) қўлланилди | Дефолиация ишлари далани танлаш ва тайёрлаш, тупроқ намлиги, ҳаво ҳарорати дефолиантлар муддати ва меъёрларига амал қилинган ҳолда оширилди |

## *2018 йил ҳосилида зарар билан якунланган лойиҳа кўрсаткичлари:*

| № | | Амалга оширилган харажатлар таркиби | млн.сўм ҳисобида | Имтиёзли кредитга нисбатан (%) | Жами харажатлардаги улуши (%) |
|---|---|---|---|---|---|
| I | | Имтиёзли кредит хисобидан | 63 468,6 | 100 | 79,0 |
| | - | Иш ҳаққи | 9 859,1 | 15,5 | |
| | - | Механизация хизмати | 7 237,3 | 11,4 | |
| | - | Лизинг тўлови | 2 153,1 | 3,4 | |
| | - | Ягона ер солиғи | 1 430,8 | 2,3 | |
| | - | КСХБ (Банк) | 187,7 | 0,3 | |
| | - | Фермер Кенгаши | 522,6 | 0,8 | |
